

«Оқ фотиҳа»
Медат КАГАРОВ асари

Ҳурматли журналхонлар!

2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналларига обуна давом этмоқда. Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи ташкилотлар ёки таҳририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831

9 / 2023

SHARQ YULDUZI

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

ISSN 0131 – 1832

Шарқ юлдузи

ADABIY-BADIIY
SH YU
SHARQ YULDUZI
IJTIMOIY-SIYOSIY JURNAL

Sharq yulduzi

9 / 2023



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими
Йўлдош ЭШБЕК
1950 йилда туғилган

Унутилмас лаҳзалар







Йўлдош ЭШБЕК ҳаётидан лавҳалар

Муқова-3

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон
Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид
Масъул котиб – Дилором Муротова
Назм бўлими мудири – Икром Отамурод
Наср бўлими мудири – Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева

9
2023

УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Йўлдош ЭШБЕК



БУ ДУНЁ –
АСЛИДА ЙИҒЛАЁТГАН ҚИЗ

Алданмоқ – кўзёши қилмоқ, йўқ, артмоқ,
Алданмоқ – курашга отланмоқ демак.
Йиғламоқ тиларман, қайнаб йиғлагин,
Тишларингни секин қайраб йиғлагин!
Ўнта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Юзта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Мингта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Паймонанг тўлгунча, тўйгунча йиғла!

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мархабо ҚЎЧҚОРОВА

“ШЕЪР КЕЛЯПТИ ПУШТ-ПУШТ”



Эрам боғи ўзимдирман,
Ҳавзи Кавсар ўзимдирман,
Чашмаи Айюб ўзимдирман,
Кел, эй, сипқор,
Ҳаловат эт... Ҳаловат эт...
Фароғатингга арзимасманму?!.

Бу шеърни ўқирканмиз, Фарида Афрўз шеъриятида мумтоз адабиёт анъаналари ва оҳанглари модернча услубда бадиий талқин этилганини ҳис этамиз. Шеър Шоиранинг Оллоҳга мурожаати, қалбини Ишққа тўлдиришини Оллоҳдан ўтиниб сўраш каби илтижо билан якунланади. Демак, шаклан янги, мазмунан эски ИШҚ мотивини Фарида Афрўз бугунги XXI аср одамига ана шу тарзда тақдим этади. Умуман олганда, шоира шеъриятида Ишқ, муҳаббат, тун, Илҳом, сўз илинжи, имон, эътиқод бутунлиги, тавба-тазарру, ёлғизлик, соғинч, ота-онани йўқотиш қайғуси, умр каби кўплаб мотивлар етакчилик қилади.

САНЪАТШУНОСЛИК

Шерзод НАЗАРОВ

ЭСТЕТИК ТАРБИЯДА ДОИРА
САНЪАТИНИНГ ЎРНИ



Уста Олимнинг маҳоратидан ҳайратланган Буюк Британия қироличаси Мария Ложалон саҳнага чиқади. Уста Олимнинг чилдирмасини қўлига олиб кўради. Бу доира созидан юракни тўлқинлантирувчи садо чиқарган панжаларни “мўъжиза” деб атайди. Ушбу мўъжизакор панжалардан гипсда нусха олиб, Лондон музейига қўйишга фармон беради. Уста Олим ва Тамарахонимга фестивалнинг олий нишони – олтин медални ўз қўллари билан тақиб қўяди.

Илҳом ҒАНИЕВ

НАСР

ДАРВЕШ



Нажотга Россиянинг энг ёққан жиҳати интеллектуал қобилиятни ўстириш учун ҳамма имконият, шароитнинг борлиги, одамларнинг биров билан умуман иши, қизиқиши йўқлиги эди. Майда гап, ғийбат, деди-деди йўқ, балки бордир, у бир йил ичида ўқишга ғарқ бўлиб, ҳозирча сезмади. Шу хаёллар изтиробида у юксаклардан ўз қишлоғи, район, областига назар солди. Ҳамма нарса бор: улуғ шонли ўтмиш, тарихий обида – мўъжизалар, ер, иқлим... ақл-заковат, меҳнаткашлик, қаноат, сабр... Нега тараққиёт суст? Нега одамлар ўзи, келгуси тараққиётини кам ўйлаб, бир-бирини ғажишга, бир бирининг тагига сув қуйишга, бадном қилишга ўч-а?

Марғуба АБДУЛЛАЕВА

ТАДҚИҚОТ

“АЛАНҚУВО” ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ



Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарининг иккинчи бобида турк-мўғул халқларининг афсонавий онаси Аланқуво ва ундан тарқалган авлод, яъни подшоҳлар (Бузунжор қоон, Буқохон, Дутуминхон, Қобулхон, Бойсунғурхон, Бортон баҳодир, Ясугай баҳодир) тарихи баёнини ўз ичига олган. Бу бобда ҳам илм-фан учун муҳим маълумотлар учрайди. Турк-мўғул қавмларининг биргаликда, аралашиб яшаб келгани Турк диёри ва унинг бошқа қавмлари орасида тутган мавқеи ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Муҳиддин МАДАМИНОВ

ҲУЛҚАЙҒИ

РЎЙХАТЛАРДА ЙЎҚ



Орадан уч кун ўтиб яна анчагина совға-салом билан эркак қудани туғилган куни билан табриклагани боришди. Ўн беш кун ўтиб эса, Янги йил эшик қоқиб... Бунга ҳам байрам совғаси юборилиб, ўзлари уйда байрам кутишди. Январь ойи ўртасида эса куёвнинг ҳарбийда ишлайдиган акасининг байрамига совға юборишди. Фасллар келинчаги баҳор кириб келгач, қизи томондан табрикнома билан бирга совғалар рўйхати келди. Ахир 8 март бир йилда бир марта келади-да. Қуда томонда бу байрамга мансуб ўн тўрт жонни ҳисобга олинса, совға ҳам шунга яраша бўлиши керак-да.



Бу дунё – аслида йиғлаётган қиз

Йўлдош ЭШБЕК

Йиғлаётган қиз

Бу оғир боғ ичра оғир қадамлар
Ташлаб кетаётган оғиргина қиз,
Дунё кўзларингдан дунё аламлар
Томчилар, ҳар бири бир улкан юлдуз.
Томчилар кўзингдан норасидалик,
Сўзга айланмаган ёниш томчилар.
Бешафқат дийдорми оғир жудолик,
Йўқотиш томчилар, топиш томчилар.
Йўқ, сени алдаган, биров алдаган,
У сени севгандир, йўқ, йўқ, севмаган.
Кўксингга чиройли ўқлар қадаган,
Бировлар алдаган, биров алдаган.
Томчилар кўксингдан келаётган куз,
Оғулар томчилар, гуллар томчилар.
Яқин хотиралар… идрок фаромуш,
Виждонингни ўйиб урар томчилар.
Виждонсиз номусли ниқобин қўймас,
Виждоннинг ҳар дами руҳий изтироб.
Виждонсиз хатосиз кунлардан тўймас,
Виждон бу хатодан улғайган азоб.
Сени юпатмоққа журъат йўқ менда,
Сен менинг кечмишим, умрим бўлаги.

Йўлдош ЭШБЕК *– 1950 йилда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Соғиниб яшайман”, “Мовий турналар”, “Ҳаёт чечаги”, “Дарахтлар эртаги”, “Мангу масофа”, “Йиғлаётган қиз” каби қатор шеърий китоблари нашр этилган.*

Фақат мен қайғулар тиларман сенга,
Каттакон қувончнинг унсиз ўланин!
Алданмоқ тиларман сенга кўп марта,
Алданмоқ – дунёга назар, англамоқ.
Алданмоқ – кўзёши қилмоқ, йўқ, артмоқ,
Алданмоқ – курашга отланмоқ демак.
Йиғламоқ тиларман, қайнаб йиғлагин,
Тишларингни секин қайраб йиғлагин!
Ўнта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Юзта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Мингта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Паймонанг тўлгунча, тўйгунча йиғла!
Улар лаззатхўрлар, қароқчилардир,
Умрлари узун, соб бўлмас, эсиз!
Бу дунё – аслида алдоқчилардир!
Бу дунё – аслида йиғлаётган қиз!
Мен сенга қўшилиб йиғлай олмасман,
Фақат бош эгаман қайғунгга сўзсиз.
Мен сенга талпиниб, асло толмасман,
Мен сени севаман, йиғлаётган қиз!

Сенинг қўшиғинг

1

Биз бахтиёр бўлгаймиз хўб,
Бизни зафар қучажак!
Тепамизда чарх уришиб
Қалдирғочлар учажак!
Шундай қўшиқ айтган эдинг сен,
Шундай қўшиқ… ҳаётдай азиз.
Ва дунёга қайтган эдим мен,
Дунё менга қайтди ўша кез.
Қўшиғингни булоқлар тинглаб,
Шамолларнинг тили тугилди.
Осмон юзи кўзинг нусхалаб,
Ўпмоқ бўлиб сенга эгилди.
Қалдирғочлар учди тепангда,
Қўшиқ айтиб шўхшан, дилрабо.
Ўн еттида эдинг ўшанда.
Ўн еттига тўлганди дунё.

* * *

Дунёлардан рашк қилдим сени,
Дунёларга ишонмас эдим.

2

Қалдирғочлар келмоқда учиб,
Баҳор қувиб яшарлар доим.
Ушбу дамда сен ёдга тушиб,
Аламларда қоврилар ўйим.
Сен умрингни бўлдинг иккига,
Энди менга икки хил ўйсан.
Тўлиб кетса дардпар кўксимга,
Ёлғизликнинг ҳукмидан тўйсам.
Мададга зор одамдай гоҳо,
Атрофга жавдирар нигоҳим.
Кўзларимда интиқ илтижо,
Кўзларимда тизилар оҳим.
Шунда излаб қоламан зор-зор,
Ўн етти ёш кўҳлигим қайда?
Ва қайтмоқ бўламан интизор
Ўн етти ёш дунёга қайта.
Мени чорлар илк умринг маъсум,
Мени чорлар ул покиза ишқ.
Қайғуларга чек қўйиб, бир зум –
Руҳимда тирилар ул қўшиқ:
“Биз бахтиёр бўлгаймиз хўб,
Бизни зафар қучажак!
Бошимизда чарх уришиб,
Қалдирғочлар учажак!”

* * *

Сен кетиб борасан дарахтлар аро,
Кичрайиб борасан, тораяди йўл.
Сенга оқ кўринган бу йўллар қаро,
Енгил тин оласан кенгаяр ўнг-сўл.
Шамолда сочларинг пастлар-баландлар,
Шамолда сочларинг – қушнинг қаноти.
Сен учиб борасан – пастлар баландлар,
Баландлар пастлайди, эркин ҳаётинг!
Ўзимга лаънатлар ўқийман бот-бот,
Мен сенга ҳаваслар қилурман, эркам.
Сенга қуролмадим гўзал бир ҳаёт,
Ўзимга зиндонлар қаздим… жуда кам!
Елкангни шамоллар силкитар нега,
Нега кўйлагингни ўйнар бешафқат?!
Шамолда михланиб қарайман сенга,
Шамолда қўлларинг силкинмас фақат.

Момо

Урчуқ айланади, липиллайди шам,
ўқтин-ўқтин ҳуриб қўяр ёлғиз ит.
Алмашиниб турар қувонч билан ғам,
кўз олдига келар бешик ва тобут.
Ҳар қалай ёлғизлик, ҳар қалай саҳро,
ёмғир эзиб ёғар, тун, деворлар нам,
нени олиб келар умид бир дарё,
урчуқ айланади, липиллайди шам.

Балиқ

Тескари дунёнинг ўйинига боқ,
бепоён жанггоҳда сузар эдим тоқ,
қанча йиртқичлардан қолдиму омон,
ўз қавмим бўғзида бўляпман ҳалок!

Тоғларга

Гоҳо хуруж қилганида ғам,
юрак тўлиб кетса оҳларга,
дўстлар билан бўлишиб ҳамдам,
тоғларга кетамиз, тоғларга.
Севги деган сўздан ёнди қалб,
сайр этамиз бахтли чоғларга,
жами дардни қилмоқ бўлиб даъф,
тоғларга кетамиз, тоғларга.
Дўст сўзидан куйиб кетди уй,
ўтиб мунгли, мунгли боғларга,
пешонада қотиб қолган куй –
тоғларга кетамиз, тоғларга
Тўйиб роса ҳамтовоқлардан,
қўл тортамиз бадқовоқлардан,
тошлари ҳам кўп юмшоқларга –
тоғларга кетамиз, тоғларга!
Ёш бўлсак ҳам, қари бўлсак ҳам,
биз кетамиз хуш баҳорларга!
дўланалар чопиб юрганда,
тоғларга кетамиз, тоғларга!

Дарахтларнинг...

Дарахтларнинг кўзёши –
барг тўкилар дувуллаб,
ҳазин кечнинг қуёши,
боғлар қолди ҳувуллаб.
Сергаклик бор фалакдай,
айни замон кўп маъюс,
иштончан бир болакай
отасини кутар… Куз.

Қушчам

Билолмайман недир бу ҳаёт,
борманми бу ерда мен ўзим,
қайтариб қўяр гоҳ бир ҳаё,
юмилгиси келар гоҳ кўзим.
Яшаймиз бир осмон остида,
ҳар қачон гўзалдир бу осмон,
ёдимдасан. Гарчи хотира
гўзал эрмаса-да бепоён.
Унутмасман, сени эй қушчам,
ёдим осмонида нуқтасан –
учмассан, эҳ қанча кўп учсанг,
сен тўхтаб қолмассан, тўхтасанг.

Осмонда…

Осмонда ойлар тўлар,
сойлар шарқирар ерда,
гул ёнида булбуллар,
сен қайдасан, бокирам.
Ҳар ёнда кезар баҳор,
гулга тўлмиш ҳар томон,
ғамсиз жой қай ерда бор,
ғамга тўла ер-осмон.
Осмон бўлмагин, майли туш,
ер бўлмай мен ҳам доим,
висол бўйи эсар хуш,
уфқдан хушбўй, майин!

Ҳар ким ҳаётини яшасин

Икки ҳикоя



Шаҳодат УЛУҒ

Азизам Эмили, душанбада тағин сиздан мактуб олдим. Идорангиз таъмирдан чиққани қандай соз иш бўлипти-я! Таъмирталаб, бунинг устига каталакдек хонада уч ходим тиқилиб қолганингиздан хабарим бор. Булар таъбингизни кўп хира қилаётганди, ахир. Сизга эса алоҳида хона ажратишибди. Рости, суюндим. Шошиб турган бўлсам-да, мактубни қайта ўқиб чиқдим. Англадимки, эрта-индин онангиз Австриядан келаётганмиш. Қувончдан туриб кетдим. Қандай бахт, кўнглим ёришди. Ахир она болани, бола эса онани соғинмай, шунчаки яшай олармикан? Ўзингизни қўярга жой тополмай, севинчдан тойиб кетгудай бўлиб юргандирсиз…

Ўтган гал келганларида онангиз билан гаплашгандим: ипакдай майин, бироқ метиндек мустаҳкам иродали ва заковатли аёл эканини сезгандим. Ўшандан бери ўйлайман, қандай қилиб саксондан ошган аёл назокатини бу қадарли тугал-тўкис кўрий олган бўлса? Бунинг уддасидан қандоқ чиқдилар экан, ажабо?

Ўшанда мусиқа таралиб турганди, онангиз мени рақсга таклиф қилиб қолдилар, денг. Мен ҳам бўйин товламадим. Икков обдон рақс тушдик. Умрлари узоқ бўлсин. Ўйланиб қолдим, ахир шанбада бизникига келмоқчи эдингиз. Мириқиб гурунглашамиз дегандим, аттанг. Шанба куни бўлмаскан, унда чоршанбага келишнинг ҳеч иложи йўқми, қоқиндиқ? Шу ҳақда бир ўйлаб кўринг. Гаплар тўпланиб қолган. Афсус уларнинг барини мактубга жойлай олмайман-да. Шуниси бор. Кўп ажойиб онангиз бор-да. Ростимни айтар бўлсам, қаеридир марҳума қиролича Элизабетага жуда ўхшаб кетади. Туришларини айтмайсизми? Қуёшдай порлаб турган ойдин чеҳрасида мастуралик бор. Ўшанда суҳбат чоғи Австрияда кечган болалигингиз, шўхликларингиз ҳақида тўлиб-тошиб айтиб берганлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради. Биз фарзандларимизга онамиз, аммо онамизга ҳамон боламиз.

Мен шўрлик ўйлабманки, катта бўлсам, ота-онам иззатига айвон қурдиртириб, мудом ёнгиналарида бўламан, дея. Ким ўйлабди дейсиз, улғайгач, бошқа бир, мудом рўзғор ташвишларига тўлиб-тошган ҳаёт сени қарши олишин. Нимасини айтай, ҳар бир оилада пўлат ғилдиракни ғизиллатувчи шўх Ғанилари бор, ахир. Уларни парвариш қилишинг керак, парвариш!

Шаҳодат УЛУҒ *– 1970 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. "Қайта туғилиш", "Ғаниматим", "Жайҳун эпкинлари", "Сен йиғлама фақат", "Халоскор султон Қутуз" асарлари нашр этилган.*

Амерсфоортда истиқомат қилган кезларимиз рафиқим ёзишга киришган чоғлари мен чуғурлаган болаларимизни ташқарига олиб чиқардим. Шамшодбек каттакон бола бўлиб қолганмасми, мудом спорт билан машғул эди. Мен эса ёзишга киришган чоғлар рафиқим Нурхон билан Абдулқаюмжонни олиб, тез-тез ўрмон айлантиргани олиб чиқардилар. Бир кун уларни кузатиб, ёзув столим олдига қайтарканман, бирдан жажжи қизалоқлигим эсимга тушса денг. Болалик чоғимизда отам раҳматли синглим иккимизга музқаймоқ едиртириб, сўнгра паркни айлантирардилар. Кейин эса қўрғонга олиб чиқардилар. Мен сизга Нуротадаги қўрғон ҳақида айтиб берган эдим, агар эсласангиз. Ўша пайтлар бола эканман, эътибор қилмас, аҳамият бермас эканман. Мана ҳозир ҳам бирдан хотираларим жонланиб қолди. Нима деяётгандим? Ҳа, ҳа, мана эсладим. Шундай қилиб қўрғондан пастга тушиб, маҳалла ораладик. Эртасига отам Самарқандга кетдилар. Бизга эса саватча тўла хурмо билан қўғирчоқ олиб қайтдилар. Чиндан бари бошқача эди. Ўтмишда мунавварлик бор эди. Ўша қўғирчоқ ҳақида гапирмоқчиман. Биз иккита, аммо қўғирчоқ битта эди. Мен ўйнаган чоғим синглим хархаша қиларди, менга тезроқ берсин, деб. Шу тушмагур қўғирчоққа иккимиз ҳам бўлакча меҳр қўйдик, денг. Бир куни мактабдан қайтсам, синглим йиғлаб ўтирипти. “Қўғирчоқ қани”, сўрадим ундан, “Билмайман”, ғулдиради синглим саросимага тушиб. Аттанг, қўғирчоқни йўқотиб қўйипти. Юрагим палон-парча бўлиб, гузар оралаб, чор тарафни излаб чиқдим, қани топила қолса. Йўқ! Кимнинг қўғирчоғимга меҳри тушган бўлса? Ким олиб қочди экан? Йўқ, қўғирчоқ топилмади. Аммо синглим иккимиз уни ҳеч унута олмадик, унута олмадик. Сиз ҳам менга болалик хотираларингиз ҳақида тўлиб-тошиб ёзибсиз. Мен ҳам сизга қўшилиб тошдим. Бундан чиқди, сизда ҳам, менда ҳам ана шундай ҳоллар кечаётган экан-да. Хотиралар мудом уйғоқдир.

Айтганча, орада Ёланда де Грааф ҳақида ҳам ёзибсиз. Чини билан яхши иш бўлмапти. Нимасини айтай, мен ҳам сиз каби унинг феъли ўнгланиб қолар, деган ўйда эдим. Кўнгил қурсин. Шу денг, кўп ажойиб танишингиз борда. Баъзан уйингизга борганим кезлар, дабдурустдан бостириб кирарди, шу лаҳзада, ишончим комилки, уни ҳайдаб солгингиз келарди. “Бир бошқача экан бу”, деган ўй кечарди менда. Билиб турардим, унинг валанг-саланг юришлари ғашингизни келтирарди. Бир куни Схалквайкда эдим, шу пайт ярқироқ кўйлак кийган бир жувон ёнгинамдан ўтиб қолса, денг. Ёланданинг мудом ярқ этиб кўзга ташланадиган “ёрқин” кийимлар кийиб, шалдар-шулдур тақинчоқлар тақиб юришини биламан. “Ўшамасмикан-а”, мундоқ разм солиб қарасам, чиндан Ёланда экан. Мени кўриб, кўрмаганга олди. Мен ҳам индамай қўя қолдим. Тўр халтасида уч-тўрт дона анор, жавҳарлиму ва киви кўриниб турарди. Бир маҳал кўппак етаклаб олган қизчаси кета-кета қоқилиб тушса бўладими. Учиб бориб уни турғизгандим, шундагина мен билан сўрашди. Кўппакча эса вовуллаб қулоғимизни қоматга келтирди.

Тағинам энг тўғрисини сиз биласиз, устакор ва ҳийлагарларга яқин бўлиб, бир гуноҳ орттирманг. Узоқроқ юринг ёки иссиғида индамай тарк этинг, виждонингиз олдида хотиржам юрасиз. Ҳаловат ичида яшайсиз. Аслида ҳаловатлар ичида энг нодири бу виждон ва иймон ҳаловатидир. Ёланданинг пичинг-тирсиқ гаплари ҳақида ҳам ёзибсиз. Қўйиб беринг, бир-икки шундай қилсин. Ҳатто тош отсин, ахир унга қўшилиб сиз ҳам тош отмайсиз-ку. Ўзини ўзига ташланг. Маълум муддат давом этар, бўлмаса бошининг балоси.

Вақт ўтгани сари хотиржам бўла бошлаганингиз – бу сизнинг том маънода улғая бораётганингизни кўрсатади. Кимнинг нияти яхши бўлса, умр дафтари ҳам яхши битикларга тўлади.

Тилинг билан ҳам, қўлинг билан ҳам ёмонлик қилма! Зеро, шундай қилган кимса икки дунёда ҳам завол топмайди....

Қадрдоним Эмили, кулиб туринг, қалбингиз ёришади.

Сизга тош отганга, асло тош отманг. Ҳар ким ҳаётини яшасин. Ҳаё қилганингиз бу сизнинг хулқингиз хуш эканидан далолатдир. Юзингиз ёруғ, йўлингиз равонлиги ҳаётда барибир адолат тарозиси бор эканини кўрсатиб туради. Чунки... Чункининг чункиси бордир! Ҳеч вақо зое кетмайди, охир. Эсингиздадир, Ҳаарлем қаҳвахонасидаги воқеа, рости бугун жуда асқатди. Бир асарга яхшигина мавзу бўлди. Ҳикояни тугатишим ҳамоно, албатта сизга юбораман.

Кўришгунча, азизам.

БУЮК ЁЛҒИЗЛИК

У айқирган асов тўлқинларни яхши кўрарди. Гарчи шундай бўлса-да, эртага барибир денгизни кўзи қийиб, Ҳолланд юртини ташлаб кетади…

Схипҳол аэропортида уни Берлинга кузатиб қўйдим.

Қўлин силтаб, бошин олиб кетди у.

Орадан пича вақт ўтиб, ундан қисқагина ёзилган бир мактуб олдим. Хатда Кейт Кайзер юртига омон-эсон етиб боргани тўғрисида ёзганди. Икки ой ўтиб, ундан тағин бир хат олдим. Унинг бу қувончли хабари мени сергак торттирди.

Ёниқ ҳаётини ҳар нарсадан устун қўйиб, иззат-нафсини авайлаб парвариш этган Кейт шу кунларда Мюнхенда умргузаронлик қиларкан, юрак қасрини бузиб, бир куй басталагани ҳақида ёниб ёзганди. Мактубга илова шаклида куни кеча басталаган “БУЮК ЁЛҒИЗЛИК” номли мусиқий фусунни қўшиб жўнатаркан, мени Мюнхенга етиб келишимни ҳам сўраб қолганди…

Мен эса инсон тафаккури ҳамда қалбининг илоҳий қудратига таҳсинлар ўқиб, у яратган мусиқий фусун ичида саросар кезинаман.

Келинг, мен сизга бир ҳикояни сўзлаб берай. Шунда, менда не ҳоллар кечаётганини англарсиз, балки.

Бу вайронкор шамол бошга бало бўлди. Ундан куч олган булутлар бежо кезинавериб, ваҳм қўзғай бошлади. Денгизчи-баҳрийларнинг айтишича, шамол довул чақирмоқда эди. Бандаргоҳдаги йўловчиларни ваҳм босиб, шамолнинг шашти пасайишини кутишдан бошқа чора тополмай, мум тишлаб қолишди.

Бизнинг гузар Бандаргоҳнинг биқинида жойлашган. Мен уйга қайтаётгандим. Қарасам, шундоқ рўпарамда Кейт кўринди. У оқиш-гунафша рангли куртка кийиб олган қазалоқни етаклаб келаётганди. Гулғунча қиз эса қўлидаги қопчиғини қисиб-қимтиб Кейтга пилдираб, эргашади. Ҳойнаҳой, қизалоқ бирор танишиники бўлса керак, чунки Кейт фарзандсиз эди-да.

– Вой, сенмисан? – Кейтнинг қуюқ қошлари ёйдек эгилиб, бирдан манглайи томон кўтарилди.

– Менман, – дедим.

– Кўпдан кўринмайсан?

– Ҳа, энди юрибман-да. Ўзинг саломатмисан?

– Тузукман, тузукман.

– Ҳа…

– Эртага Дўйчландга шайланиб турибман.

Бирдан кўнглим ғаш тортиб сўрадим.

– Дўйчландга? Нега?! – Кейтнинг юзи тундлашди.

Бир нима дегиси бор, лекин менга қандай англатишни билмаётир.

– Нима бўлди, гапирсанг-чи? – хавотирим ошиб сўрадим.

– Онам оғриб қолган, бормасам бўлмайди.

Унинг саксон етти яшар онаси Мюнхенда яшайди. Кейтнинг касби бастакор, миллати олмон, у Ҳирард исмли ҳолланд зобитига турмушга чиққанди.

– Ҳа, ҳа, умр келсин, умр келсин! Ўзи шундай экан, қариялар оғриб туришаркан, – дейман унга далда бўлиб. Ахир ўзимнинг ҳам тўқсон ёшдан ошган онам Ўзбекистонда қолган. Муштипаримнинг тез-тез оғриб туришини кўз олдимга келтирарканман, бирдан ҳушим учиб, ақлим шошади. “Ишқилиб манглайимизга оналаримиз омон бўлсинлар!” У бирдан лов этиб ёниб кетди-ю, икки ёноғи қип-қизил алвон тусини олди. Кейт оилада ёлғиз фарзанд, отаси икки йил бурун қазо қилганди. У уч ойда бир Мюнхенга онасини кўргани бориб туради. Кейинги пайтлар унинг ҳаёти ғуссали кечди, мана, икки йилдирки, хўжайини ошқозон саратони хасталиги билан олишиб келади. Унинг забун ҳолини кўриб, кўнглим бузилди. Лекин буни ўзига сира билдирмадим. Мен у билан тез-тез кўришиб тураман. Кейт заколи, вазмин ва жуда камгап аёл эди, бироқ беқиёс бир илтифот билан мудом баодоб суҳбат қурарди. Биз пича гаплашиб турдик-да, сўнг хайрлашдик.

Хавотирим ошиб, ортидан қараб қоламан. Тунда чақмоқ чақиб, оташқалдироқдан сўнг ёмғир шаррос қуйиб, борлиқни савалаб чиққанди. Намлик тарқамаган, денгиз шамоли муздек ҳовурни юзимга урган чоғ вақтнинг шамолида тўзғиб кетаман.

* * *

Мен униб-ўсган Бўдиқ гузарида бир кампир яшаб ўтган. Гузардагилар уни “қовурмочфуруш” аташса-да, Имқол момо қовурмоч сотмасди, балки вақти-вақти билан қатлама пишириб, сўнг қовурмоч қовуриб, маҳалладаги болаларга улашар эди. Ўша кампир бизга қўшни эди. Бир кун мактабдан қайтаётсам, у мени имлаб чақирди. Қулоқ оссам, шўрлик чангакка илинган сузма халтани ололмай турган экан. Шотини қўйиб, сузмани олиб бердим. Момо дуои жонимни қилиб, қайноқ буғ кўтарилиб турган қатламани қўлимга тутди. Мен олмадим. Шу денг, биров қўлимга егулик тутса, еб кетавермайман. Ундан ташқари момога раҳмим келарди. Шўрлик қари ҳоли билан сурпа очиб, хамир қориган. Тахта-ўқлоқда билмам, қанча уриниб зувалаларни ёйган. Ўчоққа қозон осиб, ўт қалаган, сўнг қатламани пиширган. Шу ҳол кўз олдимдан сира кетмай қолди. Чолининг вафотидан сўнг икки қизини ҳам турмушга чиқарганди. Қизлари онасининг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришса-да, барибир барча рўзғор иши момонинг ўз зиммасида эди. Қартайган жуссаси худди ердан чалпак егандай, бирдан кўзимга айбаки ва жуда муштипар кўриниб кетди. Мен Имқол момомни яхши кўрардим, ҳамда жуда-жуда… Ундан сира кўнгил узолмасдим. Кейинчалик мен четда яшарканман, аллақачонлар оламдан ўтиб кетган шу мастура аёлни сира унута олмадим. Унутолмадим. Хуллас, қатламани олмай жўнаётсам, оёғим тагида хазонлар шитири қулоғимга етиб келди. Қарасам, дарахтлар бир йўла барғини тўккан, ер хазонга ғарқ эди. Чопқиллаб сумкамни уйга қўйиб, апил-тапил овқатланиб олдим-да,

қайтиб момонинг уйига чиқдим. Хазонларни бирпасда супириб, каноп халталарга жойлаб қўйдим. Очиқ айвонда турган говмушга сув тутдим. Ошхонага мўраласам, момо алмисоқдан қолган чироқнинг пилигини пуф-пуфлаб тозалаётган экан. Шундан сўнг қўш пирмизининг ҳам пиликларини янгилаб қўйди. Бир пайт момо уйига кириб, бир открытка олиб чиққач, менга қараб, "…ай, Шаҳло қизим, мани саводим йўқ, шуни санга бера қолай, балам. Бу – маним санга ҳадям бўлсин! Охир, сани ҳикоя ёзади, деб эшитганман. Бунга бир нималар ёзгин-а", дея открыткани менинг қўлимга тутди. Қувончим ичимга сиғмай, открыткани кўксимга босганча ҳовлиқиб, уйимизга кирдим. Ахир, Имқол момом менга эвазсиз, бироқ ҳадсиз қувонч ҳадя қилганди-да!

Открыткада тўп-тўп бўлиб, энди очилаётган кўм-кўк гул ғунчаларга оч мовий рангли капалак қўниб тургани тасвирланганди. Кўзёшим потраб чиқди, нафасим бирдан бўғзимга тиқилиб қолса бўладими, негалигини билмайман, ютуниб, ҳўнграб йиғлаб юбордим. Мен Имқол момони яхши кўрардим. Ундан сира кўнгил узолмасдим. Момо ҳам менга бўлакча меҳр қўйганди. Митти жуссам, нур каби тенги йўқ бахт-саодатга кўмилиб туравердим, туравердим...

Бир пайт қайроқ тош ётқизилган йўлакда бир нима йилтиллай бошлади… Тикилиб қарасам, биллур шудринг титраняпти… Ва бу титроқ шабнам Имқол момомнинг киприкларидаги ёшга жуда ўхшарди.

Бирдан шиша жарангги қулоғимга етиб келди-ю ва мен томчи томаётган шаффоф шабнамни қоралай бошладим.

* * *

Тақдирнинг тақозоси билан Нидерландияда яшай бошладик. Мана, Имқол момом менга ҳадя этган ўша открытка ҳозир ҳам хотира дафтаримнинг қатида турипти.

Шанба куни уйимизга Кейт келди. У тўп-тўп бўлиб, энди очилаётган кўм-кўк гул ғунча-ю, митти капалакли кўк кўйлак кийиб олганди. Кўзим бирдан ёниб кетди. Унинг кўйлагидаги тўп-тўп гуллар ва кўк рангли капалаклар Имқол момом менга ҳадя этган открыткадаги манзарага жуда ўхшаб кетарди…

Мен унинг ғамгин чеҳрасига боқдим. У жудаям кўҳлик, бироқ ғусса комига ботиб қолганга ўхшарди. Кўзлари чўкиб кетибди.

Чеҳраси жуда сўлғин.

Бу ҳол менда бир кечинма қўзғади. Вайронкор кечинма…

Ҳа, бир бошқача ҳолат эди бу. Ҳамда жуда-жуда бўлакча эди…

Уч ой бурун унинг онаси вафот этганди. Кейт тинмай онаси ҳақида ёниб гапирди. У уйига кетгач, мен ҳам анчагача ўзимга келолмай, қийналиб юрдим. Кўп ўтмай, эй воҳ, у эридан айрилди. Аттанг, унинг рафиқи ошқозон саратонига даво тополмай, бевақт оламдан ўтди. Кейт сўппайиб қолди. Уни Ҳирарднинг қариндошлари сира чиқиштирмади, чунки орада мулк масаласи ҳам бор эди-да. У ҳеч вақо талашмади, Хирарддан қолган мулкни қолдириб, бошин олиб ўз юртига вақтнинг шамолида тўзғиб кетди.

* * *

Амстердамдан уйга поезда қайтаётгандим. Чекувчилар учун мўлжалланган купеда бир одам шериги билан чекиб турган экан, ўша кўзимга иссиқ кўринди. У

Кейтнинг марҳум эри Ҳирардга жуда ўхшарди. Лол ҳамда беҳол турдим! Ҳирард ўлмагандир, эҳтимол! Ахир шундай бўлади-ку: кимдир, кимнидир мудом эсга солиб туради.

Денгиз ҳам уҳ торгандек бўлди. Маҳзун тортиб уйга қайтдим. Бироз дам олиб электрон почтамни очгандим, Кейт Кайзердан мактуб келганига кўзим тушди. У Дўйчландда умргузаронлик қиларкан, мени Мюнхенга таклиф этганди. Аслида у юрак қасрини бузиб, бир куй басталагани ҳақида ёниб ёзганди. Мактубга илова қилиб, ўзи басталаган мусиқани ҳам қўшиб жўнатганди. Мен мусиқий фусун ичида саросар кезинарканман, аввалига жигар-бағрим вайрон бўлиб, қанча турганимни сезмай қолдим. Аста-аста деразамдан мўралаётган офтоб оқиб ичкарига кирди ва мен ташқарига чиқдим. Қорачиғим йилтиллай бошлади. Куй ичида нимадир бор эди ва у олмосга жуда ўхшарди, боқсанг аксинг кўринар эди унда.

Коинот жимжит ва замин кимсасиз эди.

Бу кимсасизлик мени эзиб юборди!

Ва шунда жигаримнинг қаҳваси чакиллай бошлади...

Ва бирдан ўртаниб кетдим.

Қайроқтош ётқизилган йўлакда бир нима йилтиллай бошлади… Тикилиб қарасам, биллур шурдинг титранаётган экан. Ва бу титроқ шабнам Имқол момо ва Кейтнинг киприкларидаги ёшга ўхшаб кетарди.

Куй тобора авж пардаларида янграй бошлади.

…Одамлар, улар бунча гавжумлар! Ва айни пайтда улар, жуда ёлғизлар! Барчаси руҳан ёлғизлар!

Мусиқада ўша БУЮК ЁЛҒИЗЛИК мадҳ этилганди. Куй оҳиста-аста ҳамда шикаста тарала бошлади… Ва, тағин, мен буни айтмасам бўлмайди, чунки, бу жонимни ёмон ўртайди.

…Одамлар гавжумлар! Ва айни пайтда улар, жуда ёлғизлар! Руҳан ёлғиз уларнинг бари! Мана шу инсоний ғуссани Кейт Кайзер куй ичра сўнгги дарожотга кўтариб, авж пардаларида намойиш қила билганди. У бунинг уддасидан чиққанди.

Мен хаста кимсадай йўлакда судралиб қолдим.

Қарғалар қағиллаб дув кўтарилдилар.

Ва мен ўзимни ўнглаб олдим.

Ғарбдан ҳаёт шарпаси – оқчорлоқлар қайнаб-тошиб, тепамдан учиб ўтаётган маҳал, куй яна-да авж пардаларида юксакларга кўтарила-кўтарила, самони қучиб кетди.

Ёлғизлик, мен сени севаман чоғи



Абдунаби
БОЙҚЎЗИЕВ

* * *

Сен гулсан,
Мен – гил,
Сен фақат менда ун,
Менда кўкаргил!
Йўқсами,
Ўз гилимда ўзим кўкаргум!...

Сен,
Куйсан,
Сен фақат,
Менда куйлангил.
Йўқса, куйларингда
Куйгиндилангум, куйгиндилангум!

Ай, гул!
Қирмиз яноқ,
Сарв сиёқлим!...
Куйдимм! Бағрим қон –
Қирмиз ўйимсан!..
Ҳамонки, ўй бўлсанг, менда ўй...лангил,
Менинг ўйларимдагина бўйлангил,
Менинг ўйларимдагина бўйлан, Гул!

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ *– 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Санкт-Петербург сиёсатшунослик мактабида таҳсил олган. Ижодкорнинг "Ғуборингни ёзгайман", "Сени излаб келдим", "Ўзбекнаво юлдузлари...", "Жудолиғ дашти", "Кўзлари дарёйим","Дилхирож туйғулар", "Беш наво", "Беш сўмлик кеккайиш", "Чўли ироғим", "Тешикмозор ҳангомалари", "Ай, акам дарё экан..." номли шеърий, насрий, ҳажвий-юмористик ҳамда публицистик китоблари чоп этилган.*

* * *

Гуппи пахталигим
елкага илиб
кўча кезаман,
онграйиб кузатар,
кўчалиги ечиб олинган
яғрини мох
юпун дарахтлар.

Хиёбон хафақон...
ҳолсиз,
ўйга толган оғоч курсилар...
тафаккурга чўмган шоён Сукунат.

Гўё
мен...
адоқсиз кўчаман,
сукутга чўмиб,
сукунат оралаб унсиз кечаман!

Ким бу
сукунатни кўзимга тутган,
қанийди, ўтмиш ҳам сукутга дўнса,
ўнмишда ҳам дўнсанг сукутга!...

Дўнмайсан, дўнолмайсан!

* * *

Биласанми,
Тунов кун
Хув анов уйнинг
Ёнидан ўтдим.

Ҳа,
Ўша,
Иккимиз илк бор
Дийдорлашган уй.

Ўша уй... эслади...
Иккимизни ҳам!

Кейин иккимиз
Дилдорлашган дамлар
Бир-бир ёдга тушди, тушди-ей!...

Бир йўлим тушганди ўша уй томон,
Бир хўрсиниб боқди даричалари...

* * *

Деразамни
Бир қаҳр очди
Ва ҳовлиқиб кирди
Хонамга шамол!
Бақа бўлиб қолди
Дами ичга тушган сукунат.
Бор будимни
Ҳар томон ота,
Бир бетартиб тартиб ўрнатиб
Чиқди-кетди, ярамас...
Шамол!

Кейин хонам... ғамларга ботди.
Бошми оёқ бўлди кейин, ҳаётим!

* * *

Ва, алҳол айрилдик,
Азиз дўст, мана,
Орамиз жудолиқ – қум – чўли ироқ!
Тавба тазаррудан энди мани йўқ,
Ўчди соғинч тунин ёритган чироқ.

Йиқилди
Меҳрнинг миноралари,
Энтиккан хотирлар зулматга дўнди.
Биронта сўқмоқ йўқ дийдорга сари,
Йўл солсангу элтса. Элтмайдида-е!

Элтмайдида-еҳ, элтмайдида, эҳҳ!...

БЕМОР ОНА ҚОШИДА

Дўстим Абдурауфнинг илтижолари

Онажон,
Сиз борсиз, ғам-ташвишим йўқ,
Сиз билан мунаввар уйим, Онажон!
Сизсиз, дарвозамнинг ранглари совуқ,
Сизсиз, йўлакларим мунглиғ, заъфарон.

Сизсиз, ис-ифордан айро манов гул,
Манов райҳонларнинг бўйлари бўйсиз.
Кўзларингиз ҳар тонг ўпиб турмаса,
Гуллар гуркираган бу ҳовлилар – чўл.

Анови қалдирғоч
Сизни деб келди,
Тонгги насиймлар ҳам Сизни излайди.
Манов йўқлаб келган дўстларимниям
Сизнинг дуоларсиз кўнгли ўсмайди.

Сизсиз,
Қишлоғимнинг фариштаси йўқ,
Эккан-тикканимдан йитар барокат.
Сиз ўтирган уйнинг... тунлари ёруғ!
Ойлари – меҳрдир! Йиллари – сабот!

Сиз борсиз,
Уйимнинг томлари баланд,
Қай кентлардан боқмай боқар чарақлаб.
Пойтахтларга элтар манов кўчам ҳам,
Сизсиз чўкиб қолар, қолар ҳувиллаб!

Кўчамга қовоғинг ўйма Худойим!
Кўчамни бўзлатиб қўйма, Худойим!

* * *

Ёлғизлик,
Сен мени мудом йўқлайсан,
Бунчаям меҳрли, манов кўзларинг!
Тийрак қароғингда тугалай зоҳир,
Бари изтиробим, бари бўзларим.

Бугун...
Мен боряпман,
Нечун бормайин?!
Ҳар кеч сен келасан кулбамга сори!
Жоннисор тикилсанг рангу рўйимга,
Томир томиримдан тўрар ғуборим...

Бирам, дилкашсан-ей,
Кафтингда раъйим,
Ҳатто туққанимдан қизғандим онни.
Бир кўнгли вайронга дили вайронни
Бежиз дучор этмас, чечан Худойим!...

Рост айтсам,
Ўзим ҳам мойилман чоғи,
Сен келсанг ичимдан кулфатлар арир.
Келмасанг, қучоғим – армон ўчоғи,
Ҳай, келсанг дилимдан алам сирғалур,
Кўриндинг дегунча ғамларим қарир.

Ёлғизлик, мен сени севаман чоғи!...

* * *

Тун.
Толикди,
Кетди...
Нур балқди Парикент киприкларига.

Ҳайрият, бу тонг ҳам тоғ ошиб ўтди.
Яна омон чиқдик зулмат қаъридан.

Бир лаъл шафақ юзди Шарқим юзидан,
Субҳнинг чеҳрасида ғубор қолмади.
Бешакки, ўтган шу туннинг ўзидан,
Неча лак ғофил зот ҳатлай олмади!

Билдимки,
Бу ҳаёт, катта кўпкари,
Ҳар банда бир кирар, умр отида!
Ким қониб, ким қонмай туннинг тотига,
Алҳол... кузатаркан... тонгни кун сари.

Улоқни олди ким,
Ололмади ким,
Ҳа, ёҳу, деганда битди кўпкари...
Неча минг суворий урҳоси балким,
Ҳаволарда қолди... азмиятланиб!...

Ва, мен ҳам
От солдим, ба ҳоли қудрат,
Чиқдимми, бирон сўз босиб тақимга?
Элим, чавандозим, дерми, оқибат,
Дуо қилармикин юпун ҳақимга?!

* * *

Масжидул Ақсода намоз ўқир қуш,
Ризвон тилагида балки қўяр бош.
Японнинг роботи қуръон ўқирмуш,
Шиша кўзларидан милдиратиб ёш!

* * *

О, Тангрим,
Бир қўшиқ бер,
Бўлсин у ўзингга йўл.
Ашъорий ул сатрлар
Қатида Ўзинг ҳам бўл.

Ўзингдан айро сўзни
Солма ё Раб тилимга.
Ризога элтар йўлни
Нишаб айла тилимга.

Ўтаётган ҳар куним
Жума қил – Одина қил.
Кўнглимнинг ҳар буржини
Макка қил, Мадина қил?!



Акмал ИКРОМ

Қайтгим келмаётир кечаги кунга

* * *

Соялар тебранар
Чуғирлар дераза ортида дунё
Чой ифорига семирар одам.

Миялар қайнайди
Фикр қоқилар
Иссиқ қўйнида терлайди ҳислар.

Жоним яйрайди
Бир кулиб боқсанг
Кўзёшга чўмилар киприклар.

Куннинг шамшири
Тилади танни
Ҳувуллаб қолади кўчалар.

* * *

Ҳар куни йўқлайсан
Ҳар куни кириб келасан миямга
Ғам.

Ҳар куни каттаради тугун
Жонимга ҳужум қиласан
Ғам.

Акмал ИКРОМ *– 1977 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Адабиёт курсини тамомлаган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.*

Ҳислар бўлар бегона
Туйғулар ҳам ишғолдир
Ғам.

Нечун сен менга кераксан
Қачондир сенсиз қолмоғим
Ғам.

Душманимсан ёки дўстим
Балосан ё имтиҳонсан
Ғам.

* * *

Ҳар турфа фикрлар ёғса бемаврид
Янглиш йўл устида қайғуни ичсанг
Сесканиб уйғонсанг – ўнгинг туш эмас

Ҳар томон эрксизлик, ҳар кимсада дард
Ёлғон либос кийган шарпалар лоҳас
Умидсиз кунларнинг оғриқсиз туни

Ҳар шакл кўзингга бало келтирар
Бир дамки ишончсиз яшаб бўлмағай
Ичингда йиққанинг энг хавфли вулқон

Ҳар нафрат томир отса бир дарахт каби
Қочишга шай турса олғир муттаҳам
Элим деб юртин сотса нонкўрлар

Ҳар замон ўзингга ваъдалар бериб
Ўзингни энг айбдор санасанг
Зарра каби йўқсан оломон ичра

* * *

Ой суратин чексам қоғозга
Боқиб кунчиқар
Оқариб юзи
Қизариб жилмаяр кун.

Саҳар азонга жўр бўлар
Қушлар
Тун чодрин олар
Масжид томон излар.

Оқ тонг тўрин отар
Уйғонар
Пинакдаги шаҳар
Ризқ эшиклари очилар.

* * *

Ғам тўла пиёла тутиб қўлингда
Гажак чангак отиб кўнгилга
Хомаки чизиқлар тортгансан таранг
Қуроқ фикринг гоҳо пайдар-пай
Сўзларинг бир тарам

Авра-астарини босқилаб тамом
Дардни бир кунжида термилиб кўкка
Чорҳол шивирларни тортган кўзингда
Тарошлаб ичингда бўртган исённи
Ҳазира ахтариб бир кеча

Нетай, хаёллар сенга туташди
Оғритиб жонимни қоғозга тўкдим
Томчилаб ичимда сел бўлди ёмғур
Қошу қабоғингга боқиб адашган
Тўкилиб ярақлади сир

* * *

Қайтгим келмаётир кечаги кунга
Бир ўтган кўчадан қайта ўтмоқ йўқ
Ғамлар тўшалади яна йўлимга

Хабарлар келади тамғали зирҳли
Тасвирлари маҳзун бандлари тугун
Саволлари наштар кўнглимга

Оғриниб яшадим кечаги кунда
Айтолмай қимтиниб дардимни
Эга бўлолмайин ўзим сўзимга

Афсус, кечиб бўлмас кечани
Заррачадир қутлуғ лаҳзалар
Ибратли йўл топдим ўзимга

* * *

Гўзал ой эдинг
Ой эканинг ҳис қилмоққа
Умр етарми
Вақт шамол
Кўзларим очсам
Кўраманми сени
Гўзал ой
Мусаввир қўлидан
Омон топаман
Ёки йўқ
Ўша сен деб
Хотиржам бўларми
Қалбим
Гўзал ой

Дарвеш

Роман [1]



Илҳом ҒАНИЕВ

Ҳа, садақа кам эрур мангулик халтасида,
Пайҳон бўлур қасрлар, қанча юксак қабрлар.
Гоҳ оддий тасодифнинг оддий бир ҳамласида
Капалак қанотидек учиб кетар қасрлар.

Абдулла ОРИФ

Арафа. Баҳорнинг охири. Кўкламда не-не орзу билан ер юзига югуриб чиққан, кечагина табиатнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турган, қараган кўзни қувонтириб, ҳаёт ваъда берган айрим ёввойи ўт-ўланлар бугун ҳолсизланиб, сарғайиб, сўлиб, қовжирай бошлаган. Саратон келмай туриб сувсизликдан қуриётган, паймонаси тўлган бу гиёҳлар вақти келиб, яқин атрофдаги жонзотларга ем бўлади...

Тароб тепада қуюқ чанг тўзони кўтарила бошлади, шимолдан эсаётган шамол тез-тез ўз йўналишини ўзгартириб, борган сари кучаяр, худди қутургандек дуч келган ўт-ўлан, бута, дов-дарахтларни ямлаб, тишлаб, узиб ташламоқчи, ютиб юбормоқчи бўларди. Қуюн ичида ҳеч нарса кўзга кўринмай, янаям аниқроғи, кўз очиб қарашнинг иложи бўлмай қолаётганди. Бу қуюн бошига оғир мусибат тушган, чорасиз дардга йўлиққану... энди аламига чидолмай ўз бошига тупроқ сочиб, ерга юмалаб нола қилаётган, ўзига сиғмай қолган одамни эсга соларди. Ҳамма нарсасидан айрилган, ер ва кўкни, оқ ва қора, яхши ва ёмон, дўст ва душманнинг фарқи қолмаган, энг сўнгги умидлари ҳам худди жон томиридек осонгина узилган одамни ёдга тушираради бу ёввойи қуюн. Бу қуюн кундузлари қуёш ўзининг қайноқ нурлари билан силаб-сийпалаган, тунлари ой ёғдусини чўмилтирган заминни ер юзидан супуриб ташламоқчига ўхшарди.

[1] Журнал варианти.

Илҳом ҒАНИЕВ *– Халқаро Яссавий мукофоти соҳиби. Филология фанлари доктори. 1964 йилда туғилган. “Туркий халқлар адабиёти тарихи” (дарслик), “Фитрат. Эътиқод. Ижод”, “Фитрат драмалари поэтикаси”, “Тақдиримиз ўз қўлимиздами?”, “Достоевскийни тушуниш”, “Абдулла Ориф фалсафаси”, “Рауф Парфи Ўзтурк дунёси”, “Руҳий гўзаллик қисмати”, “Умид ва ирода”, “Сабр”, “Сукунат сирлари ёки гўзаллик”, “Улуғ бирлик қайғуси”, “Асрга татигулик дард”, “Тагорнинг мангу қўшиқлари”, “Стендаль ва Қодирий”, “Чингиз Айтматов ва XXI аср”, “Шавкат Раҳмон олами” ва “Миллат ва ахлоқ” каби китоблар муаллифи.*

Шундоққина катта тўғри йўлга бурилаверишда, ариқ бўйида ўсган ёлғиз тол ҳеч нарсани тушунмаган одамдек бошини кўтариб, тўрт томонга жавдираб қарарди. Ҳа, у тол мажнун эди... мажнун тол эди, Мажнунтол! Мажнунтол одамлардан фарқли, ўз ақидасига кўра юраги билан яшарди. Бошқалар тубсиз қоринлари, чаққон оёқлари, ютишдан бошқасига ярамайдиган оғизлари, кўрган нарсасини ўзиники қилиш учун чўзиладиган қўллари, ҳар доим кимнидир бадном қилиш, уйини куйдириш, заҳарлаш, алдаш, йўлдан адаштириш учун ҳар лаҳзада шай турадиган илоннинг тилидек айри... бир парча патакдек тиллари билан яшаётган ерда шўрлик Мажнунтолгина юраги билан бирга яшарди. Э воҳ, у ҳам нима биландир биргами... яна нима денг... ўзининг юраги билан... тили, оёғи, қўли, қорни билан бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Энди унга қийин бўлиши аниқ. Негаки, бу фоний дунёнинг ишлари ҳар доим фожиа билан якун топади. Айёми азалдан шундай. Одам Атомиз ҳатто жаннатда юриб зериккан эканлар, шунда у зотнинг кўнглидан кечган ҳислардан огоҳ Аллоҳ Момо Ҳаввомизни тақдир қилди. Оқибати аён, Момо Ҳаввони биргина истаги, биргина сўзи оқибати... Улар қилган гуноҳларини ювиш учун Заминга юборилди. Лекин Отамиз Онамизга ёзғирмади.

Одамзод Ерда яна... ва яна гуноҳга қўл урди.

Ерда ҳамма иш фожиа билан якун топаверадими?.. Эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам, яхши ҳам, ёмон ҳам охир оқибат бир хил якун топадими... Ҳамма нарса таназзулга маҳкумми? Адолат фақат ўшанда қарор топадими? Қора қуюн ўшангача ер юзини кезиб юраверадими...

Ўшанда ҳам қора қуюн қўпган, ер хўрликларга чидолмай кўкка алам билан сапчиган, тупроқ ўрнидан сачраб туриб саҳрода қўм бўрони бошланганди, гўё замин фалакнинг юзига тупроқ сочар, кўк юзини қоп-қора булут қоплаб олганди. Бутун олам гўрдек қоронғи, Торобтепа ёнидаги Қоратепа қабристонидек ҳувуллаб ётар, қуёш ва ой ҳеч қачон бўлмагандек, фалак қора кафанга ўралгандек мудҳиш бир совуқлик ва зулумот, чанг ва тўзон ичида қолганди. Осмонда кетма-кет қамчи ўйнади – чақмоқ визиллаб, ялтираб, ёниб-куйиб қора булутларни савалади, савалайверди.

Қора қуюн ожизроқ буталар, нимжон гиёҳларни ҳавода учирар, бир сонияда минг кўйга солар, ўзи хоҳлаган ёққа улоқтирарди. Табиатнинг қаҳр-ғазаби тимсоли бўлган бу важоҳатли қум бўронининг асл сабабини ҳеч ким изоҳлаб беролмас, сабабини-да тушунтиролмас, бунга уринганлар ҳам ҳеч қачон англаб ета олмасдилар. Бу фақат борлиқни бошқариб турган Биру Боргагина аён эди.

...Телбаланиб, даҳшатли пўртаналар ҳосил қилиб, борган сари кенгайиб бораётган қум бўронини тўхтатиш учун бир нарса етишмасди, у ҳам бўлса, Яратганнинг оби раҳмати. Лекин ҳозир ҳеч кимнинг хаёлига бундай ўй-фикр келмасди. Одамлар фақат ўз жонлари, молларини омон сақлаб қолиш ва бўроннинг қачон тиниши ҳақида ўйлашарди. Уларнинг қалбида қўрқувдан кўра умид кўпроқ ҳукмронлик қиларди.

Ва ниҳоят, жазавага тушган қуюн ҳалқа шаклига кирди, гўёки бўрон бир нуқтага йиғилгандек айлана атрофида бирлашди-ю гирдоб ҳосил қилди. Гирдоб ҳўл ўтиннинг ёнишидан пайдо бўлган тутун каби буралиб кўкка ўрлар, худди тупроқ ердан кўкка қараб шиддат билан ўсиб борарди. Осмондан жала ёққани каби энди ердан самога тупроқ ёғиларди... йўқ, оёқ ости бўлган, топталган, хорланган замин фалакнинг юз-кўзига қум сочаётган эди...

Ким билсин, бу сирли ҳодиса замирида қандай ҳикмат бор. Ҳа, ҳар бир

неъматда панд, ибрат яширин. Табиат мўъжизаси бўлиб туюлган нимаики бор, аслида одамзод учун қандайдир сирли башорат, эслатма, огоҳлантириш, белги, рамз. Аммо буни тушуниш, англаш учун инсон, энг аввало, ўз табиатини, ўзининг энг гўзал, ноёб мўъжиза эканлигини ҳис қилиши шарт, зарур. Йўқса, бари беҳуда, барчаси абас, бефойда!

* * *

...Нажот кўзини юмди-да, болалик йилларини эслади. Қор, сандал, керосин чироқ, лаъли (устида майиз, ғўлин[1], парварда), лунжини доғистонлик уста тузатган чинни чойнак, унинг, тавба, катталиги ўз бошича бор. Иссиққина тандир нонини мураббога ботириб, мазза қилган даври. Бир болор уйчадан кириладиган беш болор ганжкор уйда, кеч куз, ҳамсоялар йиғилиб кўсак чувашарди. Уй полсиз, қалингина сомонли лой билан шувоқ қилинган. Тунука печка гуриллаб ёнса-да, кирди-чиқди кўп бўлгани учун одам совуқдан дилдирайди.

Ўзбек иморат қурса, ҳар доим уйнинг болорлари тоқ бўлади. Кейинги болор – уйнинг эркаги. Ҳимоячиси, қалқони бор хонадонга ҳеч ким юрак ютиб дахл қилолмайди. Азалдан шундай, бойми, камбағалми иморатнинг болори тоқ, бу ўзгармас одатга айланган. Халқнинг урф-одатлари қонундан кучли, қонунлар тез-тез ўзгариб туради, бироқ халқнинг урф-одатларини ўзгартириш амримаҳол, чунки унга ўша халқнинг табиати, руҳи сингиб улгурган.

Ўртада кўсак чош, элча, ола кўсак, тўрт-беш аёл, суҳбат, кулги, ҳазил-мутойиба авжида кўсак чувалар, гоҳ иссиқ чой ичиб, оғизда битта парварда ё майиз, ғўлин солиб, яна гап, ҳа, ҳа, ҳу... ҳуу...

Нажот ўйлайверди-ўйлайверди... “Тавба, ё у даврнинг одамлари бошқача эканми, ё эҳтиёж кам эдими, уй-жой, ҳовли-ҳарам, дабдаба эсда ҳам йўқ. Қорин гоҳ оч бўлса-да, қаноат, самимият бор”.

Нажот ўз шўхликларини эслаб, ўзига келди. Уйдаги овқатини емай, пахса деворга чиқиб, “ҳамсоя оши” – кадибарак[2] ейман, деб йиғлаб, инжиқлик қилгани, бечора онаси, сопол товоқда ҳамсояга ош этиб, эвазига унга барак олиб келиб берганларини, ниҳолзор орасидаги ерларга маккажўхори экилганда, орасига кириб, яшириниб, дўстлари билан “тирақ-тирақ” – ким аввал отари ўйнагани, гоҳ юзини тирнагани, гоҳ бошига ўргимчак ўралгани, ўт тераман деб, чап қўли кичкина бармоғини кесиб юборгани, қонини лунжи билан сўриб-сўриб, сўнг кўйлагини йиртиб, ўраганини эслади.

“Тавба, – деди, ўзига-ўзи, – одамнинг боши тошдан қаттиқ. Бир пайтлар Чуқур ер деб аталган, икки томони чангалзор, шағол уя бўлган йўлдан аравалар ўтаётганида бирдан эшак итдан ҳайиқиб, ҳуркиб, ўз-ўзидан ариллаб, кўтарилиб, югура бошлади. Шунда амакиси ясаган қўлбола аравaнинг тахтаси кўтарилиб, Нажот боши билан ерга осилиб қолди, шу зайлда у йигирма-ўттиз қадам судралиб борди. Оғиз, бурун, уст-бош қон. Амакиси ва икки жўраси уни дарров қуриган ариқ ичига олиб кириб, ёрилган бошини маҳкам сиқиб, майкаси билан боғладилар. Қон тўхтамагач, бир жўраси қишлоққа, қозонкуяга югурди. У ярим соатларда етиб келгач, ёрилган жойига куя босишди. Тавба, сал ўтмай қон тўхтади ва лекин доғи ҳам бир умрга белги бўлиб қолди. У бир неча кун шапкасини бостириб, сездирмай юрди. Рангиданми ва ё кеч ухлаганида бошида онаси сезиб қолибми, анча койиди,

[1] Ғўлин – туршак.

[2] Кадибарак – қовоқли чучвара.

куюнди. Сўнг омон сақлагани учун ёқасига туфлаб, Яратганга шукр қилди.

Шу-шу у қайта ҳеч қандай аравага минмади. Сал куч олгач, ўша Чуқур ердан, пахтазордан семизўт териб, ғалтакчада ташир, семизўтга кепак сепиб молларга берарди, аммо унинг молни семиртириш ўрнига оздиришини кейинроқ билиб қолди. Шу боис семизўт кўп ўсса-да, кам одам ўриб оларкан. Бешинчи синфда отаси "Орлёнок" велосипед олиб берди. У дарров ўша пайтда мода бўлган рулини катта қилиб олди. Руль ўртасига бир тўрва ўт бемалол кетарди. Қизиқ, у ёш бўлишига қарамай, катта болаларга қўшилиб, чекка ерларга ўт теришга борар, захкаш, ариқларга қўрқмай кириб, ўроқ билан илон, чаён, зиён бор демай, ўт ўрарди. Оз ўтиб катта "Урал" велосепид, сал ўтмай веломотор ҳам олди. Еттинчи синфда отаси кўнмаса-да, онаси дарсдан сўнг колхозга ишга қўйди. У энди дарсдан сўнг апил-тапил чойини ичиб, ёбонга борарди.

Пахтазор – меҳнатнинг кони, деҳқоннинг умри тугаши мумкин, лекин иши тугамайди. Баҳорда умид билан уруғ қадаган деҳқон ҳар доим кеч кузда бағри бўм-бўш чаноқдек мунғайиб қолаверади. Бу жойларнинг тўрт томони бир хил – ҳаммаёқ пахтазор, ҳатто оёғингни остидаям пахта, фақат осмонга пахта экилмаган. Қишлоқ йўлларининг ҳаммаси пахтазордан бошланади, ҳаммаси пахтазорга олиб боради... Ва ҳамма йўллар пахтазорда тугайди. Бу йўллар ўз эгалари деҳқонларга ўхшаб кетади. Туғилганида киндиги пахта билан ёғланган деҳқоннинг ўлаётганда оғзига пахта билан сув томизишади. Тупроқ билан бирга яшаган деҳқоннинг ўзиям бора-бора тупроққа ўхшаб қолади: индамайди, уни истаганча хўрлаш, ҳамма нарсасини тортиб олиш мумкин, жимгина мўлтираб тураверади. Одам нима ҳақида кўп ўйласа, ниманинг орасида кўп юрса, ўшанинг нуқси уради. Деҳқон ҳам болаларидан кўра кўпроқ ғўзасини ўйлайди, ернинг тилини хотинининг тилидан яхшироқ тушунади. Рўзғорнинг камини ҳеч қачон тўлдиролмаса ҳам, режани дўндириб қўяди, ўлиб-тирилиб бўлсаям тўлдиради. Шуни ор деб, номус, ғурур, ғалаба деб ўйлайди деҳқон. Тиним билмайди: ер текислайди, чел тортади, гўнг чопиб далага ташийди.

Нажот ҳали умрининг энг гўзал онлари мана шу лаҳзалар эканлигини англамас, болаликнинг беғубор оламида яйраб яшарди.

Саратонда Ўрта чўл, Варахша, Қизбиби, Қоратепа чўлларига кўчини кўтариб жўнайди: қип-қизил гуллаган, гуллари худди кузги жийдадек ялтираб турадиган, кўриниши ловия пўчоғидек узунчоқ, бўйи одамнинг белига етадиган янтоқларни ғарамлайди, қишни ўйлаб. Саҳрода чой ўрнида янтоқнинг гулини қайнатиб ичади, офтоб уришидан сақлайди. Қорни оғриса ҳам, яна янтоқ дамлайди, қумғонда қайнатилган янтоқ гулининг қоп-қора чойи ҳақиқий шифо. Деҳқон ерга, сувга, одамларга ишониб хотиржам яшайди. Унинг оқ кўйлакли, бўйинбоғли, ақли кўп нарсага етадиган, кўзойнакли катта одамлардан фарқи ҳам, бой бўлолмаслигининг сабаби ҳам ана шунда. Унинг ерга, табиатга ўхшаб кетишига сабаб ҳам ана шу. У ҳаммаси бир кун тугашини билади, аммо бунга парво қилмайди, ўлим – ҳақ, деб, униям хотиржам қабул қилади. Бир куни болаларига қилишга улгуролмаган ишларини тайинлаб, худди амалдорлар кийимларини ечиб ташлагандек, бу дунёни ташлаб кетади. У баъзан жон-жонидан ўтиб кетса, Худога ёзғиради, ундан нажот сўрайди, холос. Худо ва шўрхок ердан бўлак унинг дардини ҳеч ким эшитмайди.

Нажот ҳам баҳордан чигит экишни, қиш деганда пахта терими тугашини тушунадиган одамлар орасида ўсди. Ягона, ўташ, чопиқ, терим, пахта ўлчаш, прицепга пахта олиш, пахта пункт, ҳўл пахта қайтгач, асфальтга ёйиб, қуритиб, чоршоха билан ағдариш, яна юклаш. Негадир, болаликми, ёшликми, чарчоқ ўшанда йўқ эди. Қишлоқдаги одамлар гоҳ шиша синиғи ташлайдиган "Ҳаёт" деб атайдиган

ҳовузга кўрқмай чўмилиш-чи, рост, икки-уч бор оёғи ҳам кесилди. Лекин чўмилиш завқи бошқача. Сувдан чиққач, дағ-дағ қалтираб, чакак-чакакка тегиши-чи...

Ўша "Ҳаёт" ҳовузи атрофида негадир капалак кўп бўларди. Нажот, аввалига уларни тутишга қизиқди, сўнг ранги товланиши, қанотидаги нақш-гуллари, сўнг яшаш, яралиши, гўзаллиги унинг хаёлини банд этди. Онаси капалакни бир кун яшаши ҳақида айтганидан сўнг, тамоман тинчиди-қўйди. Нажот бора-бора ҳовузга узоқ тикилиб ўтирадиган одат чиқарди. У сувдаги балиқларнинг рақсини томоша қилар, осмоннинг аксига ҳайрат билан тикилиб қолар, ҳовуз четидаги сершох толларда тушунарсиз тилда нималарнидир чуғурлаётган қушлар, ёз жазирамасида кўкка қотиб қолган булутлар ва бир-бирига ўхшаган балиқлар ёнма-ён яшаётган кўзгудан кўзларини узгиси келмасди. У ҳам хаёлан осмон, қушлар, булутлар ва балиқлар орасида мана шу ҳайрату сир-синоатга тўла оламда яшарди.

Кечалари супада гоҳ ер, гоҳ ёғоч сўрида чўзилиб ётиб юлдузли осмонга узоқ тикиларди. Мактабда осмон жисмлари ҳақида минг ўқимасин, уларнинг олисдан нур сочиши, тушиб кетмаслиги, неча минг, миллион йил узоқликдан кўриниши, айланма ҳаракати, шамоллар хирмон бошидан учира-учира, айлантира-айлантира ва ниҳоят, қишлоқнинг камоёқ йўллари четидаги турли гиёҳлар устига сепиб кетган сомонлардек хирагина сомон йўли, ой ўзининг шаклини кун сайин ўзгартириши, гоҳ касалманд кишидек заҳил тортиб қолиши, билинар-билинмас катта-кичик доғлари, айниқса, булутларнинг ажабтовур шаклларига ҳайрон бўларди. Қараб турилса, осмондаги булутлар йилнинг тўрт фаслида бир-бирига асло ўхшамайди, худди одамлардек турли қиёфаларда намоён бўлаверади.

Булутлар ҳам одамлар каби ер юзидаги ҳамма нарса: қушлар, ҳайвонлар, дарахтлар шаклига кира олади ва ё бизга шундай туюлади. Ҳа, биз ҳамма нарсадан ўзимизга яқин, кўнглимиз мойил бўлган туйғуларимизга шакллар ахтарамиз. Инсон умри қидириш, ахтариш, излашдан иборатдек гўё.

Жавзо. Кунлар бева хотиннинг ҳасратидек узун, қуёш фалакнинг энг юксак буржига кўтарилиб олган, тошга кулча ёпса бир ош дамини егунча фурсатда пишади.

Хайрият, Ўзи кечаларни яратган. У тонгда яна осмонга қаради. Юлдузлар деярли кўринмайди. Фақат узоқдан бир юлдуз милтирайди. Ўқитувчисидан сўраса, Тонг – Чўлпон юлдузи, дейди. У шу зайл биология, физикага қизиқиб қолди. Ньютон... бутун олам тортишиш қонуни, тавба, бошига битта олма тушиб кашфиёт. Нажот, ҳали олма кимнинг бошига тушишига боғлиқлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Ҳа, дарвоқе, шу битта олма туфайли Одам Ато билан Момо Ҳавво жаннатдан қувилганмиди... Қанийди, гап олмада бўлганида. Эртакларда ҳам қип-қизил чиройли олма билан маликани заҳарлашади. Гап олмадами, одамлардами ё одамларнинг нимани яхши кўришларида?.. Тавба, одамлар яхши кўрган нарсалар уларга азоб, машаққат, дард, ҳатто ўлим олиб келар экан-да, а? Севган кишиси ё нарсалари одамнинг бошига мусибат келтирса, балога гирифтор қилса, бундай севгидан кўра севмаган афзал эмасми?.. Унда нега, нима учун одамлар ўзларини яхши кўришдан тийиб туришолмайди.

Қизиқ, қанча зарб билан таъсир этсанг, шунча зарб қайтармиш. Тортишиш қонуни нима, нимага ер ўз бағридан чиқиб кетмоқчи бўлган бирор нарсани қўйиб юборгиси келмайди, яхшими-ёмонми ўзига тортаверади... ахийри бир кун қаърига тортиб, ютиб юборади, одамлар ерга, тупроққа қўшилиб кетишади. Минг уринишмасин, ердан қочиб кетишолмайди, ер уларни қўйиб юбормайди. Ошиқлар ўз машъуқаларини, муҳаббат ва нафрат инсон қалбини, она ўз жигарпорасини ўз

ихтиёрига қўймагани сингари тупроқ ҳам одамларни ўз ҳолига қўймайди, бағридан бўшатгиси келмайди чоғи.

Наҳот, ердан бўлак сайёраларда ҳаёт йўқ. Бўлиши керак. Негаки, ҳамма нарсанинг ўхшаши бор, фақат Унинг ўхшаши йўқ. Бу оламда ўхшаши йўқ нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма нарса бир-бирининг давоми. Ўхшашлик дегани, асло бир хил дегани ҳам эмас. Бунга одамнинг ақли етмайди.

Сирдош, синфдоши, қишлоқдоши Хуррамбекни эслаб юраги орқа тортди. Ўша пайтлар "Тарзан" киноси авжида, мода эди. Жўраси Тарзан бўламан деб, дарахтдан-дарахтга сакраб, йиқилиб, чакалак томири узилиб, ўша заҳоти, Нажотнинг кўз олдида жони узилганди. Ўша лаҳзада унинг ичидан бир нарса қўпорилиб кетгандай бўлганди, шунча йил ўтса ҳам, қачон эсламасин, худди ўшандай туюлади. Бола бўлса ҳам ўша пайт ўзига-ўзи сўз берган: "Ўғил кўрсам, исмини Хуррамбек қўяман!"

Хуррамни Тароб тепадаги хилватгоҳга келтирдилар. Ўшанда у ҳам асо тутиб, тобут олдида борди. Болалигида Тароб тепа атрофида қўй боққан, ўйнаган, ўт терган, гоҳ харобалар устида, гоҳ ғорга кириб ўйнаган бўлса-да, унинг маҳобатини илк бор дафн куни ҳис этди. "Тавба, – деди ўзига бирдан, – тарих домламиз Маҳмуд Торобий улуғ саркарда бўлган дейди-ю, нега туманимиз номи Торобий эмас, Свердлов?"

У бир гал ўқитувчисига шу саволни берди. Ўқитувчи бу саволни кутмаган эканми, аввалига ҳайрон бўлди, сўнг "Торобий... тарихда... ўтган... революционер эмас-да... Свердлов эса Лениннинг сафдошларидан, Жданов, Фрунзе каби", дегандай бўлди-ю, танаффусда Нажотни четга чақириб, "Болам, бунақа саволлар мумкин эмас. Бошқа айтиб юрма, Торобий ўзимизники..." деди-ю шу билан унга ғалати қарайдиган бўлди.

Нажот барибир ҳеч нимани тушунмади. Торобийнинг айби Лениндан олдин туғилганидами ё революционер бўлмаганидами?

Дарвоқе, Хуррамбек дўсти унинг ўз қўлида жон бергани боис, шу-шу ўликдан қўрқмайдиган бўлди. Хуррамбекни ювганларидан сўнг, у ҳам кўрди... "Тавба, – деб ўйлади ичида, – одам ўлса яна чиройли бўларкан-да... Юзлари яна тўлишгандаймией, худди ухлагандай, фақат қўл-оёғи муздек". У қараб турганда дўстининг бурнидан бир томчи қон келди, мурдашўй[3] пахта билан шу он уни артиб олди. Нега энди дўстининг оёқларидаги икки бош бармоғи оқ сурп парчасидан қилинган ип билан бир-бирига боғланган? Сўнг катта тоғорадаги сувга беихтиёр назар солди, унда ҳам сувнинг ранги хийла ўзгарган эди...

Таробтепа қачондир мўғилларга қарши қалъа бўлган. Бугун у Хуррамбекни совуқ бағрига олиб ҳувуллаб ётибди. Тепа чеккасида бир жуфт терак, барги уч хил товланади. Сал шамол эсса яшил барглар орт томони оқ, бош қисми эса сариқ. Оқ, сариқ, яшил... Нажотнинг ранги ҳам оқ, сариқ... оз ўтмай дўстини яна эслади. Энди дунёнинг ранги ўзгарди... Қоп-қора, зулмат, ҳувуллайди. Шамол ҳам, терак ҳам, гиёҳ ҳам, харобалар ҳам... Хуррам, Хуррам дегандай. Шу дам қалбида шеърдай бир нарса туғилди: "Бағримдан юлиниб кетдинг, Хуррамим, о, жўрам, ғамим, доғим, аламим, оҳ, ўчган шамим!"

Сўнг икковлари бир қизни севиб қолиб, икки йил бир-бирларига айтолмай юрган мактаб йилларини эслади. У билан бир партага ўтирган жажжи, кўримсизгина қизни иккиси нима учун севди экан-а? Қиз уларнинг севгисини ё билди, ё йўқ. Икковлари ҳам бир оғиз гап айтишга ботинолмадилар. Қизча шўх эди, ҳар бир

[3] Мурдашўй – ғассол.

кулгиси, жонўртар қарашидан иккисининг ҳам юраги ўйнар, қалқиб кетарди. Икки дўст бир-бирларининг сири-дардидан бохабар бўлгач айтолмай, хижолат бўлиб юрдилар. У қиз саккизинчи синфда Фарҳод деган асли тожик йигит билан севишиб кетди. Икки дўстнинг дардлари ичларида тутаб қолаверди. Нажот ҳам унинг тубига етолмасди. Бу ҳайратми, муҳаббатми ва ё ҳаётнинг сирли, мўъжаз фалсафасими? Кўзини шу дам очди ва ўз-ўзига шивирлади: Ҳайрат – фалсафа, муҳаббат ибтидоси!

АДАШИШ – ТАСАВВУР ҒАРИБЛИГИ

Нажот ухлолмай, тўшакда тўлғанди-да, қўллари билан кўрпани ғижимлаб, тиззасини ерга тираб, болишини қаттиқ тишлади. Ногаҳон унинг қулоғига гумбурлаган акс садо эшитилди. Бу даҳшатли гулдуракдан у сесканиб кетди, танига титроқ югурди ва беихтиёр дераза олдига бориб осмонга қаради. Унга қоп-қора, қуюқ тутундек булутлар худди ўзининг устига қўлсиз-оёқсиз, сузибми, оқибми бостириб келаётгандек туюлди, ўз-ўзидан ичида номсиз бир ғашлик пайдо бўлди, ваҳима уйғонди, юрагида тушуниксиз хавотир бош кўтарди. Кутилмаганда кетмакет чақин чақнади, бу унга худди юзига ногаҳоний шапалоқ тушгандек таъсир қилди, шундай вазиятда юз берадиган ҳол каби кўзларини бирдан юмди, ўзини орқага ташлади.

Ҳали тўлишмаган, оппоқ ой булутлар ортидан гоҳ кўринар, гоҳ қора аждарҳо ютиб юборгандек кўринмай қоларди. Бу томоша Нажотнинг кўнглига ғулғула солди, самодаги бу ваҳм унинг юрагини баттар ғашлантирди. У нимагадир ойга ачинди, раҳми келди.

Ер ва кўк ўртасидаги боғлиқликдан бехабар, ҳатто бу ҳақда эшитмаган, билмаган Нажот самовий ҳодисотнинг ўз тақдирига бир ишора эканлигини хаёлига ҳам келтирмади. У ҳали бу қоралик қора қуюнга айланишини ва ўзининг ҳаётини чирпирак қилишини тасаввур ҳам қилмасди, чунки ҳали у бунга қадар ўз киндик қони томган юртини ташлаб, орзулари ортидан олис бир юртга бориши, юраги чин муҳаббат ҳисларига кўмилиши, унинг бутун борлиғини эгаллаб олиши керак эди. Ҳа, кейин у мана шуларнинг ҳаммасидан жудо бўлгач, ҳозир мен билан сиз гаплашиб турган нарсалар ҳақида бош қотиради, ҳали бунга анча вақт бор...

Бир йилдан буён ишонтириб, бирга дарду ҳол, орзу-ҳавас қилиб юрган қўшни қишлоқлик савдогарнинг қизи унинг кўзига қум сепди-да, раиснинг ҳуқуқшунослиқда ўқийдиган ўғли билан топишиб кетди. Гулрух ҳали мактабни битирмаган, эндигина ўнинчига ўтган, саккизинчи синфда Нажот билан аҳду паймон қилганди. Одамзоднинг айниши учун кўп нарса керак эмасмикан, ота-онасининг таъсирими ва ё ўзи чўпоннинг ўғли эканлигими панд берди. Бир вақтлар Гулрух унинг “яхши”, “аъло” ўқишига хавасманд бўлиб, секин-аста меҳр, муҳаббат қўйган эди. Икки йилда уларнинг муносабати анча жиддийлашди. Буни синфдош, қишлоқдош, ўқитувчилар ҳам сезди. Ҳамма хайрихоҳ. Фақат кимё ўқитувчиси бир гал ярим ҳазил, ярим чин Нажотга панд-насиҳат қилди: “Болам, бизда модданинг хоссаси, атом, ядро, молекуласи деган гаплар бор. Унинг ота-онаси тижоратчи, сенинг қонинг билан тўғри келармикан-а, яна кўнглингга олма, болам, буям бир гап-да, ёшлик, муҳаббат қушдай гап. “Пирр” этиб-а?” Ўша пайт ҳиссиёт баландлигими, унча эътибор қилмаган экан. Бирдан адабиёт муаллимасининг гапи ёдига тушди. “Эркалик – худбинлик дояси”. Ҳа, Гулрух анча эрка эди. Демак, тўғри, ҳаддан зиёд эркалик одамни худбин қилади. У Маннонинг нимасига учди экан-а ва ё чарм куртка-ю, қора “06” уловигами?

Нимага муносабатини Нажотга очиқ айтмай, орани очиқ қилмай, у билан аввал яширин, энди ошкор кетиб қолди.

Одамлар одатда, гуноҳни яширинча, яхшиликни ошкора қилишади. Гуноҳ қилаверишгач, у одатга айланиб қолади. Гуноҳкор... ўзининг жинояти тўғрисида ўйлашдан қочади. Бора-бора гуноҳ унинг учун уят эмасдек туюла бошлайди. У ўшанда Яратган олдида ўзининг қадрини йўқотаётганини англамайди. Бир ёввойи ҳирс унинг қулоқларини, кўзларини беркитади. Қўллари, оёқлари, кўзлари, бутун аъзойи бадани тобора гуноҳга тортиб кетаверади. Ғофил ўзини балога гирифтор қилади, гумроҳ банда ўйлаб кўришга журъат тополмайди, жоҳиллиги сабаб ўзини-ўзи адойи тамом қилади.

Ҳозир салом-алик ҳам йўқ, уни ёлғиз учратиш ҳам қийин. Доим Манноннинг қиз жияни билан бирга. Балки у жиянига Гулрухни қўриқлашни тайинлаб кетгандир. Бир гал қишлоқ четидаги ниҳолзор четида якка тутиб олди.

– Нега бундай қилдинг, Гулрух?

– Нима қилдим? (У ўзини ҳеч нима бўлмагандек тутди.)

– Сендан сўраяпман, нега, нега?

– Мен сизга бирор ваъда берганмидим?

Нажот унинг қўлидан тутганди, қиз силтаб, қўлини тортиб олди:

– Қўлингни торт!

– Сенсирама, Гули!

– Ҳа, мен қўпол, сиз зўр, аълочи, олим, файласуф, бўлдими?

– Гули, эшит!

– Йўқ, эшитмайман! Ота-онам унинг ота-онасига сўз берган, мен ҳам рози.

– Менга ёзган хатларинг-чи?

– Мен сизга бирор марта сизни севаман, дедимми?

– Демаган бўлсанг ҳам...

– Сизга шундай туюлган. Мен ўқишни битириб, Тошкентга кетаман, билдингиз.

– Мен ҳам боришим мумкин.

– Сиз?!.. Сизда уй, пул бўлмаса... Тошкент?

– Балки пулим камдир, таъна қилма, лекин ақл-заковатим бор-ку?

– Ҳозир... ақл-заковат билан узоққа бориб бўлмайди.

– Сен ўзгарибсан, Гули, айнибсан!

– Йўқ, ўзгармадим, ақлим жойига тушди, аввал сизнинг хаёлий гапларингизга учганман. Ҳаммаси ақлли, зерикарли гаплар...

– Сени ҳеч бунчалар тез ўзгарасан, деб кутмаган эканман...

– Ота-онам, Мани кўзимни очди!

– Манинг ким? – Нажот таажжубланди.

– Маннон акам-да!

– Бойлик, мансаб одамни бахтли қилишига ишонасанми?

– Ҳа!

Қиз унга уялмай тик қараб, қошларини чимириб турарди. Унинг шу қўрс “ҳа”сидан сўнг пешона усти сочини қирққани, юз ва лаби бўялганига эътибор қилди Нажот. Бу кескир, ҳаёсиз “ҳа” унинг юрагини тилка-пора этганди. Бирдан гангиб қолгандай бўлди.

– Бойлик – бахт, муҳаббат бўлолмайди. Бир восита бўлиши мумкин.

– Мен бу китобий, адабий сўзларингизни тушунмайман, ҳаёт, умр, танлов, йўл – меники.

– Адашсанг, алдансанг-чи?

– Ҳар ҳолда, сизга йиғлаб бош уриб келмасман.

– Гап унда эмас...

– Нимада? – важоҳат билан қаради қиз.

– Кўнгилда!

Гулрух бирдан кўрқинчли кулиб юборди.

– Нега куласан?

– Сиз ҳақиқий хаёлпараст! Тарих домла тўғри айтган. Сиз файласуф, яна айтаман, мен сиз билан шунчаки бир дўст бўл-ган-ман!

– Сен, Гули, бойликнинг қурбони бўласан!

– Майли, раҳмингиз келмасин. Қурбон бўламанми, бошқами, бу менинг ҳаётим.

– Ўзингники-ю, меникиниям вайрон қилдинг-да!

– Ҳа, файласуф, Мани акам бир гап айтдилар.

– "Айтди" деявер.

– Йўқ, айтдилар!

– Хўп?

– Наполеон бир гап айтган экан...

– О, у киши Наполеонни ҳам биларканми?

– Нима деб ўйловдингиз, Мани юрфакда бешга ўқийдилар... Ўша Наполеон айтган эканки, (қиз шаҳодат бармоғини бирдан лабига теккизди) ... ғалаба учун, ҳа, урушда уч нарса керак... Сизнингча улар нима бўлиши мумкин?

Нажот ҳозиржавоблик қилди.

– Ақл-идрок, кучли қўшин... тактика.

– Ана, кўрдингиз, тополмадингиз!

Нажот жиддий ўйланиб қолди: "Яна, нима бўлиши мумкин? Ё айғоқчи, айёрликми, садоқатли, кучли саркардамикан, ё довюрак аскарми, йўқ, довюракликдан ақл устун, нима экан-а?"

– Айт!

– Ақча, ақча ва яна ақча!

– Юрагимни парчаладинг, Гул!..

Ажрашдилар. Қиз сочини атай силкитгандай бир тебратди-да, узун сочларини кўз-кўз қилгандай саллона юриб кетди. Нажот ортидан кузатиб, анча вақт ўз ўрнида қотиб қолди: "Наҳот, хатларида ёзганлари ёлғон бўлса? Ҳа, ўзи тўғри айтди, ҳар ҳолда "севаман" деб айтмаган-да... Сизни ўқишингизга ҳамманинг ҳаваси келади... Сизни тушларимда кўраман... Ҳамма қизларга ҳам ёрдам берманг. Аччиғим келади. Қанийди, ўқишга бирга кирсак... Сиз қаерга ўқишга борсангиз, мен ҳам ўша ерга кираман..."

Олдинлари кўришим билан ичим ёнарди, гапларим ҳам пойма-пой, чалкашиб кетаверарди. Негадир бугун бошқача...мией? Олдин узоқдан кўрсам оловдай эди-я, лекин қанча орзу қилсам ҳам тушимда кўролмайман, нега-а? Ё ёшликдаги ҳавасмикан, йўқ, йўқ, мен уни севганман! У ҳам! Энди-чи? Балки ота-онаси мажбур қилдимикан? Ўзи ҳам бирдан сурбет бўлиб қолибдими? Онам тўғри айтган эканлар, хижолат бўлмас аёлдан ҳазар қил, қоч, деб. Тавба, шунча гапирди, ҳеч хижолат бўлмади-я? Нима қилай, буларни ўзимни совутиш учун айтяпман. Юз, лаб, қош, кўз, қаду қомати умрбод ёдимдан чиқмайди. Нима қилай, эй Худо! Бу менга жазоми? Жазо бўлса қайси гуноҳим учун? Хуррамбек юрагимнинг бир парчасини узиб кетган эди... энди Гули. Ҳа, бирдан жаҳл билан топиб айтдим, майли, атай айтдим, дили оғрир.... Пули деб. Усиз, балки умрим, келажагим қоронғидир-а? Йўқ, мен ўқийман, ҳақлигим, Манидан зўрлигимни исботлайман.

Эртадан рус тили бўйича репититорга бораман! Улар Тошкентда ўқиса, мен Москвада ўқишим керак! Ҳа, ўқийман ҳам.

Нажот йўл четида ўтириб қолди. Шу пайт ўзининг “Зил” велосипедида, шимининг почасини қисқич билан қистирган бир киши олдидан ўтди-да, сал ўтмай ортига қайтиб келди. Уни кўриши билан Нажот ўрнидан сакраб турди.

– Домла, кечирасиз, ассалому алейкум, кечирасиз, кўрмабман...

– Салом, салом. Нажот, нега йўл четида етим боладай, а, нима қилиб ўтирибсан?

– Ўзим...

– Боя ўтганимда ҳам кўрмадинг, тинчликми? Ким билан ўтирибсан? Гули биланми?

У бошини кўтариб, тезда ерга қаради. Қаршисида ёши 40–45 орасидаги новча, сочлари сийрак бўлса-да, узун қалин қошли, юзлари сал чўзиқ, кўзлари сочига монанд қора, ўткир, доимо тоза-озода кийинадиган тарих ўқитувчиси Талъат Собиров турарди.

– Уришдиларингми?

– ...

– Сен... менинг энг умидли ишонган шогирдимсан... Бу қиз...

Нажот Талъат Собировга ялт этиб қаради.

– Бу қиз сенга мос эмас, хафа бўлма. Сизлар руҳан, маънан бошқа-бошқа одам...

Нажот қизаринди.

– Майли, ёшлик, мен анчадан буён кузатаману, сенга гапирсамми-йўқми, деб, кўп ўйлайман. Биласанми, савдо аҳли асли беқарор бўлади. Беқарордан эса бахт, муҳаббат қочади, ҳазар қилади, ука.

– ...Билмадим, адашдимми-ё?

– Адашиш, йигит, – деди Собиров унинг елкасига қўлини қўйиб, эркалаб, – тасаввурнинг ғариблигидан! Сени ёшингда мен ҳам бундан баттар бўлганман. Учинчи синфда биттасини севиб, ўнинчи синфгача. Бир оғиз юрак очолмаганман. У сездими, йўқ? Битириб эрга тегди. Мен ўзимча, “Энди уйланмайман”, деб ўқишга кирдим. У ерда яна икки-учтасини севдим, юрдим, мана пешона, шукр, янгангниям севиб олдим.

– Э, устоз, шунча одамни ҳам севса бўладими?

– Бўлади. Бири ҳавас, иккинчиси ёшлик, учинчиси шўхлик... Бу сенга ҳаммани сев, дегани эмас. Қадимда, эртакда бўлса керак, биттани севиб, шу билан абадий... Тўғри, биттани севиб, шу билан турмуш қурсанг, албатта, яхши, хайр-баракали. Лек, одам одам-да, бир-бирига тўғри келмаслигини билиб ҳам юраверишақлдан эмас, узрингни сўра-да, тилингни тийиб кетавер.

– Юрак-чи? – деди-ю, Нажот хижолат бўлди.

– Юрак – Худонинг синоати. Нажот, ҳиссиётларни жиловлай олмасанг, охири офат! Юрак бошқа, ақл бошқа. Иккиси бир бўлса, о, бу бошқа гап. Эшит, биров бир донишманддан икки марта севиш мумкинми, инсоннинг муҳаббати битта бўлмайдими, деб сўрабди. Донишманд мийиғида кулиб “Сувни нима билан ичасан?” дебди. “Пиёлада”. “Агар ўша пиёла синса-чи?” “Бошқа пиёлада”. “Сув ичишга пиёла ё бирор идиш тополмай қолсангиз-чи?” “Бошимни шартта сувга босаману, оғзим билан ичаман”. Донишманд яна деди: “Кўрдингми, пиёла синсаям, ташналикдан ўлмаслик учун сув ичаверасан”.

Устозининг бу гапидан ҳайратга тушиб қолган Нажот деди:

– Тўғри айтасиз...

– Сен, Нажот, мени бадбин демагин, унинг онаси ҳам аввал бировга унаштирилиб,

отасининг бойлиги учун қўшни тумандан қочиб келган. Ишонмасанг, отангдан сўра. Отанг чўпон бўлса ҳам асл одам. У сендан кетмаган ҳолда ҳам, мен билган отанг бўлса, сенга уни олиб бермасди. Чунки асли паст одамлар беқарор, лафзсиз, яхшилик, муҳаббатнинг эмас, манфаатнинг қули бўладилар.

– Бу томонини билмаган эканман.

– Ёшликдаги хато кечирилади. Ҳамма ҳикмат уни такрорламасликда!

Устозу шогирд шу зайл суҳбатлашиб, Тароб тепа олдидан оқадиган кичкина ариқ устидаги кўприкка бориб қолдилар. Талъат домла кўприк устида тўхтади. Нажот лойқа сувга қаради. Ўргимчакдек бир ҳашарот сув юзида ингичка оёқлари билан юрарди. Сўради:

– Сиз... бахтлимисиз, устоз?

– Бахтлиман. Машина, ҳатто мотоциклим йўқ, лекин оилада тинчман. Уч болам, янганг, қаноат, меҳр-муҳаббат, шукрона, сендек шогирдларим бор, одам бахтсиз бўлиши мумкинми, Нажот?

– Устоз, менга маслаҳат беринг. МДУга бормоқчиман!

– Москвагами?

– Ҳа!

– Тилни яхши билмайсан-ку?

– Ўрганаман!

– Озроқ, кечми дейман-да.

– Йўқ, мен ўзимга сўз бердим!

– Бўлмаса, рус тилини бугундан бошла. Ломоносов ҳам қишлоқдан аравада борган-ку.

– Бугундан бошлайман, устоз, ёрдам берасизми?

– Э, Нажот, эсимга тушди. ТошДУда бирга ўқиган бир курсдошим ҳозир МДУда докторант. Лекин у файласуф-да.

– Мен ҳам фалсафага бормоқчиман...

– Тарих-чи?

– Иккаласи бир-ку...

– Биз тарихчиларда бир гап бор, Нажот, жасорат ҳеч бир замонда айб саналмайди! Мен – сенга қанот, ҳаракат – йўлдошинг.

БАХТДАН ҚЎРҚСАНГ, ЕТОЛМАЙСАН

Отасининг “Тангри йўл бераман деса, ҳар қандай мушкулни осон қилади”, деган гапи ростлигини Нажот шу он эсларкан, яна бирдан Талъат домланинг холис ният ҳақидаги ҳикояти ялт этиб кўз олдида жонланди, вужудига бир енгиллик югургандек, руҳий лаззат топгандек сезди ўзини. Эҳ, боболарим, боболарим, не-не теша тегмаган ибратларни, огоҳларни, танбеҳларни мерос қолдирмадингиз?! Талъат домла хазина-да, хазина. Ният ва шайх, қандай ажойиб ҳикоят-а... Ҳаждан яёв қайтаётган бир машҳур шайх тунаш учун бир масжидга кирибди, ибодатдан сўнг бир бурчакда энди кўзи илинган экан, қоровул уни жаҳл билан туртибди:

– Ҳой, шу ерда ухлайсанми, бу ер муқаддас даргоҳ, карвонсарой эмас, тез ўрнингдан туриб, жўнаб қол.

Шайх унга вазиятни тушунтирмоқчи бўлибди, аммо қоровул, ҳатто, унинг гапини ҳам эшитишни хоҳламабди. Ноилож қолган шайх масжид ҳовлисига чиқибди-да, четроқ ерда тўнини остига тўшак қилиб ташлаб, ухламоқчи бўлиб чўзилибди.

Бир пайт қараса, ҳалиги қоровул унинг оёғидан судраб кетяпти: Неча марта айтишим керак, бу ер ухлайдиган жой эмас. Бундан ниҳоятда хафа бўлиб, кўнгли оғриган шайх бир сўз демай, тупроққа беланган уст-бошини қоқиб, атрофга кўз ташлабди. Қараса, сал нарида чироқ шуъласи. “Балки бунда ҳам бир ҳикмат бордир”, деб ўша томонга қараб юрибди. Эшикни тақиллатиб, хонадон соҳибига ўзининг мусофир эканлигини билдирибди ва тунаш учун жой сўрабди.

Уй эгаси уни очиқ юз билан ичкарига таклиф этибди, олдига егулик-ичкилик келтирибди. Суҳбат асносида шайхнинг бемалол дам олаверишини, ўзининг эса касби новвойлиги, ҳозир хамир қориши лозимлигини айтиб узр сўрабди.

Новвой хамир қоришни бошлабди, тили зикр ва саловотдан тўхтамас экан. Шайх уни индамай кузатиб тураверибди, бу ҳол учинчи қоп ун тугагунча давом этибди. Ниҳоят, бу ҳолдан ҳайратланган шайх ундан сўрабди:

– Шунча тоат-ибодатингиздан бирор наф кўрдингизми?

– Тақсир, учта ниятим бор эди, иккитаси амалга ошди... охиргиси – шайх... билан учрашиш, дуоларини олиш эди. Аммо афсуски, касбим тақозоси туфайли у кишининг олдиларига боришга имконим йўқ, агар мен бир кун нон ёпмасам, халққа азият етади, маҳалла аҳли нонсиз қолади, – дебди новвой.

Бу ҳолдан ҳайратга тушган шайх унга қарата шундай дебди:

– Сен излаган ўша шайх менман, истайманми-йўқми, Худо менинг оёғимдан судраб сенинг олдингга олиб келди. Айт, сени нима деб дуо қилай?

Демак, ҳамма нарса ниятга боғлиқ экан-да. Ҳазрат Имом Бухорий ҳадис китобларини бекорга “Ният” билан бошламаган эканлар-да...

Талъат Собиров билан излаб келган рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, хайрият, уйида экан. У шаҳарга кам келгани боис, тарих домла унга йўлни кела-келгунча, белгилари билан тушунтириб келди. Мана ҳозир ўтганимиз ДАН пости, мана бу айланадан чапга бурилсак, сомонийлар бозори, боғи, биз ўнгга тўғри юрамиз. Бир ярим километрдан сўнг светофор, ундан биз ўнгга кетамиз, тўғрига кетсак, аввал чап қўлда қўш мадраса, ўнг қўлда ИИБ, ундан сўнг пединститутнинг эски биноси, Арк, Минора Калон, Мир Араб мадрасаси.

Биз ҳозир сен билан бирга Янги шаҳарга кетяпмиз. Мана чап қўлда “Болойи ҳовуз” кўчаси, ана у эса масжиди, тикув фабрикаси, айланмадан кейинги, ҳу, кўриниб турган қалъа девори XVI асрда бунёд этилган, ўнг қўлда Хўжа Исмат зиёратгоҳи, одамлар унинг шифобахш қудуғидан даво топади, чап қўлда, мана қара, вилоят касалхонаси, ана, захкашдан ўтдик, чап қўлда тиббиёт техникуми, ҳу, ана у учинчи айланмадан ўтамиз, ўнг қўлда “Гулистон” меҳмонхонаси, ундан кейин ўнгга қарасак, иккита катта беш қаватли узун бино – бу пединститут. Файзулла Хўжа ва Фитрат асос солган, ўттизинчи йиллар, ундан ўтиб, тўртинчи айланма бурчагидаги баланд бино “Варахша” меҳмонхонаси, олдидаги баланд бюстда қанотли туя... биз ўнгга қайтамиз, яна бир айланмага бормай, чап қўлда “Табассум” савдо маркази, яна чапга бурилсанг, шаҳарнинг марказий дорихонаси, ўнгдагиси Технология институти. Ана, ана, ҳу, баланд қора бинони кўряпсанми, уни хорижий талабалар учун қуришган. Ундан ўтамиз, бешинчи айланма, чапга юрамиз, юз-эллик қадамдан сўнг, ўнг қўлда корейс домланинг учинчи қаватдаги бетон уйи.

– Домла корейсми?

– Қўрқма, ўзбекчани балодай билади. Яхши одам, кўп ҳақ ҳам сўрамайди. Оти Юрий Цой! Ўзи сал инжиқ, синаб олади. Лекин мен билан қалин, яхши оғайним, сени, албатта, олади.

Улар маршурут таксидан тушиб, иккита тўрт қаватли бетон уйдан ўтиб, атрофи темир гаражлар билан ўралган учинчи уйнинг биринчи подъезди қаршисида тўхтадилар. Бутун теварак-атроф Нажотни ажаблантирди, ҳамма жойда гугурт қутисига ўхшаган бетон уй, бирор жойда дарвоза йўқ, дарахтлар яккам-дуккам, уям мевасиз. Ҳар жой-ҳар жойда селофан, қоғоз парчалари, писта пўчоқлари, сигарет қолдиқлари кўзга ташланади, гўё бир-икки челак ахлатни кимдир атайин сочиб ташлагандек.

– Ҳувв, қара, учинчи қават, чиққандан ўнг қўл, қора дермантин.

– Дермантинингиз нима?

– Эшикка қопланган ярим чарм.

– Ҳа, тушундим.

Нажотнинг юраги “гупп-гупп” ура бошлади. “Савол берса-я, тамом, русчани тўғри гапиролмайман... нима қилсам экан?”

Унгача Талъат Собиров Нажотни худди ёш боладай қўлидан тутиб, учинчи қаватга олиб чиқди. Бўлмага кириши билан димоғига қизиқ бир ҳид урилди. Бўёқ ҳиди деса, ўхшамас... деворлар ярмигача барг рангида бўялган, кўк билан ҳошия ҳам тортилган. Ташқарига қараган деразалар сал чанг босган бўлса-да, деворда расмчалар ёпиштирилган. Ҳар қаватга кўтарилганда иккитадан гултувакча ҳам бўлиб, уларда Нажот шу пайтгача кўрмаган гуллар очилиб турарди. Афсус, бу гулларнинг ҳатто номини ҳам билмайди. Фақат биттасинигина зўрға таниди: кактус, лекин кичик...

Талъат Собиров ўнг қўл эшикнинг тепасидаги чапда турган тугмачани босди. Ичкаридан “Сейчас...” деган юмшоқ овоз эшитилди. Талъат ака Нажотнинг қулоғига “Қўрқма, дадил бўл”, деб шивирлади. Зум ўтмай “ғийқ” этиб эшик очилди-да, бўйи паст, кўзлари қисиқ, тепа сочи озроқ тушган, кичкина, семизроқ юз, юқори иккита тугмаси очиқ, ранги сал оқарган гулли ҳаворанг, енги узун кўйлак кийган, оёғига шиппак илган бир одам ўта самимий “О, Талгат, кайси шамол учирди?” деб “и” ни чўзиб, талаффуз қилиб, “Кани, кани, ичкарига маркабо!” деди. Талъат ҳам, домла ҳам ярим ўзбекча, ярим русча салом-алик қилишди. Ичкарига кириб бироз суҳбатдан сўнг, Талъат ака муддаога ўтди:

– Юрий Леонидович! К вам очень большая просьба?

– Хай, хўп...

– Бу Нажот!

– О, прекрасно, жуда чиройли исмку!

– Он, хочеть поступить в МГУ. Надо ему помочь!

– Жоним билан!

Шу вақт худди Юрий Леонидовичга ўхшаш бир аёл, фақат юзи семизроқ, кўзлари қисиқ, киприклари сийрак, қошига сал ўсма қўйилгандек, сочларига оқ оралаган... аста “Салом, хуш келибсилар” деди-да, чойнак, пиёла келтириб қўйди, сўнг тавозе билан:

– Конфетдан маркабо...

– Раҳмат, янга, – деди Талъат ака.

– Хўш, хўш, – деди Юрий домла.

– Ҳа, Юрий ака, буни икки йил тайёрлаш керак.

– О, икки йил жуда кўп! Бир йил туманда тайёрлайсан, яхши ўқитувчилар бор, кейин келади.

– Йўқ, Юрий акажон, буни фақат ўзингиз тайёрлайсиз?

– Нима фарк бор? Сизларда йўл узоқ, кийналади. Яхши тайёр бўлиб, кейин келади.

– Йў-ўқ, домлажон, биз ҳамма хизматга тайёр, фақат йўқ деманг.

– Менга фарки йук, ҳаммадан соатига бир хил пул оламан. Кийналмаса, майли, ун кун синов, етадими?

– Етади, етади, – деди Нажот ўрнига Талъат Собиров.

– Бугун икки соат келсин.

Нажот ялт этиб Талъат домлага қаради.

– Сен қол, мен икки соатдан кейин айланиб келаман.

– Шу ерда утирсангиз хам, майли.

Собиров "Раҳмат, раҳмат", деб чиқиб кетди. Юрий ака аввал Нажотга матн ўқиб берди. Сўнг оддий гапларни русча сўради. Сўнг уч-тўртта ўзбекча сўзнинг русчасини, русча сўзларнинг ўзбекчасини сўради. Грамматик таҳлилга келганда Нажот бироз қизаринди, қийналди. Юрий домла уни хижолат қилмаслик учун, кичкинагина бир матн берди. Ўттиз-қирқта сўз. "Кани, таржима қил-чи, куркма, харакат есть". Шу сўнгги гапи унинг қалбини ёритиб юборди. "Харакат есть!" ичига нур, янги нафас киргандай бўлди.

Шу зайлда улар икки соат дарс қилишди. Роппа-росса икки соат ўтгандан кейин эшик қўнғироғи жиринглади.

– Бу, Талгат! – деди Юрий ака. – Очик, киринг!

Талъат Собиров кирди. Икки кўзи домлада. Юрий ака Нажотга кўзини қисди-да:

– Талгат, мен сизни ҳурмат килади, но этот парень... не могу взять...

– Нимага, нега Юрий ака? – ранги оқариб кетди Талъат Собировнинг. – Ўқийди, ўрганади, илтимос, жон Юрий ака, йўқ деманг, бир ҳафта синанг, илтимос...

– Хай, куркма, Талгат, олдим. Харакат бор, бор, Талгат, – домла шарт Юрий Леонидовични қучиб кўтарди.

– Раҳмат, Юрий ака, ҳалиям ҳазилингиз қолмабди-да.

– Сизники хазил билмайди.

– Йўқ, нега, биламан, Юрий ака (шу пайт аёли кулиб чиқди). Раҳмат янга, меҳмонга боринглар, кутаман. Қачон яна келсин?

– Ҳафтада уч кун. МГУ борса якши тайёрлаш керак. Там сочинение, иншо, биласиз, менда китоби ҳам бор.

– Раҳмат, Юрий Леонидович, ишончингизни оқлаймиз.

– Якши қолинг, э, кечиринг, боринг.

– Раҳмат!

– Ха, незабудьте, Талгат, ты, Нажот эшит, унутма, сен, хай, бахтдан курксанг, етолмайсан! Сеники, молодец, пака, куркмайди!

МАЗАХ – ФАСОДНИНГ БИР ТУРИ

Нажот уч ой Юрий Леонидович сабоқларига қатнагач, русчага тили анча келишиб қолди, бемалол мулоқот қиладиган бўлди. Шундан сўнг Талъат домлага яна илтимос қилиб, тарихдан русча тайёрланишга соатларни кўпайтиришни яҳудий домладан сўради. Яҳудий тарихчининг феъли ҳеч кимга ўхшамасди. У шахсий ҳаёти ҳақидагина эмас, умуман, ортиқча гапирмас, дарсни жуда содда, дона-дона тушунтирар, факт ва рақам, воқеаларни яхши эслаб қолиш учун фикрла, моҳиятини англа, саналарни давр, сулолаларга қараб фарқлаб ол, дерди. Юрий Леонидовичдан фарқи, корейс домла ҳар ўн беш кунда пул олса, яҳудий домла ўтган соатига ўша куннинг ўзида ҳар бир соатига беш доллар оларди.

Нажот дарсларга берилиб, Гулрухни унутишга тиришди, аммо иложи йўқ. Гоҳ

дарс пайти, гоҳ йўлда, айниқса, юлдузли осмон остида, супада ётганда, уни кўп эсларди. Аслини ҳам суриштирди, худди Талъат домла айтгандек, ҳатто Гулрух никоҳдан анча олдин онасининг бўйида бўлиб қолган ҳам экан. Жўраларнинг айтишича, Мани ҳар ўн-ўн беш кунда бир келармиш, гоҳ машинада уни олиб ҳам юрармиш, ўзи ҳам бир гал Тароб тепа яқинида намозшом пайтида қора "06" тўхтаб турганини кўрди. Бир жаҳли қўзиб бормоқчи ҳам бўлди, бироқ ғурури йўл бермади. Хўш, нима деб боради, қиз уни севмаса, у бойлик, дабдаба гадоси бўлса. Қадди-қомат, юриш-туриши ҳам анча ўзгариб қолибди. Дугоналарининг янги миш-мишича, Манноннинг отаси арзандасига Гулрухни олиб бермас эмиш, деган гап ҳам тарқалди. Бу гап Гулрухнинг қулоғига етса-да, аммо парво қилмади. Бир гал Мани келганда сўраса, қаҳ-қаҳ отиб кулди.

"Гулижон, асалчам, ҳасадчилар миш-мишни кони. Дугоналаринг сени кўролмайди. Қўйиб берсанг, ўзлари менга тегишга тайёр. Ҳозир иккинчи курсман, Худо хоҳласа, бу йил сен битирасан, ўқишга қўяман. Парво қилма, отам-онам фақат сени айтган". Минг афсуски, Гулрух ҳиссиётлар гирдобида, ўтида, кўзини парда қоплаб, Манноннинг сўзларига соддаларча ишонар, унинг биринчи курсданоқ гиёҳвандлиги учун юрфакдан ҳайдалиб, ота-она, қариндош, дўстларини алдаб юрганини хаёлига ҳам келтирмасди. Маннонжон ёлғиз, эрка ўғил, ич, е, сайр, маишат, пул, уй-жойнинг ками йўқ. Бир гуруҳ гиёҳвандлар қармоғига анча олдин илинганди.

Мани кейинги сафар келганда, "Ҳалиги миш-мишни Нажот чиқарган, аниқладим, аниқладим, кел, муносабатларимизни янада мустаҳкамлаймиз", деб уни якшанба куни шаҳарга, айланишга таклиф қилди. Гулрух ҳам туман маркази, китоб дўкони, сўнг тикувчига бораман деб, ота-онасини алдаб, ўша куни онасига ёрдамга савдо дўконига бормади. Улар Бухоро шаҳридаги ёпиқ бозордан ўтгач, чап қўлда жойлашган "Алянс" ресторанига киришди. Гулрух эрка қиз бўлса-да, бунақа жойларни фақат кинода кўрганди.

Ичкаридаги манзара уни ҳайратга солди. Бурчак-бурчакда бир қиз бир йигит, фақат икки жойга икки йигит бир қиз... Ғаройиб, ҳали шу пайтгача эшитмаган мусиқа қўйилган. Ҳамма хандон... ҳа-ҳа, ҳу-ҳу. Иккита қиз, бир йигит официант, қўли-қўлига тегмай хизмат қилади. Юзларида сохта табассум, илтифот. Минг қизиқ туюлмасин, Гулрух бир номсиз совуқлик туйди. "Бошқа жойга борайлик" деса ҳам йигит кўнмади. Биринчисига яримтадан ғелак[4] шўрва, иккинчисига икки юз грамдан жигар, учинчисига дўмбоқ сарёғли жўжа буюрди. Икки хил сок, кола, салат, "Наполеон" коньяги. Гулрух ичмайман деса ҳам, ҳол-жонига қўймай, икки қадаҳ ичирди. Юзи лов-лов ёнгандай, бадани қизигандай бўлди. Учинчисини негадир илтимоссиз олди. ...Бирдан зал қоронғилашиб, турфа рангли чироқлар ёниб, вальс бошланди. Гулрух ҳеч вальсга тушмаган экан, оёқларини бир неча марта Манижонга бостириб ҳам олди. Унинг бу ҳолидан ёндагилар бетаъсир қолмадилар, мийиғларида анчайин кулишдилар. Чеккароқдаги бир ширакайф қизнинг "Қишлоқдан чиққан шаҳарлик" деб кулганини Гулрух аниқ эшитди.

– Мани ака, бўлди, юринг кетайлик.

– Ҳозир, озгина сабр, асалчам. Фақат яна биттадан муҳаббатимиз учун олайлик, кейин..

– Майли... юринг...

Икковлари яна стол атрофида ўтирдилар. Мани ташқари чиқаман деб, таниш официантга пул қистирган, у аллақачон, вальс пайтида коньякка ароқ қўшишга улгурган эди...

[4] Ғелак – юмалоқланган қийма гўштли шўрва

Икки қадаҳ кўтарилди, уриштирдилар... жаранг-жаранг. Мани узоқ нутқ қилди. Бирдан, бирга кўтаришга аҳд қилдилар... Гулрух бирдан кўтарди... Томоғи ёниб кетгандай, боши айланиб, кўз олди бирдан қоронғилашгандек сезди-да, ўзини зўрға қўлга олди.

– Буниси анча аччиқ эканми, Мани ака?

– Йўқ, жоним, шундай туюлган, шак-ка-рим.

– Энди, бас, кетайлик.

– Ҳозир Гул, аввал квартира борамиз... сўнг муздай сувга юз ювасан, сўнг қайдасан Тароб тепа? Қандай?

– Хай, кетдик, туринг.

Маннонинг кўзлари бежо. Аллақачон олма теришни бошлаган. Вужудида сал титроқ ҳам бошланган, ҳалигидан тортмаса, ҳоли бад бўлиши тайин эди. У официантни чақириб, ҳисоб-китоб қилди-ю, Гулрухни машинага ўтқазиб, "Ман ҳозир", деб яна ичкарига, тўғри ҳожатхонага кирди ва чўнтагидан ўроғлиқ бир нарса олиб, ёқиб, очкўзларча икки-уч бор тортди, кейин тез-тез юриб, машинага чиқди. Ва тўғри 5-кичик тумандаги кеча икки соатини йигирма беш минг сўмга келишган, бутун шароитлари билан жиҳозланган уч хонали квартирага Гулрухни "ўз уйим" деб олиб кирди. Эшикдан кириши билан у Гулрухга ёпишди. Юз, кўз, бўйинларидан ютоқиб ўпа бошлади... Гулрух бу ҳолга илк бор дуч келмаётганлиги учун одатий соғинч, васлу висол деб тушунди-да, ўзини бироз эркин қўйиб ҳам берди. Мани уни кутилмаганда даст кўтарди-да, кенг диванли ётоққа олиб борди. Гулрух "Қўйворинг" деб минг типирчиласа ҳам, ичида номсиз бир ҳис ўзини янада эркинроқ тутиш, эркаланишга мойил эди. Икки тан бир-бирларига елим билан ёпишгандек, оловли бўсалар баттар қиздира бошлади.

– Мани ака, қўрқиб кетяпман, ўзингизни босинг, илтимос.

Йигирма дақиқалар ўтиб, Гулрух шарт турди-да, тез кийинди.

Улар учинчи қаватдан ўзаро келишиб, битта-битта тушдилар. "Бирга тушаверамиз", деди Гулрух. "Қўшнилар ёмон, ғийбат-чи, алоҳида тушамиз. Сен секин кетавер, йўлдан оламан. Бу ер шаҳар, гапнинг кони". "Хўп" деб Гулрух аввал тез-тез юриб бўлмадан чиқди. Пастда, ўтирғичда сигарет тутатиб ўтирган уйнинг асл эгаси – кекса рус аёли унга бошдан-оёқ ҳавас билан тикилди-да, ичида "Ничего" деб қўйди. Унинг ортидан Маннон чиқди-да, рус кампир қўлига яна пул тутқазди.

Иккаласи йўл бўйи сўзсиз қолдилар. Шаҳардан чиқаверишда машинани ДАН ходими тўхтатди. Маннон машинадан тушмай, ўзи тараф эшик ойнасини туширди-да:

– Нима гап?

– Ҳужжат?

– Тинчликми?

– Касбимиз... Мани чўнтагидан чўғдай оловранг дафтарча чиқариб кўрсатди. ДАН ходими "Узр ака, оқ йўл" деди-да, честь берди.

Маннон ойнадан қизга мағрур қаради. Қиз кўзида катта қора кўзойнак остидан унга ҳайрат билан қараб турарди. Гулрух:

– У қанақа дафтарча?

– Тўйдан кейин биласан.

Яна жим кетдилар. Чорбакр деган жойга яқин келгач, Гулрух ўнг қўлдаги зардолизорга тикилди-да:

– Маннон ака, – деди.

– Гапир, жон?

– Кечирасиз, ваннада бир соч кўрдим...

У ойнадан қизга кулиб қаради.

– Онамнинг сочлари бўлса керак-да...

– Ўзимам ўйладим...

– Рашк бошлабдилар-да, жон!

– Нима, мени рашксиз кесак, деб ўйлабмидингиз?

– Демак, қаттиқ севасан!

Гулрух юзини четга бурди, қизаринди. Кейин деди:

– Ҳаммани мазах қиласиз, эрта-индин мени ҳам...

– Кулги умрни узун қилади. Ундан кейин одамнинг кулгисига қараб, унинг қанақалигини билса ҳам бўлади.

– Кулги бошқа, мазах бошқа-ку.

Маннон нима деб жавоб беришни билмай, мийиғида кулди. Гулрух:

– Кеча тарих домла ёздирдилар. У киши дарсдан аввал икки-учта ҳикматли гап ёздирадилар.

– Нима ёздирди у?

– "Мазах – фасоднинг бир тури!"

– Кўп ақл берганнинг ўзи ақлга муҳтож, жон!

ҲАРАКАТ ЖАСОРАТДИР

Ўн биринчи синф ўрталарида ҳамма типирчилаб қолди. Ким қаерга ўқишга, ишга, қандай қилиб, тайёргарлик, репититорлик, миш-мишлар, кимнинг отаси гаплашганмиш, кимнинг таниши аниқ эмиш, фақат билим билан қийин эмиш, "танка", "ҳачча", "тиргак", деган гап-сўзлар. Бир гал Нажотнинг отаси чўлдан қайтгач, ўғлини ёнига чорлади. Олдинлари отасига жиддий эътибор қилмаган эканми, қадди-қомати ҳам элликдан ошиб, бироз букчайгандай, сочи мошу гуруч, қошлари ўсиқ, туташ, бурни сал чўзиқ, тешиклари сал кичикдайми-ей, олдинги томоқ ости бағбағаси йўқ, ўрта бўй, қўй кўз. Негадир дўппи, телпак кийганда ичини бир ҳидлаб, сўнг кияди. Тер ҳидидан ё завқ оладими? Бу Нажотга сир. Фақат у телпагининг ичида гоҳ катта сўмлар яширин бўлишинигина билади. Онаси эса топган-тутганини даҳлиздаги қайин отасидан қолган мис кўзачага солиб қўярди. Буни ҳамма билса ҳам, ҳеч ким сўроқсиз тегмайди. Тарбия шундай. Бобоси айтган, отаси такрорлашни севадиган гап: Оч қолсанг ҳам, назаринг тўқ бўлсин, бировдан таъма қилма, паст кетма!

Нажотнинг Москвага бориб, ўқишга кирмоқчи эканлигини эшитиб эса:

– Илоҳим, ўғлим, кир, Худойим Таоло интилганни ноумид қўймайди. Раҳматли бобонг фермалик пайтларида камомад билан турмага тушиб, бир одам билан танишган эканлар. У одам катта олим, туҳмат билан қамалган экан. Бобонгга ихлос қўйган. Ўша одам бобонгга невара кўрсанг отини Нажот қўясан, деган. Лекин афсус ўша олимнинг оти ёдимда қолмаган, деганида Нажот иккиланмай сўз берди:

– Мен ҳам олим бўламан!

Отаси одатича, ўнг қўли билан муртини силаб қўйиб, белидаги рўпокчасини[4] сал юқорига кўтариб, бошидан дўпписини олиб, бир ҳидлади-да, қайта кийди:

– Ўғлим, агар хафа бўлмасанг ўша Талъат домланг билан ўзим ҳам бир гаплашай.

– Майли, у кишининг бир жўралари МДУда экан.

[4] Рўпокча – белбоғ.

– Балки ўша ёрдам қилар. Ҳозир замон ўзгариб кетди, болам, отанг ҳам пул, онанг ҳам, қариндош-уруғ ҳам пул. Одамлардан инсоф, хайр-барака кўтарилди. Хай, шукр, иккита аканг ўқимаган бўлса ҳам бири ёнимда, иккинчиси дурадгор-уста, ризқини териб юрибди. Иккови ҳам мана машина олди. Сен, майли, ўқи, э... тўхта, Нажот, сен ўзимизнинг Бухородa ўқиб, ўқитувчими, директорми, раисми, бўлсанг-чи?

– Дада, илтимос, рози бўлинг. Бир кучимни синаб кўрай. Киролмасам, сиз нима десангиз шу...

Нажот тун бўйи отасига берган ваъдасини бажариш, тинмай ўқиш, корейс ва яҳудий домланинг этагини маҳкам тутиш, вақтни бекорга совурмаслик, кўпроқ русча иншо, диктант ёзиш, тарихдан даврлар, тузумлар, сулолаларни яхшилаб эслаш, мантиқий фикрни ўстириш ҳақида ўйлади-да, яна хаёли бирдан Гулрухнинг иддаолари, таъналарига бурилди. “Ўша куни уни Гули эмас, Пулрух, Қулрух, деб атасам бўларкан”, деб ўкинди. Тавба, кейинги пайтлар у бутунлай ўзгариб кетди. Бир супурувчининг Зеби деган қизи билан дугона бўлиб олиб, синфдошларининг айтишича, ҳафтада бир кино кўриш учун шаҳарга ҳам бориб келармиш, тавба... Маниси-ку, ҳафта ора шу ерда кўкаради. Яна, аълога ўқирмиш-а, ёлғон! Бу аблаҳ бола уни алдаб кетади... Хай... менга нима... Ўз ҳаёти, ўз йўли, мени рад этди, ўзи билади... балки зотига тортгандир. Мен ўқишим керак, бошқа йўл, нажот йўқ.

АХЛОҚСИЗЛИК ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Нажот Бухоройи Шарифга, яҳудий домласининг сабоғига келди. Одатдагидай, тайёрланувчилар икки-уч кишидан ошмасди. Домла жуда хотиржам, бошига айлана қалпоқчасини қўндириб, жуда қатъий тартиб, тизим, кетма-кетлик асосида дарс ўтар, ҳар уч соатдан сўнг сўраб, тушунмаганларга яна такрорлар эди. Ўша-ўша одат, ҳар ким дарс тугагач, стол устидаги қутичага омонатни қолдириб кетади, баҳона бўлиши мумкин эмас, эркалик ҳам ўтмайди. Корейс домла эса бир қадар ҳазилкаш, юмшоқ, фақат жаҳли чиқсагина қаттиқ уришарди. Уч шогирддан бири ҳуқуқшуносликка, иккинчиси дипломатия ва иқтисодиёт институтининг халқаро ҳуқуқига, Нажот эса МДУга умид билан тайёргарлик кўришарди.

Нажот шаҳардан қайтишда нохос дарвозаси олдини супуриб турган Гулрухни кўриб қолди. Эгнида майда гулли камзул, ёқалари ҳам гулдор, қирмизи шиппак, бошда рўмолининг учлари соч остидан тугилган. У беихтиёр тўхтаб кузатиб турди, яна... анча тўлишибдими-ей... Иккаласи ҳам бирдан тилло топган гадодай бир-бирига қараб қотиб қолди. Иккаласининг ҳам вужуди титраб, юраги қалқиб кетди. Гулрух бир сесканди-да, Нажотга бир ола қараш қилди-да, лаб буриб, “Сен ҳам одамми?” дегандай, яна супуришда давом этди. Нажот ҳам ўзига келиб, тўхтагани учун ўзини кечирмай уйи томон юрди-да, дарвоза олдидаги бир вақтлар ўзи ва Гулрух завқланган гулзорга, оқ ва қизил атиргулларга қаради. Қизиқ, ҳали айрим ғунчалар очилмаган, баъзи атиргуллар очилса-да, сўлиб, қурий бошлаган. Уларга сап-сариқ чирмовуқ ёпишиб, чирмаб олганди. “Нега хазон бошланмай, булар сўлий бошлади-а?..”

Нажот намозшомга яқин қўшни қишлоқдаги Ёдгор жўрасидан бир китоб сўрагани ёдига тушиб, велосипедда йўлга тушди. Манзили томон бораркан қора “Жигули”нинг катта йўлдан Тороб тепа кунчиқарига қараб бурилгани, бир сониядан сўнг кўздан ғойиб бўлганини аниқ кўрди. “Бу ўша аблаҳ бўлса керак”, деб ўйлади ва кузатишга аҳд қилди. Велосипедни секин Тороб тепа томон бурди-

да, яқин боргач, баланд ўсган маккажўхори орасига яширинди. Усти ҳам анча чанг бўлди. Секин ўтиб, тепанинг чап ёнидаги дарахтлар панасидан юра бошлади. Ўша қора "06" тепанинг чап томонида одамлар кўзидан сал панароқда тўхтаган. Олд ўриндиқда ҳеч ким кўринмас эди. У аста қадам босиб илдамлади. Машинага ўн-ўн беш қадам қолганда машина орт ва ён ойнаклари қора парда билан тўсилганини аниқ кўрди. Бир ортига бурилиб "туфф, лаънат!" деб кетмоқчи ҳам бўлди ва лекин яна ғурури йўл қўймади. "Қани кутай-чи". Сал ўтмай машина билинар-билинмас тебрангандек, қизболанинг ингичка овози эшитилгандек бўлди. Беихтиёр Нажот уч-тўрт қадам олдин босди. Не кўз билан кўрсинки, ўнг томон орқа эшик пардаси сал очиқ қолган, ундан...

Нажотнинг бутун вужуди титраб кетди, муштлари тугилди, шарт бориб иккисини ҳам машинадан суғуриб олиб, роса дўппослагиси, юзига тупургиси келди-ю, бир куч уни тўхтатди. Адабиёт муаллимининг сўзини эслади: "Ахлоқсизлик осмондан тушмайди, ерда уруғланади, илдиз отади, урчийди..."

Ердан бир кесак олди-да, "Жигули"га отди. Зум ўтмай, бир тапир-тупур бўлди-да, йигит орқа эшикни шарт очиб, кўзлари ола-кула бўлиб тушди-ю, уни кўриб қотиб қолди. Беш қадам нарида, муштларини тугиб, тишларини ғижирлатиб, кўзлари ёниб рақиби – Нажот титраб турарди.

– Э, сенми, аблаҳ, Суқрот!

– Итмисанлар? – Нажотнинг бу гапига ҳам, важоҳатига ҳам у дарҳол тушунмади.

– Нима дединг?

– Итми сенлар?

– Ўзинг ит, пойлаб юрибсан, номард.

Нажот қизишди.

– Номард ким?

– Сен, ҳа сен, Суқрот-ча!

– Яна бир қайтар.

– Эшитганинг Суқ-рот-ча!

Шу гап Манноннинг оғзида қолди. У бир зарбдан боши айланиб машинага бориб урилди. Ичкаридан "Онажон" деган овоз эшитилди. Маннон ердан бир ҳовуч қумни олдида Нажотнинг кўзига сепди. Шу он қорнига тепилган тепкидан оғзи билан қумга йиқилди. Нажот кўз, юз, қўлини артди-да, бир Маннонга, бир машинага тупурди.

– Лаънат сенларга!

АҲМОҚНИНГ ОМАДЛИСИ – ОФАТ

Оғзи бурни қонаб, қумга беланган Манижоннинг башараси қўрқинч ҳолга кирганди. Нима бўлганини апил-тапил кийиниш билан англаб етмаган Гулрух Маннон эшикни очгач, қўрқиб, дод сола бошлади.

– Ким? Нима бўлди? Иби, ўламан, шарманда бўлдик, Мани ака!

– Сочиқни ол, баклашкада сув бор, олиб бер.

Гулрух дарров Мани айтганларини қилди. У сув солиб турди. Сўкиниб-сўкиниб, "Уни ўлдираман" деб қайта-қайта такрорлаб, қизнинг қўлидан сочиқни силтаб олди-да, юзини артди. Афсус, қон тўхтамас эди. Ёзги камзул чўнтагидан Гулрух кичкина қўл рўмолча чиқарди. Маннон уни тўртга бўлиб, иккитасини буклаб, ўраб, майдагина қилиб, бурнига тиқди.

– Ўзи ким экан у пойлоқчи?

– Ана у... илк ошиғинг Суқротча!

– Қанақа ошиқ, у аблаҳ нега бизнинг ҳаётимизга аралашади?

– Буни сен биласан!

– Мен? Нега мен? Унга мен аллақачон тупурганман!

– Мана у бугун икковимизга ҳам тупурди. Уни ё қаматаман, ё ўлдираман!

– Мани ака, ўзингизни босинг, у бизнинг бахтимиз, муҳаббатимизни кўролмайди, билдингиз.

– Билдим, билдим, нохос урди-да, аблаҳ, билсам, бир зарбада учирардим.

Гулрух шу пайт қонга тўлган иккита дастрўмолча бўлагини Манининг бурнидан олди-да, янгисини тиқиб қўйди.

– Мен... мен, Гули, буни шундай қўймайман.

– У ҳаммага айтса-чи, Мани ака?

– Нимани айтади?

– Балки пойлагандир?

– Майли, кўрамиз, сен сочингни тузат, ўзим ҳал қиламан, сен жим юр, гўё ҳеч нарса кўрмадинг, тамом.

– Хай, Мани ака, бирор ерингиз қаттиқ оғримадими? Оғзингиз, тишингиздаги қонларни артинг...

– Эртага томошани кўрасан, ўтир.

Гулрухнинг қалтироғи қолмаган эди. Машинага ўтириб, яна қалтирай бошлади.

– Қўрқиб кетяпман..

– Бўлди, бас, ўзингни қўлга ол, жон!

– Э, жон деманг, сал қолди жоним чиқарди, сув беринг, нима бало, юрагим ёрилдими-ё?

– Ма, ич, қўрқма!

Гулрух уйга қайтганда отаси ҳам ишдан қайтган, онаси дарвоза олдида, у ёқдан-бу ёққа юрар, безовталиги узоқдан билинар эди.

– Шу ерда тўхтатинг, тушаман?

– Уйинггача олиб бораман...

– Ҳамсоялар ёмон, ғийбатчи, тўхтатинг, онам дарвоза олдида, юрагим қоп-қора...

– Яхши, туш, эрта яна кўришамиз.

– Ўқиш-чи?

– Сешанба куни самолётда кетаман, Гул!

– Ўзингизни асранг, хайр, соғ бўлинг, омад.

Маннон ичида кулди: “Тавба, мушт еган бўлсам, ўзиям шарманда бўлган бўлса, яна омад эмиш, нимага, кимга омад? Сендақа ниҳолчаларнинг ҳали нечтасини дарахт қиламан. Сен гул эмас, эрта-индин чўл бўласан, а, лаббай, жон!” У машинага газ берди.

Нажот жўрасиникига ҳам бормай, маккажўхорилар орасидан велосипедини олди-да, аччиқ алам ўтида ёниб, нафратда тутаб, уйига қайтди. Онаси тайёрлаган нон-ошини апил-тапил ичди-да, дарсхонасига кирди. Қани, энди китоб ўқиб бўлса. Бу Маннон дегани турган-битгани ғирт аблаҳ. У билан баробар бўлиб нима орттирдим, азобдан бўлак нарса эмас. Устозининг “Ақл – кучдан устун” деган ҳикматини ҳам жаҳлга миниб унутди. Яна файласуф бўлмоқчи. Оламга жуда юксакдан ва ичдан боққан одам файласуф бўлади, деганди Талъат домла. У-чи, бир қаланғи-қасанғи, бир бойваччага ўчакишиб юрибди, кошки, Гулрух арзиса. Юрагининг қайсидир бурчагида нима қилсинки, у жой олган, ҳеч чиқариб ташлолмади, бу ақлдан эмас, кўра-била туриб, тагипаст, сурбет, алалоқибат шарм-

ҳаёни унутганни ҳам унутмаслик мумкинми? Агар бир муштда Манижоннинг чакалак томири узилиб, ўлиб қолса нима бўлар эди. Э, ифлоснинг жони қаттиқ бўлади. У ўлмайди, ҳали нечта Гулрухни вайрон қилади. Ўзи шу ўқирмикан-а... қанақа ўқишки, у киши ҳафтада икки кун Бухорода. Қизиқ, сирли, хай, ўзининг ҳаёти, менга нима?

Лекин у тинч кетмайди, энди йўлини пойлаши аниқ, пули бор, жўраси кўп. Нима қилиш керак? Бирдан спорт ўқитувчисининг пахтада айтганлари ёдига тушди. “Агар рақиб битта бўлса олиш, қочма, иккита бўлса қара, кучинг етмаса муроса қил, учта бўлса, бир зарбада биттасини йиқитишингга ишонсанг, муштингни ишга сол, энг асосийси, қўрқма. Қўрққандан омад, бахт қочади, муҳаббат ҳам” деб, ўзи қўшиб қўйди. Ўрнидан даст турди-да, жавондаги китоблари орқасида турган катта акаси бир вақтлар қишлоқ ва мактабда шеф бўламан деб бир қулоч тросс учига қўрғошин эритиб қуйиб ясаган, қўлбола ҳимоя қуролини излаб топди. Ҳар ҳолда, тўрт-беш кун буни ўзим билан олиб юраман... Айтиб бўлмайди, бирдан... ҳа, у тинч кетмайди, бошга тушганни кўз кўради. Бир нарсани биламан, якка учраса – таъзирини ейди. Жўралари билан келса, мана ҳимоя, ҳужум, у қўрғошин қуйиб ясалган тросс – дарранинг дастасидан тутиб айлантиради. Битта еса тамом, тап-тайёр, фақат бошдан урмаса, бас, тушган жойини қўпоради. Нажот шу хаёллар билан кўзи илинди ва тонгга яқин туш кўрди... Кўршапалак унинг кўзига қараб ҳужум қилар, у эса қўли билан иккитасини уриб йиқитди...

Эрталаб уйғонгач тушини ўзи таъбир қилмоқчи бўлди, ақли етмади. Фақат кўршапалак оламдаги қушлар ичида ягона сут эмизувчи эканлигигагина ақли етди. У буни биология китобида ўқиганди. Хай, майли, деди, ўзига-ўзи, бир қоралик борга ўхшайди, ишқилиб, ўқишимга халақит бермаса бўлди. Бирдан доим ҳикматли, зарур гапларни ёзиб борадиган ён дафтарчасини олди-да, кўзини юмиб, тахминий саҳифани очди ва ўнгга қараб еттита санади-да, бир бетга шаҳодат бармоғини қўйди. Қани, нима чиқди? “Аҳмоқнинг омадлиси – офат! Т.С”, тавба, бу ҳам тасодифми, йўқ, бу лаънати Мани аҳмоқ, балки омадлидир, барибир офат!

КУТИЛМАГАН МУСИБАТ ҲАМ КУЧ

Нажот онаси тайёрлаган ширчойни ичди-да, санаб, етти дона майиз оғзига солди. Онаси минг айтса-да, мураббодан емади, асални кўнгли тортмади. Синглисининг бошини силаб қўйди-да, туриб папкасини олди-ю, мактабга жўнади. Синглисининг озгина шошилманг, бирга борамиз деган гапига ҳам қулоқ солмади. Уйдан чиқиб, эллик қадамча қўймаган ҳам эди-ки, ўша қора “06” келиб ёнига тўхтади, йўлда чанг кўтарилди. Қараса, рулда Манноннинг бир ўзи, у ўнг томон олд шишасини туширди.

– Ўтир, шербачча, гаплашамиз.

– Гапинг бўлса, туш!

– Ўтир, қўрқма, четга чиқамиз.

Шундагина Нажот Манноннинг юзига жиддий назар солди. Сочлари типратиканникидай тикка, сийрак, ялтирайди, қулоққача бакен, пешонаси тор, бурун учли, чундак, оғиз япалоқ, кўзлар чағир, ости осилган, кўкимтир, оғзини очганда ўнг томондаги тилла тиши кўринади. Чакагининг ўнг пастки томонида катта холи бор, қўллари узун, озғин, томирлари бўртиб чиққан, ўнг қўли лиличаси сал эгридайми-ей, чатмақош.

– Ўтирсам, ўтирибман, қаерга борамиз?

– Кечаги жойга яккама-якка!

Нажот олд эшикни очиб шарт ўтирди. Мани жаҳл билан, худди аламини машинадан олмоқчидек қаттиқ газ босди. Орқа ғилдираклар жойида айланиб, ортга қум, қайроқча отиб, чайқалиб қўзғалди. Қишлоқдан чиқишлари билан Мани бирдан тормоз берди. Шу пайт ниҳолзор ичидан учта йигит чиқиб келди-да, машинага ўтирди. Улар ўтиргач, "Аблаҳ, номард", дейишга улгурган ҳимоя, ҳужум режасини миясида пишира бошлаган эди.

– Ҳа, шуми, блатной, шербачча, Мани?

– Шу, шу! (Мани кулиб, мазах қилиб Нажотга қаради) Бу киши эрта-индин Масковга кетадиган Суқротча!

– Кесатма, – деди Нажот, – мард бўлсанг, яккама-якка олиш!

– Ўвв, – деб Нажотнинг елкасидан бир урди бўйи узун йигит, – бизлар битта одам, билдинг.

– Билдим!

Нажот гапирмади. Унинг ўй-хаёли папкасидан тросни олишда эди. Ниҳоят, машина Тороб тепа ортига тўхтади.

– Туш.

Улар тушгунча Нажот папкасидан тросни олишга улгурди. Тушиши билан ўзининг елкасидан туртган новчани елкасидан зарб билан қўрғошин учли трос билан бир тортган эди, у "вой" деди-да, гурс этиб йиқилди. Ортда қолган яна биттасининг кетидан трос билан зарб берган эди, у ҳам "вой" деб, ўтириб, туролмади. Шу пайт Мани унга орқадан зарб беришга улгурди. У гандираклаб кетиб, яна қўлидаги трос билан Манига ҳамла қилди. Унинг иккинчи шериги инграб туролмай ётар, яна биттаси ўзини машина панасига олди. Маннон қарасаки, аҳвол чатоқ, алдашга ўтди.

– Ўвв, девона, биз сен билан гаплашгани келган эдик.

– Кел, қани бўл, мараз, ҳозир сени бошингдан уриб ўлдираман, кел, кел.

Маннонинг ранги оқарди. Нажотнинг папкасини олд ўриндиқдан олди-да, унга отди:

– Ол, бўлди, йўқол.

– Кел, кел, шербаччалар, – деди важоҳат билан Нажот...

Машина панасидаги ранги оқарган Манининг жўраси бир тош топиб Нажотга отди, тегмади. Маннон "Унга отма, бас" деган ҳам эди-ки, елкасидан қўрғошинли тросс тушди. У шу он "Вой, онажон" деди-да, "гупп" этиб йиқилди. Машина панасидаги тошотар бу ҳолни кўриб, аллақачон қуённинг расмини чизганди. Нажот бир ҳовуч қум олди-да, "06" нинг очиқ эшигидан ичига сепди ва ортига қарамай кетди. Устозидан ўрганган зарб бериб қочиш усулини қўллай олганидан хурсанд, гоҳ-гоҳ титраб, ортига ҳам қараб қўярди. "Хайрият, бошидан урмадим", деб ўзига тасалли берди. Мактабга боргач, дарсга кирмай, тўғри Талъат Собировнинг олдига бориб, бўлган воқеани айтиб, маслаҳат сўради.

Талъат Собиров охиригача жим эшитиб, узоқ сукутга кетди.

– Мени кечиринг, устоз...

– Кутилмаган мусибат, – деди Талъат ака оталарча меҳр билан, – гоҳо Эгам эзилганга куч ҳам ато қилиши мумкин. Энди бу томонига эҳтиёт бўл. Ёшлик ҳамма нарсага чидайди, ҳамма нарсани даволайди. Аммо, вақтдан, асабдан ютқазасан. Ўша қиз лаънатини ҳаётингдан тамоман узиб ташла, у сенинг бир ҳаром тукингга ҳам арзимайди!

Нажот боши эгик тинглар эди.

– Мен ўзим ҳам ёшликда фавқулодда юракли эдим. Бировга номардлик қилмадим. Биз ўқиган даврларда институтларда дедавшина бор эди, ҳозир, хайрият, йўқолди. Мен ҳамиша мард бўлганман, марддан эса қўрқоқ шогирд чиқмаслигини сен исботладинг. Лекин менинг истагим, сен мендан зўр бўлгин, кучинг, ақлинг, заковатингни илмга сарф қил. Қандайдир лўтти, бетайин маниларга, ўзинг айтган пулрухларга эмас, тушундинг?

– Тушундим, кечиринг, устоз...

– Бу тоифа одамлардан имкон қадар қочиб яша.

– Устоз, сизга сўз бераман, бу нодонликни қайта такрорламайман, ўзингиз айтдингиз, ёшлик ҳамма нарсани даволайди, деб, демак, умид бор, ҳаммаси олдинда, ҳа, домлаларим, дадам билан гаплашдингизми, узр...

– Гаплашдим, отанг рози, яҳудий домла ҳам, корейс домла ҳам рози. Фақат менга мактаб билан гаплашинг, соатларни кўпайтириш керак, дейишди. Директор билан гаплашиб ҳам қўйдим, отанг ҳам билади. Сен фақат инглиз тилига улгурсанг, бас.

БЕОБРЎДАН МУЛОЙИМ ОҒРИҚ ХАВФЛИ

Оддий фаррошнинг қизи бўлган Зебининг сўнгги пайтлар юриш-туриши ўзгарди. Доимо соддагина кийиниб, чет-четларда писиб юришини кўплар отасиз ўсганликда, етимлик, камбағаллик, кўнгли ўксикликка йўяр эди. Ўнинчи синфга ўтгач, қадди-қомати каби бирдан ўзгача кийиниши кўзга ташланиб қолди. Кўплар қизнинг онаси мактаб иссиқхонаси қоровули билан дон олишиб юришини билар, қизнинг одамовилигини балки шундан хижолатидир, деб ҳам ўйлаганлар йўқ эмасди. Зебининг Гулрух билан дугона бўлиб олиши ҳам қизиқ бўлди. Одатда ўзини бошқа синфдошларидан ҳийла баланд олиб юрадиган Гулрух нима бўлди-ю, пахта бошлангач, Зеби билан ёнма-ён эгатга тушди-ю, сирдош дугона бўлди-қолди. Шу тариқа дугоналар икки ой апоқ-чапоқ, бирга пахта тердилар. Пешин чой ичиш бир, эрталаб келиш бирга, терган пахталарини тарозида ўлчатиш, кетиш ҳам доим бирга. Уларнинг эгатлари билан ёнма-ён пахта терган қизларнинг айтишича, иккаласи ҳаёсиз гапларни кўп гапиришармиш. Ҳатто эркаклар айтадиган латифалар айтиб, “қаҳ-қаҳ” отиб кулар эмишлар.

Гулрух тушлик учун уйидан яхши овқат олиб борар, айниқса, конфет, колбаса Зебига жуда ёқарди.

Бора-бора Гулрух унга ўзининг эски кўйлак, рўмол, ҳатто, лозим, туфлиларини ҳам берадиган бўлди. Икки-уч бор Гулрухларникига келиб сирлашиб ўтиришди. Ҳаммомда бирга чўмилдилар.

– Мени йигитимнинг учта боласи бор экан.

– Учта боласи?! Унда қанақасига йигит бўлсин, Зеби?

– Ман учун йигит, ўзимизнинг ўлгур йигитлар, синфдош, қишлоқдошлар лапашанг, латта, ёниб қарасанг ҳам ё сезмайди, ё қўрқоқ, гўл...

– Унчалик эмас, – эътирозланди Гулрух, – кўп пастга урма. Сен барибир у савдогарга тегмайсан.

– Нега?

– Ҳа, уч болали эркакка тегасанми?

– Ҳа, оламан деб сўз берган. Шаҳардан бир хонали уй олиб беради. Ўқитади, бой, нима фарқи бор, аксинча, эрка хотин севимли бўлади.

– Бекор айтибсан, – деди Гулрух, – ман онамдан эшитганман, иккинчи хотин ямоқ!

– Бу эскиларнинг гапи, дугон...

– Эскими, янгими, шу гап рост, қандай қилиб, бир эр икки хотинни севсин, мумкин эмас, билдинг. Сен барибир кўрасан, ҳали ўша лапашанг, латта деган ўзимизникиларга тегасан.

– Магазинчи мени олмайди деб ўйлайсанми?

– Ҳозир пули бор, сен керак, у қачонгача бу дўконда ишлайди. Кетади, яна бир сендайни топади.

– Дугон, қўрқитма, у яхши, мард одам.

– Яхши бўлса, учта болали эркак бўла туриб сен билан юрадими?

– Ҳа, энди... ҳаёт, муҳаббат-да, дугон, оиламга ёрдам қилиб турибди-ку!

Ҳар ҳолда... у Зебидан бахтли. Унинг "йигити" эмиш, уч болали, кап-катта эркак, меники ёш, бой, келишган...

ИШ ВА АЛАМ

Маннон жўралари билан усти бошини қоқиб, алам билан машинага ўтирди-да, ариқ бўйидаги балиқхонага ҳайдади. Йўлда энг аввал, бўйи узун жўрасини оналаб сўкди:

– Сен ифлос уни эшикдан тушиши билан солганинг ё босганингда, бу шармандалик йўқ эди...

– Мен қайдан билай, у аблаҳнинг қўлида қўрғошин-тросс борлигини, – деди Ҳасан, – сен ёнида ўтириб кўрмабсан-ку?

– Мана бу ифлос, – деди ўнг қўлини рулдан олиб, елкаси оша орқа ўриндиқ чап бурчагида ўтирган бўйи паст жўрасини кўрсатиб, – қуён юрак, ўл-э, бизларни тросс билан урса, машина орқасига ёпишиб олибди.

– Сенларни бир уриб накаут қилди. Менга тросс тегса, ўзим яқинда сариқ касал бўлдим, қайтиб бўлсам, ўламан-қоламан-да...

– Бу аблаҳни, – деди думбасидан зарб олиб ётиб қолган ўрта бўй Алибой, – шундай қилишимиз керакки, юролмасин.

– Ҳа, майиб қилиб, қамалиб кетайлик, – деди Ҳасан, – бир қўрқитсак бўлди-да, тўғрими, Мани?

– Йўқ, тўғри эмас, у мени Гул олдида урди, унга алам ва ўчим бор, бир боплаб уриб, совушим керак, йўл топинглар, ўйланглар...

Шу зайл тортишув-маслаҳат, алам билан машинани йўл четида тўхтатиб, ғадир-будур танасини шилим босган, пўстлоқлари кўчиб ётган, ширахўр чумолиларга тўла каттакон ўрик дарахти соясидаги картга тўртта аламзада ўтириб, аввал бир, сўнг яна икки кило тиллабалиқ буюртдилар.

– Битта яхши ароқ, газак ҳам, – деди Мани.

– Рулдасан-ку, – қаршилик қилгандай бўлди бўйи паст йигит.

– Мени ким ушлайди, галварс, – Мани ён чўнтагидан муқовасига "Удостоверение" деган ёзув зарҳал ҳарфлар билан ёзилган гербли қизил дафтарча чиқарди.

– Ўқишни тугатмай, буни қаердан олдинг, – ҳайрон сўради узун Ҳасан.

– Ангура хўр, боға напурс,[5] гўл!

– Сенга гап йўқ, – деди қўл ташлаб Алибой, – бизларгаям, битта-битта олиб бер...

[5] Ангура хўр, боға напурс – Узумини е, боғини суриштирма.

– Бу учун, – деди мағрур Мани, – аканг қарағайдай ўқиш, ИИБга ярим штат ишлаш керак.

– Э, сен ишлайсанамми, – деди ҳайрон бўлиб Ҳоди, – зўр сану, жўра!

– Бекор айтибди, – деди узун Али, – ҳафтада икки кун Гулининг кетида, қачон бу ўқийди-ю, қачон ишлайди? Пул билан тахлаб олган, биламиз...

– Ўвв, сан узун, ҳаддан ошма, – деди Мани, – қўлингдан келса, майли, пулини мен бераман, гап битта, сан ҳам ол-чи?

– Керак бўлса оламанам!

– Ололмайсан, гаров, ютқизасан, Алка!

– Хай, энди... сендай районо раисининг ўғли эмасмиз-да... камбағалдан куласанда...

– Яна бошлади, бас, – деди Мани, – қани, ароқни қуйларинг, тўртга бўл, бирданига!

Ҳодибой иккита лаби учган, иккита бутун пиёлага бир шишани тўртга бўлиб бўшатди-ю, шишанинг кетидан кафти билан ўз пиёласига қоқди.

– Бу гал ман қарздорман, жўралар.

Уриштириб, сўзсиз кўтардилар, ҳаммалари тузланган бодринг, помидорни газак қилгач, соусга ботириб балиқ ейишга тутиндилар.

– Нажот, – деди Ҳасан, – биз учун ҳозир балиқ қилтиғи, эҳтиёт бўлмасак, томоққа тиқилади.

Мани балиқнинг ўртасидан узун суякни олди-да, чирт этиб синдирди.

– Синдиришимиз учун, – деди Ҳасан, – яна биттадан олайлик.

Мани хизмат қилиб юрган йигитга ишора қилгач, у югуриб келди:

– Лаббай ака, хизмат!

– Бир литрли борми?

– Бор ака, бор.

– Ўшандан ва яна иккита салат. Ҳа, ол, бу пиёлангни янгила.

– Хўп, акажон! – шундай деб йигит тез пиёлаларни олди-да, бошқа пиёла келтирди.

– Бошлиғингни пичоқ учи йўқми?

– У нима деганингиз, ака, тушунмадим, – деди хизматчи йигит.

– Бе-су-як, пичоқ учи...

– Бизда унақаси йўқ, ака, узр...

Кўп ўтмай хизматчи йигит югуриб бориб тўртта сочиқча ва бир литрли "Распутин" арағини стол устига қўйди. "Распутин" ҳам уч мартадан олингач, тугади. Ҳоди ва Алибой алжираб қолди. Мани ва Ҳасан сал тетик эди... Тўртовлон туриб, машина олдига келдилар. Ошхонадан "Жигули"гача йигирма-ўттиз қадам, одамлар қараб турганига қарамай, кайфчилик – Ҳодивой йўл четига уялмай аввал камари, сўнг шимининг тугмасини бемалол ечиб "учирди". Уни кўрган Аливой ҳам шу ишни қилди. Ошхонада оилавий ўтирганлар юз буриб, лаънатлаб, ижирғаниб қолди. Сўнг қора жийронга чиқдилар. Мани сигарет ёқиб тутатди-да, ўзи томон шишасини очиб, негадир тутунини ташқарига пуфлади.

– Бунча аччиқ, Мани, манга ҳам бир дут бер, – деди Ҳасан. Мани унга кўз қисди-да, "фақат бир дуд" деб кулиб узатди. Ҳасан шошмасдан уч дут тортди-да, яна рулдаги Манига узатди.

– Зўриданми, дейман Мани?

– Додасидан, биласан-ку!

– Сенга гап йўқ, Мани. Агар прокурор бўлсанг, мени шофёр қилиб олсанг, бас.

– Ташла.

Улар қўл ташлашдилар. Шу вақт Мани машинани ўт олдирди-да, газни қаттиқ босди... Хаёл биланми бирдан муфта оёғидан чиқиб кетди. Машина бир силкиниб, учиб кетди. Мани парво қилмай яна икки-уч жуфт тортди, сўнг қўлини Алининг кенг елкасига ташлади. Шу вақт:

– Э, бл...дла, биз етимми, берларинг, бир дут, бир дут, биз ҳам йигит, тортайлик...

– Сизлар ҳали жўжа, – деб кулди Ҳасан.

– Буни чексанг учасан, сўнг тутолмай, биз оввора! Ҳа, хай, ма, – деди Мани, – бу кучлиси, сенларни бир дути девона қилади.

Оғзидаги сигаретни ортга узатди-да, ойнага қараб кулди. Мани яна қайтиб Алининг елкасига қўл ташлади.

– Жигитлар!

– Гапир, – деди Ҳасан, – сен шефимиз, нима десанг – шу!

– Яша, жўра! Мен прокурор бўлсам, хай, сен Ҳасан шофёр, бу иккаласига савдо дўкони олиб бераман, ё Ҳодини бозоркўмита қиламан, бизни таъминлаб туради.

– Гап йўқ, – деди сархуш Ҳодивой.

– Менга, – деди Аливой, – хлебпикарни ёки дон идора – "загазерно"ни олиб берасан!

– Гап битта, – деди кайфий Мани, – мен прокурор бўлиб келган кун, болалар, шу балиқхонада нишонлаймиз.

– Ташланглар, – деди узун Ҳасан. Ҳамма қўл ташлади.

– Ҳа, жигитлар, – деди Мани гердайиб, – мен прокурор бўлсам, биринчи ишим ким бўлсаям, шу аблаҳ Нажотни қаматаман!

– Ўвв, Мани, – деди Ҳасан, – давай, машинани ҳайда, ўшани мактабига борамиз, лойдай терамиз....

– Яна троси бўлса-чи? – кулди Ҳоди.

– Бўлса-бўлсин, – деди Ҳасан. – Чиқиши билан яримталик ғишт билан қоқаман, накаут.

– Йўқ, бу бўлмайди, – деди ҳушёр тортгандай Мани, – бу Жиноят кодексининг 164-165-моддаси, учинчи қисм, 10 йилдан 15 йилгача... Бошқа йўл топинглар...

– Эртага, – деди Ҳасан, – менинг иккита боксёр жўрам бор, пулга ишлайди.

– Мен тайёр, – деди мағрур Мани, – сен аниқ ҳал қил, ўлдириш шарт эмас, ўлса 97, 2-қисм 15 йилдан 20 йилгача....

– Ўвв, Мани, мен қонунни билмайман. Уни шундай қўйсак, уят, ҳамма кулади...

– Мен... прокурор бўлиб келсам, унга шартта бир юз ўн саккиз босаман!

– Бу нима дегани? – у бир қўлини айлана қилиб, иккинчиси билан уриб, паққайтириб кўрсатди: – Тушундинг!

– Бу қийин масала, – деди Алибой, – унгача қанча йил керак.

– Ўвв, гўл, бу икки карра икки... битта ариза, бўлди, экспертиза-пекизпертиза умуман бир тийин, учинчи қисм, хоҳласам, вояга етмагандан ёздириб оламан, тўртинчи қисм, тамом.

Шундай деб у яна машинани ўт олдирди. Қаттиқ газ бериб, тўхтаган жойида балонларини бир неча бор айлантириб, ошхонада ўтирганлар эътиборини тортиб, газ берди ва йўлда юқори тезликка чиққунча ҳазиллашиб рулни чап-ростга уч-тўрт буриб олди. Машина тебраниб, илон из қилиб юриб кетди...

– Ўвв, ўвв, девона, секин, секин, ўн гулимдан бир гулим очилмай ўлиб кетмоқчи эмасман, – деб хохолаб кулди Ҳасан.

Ҳоди Манининг елкасидан икки-уч туртди, Алибой "Девоналик қилма, тўғри

ҳайда!” деса ҳам рулдаст қулоқ солмади, яна баттар газ... 100, 120, 130... Узоқдан Тороб тепа кўринди. Олдинда “шаланда”. Қарама-қарши томондан, иккинчи даражали йўлдан бир “Камаз” чиқди. Мани шошиб қолди. Улгураман деб, яна газ берган эди, бензин А-76 бўлгани учун мотор яхши кўтармади. Ўтишга кўзи етмагач, бехос тормозлади... Қора “06” катта “шаланда” прицепига бориб, шу тезликда урилди... “Шаланда” эгаси ҳам шу он шошиб, тормоз бергач, зарб янада кучайди. Бир зумда “Жигули” ғижим бўлди, қолди... Йўловчи шофёрлар тўхтаб, олд эшикларни очишолмай, орқа эшикни монтировкалар билан зўрға очиб, тўртовининг ҳамма жойи қон, тилинган, синган ҳолда тортиб олиб, Тороб тепа олдидаги катта йўл четида ётқиздилар. Бир “Москвич”ли йўловчи “03”га кетди. Йигирма дақиқалар ўтиб, “Тез ёрдам” ҳам етиб келди. Аммо олд ўриндиқда ўтирган икков учун бирор ёрдам берилишига кеч бўлганди.

ТЎРТИНЧИ ЗАРБ

Ўша куни бу машъум хабардан ҳамма лол қотди. Тўртта ёш йигит, иккитаси чалажон, иккитаси... Маннон, Ҳасаннинг ота-онаси экспертиза хулосаларини эшитиб сих қотди ва сир бой бермай “пешонамдан кўрдим” деб эртаси куни соат ўн бирларда иккисини ҳам Тороб тепадаги хилхонага қўйдилар. Иккаласининг ўқиган мактабидан бутун жамоа, таниш, қариндошлар ёғилиб келди. Икки хонадонни чини билан зулмат қоплади.

Дард устига чипқондек Манноннинг отаси институтга қўнғироқ қилиб билдирса, улар “Бундай талаба бизда ўқимайди” дейишди. Марҳумнинг “уч”и ўтгач, бечора ота яна деканатга қўнғироқ қилди. Декани кўп афсусланиб таъзия билдириб, ўтган йили сал ёмон йўлга кириб, кўп дарс қолдиргани сабаб, талабалар сафидан четлаштирилганини айтгач, ғариб отанинг дами яна ичига тушди ва бу шум хабарни онасига айтмасликка қарор қилди. Балки бу совуқ гапни у ўзи билан охиратга олиб кетар. Қонидан гиёҳванд модда топилгани учун ҳеч қандай суриштирув ҳам бўлмади ҳисоб. Бўлган бўлса-да, ким билди, ким йўқ. Тирик қолган иккитаси ҳамон чалажон, касалхонада...

Бу хабарни эшитган Гулрух шу он ҳушсиз йиқилди. Мактабда қий-чув, дўхтирга югур, сув сеп, вағ-вуғ, қиёмат. Аёл синф раҳбари ва мактаб завучи ўз “Москвич”ида уни онасига келтириб топширишди. Онаси ҳам бу совуқ хабардан ҳайкалдай қотган. Ҳоли қизиникидан ҳам оғир эди. Шум хабарни эшитган отаси ҳам кўнгли безовта бўлиб, етиб келди ва хотинини четга чақириб “Сен қизингни ёнидан уч-тўрт кун жилма, майли, мактаб бормасин, директорга ўзим айтаман... яна ўзини...”

Ярим соатларда Гулрух ўзига келгач, биринчи сўзи онасига:

– Шу гап ростми? – деди.

– Йўқ, қизим, ёлғон, фақат қаттиқроқ жароҳат олган, қўрқма.

– Тўғрисини айтинг?

Онаси юм-юм йиғлади... Гулрух яна ҳушидан кетди. Хайрият, ўнг қўл қўшниси ҳамшира экан, дори ичириб, битта укол қилиб, яна ўзига келтирди. У сочини юлиб “Энди нима қиламан?” деб йиғлар эди...

Туман, қишлоқчилик, таъзиянинг “уч”ига ҳам бормай марҳумнинг нимадан, қандай ўлгани тўғрисидаги миш-мишлар шамолдай ҳаммаёққа тарқалди. Ҳамманинг билгани ичида, “Тақдир, умри қисқа экан, баҳона-сабаб, пешона шўрда...” билан чекландилар.

Учидан сўнг Талъат домла Нажотни уйига чақирди. Нажот бу фожиада ўзини гуноҳкор санар, эзилар, боши гангиб қолганди. Устозу шогирд анча жим қолгач, Талъат домла сўзланди:

– Нажот! Ўша қўрғошин қаерда?

Нажот зўрға бош кўтарди:

– Уйда...

– Бугуноқ... тез йўқот!

У яна бош эгди, "Нега?" дея олмади.

– Сенинг айбинг йўқ, у ўз қилмиши, феълининг қурбони бўлди! Яхшилик Худодан, ёмонлик инсоннинг ўзидан, ҳар ким ўз кулфатини ўзи экади. Сен инглиз тилини қаттиқ ол, қийин эмасми?

– Қийинликка қийин. Қизиқ, йигирма олтита ҳарф, олтита унли. Аммо ўқилиши бошқа, ёзилиши бошқа.

– Ёзуви билан талаффузи кўп фарқ қилса, билки, у халқнинг интеллекти, тарихи зўр, бой. Мана япон, ҳинд, хитой, араб, ҳатто рус тили ҳам. Қара (у ручка олиб ёзиб кўрсатди) W-қирғизни шапкаси хитойда бу иреоглиф "тоғ" деб ўқилади. Шу ҳол ислоҳ бўлган. "Л" – ҳозир тоғ! Уларда ҳатто бир қишлоқ, иккинчи қишлоқ тилини тушунишга қийналар эмиш, ҳа...

– Бу жуда қизиқ фикр экан-а, устоз. Хитой тилини биласизми-а?

Талъат домла кулди.

– Йўқ, талабалик пайтим, бир қизни севганман, у хитойчани ўрганарди. Ўша тўрт-бешта ҳарф, сўз ўргатган. Афсус... унинг ҳам умри қисқа экан, тузалмас касалга учраб, эрта кетиб қолди, Худойи гулчин, дегани шу-да...

Талъат домла узоқ ўйга толиб қолди. Шу он ул гўзалнинг чеҳраси кўз олдидан бир-бир ўтди...

Озгина сукутдан сўнг Нажот:

– Устоз, бу ҳаёт сизга ҳам зарб берган экан-да?

– Ҳар бир зарб, – деди Талъат домла, – ақл ва қалб кўзини очади. Янги руҳ, керак бўлса, куч-қудрат, журъат ҳам бериши мумкин. Ўйла... мўғулларнинг Туркистонга мудҳиш юриши, зарблари, балки Темурга янада куч, нафрат, ўт бергандир... Гитлернинг зарби-чи? Бутун иттифоққа янада жипслик, куч, нафрат, қудрат, ўч бермадими? Ҳаётий зарбаларни, Нажот, мана шундай қабул қила олиш ҳам керак...

– Тўғри, устоз, менга Хуррам биринчи зарб эди, ана у иккинчи, учинчиси – бу!

– Сен тўртинчи зарб олмаслик учун тириш, кураш!

– Тўртинчиси нима бўлиши мумкин?

– Ўқишга... киролмаслик. Мен ишонаман, сўзсиз кирасан, аммо ҳамма нарсани ақл, куч сарфлаб унут, ҳаракат, ғайрат ва яна ҳаракат, тенг омад тушундинг?

– Тушундим, тушундим, устоз, хайрият, сиз бор.

– Менга ҳам сенинг борлигинг яхши, Нажот...

– Устоз, узр... энди ана унинг ҳоли нима бўлади?

– Кимнинг?

Нажот ерга қаради, қизаринди...

– Ҳа, ҳа... уними? Тириклар кўникади, вой, жабр кўрганнинг жонига. Бандаси тирик жон, бир гап бўлар. Аёллар кўзёш тўкса, анча енгил тортади. Охир кўникади-да. Ўйлашимча, у буни тез унутар.

– Йўғ-э?

– Енгилтакка жиддий ғам, узоқ андиша, оқибат бўлмайди. Ана у Мопассаннинг дўндиқчаси ватанпарвар бўлганига мен ишонмайман.

– Бўлиши мумкин эмас?

– Ўз танини сотган, ватанпарвар бўладими, э, тавба, хай, ҳозир бу гапнинг мавриди эмас. Майли, Нажот, сен тушунмагандан аччиқланма, балки бу ҳам Яратганнинг бизнинг ақлимиз етмас иноятидир, ука!

Талъат домланинг “ука” дегани унинг вужудини титратиб юборди, лекин ичида Мопассан ҳақида ўйлади... Мопассанни қайта ўқишим керак... дўндиқча, Гулрух... қандай боғлиқлик бор? Қани, қайта ўқий-чи, домла бекорга эслатмадилар...

ҒУНЧА БЎЛГАНМИДИ Ё...

Етти кунки Гулрух ўзига келолмади. Ота-онаси ҳам унга бир сўз демади. Узуккун хаёл суриб, йиғлаб ўтирди. Мани билан илк танишгани, шўхлик, эркалик, машинада сайрлар, “Алянс”, вальс, 5-кичик туман, 3-қават, яланғоч картина, ўша кун... Ҳаммаси бирма-бир кўз олдидан ўтди, эзилди, ўксиди. Яна ўй, изтироб... Манининг тик, типратикан сочлари, чатмақош, чундак бурун, сигарет чекиш, эркаланишлари... машъум Тороб тепа... Нажот... олишув, “туфф, лаънат!” уни яна бир азобга ғарқ қилдилар.

Қизиқ, ўшанда... у яланғоч суратни ўзим чиздим, деди-а, ишонмадим, балки ростдир... “Титаник”ни эслагани-чи? ДАН ходимига мағрур қизил дафтарча кўрсатиб, ойнадан унга кўз қисгани, Чорбакр ёнидаги тилларанг зардолизор, қилган ҳадя, совғалари, фаранг атри, чет эл парфюмериялари... елка, кўкракдаги доғ...

Бирдан еттинчи кун кўча чиққиси, уй олдидаги гулзорига тикилгиси келиб кетди. Ўрнидан шарт турди-да, шиппагини кийиб, эшикни очди. Тандирхонада нон ёпаётган ҳушёр ойиси, қўлида рапида билан югуриб чиқди.

– Қаёққа, қизим?

– Дарвоза олдига, гулларга бир қарай...

– Майли, майли, очиқ ҳаво яхши...

Гулрух дарвозадан чиқди-да, бир қадам қўймай тўхтаб қолди. Мани билан тўшакда бўлган илк кунини эслади-да, эти жимирлаб кетди. У ана шу гуллар олдига келибгина сумкасини очиб, қотиб қолган, унда қонли рўмолча ва ички кийими йўқлигини кўриб, қўрқиб кетиб, Манига телефон қилган, ранги оқарган, тентираган ҳолда, унга Мани омонатни ўзи олиб қўйгани, онаси кўриб қолмасин, деб атай қилгани, тўй кечаси беришини айтганини эслаб, яна бир титради...

У беихтиёр гулларга қаради, ногаҳон кўзи қуриб-қовжираган атиргулга тушди... Уни азғич еб-битирган, атиргулдаги қизиллик ўрнини қоралик эгаллаб бўлганди. У ўзини ана шу атиргул ўрнида тасаввур қилди. Азғични эса ўз оёғига ўралган илонга ўхшатди. Илонннинг ҳам сариғи бўлсамикан-а, кўзойнакли, кобра, аждар, сув илонни эшитганман, аммо сариғини... табиатда... балки бордир...

Бу фожиаларга... ҳа, ҳа, ўша, лаънати Нажот сабаб. Ўша кун шу иблис бизни кўрмаганида, бечора Манини урмаганида, балки бундай бўлмас эди? Дугон, дугон, деб, мана еттинчи кун, ўлгур Зеби бир бор келмади-я? Тавба, яна “Дугонжон, бизлар қиёмати”, эмиш. Ўша билан сирдош бўлган асли мен аҳмоқ. Унга сиримни айтмасам, бугун ҳеч ким билмас эди. Энди у билан муносабатни узсам, Худо олди... Онам сезганмикан-а, сезмаган бўлса керак, бўлмаса, илмоқли гап қилардилар. Бу ўлгур Зеби бошимга бало бўлди-да, йўқолиб магазинчисига иккинчими, учинчими бўлиб тегиб йўқолса, гўрга эди... Лекин ўзи меҳрибон-да, ўлгур...

Дунёнинг ишлари қизиқ, сир. Энг чиройли гулни аввал узадилар! Энг яхши одам, севганинг бевақт кетади. Энг сайроқи, овози хуш қушни қафасга тиқадилар,

қарға, чумчуқ, ҳатто мусичани ҳеч ким қафасга солмайди. Тавба, ўлим, ажал олдида одам, пул, севги ҳеч нарса эмас экан... Энди нима қиламан? Мани айтгандай... ғунча бўлмасам, ё ғунчаманми, йўқ, йўқ, бевақт сўлган, чирмовуқ ўралган атиргулман. Шу он майин шамол эсди. Гулрух қараб турган сўлғин атиргулнинг битта баргини юлиб туширди... ана, ана баргларим-бахтим битта-битта узилмоқда, онажон, Художон...

...Адабиёт муаллимим тўғри айтган эканлар... Арзон атирнинг ҳиди баланд. Мен ўзимнинг қадримни арзонга поймол қилдим-а? Ғамли кўзга олам қоронғи энди, Эгам. Ўзинг сабр бер, шарманда қилма, ўзи бир гали... етар! Хай, мендек бахтсизлик қурбони бу дунёда камми? Бор, кўп, лекин бировнинг бахтсизлиги менга далда бўлолмайди, йўқ, бўлолмайди. Шошқалоқман, шошқалоқ, енгил, бор кучи, умрини шамолга совурган, очилмай... йўқ, бевақт очилиб... сўлган, арзон атиргул! Нега адабиёт муаллимининг гаплари қулоғимга, дилимга, ақлимга кирмади: "...секин ва секин сев!" "...тез ишонган, тез адашади!" адашадигина эмас, мана мандек тояди!

Энди ҳамма... ана у Нажот-чи, ачинармиди, кулади, ғалаба қилдим, деб ўйлайди, ҳа, ҳамма мазах қилади. Юзимга кулиб қарашади-ю, ортимдан майна қилишади энди. Бировнинг ногаҳоний ўлими, бировга ғалаба бўлармикан? Йўқ, бўлолмайди... нима қилай, ё ўзимни... йўқ, ота-онам яна куяди. Бу қўрқоқлик!

Ҳа, шошқалоқман, севги деганим бахтсизликнинг ўзи экан, ўзим жабрини, заҳрини тортаман энди...

Оҳ, атиргулларим! Айтинг, айтинг, арзон ғунчаманми?

ҒАЛАБА ТЎСИҚЛАРСИЗ БЎЛМАС

Нажот учта зарбдан сўнг ўзини анча, руҳан олдирди. Минг ўзини ўқишга, китобга урмасин, ана у қора хаёллар унга тинчлик бермасди. Кўзини юмди дегунча, ўша мудҳиш кун, одамлар елкасида қип-қизил духоба бахмалда қайиқдай сузиб бораётган тобут, қон қақшаган ота-она, Гулрух, яна жон таслим қилаётган Хуррамбек... У гоҳ тушларида босинқираб чиқарди. Ярим кечалари уйғонса, бир-икки соат ақл кучи билан ўзини зўрлаб бўлса-да, китоб ўқир, дарс қилар, руҳий зўриқишни енгишга тиришарди.

Бу кеча у корейс домланинг гапини эслади: "Ғалаба тўсиқсиз бўлмайди!" Аввалига, у биринчи сўз талаффузига тушунмади, сўнг, англаб етди. Корейс домла яна унга яхши маслаҳатлар берди: "Сизники энди камроқ ухласин, сиз жўрабоз эмас, бу яхши, интизомга ўргандингиз, бу сиз учун яхши, сизда фикр бор, фақат ёзиш, тажриба, машқ керак, сизнинг отангиз яхши, Москвада ўқитмоқчи, тушунган. Муаммо – это не проблема, ҳамма гап уни ечишда, сиздан ҳаракат, бизга ("биздан" демоқчи) ба-ра-кат".

Ҳафтада икки кун тарих, икки кун рус тили ва икки кун инглиз тили дарси. У синфдошларидан деярли узилиб қолди. Талъат домла отаси билан бирлашиб, зўрға директорни кўндирган, директор ҳам "Агар МДУга кирса, бизга обрў" деб рози бўлган, энди ҳамма гап ишончни оқлашда. Акалари ҳам уни ҳамма ишдан озод қилган. Кун, соатлар эса шафқатсиз ўтиб бормоқда. Нажот календарга қарашга юраги бетламайди. Атиги уч ой қолди, 90 кун, 2160 соат, 1.296.000 секунд... юраги орқа тортиб кетди. "Ўтармиканман, корейс, яҳудий домла, озгина яна ҳаракат қилсанг, кирдинг ҳисоб, у ерда адолат бор", дейди-ку. Талъат домла ҳам мен билан бирга ўн кун олдин бормоқчи. Москвадаги жўраси билимли бўлса, олиб келавер, дебди-ку... борди-келдига отам тайёр...

Уч ой ҳам ўтай деб қолди. Нажот домлаларидан охирги топшириқни, оқ йўл-дуони олиб, Талъат домла билан Москва сафарига тайёргарликни бошлади. Директор ҳам хайрихоҳ, битирув кечаси ҳам яхши ўтди. Ҳамма ўқитувчилар унга омад тилади. Талъат домла жойни ҳам телефонда жўраси билан ҳал қилди. Имтиҳонлар ёзма экан, грамматикасига озроқ қийналади-да, хай, улар ўзбеклигини инобатга олишар... ҳамма адолатли дейди-ку. Ўтган йили Бухоро шаҳридан бир йигит МДУнинг математика ва информатика факультетига ўз кучи билан юқори балл олиб кирибди-ку. Талъат домла билан уни ёзда топиб учрашдилар, у ҳам адолат борлигини тасдиқлади. У биринчи имтиҳон – математикадан, ўнтадан саккизта мисолни ечиб, биттасини чала ёзиб, қийналиб, давоми "в чернавике" деган экан, ўша қораламани ҳам домлалар эринмай текшириб "беш" қўйибди. Мен ҳеч бўлмаса тўрт, "пльюс уч" оларман... оламан. У йигит ёзган русча иншомни кўриб, бўлади, фақат кўп китобий ёзма, улар трофарет гапни ёқтирмайди, хато, қисқа бўлса ҳам, ўз шахсий қарашларингни ёз, олиб қочма, улар фикрга баҳо қўяди, деб кўнглини кўтарди. "Кирсам, шу йигит билан жўра бўлиб юраман, яна юртдошлар топилар. Фақат яхши ўқишим керак", деб ўзига-ўзи қайта-қайта такрорлади. Ҳа, корейс домланинг гапи тўғри: Ғалабага тўсиқларсиз эришилмайди.

Шу тариқа Нажот Талъат домла билан Москвага поездда йўлга чиқди. Уни икки акаси ва синглиси кузатиб қолишди. Мабодо харажат зарур бўлса, деб, Нажотдан яширинча отаси қўярда-қўймай Талъат Собировга бир "Жигули"нинг пулини ҳам берди. "Кам бўлса, қўрқманг, мен бор, ўғлим кирса бўлди", деб такрор жавради. Талъат домла ичида, "Бу пулларни йўлда олдириб қўйсам, кейин нима қиламан, Қозоғистон ҳудудида банда кўп деб эшитганман", деб ичида роса хавотирланди. Сўнг жўрасига телефон қилди. "У пулга ҳожат йўқ, майли, отаси зўрлаган бўлса, пулни уйингга қолдир, бир қисмини ол. Бу ерда ижара, озиқ-овқат озгина қиммат", деб уни тинчлантирди. У отасини яна чақириб, бор гапни айтса, кўнмай, пулни олмай кетди. Начора, у пулларни заруратинигина олади, қолганини сандиққа солиб кетди. Келгач чўпон отани яна хурсанд қилади. О, ана Талъат домлага обрў, шов-шув: "Эшитдингизларми, ўзимизнинг Талъат бор-ку... қайси Талъат?...Плутарх ўз шогирдини МДУга киритиб келибди. – Биласизларми, МДУ дунёда нечинчи ўринда туради... Йўқ, йўқ, энг олдинги ўнликда... бу Талъат эмас, аслида талант..."

У ширин хаёллар билан ғалаба қилиб қайтсалар, чўпон унга зар чопон ёпиб, сўзсиз, энг зўр қўчқор ҳадя қилишини ҳам тасаввур қилди. "Менга қўчқордан ҳам, зар тўндан ҳам обрў устун. Ҳамма хайр-барака обрўдан кейин келади. Обрўнинг сояси қуюқ..."

ТРАФЕРАТ ФИКРЛАМА!

Нажот ҳужжатларни топшириб, Талъат домланинг дўсти Ёркин ака ижарахонасида яна йигирма кун тайёрланди, МДУнинг бир тарихчи профессоридан қўшимча дарс ҳам олди. "Тавба, – деди, ўзига-ўзи, нима бало, ҳамма тарихчилар жуҳудми, дейман". Бу фикрни Талъат домлага айтган эди, устози кулди-да, кўп набийлар шулардан чиққан деди ва сал ўтмай қўшиб қўйди:

– Бутун дунёдаги энг кўп миллионерлару корпорация, фирма бошлиқлари, давлат маслаҳатчилари ҳам шулардан. Улар боласига ёшликдан тил ва мусиқа, камида битта чет тилини ўргатади. Жуда зако. Деярли камбағали йўқ, борини ҳам ҳаммаси бирлашиб, қўллайди. Улар бизнинг Бухорода жуда кўп эди. Ҳозир

Исроил, АҚШ, Европага кетиб қолишди. ...Бу ҳаётда, хуллас, Нажот, ютай, эришай, ғалаба қилай десанг, жуҳуд бўл.

– Қандай қилиб, устоз?

– Қалбан, руҳан ўзбек, ақлан жуҳуд!

Шу тариқа Нажот илк тарих имтиҳонидан “4” баҳо олиб қайтди. Ижарадаги уйда Ёркин ака ўз қўли билан палов дамлади. Яна иккита ўзбек, битта рус оғайнилари келиб, Нажотнинг ютуғини ювиб, қиттай-қиттай олдилар. Рус меҳмон филолог экан, эртаси куни Нажотдан иншо олиб, текшириб, ёрдам беришини айтди. “Сен, – деди Нажотга русчалаб, – эрта кечгача иккита иншо ёзиб қўй, ўз сўзларинг билан, кўчирма, уч бетдан ошмасин...” Нажот ҳайрон бўлди. Мактабда домлалар бир дафтар бўлсин, дерди... бу ерда уч бетдан ошмасин...

Талъат домла, Ёркин ака, яна уч киши ярим кечгача роса гурунг қилишди. Нажот ошхонага ўтиб дарс қилди ва бир иншони бошлади. “Пушкин. “Евгений Онегин” шеърий романи. Корейс домла берган русча иншо тўпламларини яна бир варақлаб чиқди... сўнг бошлади...

Ваъдага мувофиқ эртаси айтилган вақт 18.00да Влад (Владимир) ака келди. Нажот ёзиб қўйган иккита иншосини қизариб унга тутди. Влад ака эринмай икки иншони ҳам текширди. Ҳошия четига қизил билан айрим шартли белги, ҳарфлар қўйди. Айрим гап, сўзлар остига тўлқинли чизди. Уч-тўрт жойига ундов белгиси ҳам қўйди. Сўнг ёнига Нажотни ўтқазиб, бирма-бир тушунтирди. Биринчи иншода иккита грамматик, учта услубий, иккита пунктацион хато қилибди. Иккита яхши, зўр фикр ёнида ундов қўйилган. Илҳоми келдими, Влад ака бирдан Евгений Онегиннинг Татьянага мактубини ўрнидан туриб, худди актёрлардай юриб айта бошлади. Нажот, Талъат домла беихтиёр қарсак чалиб юбордилар. “Яша! Браво, браво!..” Влад ака Талъат акага сирли қараган эди, домла дарров тушунди. Туриб яхдондан очилган ароқ олди-да, бир рюмка қуйди. Влад ака у кишига қизиқ қараган они, домла ўзига ҳам бир рюмка қуйди.

Икки кундан кейин адабиётдан ёзма имтиҳон – иншо бўлди. Эшикда ҳеч қандай текшириш, тинтув йўқ. Имтиҳон хонасига кирганда ёшгина, бир қиз ва кўзойнакли 50–55 ёшлар чамасидаги узун, озғин одам тартиб-интизомни тушунтирди. Нажотнинг бахтига Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романи ҳам тушди. У шу мавзуда иншо ёза бошлади. Бу асарнинг Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова таржимасидаги китобини ўқиганди. Қўлидаги шпаргалкада ҳам шу мавзу бор экан. Жуда эҳтиёткорлик билан кўзойнак тақиб, тўрт саҳифа қоралади. Миясида МДУда ўқийдиган ўзбек талабанинг гапи – “Трафарет фикрдан қоч!” У иншони шундай якунлади: “Лев Толстой одамзод бахтли бўлиши керак, мабодо у бахтсиз экан, унинг ўзи айбдор, деган ғоя билан асар ёзган. “Уруш ва тинчлик” ўнлаб, юзлаб, Франция-Россия уруши ҳақидаги тарихий китоблардан устун, содда, ҳаққоний, юксак, бадиий. Айниқса, Александр, Напалеон, Кутузов образлари жаҳон адабиётида ҳам бетакрор. Бу асар ўзбек тилига таржима қилинган, севиб ўқилади”.

ҒАЛАБА – ИЗЛАГАННИКИ

Нажот иншони ёзиб тугатгач, олд партага ўтирган бир рус қизига аста илтимос қилди.

– Кечирасиз, илтимос, шу ёзган нарсамни бир текшириб берсангиз...

Қиз ғалати қаради:

– Қаердансиз?

– Ўзбек, Ўзбекистондан.

– Менинг бувим ҳам уруш пайти Тошкентга кўчиб борган... ҳозир ўзим тугатай, кут, – деди.

Гапидан у самимий, имлоси ҳам жуда чиройли эди. Ўтган уч-тўрт дақиқа Нажотга узоқ туюлди, ичи ёнди, начора, кутиш керак. Бир вақт қиз бурилиб "Беринг" деди. У ёқ-бу ёққа ҳадиксираб қараб, Нажот дафтарини унга узатди. Қиз ўз дафтарини унга узатди-да, секин кўзини қисиб қўйди...

– Ўқиб туринг...

Нажот ўқий бошлади. Қиз Тургеневнинг "Муму"си ҳақида, жуда саводли, териб ёзган эди...

Қиз жуда тез ўқиб, хатоларни Нажотнинг ўз ручкаси билан тузатиб, дафтарни қайтарди. Ва хотиржам, "Қўрқманг, ўтасиз", деб ҳам қўйди. Бу гапдан Нажотнинг юраги илк севган қизига қўл узатгандек "гупиллаб" ура бошлади.

– Ростданми?

– Рост.

– Яхши қиз, исмингиз нима?

– Татьяна!

Қиз жуда самимий табассум ҳадя этди. Бу қадар самимий табассумни Нажот умрида биринчи ҳис этиши эди.

Эртаси куни баҳолар эълон қилиниб, "яхши" баҳо олганини Ёрқин ака қувониб келиб айтди. Яна кечаси Владимир келди, яна ош дамланди, Бухородан борган писта, бодом, майиз, "Шоҳруд" ароғи столга олинди. Нажот хаёлан ерда эмас, ҳавода учиб юрарди. Энди ҳамма гап, куч, ҳаракат инглиз тили учун!

– Инглизча грамматика, сўз бойлиги, талаффузи яхши бўлса, бўлди, ўтади, – деди ширакайф Владимир. – Талъат ака, Бухорога борадиганга ўхшаймиз...

– Албатта, албатта, – деди, Талъат домла. – Бу биз учун катта бахт! Сизга ўзим амирий тўн кийдираман!

– О! Я Бухарским эмиром буду? – деб кулди Влад ака.

Владимир топиб келган инглиз тили мутахассис докторанти уни яна икки кун анча пиширди. Унинг миллати татар бўлиб, ўзбекчани яхши биларди. Аммо у атай икки кун инглиз тилида мулоқот қилди. Нажот анча қийналди. Таржима қилдирди, грамматика, фонетикасини текширди, инглиз тилининг нозик ва мураккаб қирраларини яна бир бор такрорладилар. Талъат домланинг "Қандай?" деган саволига, татар домла "Бўлади" маъносида боши билан ишора қилди. Уч кун ҳам, ҳадемай, эшик қоқди. Нажот, Талъат домла, Ёрқин ака, Владимир, татар домла-бешовлон имтиҳонга бордилар. Ёзма. Эрталаб 9:00да кирган Нажот 12:30 ларда чиқди. Ҳаммалари унинг ранг-рўйи, кайфияти, юриши, кўзига тикилдилар... ёмон эмасга ўхшайди, деди Владимир... Нажот келиб учта саволдан иккитасига тўлиқроқ, биттасига роса қийналганини айтди.

– Етмишу ўттиз, – деди татар домла, – ўтади!

Эртаси куни яна биринчи бўлиб Ёрқин ака баҳони билиб борди: "уч!"

– Энди ҳамма гап конкурсда, – деди Талъат домла.

– Мен ҳисоблаб чиқдим. Элликта оларкан. Нажот 40-42-ўринларда, аттестати "5" балл-а?

– Беш, беш, – деди Талъат домла.

– Ростданми?

– Рост! – Шу он у Ёрқинни қучиб даст кўтарди. – Тилингга шакар, жўра!

Ёрқинни қўйиб, Нажотни кўтарди.

– Нажот, Нажот! Ғалаба!

Нажотнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Томоғига нимадир тиқилди, юраги жойидан чиқиб кетгандай туюлди, қалтироқ босди... “Наҳот, бир қишлоқлик бола, чўпоннинг ўғли, кеча чанг, лой йўлларда эшак миниб, ўт териб, бурни қонаб юрган бола... МДУнинг фалсафа факультетига кирган бўлса, бу ўнгимми, ё тушим, эй Яратган Эгам, илтижоларим Ўзингга етиб бордими ё?”

Учовлари бир-бирларини яна кўтардилар.

ИШОНЧ САОДАТИ

Эртаси куни МДУга бориб рўйхатни биргаликда кўриш, сўнг бозор қилиб, 12:00да банкет қилишга келишилди. Меҳмонлар кетиши билан Талъат домла Нажотнинг туман марказида турадиган акасига телефон қилди. Нажот гаплашишга юраги гупурди. “Устоз, ўзингиз, ўзингиз” дегач, домласи суюнчи олди. Телефонда акасининг “дод” дегани яқинроқда турган Нажотга ҳам эшитилди. Акаси шу он бу хушхабарни онасига, машинада бориб, чўлдаги отасига етказишини ҳаяжон билан ҳўпиқиб айтди.

Нажот Ёрқин акадан уйларига совға-салом олиш учун бирга айланишини илтимос қилди. Ичида ҳисоблади: ота-онаси, иккита акаси, бир синглиси, Талъат домла (ўзига билдирмай), у кишининг аёлига, синф раҳбарига, директор, яҳудий домла, корейс, татар домла, жўраси Ёдгор, афсус, Хуррамбек йўқ. Гулрух унинг ғалабасини эшитса, қандай аҳволга тушаркин!? У бевафолик қилмаганида, албатта, унга энг чиройли совға олиб борарди... Нажот ўша дамда ўзига сиғмас, гўё осмонга учиб юрар, айни дамда нимадир бир мажҳул ғашлик ҳам бор эди.

Улар самолётда соат 20:00да Тошкентга етиб келишди. Поездда Бухорогача яна ўн соатли йўл. Таксини маъқул кўришди. Соат 22:00да ипподромдан бир “Нексия”га ўтиришди. Таксичи ҳам дунёкезар эканми, бирор соҳа қолмай, ёнидаги тасодифий танишга валдираб боради. Нажот минг чарчаган бўлса-да, кўзига уйқу келмас, ўй-хаёли ота-онаси, ёр-биродарлари севинчида эди.

Кечки соат 1:20да Самарқандга етиб боришди. Тальат домла билан келишиб “Улуғбек” деган жойдан ўн дона “Самарқанд нони” ҳам олишди.

– Отангнинг севинчини тасаввур қилолмайман, – деди Тальат домла.

– Ўзим ҳам, – деди Нажот.

– Энди сенга бир сирни айтсам бўлар, Нажот... Даданг Москвага жўнашимиздан олдин, менга бир машинанинг пулини сен учун бериб кетгандилар. Минг айтсам ҳам кўнмадилар, сенга айтмасликка сўз олдилар. Мен бир қисмини олдим, қолгани уйда. Эртага олиб бораман. Отанг дунёда адолат борлигига ишонсинлар. Адолат ҳам югурган, тиришган, интилган кишига насиб қилар экан.

– Мени, устоз, доим бир нарса қийнарди...

– Нима?

– Сизнинг, ота-онам, акаларим, домлаларимнинг ишончи...

Талъат домла оталарча муҳаббат билан Нажотнинг бошини силаб, елкасига қоқиб қўйди.

– Ўғлим, ишонч яхши нарса-да... саодат шуям...

ҚИРОВ ТУШМАЙ ҚОР ЁҒМАС

Нажот ва Тальат домла ярим кеча қишлоққа етиб боришди. Отаси чўлдан келиб, акалари билан меҳмонхонада ухламай кутиб турган экан. Улар бориши билан “гувв” этиб ҳамма чиқди. Онаси ҳам шовқинни эшитиб уйғонди. Нажот ва Тальат домлани худди армия, фронтдан қайтган аскардай кўтара-кўтар бошланди. Таксичи уларнинг нарсаларини акасига бериб қайтмоқчи эди, отаси уни тўхтатди.

– Шошма ўғлим! Онаси, о онаси, битта белбоғ олиб чиқ!

Зум ўтмай Нажотнинг онаси шойи белбоғ олиб чиқди. Отаси олиб таксичининг белига боғлади.

– Белбоғинг пулга тўлиб юрсин, ўғлим!

– Раҳмат, раҳмат, отахон, яна хизмат бўлса, мен тайёр.

– Оқ йўл, ўғлим, омон бўл, доим хушхабар билан юр!

“Дониёр” деб баланд овозда чақирди боши кўкка етган Озод ака.

– Лаббай, дада!

– Бор, қўтандан аталган қўчқорни олиб чиқ!

– Баҳоуддинга дегандингиз-ку?

– Бор, ёнидаги яна бир зўри бор-ку, шуни олиб чиқ.

Дониёр оз вақт ўтмай дарвозахонага отаси айтган, 30–35 кило гўшт қиладиган қўчқорни шохидан ушлаб олиб чиқди.

– Ўғлим, Талъат домланинг оёғи остига сўй, Нажотни ҳам чақир, бир оёғини қўйсин.

Талъат домла ҳали барвақт, тонг отсин, кейин деса ҳам Озод ака кўнмади.

– Бугун домла, туя сўйсам ҳам кам!

– Яна бир хабар айтсам, яккамихдаги отни ҳам сўясиз, – деди кулиб Талъат Собиров.

– Айтинг, сўймаган эр эмас, домла!

– Берган пулингиз, ҳалол экан, қайтиб келди, Озод ака!

Отаси ялт этиб Нажотга қаради.

– Ўз кучи билан кирдими, домла?

– Ҳа, ўз кучи ва Бухоройи шариф пирлари мадади билан!

– Сиз, айтган адолат бор экан-да, домла.

– Мана исботи!

– Бу гап учун от кам, домла.

– Дониёр!

– Лаббай дада!

– Иккита қўчқорни Талъат домланинг уйига торт!

– Бўлди, есть ҳозир.

Талъат домла минг “Йўқ, йўқ, керак эмас” деса ҳам, Озод ака қўймади.

– Менинг гапим битта, домла, Дониёр, торт!

Хушхабарни эшитиб, қўни-қўшни, танишлар ёғилиб кела бошлади. Ўша пешин Озод ака катта худойи қилиб, хурсандчилигини яқинлари билан баҳам кўрди. Мактаб жамоаси ҳам, қоровул, супурувчисигача келди. Корейс домлани Талъат домла такси билан келтирди. Яҳудий домла эса, “Раҳмат, киргани мен учун катта зиёфат”, дебди. Кетишда корейс домлага ҳам тўн ёпилди, худойи бўлса ҳам, алоҳида пакетда иккита ароқ, битта коньяк, салафанда ўроқлик уч килолар хом гўшт таксига қўйилди. Ўша таниш таксичи билан Талъат домла яна пакет қилиб яҳудий ва эсдан чиққан татар-инглиз домлани зиёрат қилиб қайтди.

Зебининг супурувчи онаси оғзидан бол томиб Нажотларнинг маъракасини, ўзи қўли кўксида дарвозахонада хурсанд ўтирганини айтди... Сен... Зеби, – деди тунд бўлиб, – қандайдир дўкончидан кўра ана шундай йигитларни топсанг, қандай яхши эди.

– Ўқиган билан оламни олармиди? – деди Зеби лаб буриб.

– Мен бир супурувчи, қора меҳнаткаш, хай, унинг отаси ҳам чўпон, балки олар, Масковга ГУУга кирибмиш...

– ГУУ эмас, МДУ, – деди Зеби билағонлик қилиб.

– Менга нима фарқи бор гуми, пуми, ҳамманинг оғзида, у ерга ҳамма ҳам юрак бетлаб киролмас экан.

– Керак бўлса, дугонам Гули уни бир тийинга олмаган!

– Шу учун ҳам Худо уни бир тийин қилди-да!

Зеби жавобланмади.

– Она, Гулида нима айб, нега бундай дейсиз?

– Гапингга гап-да, қизим... сенга тўғрисини айтсам, тунов кун мактаб ўқитувчилари сендан норози бўлиб гапирибмиш.

– Э... мен битирган бўлсам... энди нима дейди?

– Сени, дарров жаҳл қилма, ўлгур дўкон қоровули, алкаш чол, бир тўйда ичиб олиб, сени ҳафтада шу дўконга боришингни айтибмиш...

– Хай, дўконга, керак бўлса, ҳамма боради. Нима бўлибди? (у ичидан зил кетса-да, юзини атай қаттиқ қилди.)

– Сен эркакларни билмайсан, ўнта, юзта қўшиб бир-бирига айтади, ўлсин... қолиб кетма... дейман-да, болам...

Онасининг бу гапидан сўнг қишлоқ одамларнинг ўзига сал қизиқ, гоҳ кулибми-ей, йигитларни эса ҳирс билан қарашлари кўз олдидан ўтди... У югуриб келиб ётоғидаги ойнада ўз қадди-қоматига яна бир қаради-да, ўзгариш йўқ-ку, деди-да, барибир бўшашди...

Шу заҳоти ортидан онаси кирди.

– Ҳа, она, тинчликми?

– Қизим...

– Ҳа, нима гап, гапиринг? – қўлини белига қўйиб, важоҳат билан онасига тикилди Зеби.

– Менга бундай қарама, Зеби!

– Қандай қарай?

– Озгина меҳр билан мулойим қара, қизим.

– Хай, ана... (у қўлини белидан олди) гапиринг...

– Қизим, шу магазин боришни камайтир...

– Ҳоо, Сашка акамнинг ҳимматларини дарров унутдингизми?

– Унутмадим, лекин уни учта боласи бор, сен қиз бачча...

– Бачча деманг мани, маъносини биласизми? Бу ёмон гап.

– Ҳе, ер ютгур-ей, сан ҳали баччани ҳам биласанми?

– Она, менам ўн еттига кирдим...

– Замон бузилди-да, ҳе, замонга ўт кетсин!

– Замонга нима бўлибди, она, мана сиз...

– Хўш, менга нима қилибди.

– Туғилганимиздан буён қора меҳнат, она-отангиз ҳам қора тер тўккан, бувим кайвони бўлганми?

– Ҳа, халқнинг хизматини қилардилар, раҳматли онагинам. Отам деҳқон

эдилар. Катта бобом босмачи бўлганлар, катта бибимни Каттақўрғондан, отда олиб қочиб келган эканлар, асли у кишининг эри бўлиб, жуда келишган, ҳурлиқо бўлган эканлар... Хай, болам нима бўлса-да, гап-сўз ёмон...

– Она, – деди Зеби, – мана сиз ҳар кун мактаб кательнийсига кириб чиқасиз?..

– Хай, сувга кираман, нима бўлибди?

– Энди сувга кирасизми, косовгами, ҳамма гапиради... Бу одамларимизга турсанг сўпоқ, ўтирсанг ўпоқ!

Она ичида ўйлади: "Ўлгур, ё билармикан-а, косов деб нимани, нимага ишора қилди-а? Тавба, шу ёшда шунча гап. Бувимга кетган, ўлгур..."

– Зеби, нима десанг ҳам, сени отасиз ўстирдим, одамларнинг кирини ювдим, уйини супурдим, молига қарадим, сени эгангга тинчгина берай, дейман-да...

– Ҳа, тинч бермай ноғора чалармидингиз?

– Бунча, кўпол, қўрс бўлма, қизим!

– Сашка акам ҳар ҳафта бу сенга, бу онангга деб алоҳида бозор қилиб берадилар.

– Э, бозори ҳам қурсин, ўзи ҳам!

– Э, она, сизга нима бўлди. Бир Нажотбойни худойисига бориб, дори ичиб, айниб келдингизми?

Онаси бирдан йиғлади. Ўтириб олиб, сочини чангаллаб йиғлади.

– Она, она, сизга нима бўлди?

– Ҳеч нарса, ўзим.

– Она, йиғламанг, майли, сиз нима десангиз, мен ўша, кўнаман, қиламан...

– Қизим, – деди онаси, – кеча директор ва завуч мани еди, тузлади. Сени деб! Ё қизингни йиғиштир, ё мактабдан йўқол, дейишди.

– Нима ҳаққи бор?

– Ҳаққи, йўқми, билмайман, ана у Саъдулланг... Тоза институтни битириб келган бир қиз ўқитувчимиз билан ҳам... Юрар эмиш! У қизнинг акалари тутиб, терибмиш-ку?

Зеби бирдан жим қолди ва шу он Сашка акасининг уч кун йўқолиб кетиб, кўз ости кўкарган, кўзойнак тақиб дўконга келганини эслади: "Э, аблаҳ, хотинбоз-эй, ҳали шунақами, ҳа, ана у муаллимчани неча бор унинг олдига бориб тарғил сигирдай сузилиб турганини кўргандим. Бекорга эмас экан-да, рашк қилсам, "Жўрамнинг синглиси" деганди, алдоқчи, тулки-ей... вой ўлай, энди нима қиламан? Тўғри хотинига борайми-а? Балки ёлғондир. Барибир ўз кўзим билан кўришим керак..."

– Энди нима қиламиз, қизим?

– Нима? – Зеби хаёл билан онасининг бир сўзини ҳам эшитмади.

– Энди нима қиласан, дейман-да, қизим.

– Мен, она, унга ваъда берганим ҳам йўқ, соппа-соғман.

– Илоҳим, – деди-ю, онасининг нафаси ичига тушди. "Икки йилдан буён эркак одам бу ер юткурни соғ қўядими?"

– Яна нима?

– Шу қилган ёрдамларини бир бало қилиб, сигирни сотиб, пул топиб тўласак қутулармидинг?

– Уни менга қўйиб беринг, она!

Онаси қўрқиб кетди:

– Нима қиласан қизим, яна шайтоннинг гапига кириб... бир иш қўзғама.

– Магазин, машинани, кейин ўзимни ёқаман.

У жаҳл билан муштини деворга урди. Онаси туриб уни қучди.

– Сан девона бўлибсан, Зеб. Ойнага қара, суқсурдайсан, у сени бир тукингга

арзимайди. Хай, ёқдинг, ўлдинг, нима бўлади, у яна ўнтасини топади. Куйганман, куяман, қизим ман. (Онаси кўксига мушти билан урди.) Энг яхшиси – деди онаси, – Бухорога ўқишга кир, ўқиганни ҳозир тез олади...

– Ўқиш учун пул керак, онашка!

– Мана Нажот бепул кирибди-ку?

– Ким айтди?

– Ҳамма!

– Э, сиз гўл, она. Бир ойда отаси иккита прицеп қўйини бозорга этиб сотган.

– Сан қайдан биласан?

– Дугоналарим, синфдош, танишлар айтди.

– Хай, ман билмадим, сен ҳам ўқисанг, Нажотдай йигитга тегармидинг.

– Кўрқманг, ҳозир ҳам ундан зўрига тегаман!

– Хай, қизим, илоҳим, айтганинг бўлсин. Ҳа, Гулрух дугонанг ҳам дўхтирликдан йиқилиб келибди. Бир бориб кўнглини кўтармайсанми?

– Қачонлар борувдим. Отаси пул берган домла ҳаммани "чув" тушуриб, Жиззах чўлига қараб кетибмиш.

– Чўлга нима қилади?

– Катта чўл, мелиса кам, масза қилиб еб юради-да, давлатнинг қўли узун, ипи дароз, дарров тутади. Гулрухнинг отаси бир "06"нинг пулини берган экан, куйди, бечора.

– Улар бой, қизим, яна топади.

– Топару, алами ёмон-да, она, Гулрух бир куювди, бу иккинчиси, оғир...

...Уч кун ўтиб, келиб-кетиш ҳам камайгач, Нажотнинг энг яқин дўсти Ёдгор келди. Бир соатда бутун дунёда бор янгиликни айтиб улгурди. Гап Гулрух ва дугонаси Зеби устига келганда, ичдан тебраниб кетди.

– Бу Зеби супурувчининг қизи, – деди нон чайнаб Ёдгор – хайриятки, ҳоким, вазирнинг қизи эмас.

– Нега ундай дейсан, оддийгина эди-ку...

– Э, сен курсга қатнадинг, билмайсан, икки бор уйланган, уч болали, қишлоқ магазинчиси бор эди-ку, "09"ли, қизил, Саъдулла-Сашка, ўша билан дон олишиб юраркан... Ўша Сашка амаким билан жўра... улар гоҳида яширин ановининг баргими, ширасиданмией тортади ҳам... Хуллас ўша Сашка-Кошка (амаким шундай ҳазиллашади) ўзи айтибди, кайф қилиб... Уни шу супурувчининг қизи, тавба, ўзимни ўлдираман, дўкон, машинангни ёқаман, хотинингга бораман деб шантаж қилиб, анча пулга туширганмиш.

– Бу гапларни қўй, ваҳима қилма. Гулрух қалай?

– Ҳа, уми, меддан йиқилиб келди, ростми ёлғонми отаси ҳам тушган эмиш. Ўша Манийсидан кейин Гулрух гунг, жим. Ҳа, бир кун Ҳошим читтак айтди. Гулрух билан Зебичани у "Бухоро" кинотеатридаги анавинақа кино кўрадиган жой – алоҳида хоначада кўрганмиш. Ўвв Нажот, у хоначаларга соғ қиз бормайди!

Нажот ўйланиб қолди: "Балки гапи тўғридир-а? Ким билади, шубҳа..."

– Ёдка, – деди Нажот, – сени рус тили ўқитувчимиз бекорга "почемучка" демаган экан, ер тагида илон юрса биласан-а?..

– Юрса эмас, қимир этса, бас! (Кулдилар.) Зотида бўлса ёмон-да, жўра. Зебичани айтаман-да! Онасини биласан-ку...

– Нимани биламан?

– Нимани биласан? – саволга савол билан жавоб берди Ёдгор. – Ҳамма билади-ку...

– Кеча отам кимгадир гап айтдилар, – деди Нажот ўйланиб, – қиров тушмай қор ёғмас, эмиш.

– Бу нима деганлари?

– Буми Ёдгор, қор ёғишдан олдин эрталаб қиров бўларкан. Кексалар шундан қорнинг дарагини оларкан. Яна ер тагидаги сабзи, турп, шолғом қировни еса ширин бўлармиш. Эскилар қиров емаса, уларни ковламаган... Зебининг онаси ҳам бир қиров-да...

КУЧИНГНИ БИЛИМГА АЙЛАНТИР

Нажот отасини Ёдгорга келгуси йил ўқишга киришида ёрдам беришга кўндирди. Ўзи яна қайта яҳудий, корейс, татар домлаларини бориб кўрди, дуосини олди. Мактаб ўқитувчилари, узоқдаги қариндош-уруғларни ҳам бориб йўқлади. Бир гал Тороб тепага қайтиш йўлида Гулрух ва Зебига рўпарў бўлиб қолди. Иккиси ҳам анча очилган, янада гўзаллашиб, тўлишган. Улар худди ҳеч гап ўтмагандек Нажот билан қуюқ кўришиб, табриклашди.

– Элликта битирувчидан, – деди Зеби, – беш киши институтга кирибди, энг зўрига сиз!

Гулрух ҳам кўз остидан Нажотга қаради. Нажот негадир жавобланмади, сукутланди. Яна жимликни Зеби бузди:

– Нажот! Бизларниям Москвага этасизми?

– Аввал ўзим ўрганай, кейин, албатта.

Ҳеч гаплари қовушмади, ўртада номсиз бир совуқлик, бир-бирини итарувчи руҳий тўқнашув бордек эди. Бирдан Гулрух:

– Нажот, мендан хафа эмасмисиз?

Нажот гандираклаб қолди, ўзини йўқотай деди:

– Йў-ў-ғ-э, нега, сиз бахтли бўлишингизни истайман...

– Бахтли бўлолмаслигимни билсангиз ҳамми?

– Нега ундай дейсиз?

– Сиз, ўйламайсизми?

– Мусибат айтиб келмайди, Гули, чидаш, сабр керак, ким ўйлабди...

– Мен сизнинг қарғишингизга қолдимми, деб ўйлаб юрибман!

Гулрух бирдан асабийлашиб, кескинлашди.

– Гул, девона бўлдингми, қўй, бўлди, унут ўшани, бўлди-да, – деди Зеби.

Фавқулодда бу ҳужум остидаги заҳархандани Нажот тушунди. Гулрух ўша Тороб тепадаги машъум кунга ишора қилганди. “Узр”, дейишга ғурури қўймади.

– Майли қизлар, омад сизларга, – деди-да катта йўл томон юрди.

Ниҳоят, Москва сафари ҳам етиб келди. Нажот бир йилга керак бўлиши мумкин бўлган нарсалар нималигини билмай, ўн марта чамадон тўлдириб, яна бўшатди. Талъат домла келиб маслаҳат бергач, иш осонлашди. Домласи, “Уч ойга етарли нарса ол, бас, почта ишлаб турибди, поезд, самолёт, Диля, Мадад акангга ўхшашлар ҳафтада бориб келяпти, зарурини ол, етарли”, дегач, анча енгил тортди. Бухоро шаҳридан бир катта курс математик талаба билан бирга кетишга келишдилар. Охирги кун уйга яна энг яқинлар тўпланди, отаси етарлича пул берди, етмаса, аканггами, домлагами қўнғироқ қил, шартта юборамиз, хат ёзиб тур, онангни биласан, ҳа, ўша, немис асирлари қурган бино олдида расмга тушиб юбор, менам одамларга кўрсатай, деб самимий кулди.

...Онаси Нажотни қучиб йиғлади. Отаси ҳам бу кўзёшдан бенасиб қолмади. Акалар, Талъат домла ҳамкорликда ҳаммалари Нажотни кузатишга Когон темир йўл вокзалига чиқдилар.

– Қайдасан, Москва, қайдасан МДУ?!

ДАФТАРЧАДАГИ БИТИКЛАР ҚУВВАТИ

Нажот ўтган бир йил ичида анча дўст ортирди. Хонадоши Александр Сергеевни ҳамма ҳазиллашиб "Пушкин" дер эди. У бўлса, "Мани сочим жингалак эмас, бобом ҳам ҳабаш эмас, асли фин, бакен, бард ҳам эмасман", деб жавобланар, сийрак сочларини силаб қўярди. Унинг энг яхши хислати ҳеч қачон бировнинг шахсий ҳаётига қизиқмас, қадим Хитой фалсафасининг ошиғи эди. У Москвага яқин Химки шаҳарчасидан, уйи университетга яқин бўлса-да, атай вақтдан ютиш, кутубхоналарда кўпроқ ишлаш учун ётоқхонада турарди. Отаси рассом, асосан Саврасов, Левитан услубида фақат табиат манзараларини чизаркан. Унинг айтишича, отаси ҳеч қачон одам суратини чизмасликка ўзига сўз берган эмиш. Нажот, "Нега?" деб сўраса, ёшлигида отасининг энг яқин дўсти ичиб, уришиб, сувга чўктирган. Шу руҳий зўриқишданми, билмадим, отам одам расмини чизмайди.

– Рассомлар, – деди Нажот, – минг табиат, ҳайвон, оламни чизса ҳам одам қалбини акс эттиради-ку, – деб эътирозланди.

– Бу кимни, ҳар ҳодиса, нарсага қандай нуқтадан, қандай мақсадда қараш, англаш қобилиятига боғлиқ. Отамнинг картиналари менга маҳзун, ичида бир нафрат яширингандай кўринади. Яна билмадим... Борсанг, кўрарсан...

Бухородан келган жўнатма – ёнғоқ, донашўрак, майиз, писта, бодом ҳам унинг ётоқхонаси раҳбарияти, айниқса, комендант, қоровуллар билан муносабатини жуда илиқ қилди.

Нажотга Россиянинг энг ёққан жиҳати интеллектуал қобилиятни ўстириш учун ҳамма имконият, шароитнинг борлиги, одамларнинг биров билан умуман иши, қизиқиши йўқлиги эди. Майда гап, ғийбат, деди-деди йўқ, балки бордир, у бир йил ичида ўқишга ғарқ бўлиб, ҳозирча сезмади. Шу хаёллар изтиробида у юксаклардан ўз қишлоғи, район, областига назар солди. Ҳамма нарса бор: улуғ шонли ўтмиш, тарихий обида – мўъжизалар, ер, иқлим... ақл-заковат, меҳнаткашлик, қаноат, сабр... Нега тараққиёт суст? Нега одамлар ўзи, келгуси тараққиётини кам ўйлаб, бир-бирини ғажишга, бир бирининг тагига сув қуйишга, бадном қилишга ўч-а? Ойбек домла аср бошида тўғри ёзган экан. Инқилоб ўзи билан бизга алкаголь, фаҳш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ҳам олиб келди, деб, хай, ўзимизда ҳам баччавозлик, қимор, қиз олиб қочиш, хотин устига хотин олиш, ота ўғилни, ўғил отани билиб билмай қатл этиш фожиалари ҳам бўлган ва бор... Лекин улуғ Ўғизхоннинг, Амир Темурнинг шону шавкати, қудрати қани?

Мана, Болтиқбўйи, Кавказ уйғонмоқда, нега Марказий Осиё жим. Йўқ, жим эмас, денгиз сокин кўринса-да, остида тўлғаниш бор-ов...

...Оврўпа, Америка, Япония, Хитой, Жанубий Корея шиддат билан тараққий этаётир. Ҳа, ҳамма гап, мустақил ривожланишда. Бу иттифоқ ичига ҳам қурт тушиб қолди-ку, эрта нима бўларкин-а? Ҳа, бир гал баҳс-мунозарада Диоген ака қизиқ гап айтганди, ёзиб ҳам қўйганман... "Зулм кучайса, занг темирни еганидай, соҳибини ейди". Яна Артур Шопенгаур ака эслатган: "Зулм кучайса, ҳажв ҳам шунча ўткир бўлади". Карнеги фикримиди, хай, ҳозир, кимлигининг нима фарқи бор, амалга ошган, ишга айланган фикрга қараш керак...

...Мана биринчи сессияни қанча зўр уриб, учсиз тугатди, тўртта “тўрт”, еттита “беш” баҳо, хай, синовлар ҳисоби йўқ, лекин айрим фаннинг зачёти имтиҳондан ҳам қийин... Иккинчи семестрни иккита тўрт, ўнта беш баҳо билан якунлади. Мусофир юртда, бу ерда таниш, билиш, андиша, пул ўтмайди. Хайрият шундай, ўтса, ярми талаба миллионер. Бу ерда шоҳу гадо баробар. Александр билан Татьяна ҳам унга анча ёрдам берди. Влад ака, Ольга, Ёрқин ака, Артур ва Дмитрий акаларидан ҳам фикрлаш, қиёсни ўрганди. Ҳамма гап бахт, келажак, тараққиёт, ўзининг қандай фикрлаши ва амалида экан.

У бирдан йўқотган нарсаси эсига тушгандай, шкафча тортмасидан битиклар дафтарчасини олди ва кўзларини юмди. Тахминий бетни очди-да, ўнг қўли ўрта бармоғи билан тахминий ёзув устида тўхтаб, кўзини очди. “Ким нима деса, “ҳикмат” дегувчи бўлма!” Муаллифсиз, ўзининг гапими, Артур, Дмитрий, Ёрқин аками, афсус, муаллифни ёзмаган экан. Лекин жуда тўғри фикр. Ҳаммага эргашиб, ишониб ҳам бўлмайди. Устози Леонид Леонтович айтганидай, ҳамма улуғ фикрларни синтез қилиб, ҳаёт ва замонга энг яқин, жавҳарингина олиш керак! У яна дафтарчасини ёпди-да, кўзини юмди. Энди тўққизта варақча санади. Ичида 9 қават осмон, одам... тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат.... 9 сирли рақам, ҳамма оддий рақамлар ҳосиласи тўққиз: 1+8; 2+7; 3+6; 4+5; ...қани, нима чиқаркан-а?

...Чжуан-Цзи. Т. милоддан авввалги 369–286-йилларда яшаган. Майда амалдорликни тарк этган. Ёлғизликда ҳаёт кечирган. Тушида камалак кўриб, файласуф бўлган. “Дунёда иккита буюк тушунча бор: биринчиси – тақдир, иккинчиси – адолат!”

“Қизиқ, деди ўзига-ўзи Нажот, ё тавба, ишқилиб мен ёлғиз ўтмай-да...” Ичида туфф-туффлаб ҳам қўйди. “Бунча тушкун бўлмасанг, оптимист бўлиш керак!” деганча яна хотирасига куч берди... Ўзи бу дунёда кимлар тоқ ўтмайди? ...Ҳазрат Навоий, хай, у киши ҳамма қудратини ижодга берган. Балки буюк вафосизлик, айрилиқ кўргандирлар-а? Ғазаллари ботинида шу мавзу ўтлироқ. Яна ким, ҳа, Диоген ака, ўзим ҳам ўқидим, Фалес, у ҳам ёлғиз ўтган, нимага? Яна... дафтарчасининг сўнгги бетини очди. “Ёлғизлар: Томос Гоббс (1588–1679) инглиз, файласуф, уйланмаган (сабабини, афсус, ёзиб қўймаган экан)... “Муҳтожлик аҳмоқликдан афзалдир!” Зўр фикр, деди овоз чиқариб. Аҳмоқ, гўл, фаросатсиз, илмсиз жоҳил бўлгандан, муҳтожлик бахт-да, Нажот!

Яна дафтарчасига тикилди... Пётр Яковлевич (1794–1856) Р.Язанов кутилмаган қарорлар қабул қилган... Пушкиннинг дўсти! Уйланмаган, негалиги эса сир... “Сўз – шафқатли қалбда жаранглайди” учта ундов қўйган. Тўғри шафқатсизда беғубор, дилўртар сўз бўладими? Ҳамма улуғлар, ниҳоятда, шафқатли бўлишгани, умумбашарий фикрлагани, дард, алам, чеккани, ўтмиш ичидан келажакни соғингани учун ҳам сўз-ҳикмат кўрсатмалари ҳамон, ҳа, яна ўзларидек шафқатли дилларда жаранглаб, нажот бўлиб турибди... О, менинг номим ҳам бежиз эмас экан-да. Ўша бобомнинг қамоқдаги жўралари ҳам шафқатли қалб соҳиби бўлган... Яна дафтарчасини варақлади, орқадан олдинга... Тўхта, – деди ўзига ўзи, аввал ёлғизларни тугатай, яна сўнгги бетни очди: ...Машраб, Мутал Бурхонов, Мирзааҳмад Олимов, репититор, олим...

Қизиқ, Каломда уйланиш, ўз-ўзидан кўпайиш... суннат дейилган-ку? Бирор бир жиддий сабаби бўлиши керак, бўлмаса, бу эркакка азоб-ку, тавба...

Қани, қамалган, тазйиққа учраган ё сургун қилинган файласуфлар тақдирини кўрай-чи... яна варақлади...

...Клазоменлик Анаксагор (милоддан аввал 500–428, юнон). ...ҳур, ноанъанавий

фикри учун тазйиққа учраган, қамалган! У “Ҳамма нарсани тартибга солувчи ақл”, деган – ҳа, зўр фикр! “Ақлсизлик балоси – XX аср вабоси”, деди ўзига-ўзи. Ядро, қирғин қуроллари, қуролланиш пойгаси, сиёсат ғариблиги, ҳовлиқмалик, шовинизм, гиёҳвандлик, СПИД, табиий офатлардан сабоқ олмаслик, булар ҳаммаси ақлларнинг тартибга сололмагани, ноқислигидан...

Қани яна ким, ...Рожер Бэкон (тахминан 1214–1292 йиллар) инглиз. Оксфордда ўқиган. Париж университетида дарс берган. 1277 йилда ҳур фикри учун айбланиб, ибодатхона ертўласига қамалган... Тавба, – деди у – фикр учун қамаш. Унда ер юзида одам қоладими? Бунинг сабабларини топиб, ўқишим керак.

“Одамзодни ҳам, – ўйлади у, – мақсад, идеал, ақл иродаси билан ҳаракати уйғун келса, кутганига эришади. Албатта замон, бандалар қаршилигини енга олса. Одамни бахтли ҳам, бахтсиз ҳам, бою гадо ҳам, мағрур ва муте қиладиган иродаси-ю ҳаракати-да, Нажотбек!”

Қани, яна азобланган, хўрланганларни топай-чи? Филиппо Жордано Бруно! (1548–1600) Италия. Шаккокликда айбланган, тўққиз йил қамалган! Аёвсиз хўрликлардан сўнг... ёқилган! “Эй, Раббим, – деди ўзига-ўзи Нажот, – бу одамзод, жазолаш, ҳасад, ўч олиш, ёвузликнинг чексиз усул ва воситаларини ўйлаб топган. Ёмонлик, вайрона, бузғунчиликка сарф этган ақлини яратишга сарф этса нима бўлади, Ер ўз ўқидан чиқиб кетадими, тоғ қўпориладими, тўфон босадими?! Инсон табиати ёвузликка, фитнага ўч. Шу пайт унинг кўзи столча устида қўйилган пиёладаги асалга тушди. Унга томон уч-тўрт чумоли юриб борарди. Шира бор жойда чумоли зоти... тавба, еттинчи қаватда-я? Бу нафс психологияси, фалсафаси. Ҳар бир иллатнинг ижтимоий илдизини топиш керак. Чумоли оч, юзинчи қаватга ҳам чиқади-да, ҳа, то халқ тўқ бўлма-са, иллат камаймайди, бахтли бўлиши ҳам қийин.

Яна варақлади... Элеялик Зенон. Италия. (Тахминан 490–430 йиллар.) Биринчи бўлиб “диалектика”ни кашф этган. Ҳукмдор Нархга қарши фитнага қўшилгани учун қатл этилган! Фикрлардаги қарама-қаршиликларни фош этиш орқали рақибнинг сўзларини рад этиш усулига асос солган.

Қани, шундай замон ҳам келармикан-а? Фош этиш, рад этиш, мантиқий тафаккури зўр киши учун осонку-я? Аммо тингловчи, адолат қилувчи бормикан-а? Дунёнинг қайси бир бурчагида балки бордир...

...О, Суқрот! (милоддан аввал 469–399, юнон), Аттика... Ҳайкалтарош, Софреникс, доя Фонеретта ўғли. Кўримсиз... бўйи паст, қорни осилган, калта бўйин, кенг ва дўнг пешона, танқайган бурнининг тешиклари катта, лаблар дўрдоқ... икки кўзи кишига зимдан қаровчи, икки бор уйланган, бахтсиз...

Шу ерга келганда Нажот “Бахтсиз” деган сўзнинг устидан чизиқ тортиб, “Омадсиз” деб ёзди. Бутун дунё Суқрот, Суқрот дейди-ю, у бахтсиз бўладими? Яна ёнида “Энг бахтли”, деб ёзди. ...фитна билан ...фуқаролик меъёрларини бузганликда айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилинган, судда унга қаршилар икки юз саксонта, тарафдорлар икки юз йигирмата бўлган! Қатл қилинган. Ҳамма замонда ҳам зулм, ёвузликнинг қўли баланд экан-да...

“Аблаҳ, эй, тавба қилдим, раҳматли Маннон, Мани... топган отини қаранг-а, миннат қилувчи, ота-онага ҳам фаросат бор экан-да... Ҳа, ўша Мани унинг устидан илк бор “Суқрот” деб кулганди. Нима у ўша пайт ҳам Суқротни биларканми? Йўқ, у бесавод эди. Плутарх домладан ё кимдандир эшитган. Мани файласуф эмас, бадбашара демоқчи бўлган экан-да... Қанийди, дунёқараш, фикр, ирода, шуҳратим ўша Суқротдай бўлса эди, майли, кўримсиз бўлсам ҳам”.

Цицерон (милоддан аввалги 106–43, юнон), файласуф, нотиқ, сиёсий арбоб. Исмининг маъноси “нўхат”. Цезарнинг жияни, Антонийнинг “ташаббус”и билан қатл этилган. Даҳшат: Унинг боши, ўзи бир неча бор нутқ сўзлаган жойга михлаб қўйилган!.. “Қурол тилга кирганда, қонунлар жим туради!” Унинг бу фикрини узоқ ўйлади Нажот.

...Боэцин (тахминан 480–524.) Рим. Ёлғон гувоҳлик берганликда, фитнада, айбланган, зиндон, сўнг дор. У ҳибсда “Фалсафа тасаллиси” асарини ёзган. Топиб ўқиш шарт.

Шарқ... Нажмиддин Кубро. Чингизхон Хоразмни забт этишдан олдин Нажмиддин Куброга элчи юборган, у зотдан шаҳарни тарк этишини сўраган, аммо Шайх кўнмаган. Мўғул аскари қилич билан бошини чопган. Шайх шунда ҳам етти қадам бошсиз олдга юрган! Ўлимидан сўнг қўлидаги байроғини панжаси орасидан зўрға олганлар... Машраб, Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Усмон Носир... етти грамм қўрғошин... қатл, зах, кафансиз кўмиш, кислотада эритиш, ўттиз йил қатағон.

Нажот оғир “уфф” тортди. Руҳи жуда тушиб кетди, диванга чўзилди-да, ухламоқчи, ҳаммасини унутмоқчи ҳам бўлди. Лекин иложсиз...

Александр ҳам сессияни якунлаб, бугун уйига кетди. Эрта у самолёт билан Тошкентга учади. Диля опасини бориб кўради, кейин Бухоройи Шариф...

Ётган жойидан сакраб турди-да, қайдлар ёзилган дафтарчасини олиб, муқаддас китобдай ўпди-да, кафти билан уч бор силаб, оҳиста боши остига қўйди, сукутга чўмди, сўнг яна ётди. “Дафтарчадаги битиклар қувват, Нажотбек, ғояларни қани энди, амалга оширинг!” деди-да, тўлғаниб-тўлғаниб ухлаб қолди. Тушида Бухоро, қишлоғи, ўша оқ от, бир-бирига ёпишган атиргул...

ҚЎТИР ГУЛЛАР

Ўша машъум кунда Зебидан хабар олмади, деб хафа бўлгани тўғри эмас экан. Онасининг кейин унга айтишича, дугонаси Гулрухни уч бор йўқлаган, отаси ёнига ҳеч кимни йўлатма, дегани боис, онаси узр айтиб, қайтарган экан.

Фожиадан ўн кун ўтгач, икки дугона яна қучоқлашиб, йиғлашиб, ҳамдардлашдилар. Бир куни Манининг йигирмаси ўтгач “Тур, дугон, шаҳар, бозор айланиб, ҳаво алмаштириб келамиз, бунақада ўзингни ейсан”, деб Зеби Гулрухни олиб Бухоро шаҳридаги Сомоний боғи, Арк, Мир араб атрофи, Тоқи заргаронни айланиб қайтдилар. Боришда Зеби Сашкаси билан уришиб, орани очиқ қилганини, уни қўрқитиб анча пул ҳам ундирганини, бу пул унинг медтехникумга кириши учун бемалол етиши ҳақида ҳам гапирди.

– Э, дугон... энди нима қиласан? – деган Гулрухнинг саволига бир унга кўзини сузиб, жоду қараш қилди.

– Энг яхши машина, уй-жойли, топарман йигит топиб узатишни ҳам Сашка бўйнига олди.

– Йўғ-э, ҳозир орани очиқ қилдим дединг-ку?

– Аввал шарт қўйиб, кейин-да... Хай, сен-чи?

– Бу тақдир. Бўлмаса Мани мени севарди, оларди.

– Олмасди, – деди терс Зеби.

Гулрух ҳайрон бўлди.

– Нега? Нега ундай дейсан?

– Уни ҳали эшитмадингми, нимадан авария бўлганини?

– Нимани? У шошган, тез ҳайдаган...

– Бекорларни бештасини айтибсан! У чеккан экан!

– Ҳа, у сигарет чекарди.

– Ўвв, гўл, наша чеккан экан!

– Йўқ, ёлғон, бу одамларнинг миш-миши!

– Одамлар эмас, қонидан чиққан, отаси яна пул бериб, бости-бости қилган. Кўз гавҳари катта-катта бўлганмиш.

Гулрух бирдан ўша илк “Алянс”дан чиқиб, яқин бўлган лаҳзаларини эслади. Ўшанда ҳам Манининг кўз гавҳари катталашган эди-я? Сўнг ухлаб қолиб, ҳар хил ҳавойи гаплар айтганини, картинани “Мен чиздим”, деганини эслади. Ичида балки ростдир-а, деб ўйлади.

– Йўқ, мен ишонмайман, қўй, гапирма, руҳини безовта қилмайлик...

Манининг қирқидан сўнг, яна икки марта шаҳар айланиб, “кино”га кириб, музқаймоқ еб қайтдилар. Яна бир ой ўтиб, икки дугона “Бухоро” кинотеатридаги алоҳида хоначага беҳаё фильм кўриш учун кирдилар... Шаҳардаги видеокассета сотиладиган махсус дўкондан Зебининг ташаббуси билан яширин, шармсиз яна битта кассета олиб, Гулрухларникидаги видеомагнитофонда, ота-онаси йўқ пайт қўйиб ҳам кўрдилар. У кассета ҳам бекорга яширин сотилмас экан. Сотувчининг икки ҳисса ошириб пул олганини улар энди тушунди. Кассета чет тилида, англаш қийин, иккови ҳам чет тилини умуман билмайди. Унда аёлларнинг ўзаро севгиси... тавба, аёл-аёлни ҳам севадими? Улар аввал бир-бирига таажжуб, сўнг кулиб, кўз қисиб, қарай бошладилар...

Шу-шу Гулрух Зеби билан яширин видеокассета кўрадиган, ҳафта, ўн кунда уларникида қоладиган одат чиқарди. Ҳар гал кола, фанта, конфет, яна бошқа егуликлар олиб борарди. Гоҳ ўзи бир-икки кийган кўйлак, лозимларни ҳам элтар эди. Берган ҳадя ёқар, Зебининг онаси уни бошига кўтарар, қўярга жой тополмай, жон-жонлар эди.

Бу шўхликларнинг авжи бир йилга бормай, икковлари шаҳар қатнаб, охири бир корчалон аёл қармоғига илиниб, мўмай пул топиш учун Дубайга “ўқиш-иш”га кетдилар...

* * *

Нажот қишлоққа етиб келгач, яна армиядан қайтгандай, қўни-қўшни, қариндошлар келди. Отаси ва катта акаси чўлда экан. Бахтиёр акаси, онаси, синглиси, Талъат домла, синфдоши Ёдгор ярим кечагача суҳбат қилдилар.

У Ёдгор билан эртаси куни Жондордан чиқишда, Ҳамза колхози чорраҳасидаги ариқ бўйидаги балиқхонага борди. У ерда чархпалак лойқа сувни ажиб тарзда новасиз, яна ариқни ўзига қуяр, овози ёқимли эди. Ошпаз ва хизматкор йигитлар ҳам Ёдгор билан Нажотни яхши танишаркан, қуюқ кўришиб, хизматни бошлаб юборди.

Ким, қаерда, нима иш қиляпти, ким турмушга чиқди, ким уйланди, армия, ўқиш, мактаб ўқитувчилари – Ёдгор барчаси ҳақида бирма-бир ҳикоя қилди. Гап Гулрухга келганда:

– Қўй, илтимос, шундан гапирмайлик, – деди Нажот.

– Э, энг қизиғи шу ва Зеби. Чунки ҳамма ҳайрон, Гулрух Манининг ўлимидан кейин, шу билан қалин дугона бўлиб қолди. Булар шаҳарга оёқ чиқарди. Э, хуллас бир ой бўлди, июнда Дубай...

– Йўғ-э?

– Ҳа, ўқишга, ишга эмиш...

– Э, ҳаёт қизиқ экан-да, Ёдгор, қишлоқ қизлари шунча тез ўзгардими-а?

–Ҳа, Россиянгда йўқми?

– Бор, улар азалдан кўпроқ Европага интилади, Дубайга ҳам...

– Охири хорлик, шармандалик, – деди Ёдгор, – шулар билан ўқиганимга уяламан.

– Ота-онаси қандай бош кўтариб юрибди?

– ...

– Хай, майли, ҳа, айтгандай, келишда бир туш кўргандим, жўра, – деди Нажот. – Биласанми, Ёдгор тушимга оқ от, Бухоро, қишлоқ, Тороб тепа кирди... сўнг йўлда иккита атиргул бир-бирига чирмашиб, қуриб қолган эмиш...

– Ана шу иккита мочада, ўша қуриган гулинг. Э, буларни атиргул дема-ей! Қўтиргул, чўтиргул, житиргул де!

– Топдинг Ёдгор, топдинг. Гулрух, Зеби ҳайф бу исмлар, топдинг, қўтиргуллар.

ЎТГА ЎТ ТУШДИ

Нажот қирқ кунларча Бухорода юриб, яна ўн кун олдинроқ Москвага кетишга қарор қилди. Бориб, ўқишга яна жиддий тайёргарлик кўриш, компьютер, интернет, кутубхонада қиладиган ишлари, режалари кўп эди.

Охирги кеча отаси бошчилигида ака, сингил, яқин қариндошлар йиғилиб, яна унга оқ йўл тиладилар. Талъат домла давра тўрида жуда хурсанд ўтирди. Ёдгор ҳам талаба бўлганидан хурсанд, севинчи ичига сиғмасди. Нажот шу қирқ кун ичида Талъат Собиров билан уч марта жуда узоқ суҳбат қурди. Шогирдининг ўсганини кўрган домла, жуда яйраб, ғурурга тўлди. Ичида ўйлади: “Ҳа, катта шаҳар, анча юксакдан, оламга тўғри қарайдиган, янада босиқ, мушоҳадакор бўлибди”. Айниқса, унга Нажотнинг табиат ва жамият психологияси, фалсафа ҳақидаги қарашлари ёқди. “Одам ва оламнинг асл моҳиятини англашга интиляпти, Худо хоҳласа, яхши олим бўлади... Қизиқ Артур-Шопенгауэр, Дмитрий-Диоген, устозлари, Влад билан Ольгани ўзим биламан. Жўрагинам Ёрқиннинг борлиги болага нур устига аъло нур бўлди. Бу йил у докторантурани тугатса, бир йилда анча ўрганди-ку... Шопенгауэр, Влад, Диогенлар бор, ўзини эплайди. Кўз тегмасин, бу менинг обрўйим!” деб қўйди.

У ҳар кеча дарс қилар, китоб жавонига МДУ биносининг кичик сувинер шаклини энг кўринадиган жойига қўйганди. “Зийрак, эс-ҳушли одам камол топади”, дерди ўзига-ўзи.

Нажот уй ичида, устоз, қариндош, жўралар билан хайрлашиб йўлга чиқди.

Ўқишига ўн кун олдин келгани учун Ёрқин аканинг ижара уйига борди. Жойлашиб бир кун дам олгач, эртаси куни соат ўнлардан ўтиб, кутубхонага йўл олди.

У, аввалгидек, ўзи ўрганган ўқув залига чиқди-да, иккита китобни олиб мутолаани бошлади. Залда одам сийрак... ҳамма жим, ўз ишига ғарқ. У энди Давид Юмнинг психологияга оид китобини ўн варақ ўқиган эдики, олдидан бир парча оловдек бошдан охир қизил кийинган, ўрта бўйли, қизил пошна туфлили, чўғдек кофта-юбкаси ўзига ниҳоятда ярашган, сочи ўзбекча ўралиб, турмакланган бир қиз ҳеч кимга эътибор бермай, ундан икки стол олдинда ўтирди. Негадир Нажотнинг вужуди бир қалқиб тушгандай бўлди. Ўзини

ақл кучи билан яна китоб ўқишга мажбурлади. Минг уринмасин ҳеч нарса ёдида қолмас, хаёли паришон, алғов-далғов эди. “Тавба, – деди ўзига-ўзи, – манга нима бўлди... Бу бир нотаниш бўлса, хай сочи ўзбекча, тожик, туркман, озарбайжон, қозоқ шундай юради-ку...” Қизга яна бош кўтариб қаради. Соч попуги ҳам қизил, лола шаклида, яна илоннинг бошига ҳам ўхшайди. Э, дидим ҳам... деди ўзига-ўзи, гулни ҳам илонга ўхшатаманми? Гул, қиз, илон мутлақо бошқа-бошқа нарса, ё ўхшайдими-а? Йўқ, бири ўт, бири яхши-ку! Хайрият, орқа томонидаман. Қараса, ёқиб юборадими, нима бало, менга нима бўлди ўзи-а, тавба...

Қиз эса бепарводек... китоб ўқир эди.

“Давид Юм, – деб ёзди дафтарчасига... 1711–1776. Инглиз. Философ, психолог”. Битта фикри ёқиб қолди: “Ҳаётни ақл эмас, одат бошқаради” қизиқ, мунозарали... яна олдидаги оловга қаради. У яна ўнг қўлини иягига қўйиб, мутолаа билан банд эди. Ўттиз бетларча ўқигач, яна бир фикрга дуч келди: “Севги – ўзга одамга бахт тилашдан бошқа нарса эмас”, дарров кўчириб олди. Шу вақт ручкасининг сиёҳи тугади...

Ичи яна ўз-ўзидан ёна бошлади, хаёлида юзи ҳам озроқ қизаргандек. Ичида калима қайтариб, аста ўрнидан турди.

Бир, икки, уч... қадам олдин қўйди. Қиз ё сезмади, ё сезса ҳам ёнига қарамади.

– Кечирасиз...

– Лаббай...

– Э, сиз ўзбекмисиз?

Нажотнинг бутун бадани қалтираб кетди. Қизнинг кўзлари шаҳло, қошлари ингичка, киприклари узун, юзи ҳам ўта нафис, лаблари бўёқсиз ҳам қизил. Иккалари ҳам бир нафас тикилиб қолдилар.

– Ҳа, ўхшамайманми?

– Ҳеч кутмагандим, узр, ўхшайсиз...

– Хўш, хизмат?

– Кечирасиз, ручкамнинг ранги тугаб қолди...

– Қизил бўлсаям майлими? – деди қиз ва олдидаги ручкалардан биттасини узатди.

– Бўлади, раҳмат! Дарров қайтараман...

– Бемалол...

Нажот ўз ўрнига учиб бордими, судралиб бордими, ёнибми, билмай қолди. Яна қизга ортидан узоқ тикилди: “Тавба, қиз ҳам шунча сулув бўладими? Ўнгимми ё тушимми? Қаерда ўқиса-я, балки боши беркдир? Мен девона бўлдимми, нима бало, ўзимни босай.... Ким билади насл-насаби, феъли қандай? Нимагадир ичим бугун бошқача, тавба-ей... Яна ўзини мажбурлаб китобга ғарқ қилмоқчи бўлди. Юмни қўйиб, Абул Фаррож ҳикматларини очди... уч, беш, етти бет ўқиган эди, бир жумлада тўхтади: “...Бир гўзал кузги олтин барг залдоризор олдидан ўтаётган эди, бир йигит, иккинчисига қараб,

– Қара, унга ўт тушибди!

– Йўқ, ўтга ўт тушган!”

Нажот яна баттар ёнди. Қаршисидаги қизил оловга тикилди. Вужуди яна ловуллай бошлади. Яна қизга қаради ва дафтарчасига ёзди: “Ўтга ўт тушди!”

ОДАМНИНГ ИСМИ ҲАМ ГАПИРАДИМИ?

Нажот икки стол олдиндаги фариштага яна, ихтиёрсиз тикилиб қолди: “Сочлар ҳам тим қора экан, қулоқлари ҳам ингичка, чиройли. Бриллиант ҳалқа, ҳа, адашмадим, қулоқчаларидаги ҳалқа бриллиант. Бойвачча бўлса керак... Э, йўқ, бойвачча бўлса, таътил пайти кутубхонага нима қилади, танишсаммикан?” Яна юраги “дук-дук” ура бошлади. Ўзини қанча мажбурламасин китоб ўқий олмади. Ичида яна, “Журъат, таваккал панд бермайди, танишаман”, деган қатъий қарорга келди. “Гоҳ ҳиссиётга ҳам қулоқ солиб туриш керак... кўпинча... ҳиссиёт алдамайди... Қани, Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм”. Секин ўрнидан турди-да, шахдам юриб столнинг ортидан ўтиб, қизнинг чап ёнидаги стулга шартта ўтирди. Ҳалиги олов фариштa ҳайрон бўлиб, китобни ўнг қўлига олди-да, унга тикилди:

– Тинчликми?

– Узр, кечирасиз, сиз билан...

– Нима?

– Сиз билан танишиш мумкинми?

Қиз бироз унга қараб турди-да,

– Мумкин.

– Менинг исмим Нажот, МДУда ўқийман.

– Исмингиз қизиқ экан, биринчи марта эшитишим...

– Сизники-чи?

Қиз унга шаҳло кўзлари билан “ялт” этиб қаради. Нажот дош беролмади, қиз яна китобга бошини эгди.

– Лола!

– Э, зўр исм экан, ўзингиз ҳам ҳақиқий лола экансиз!

– Раҳмат, қайси факультетда ўқийсиз?

– Фалсафада...

– Мен эса рус филологиясида, – деди қиз, беғубор кўзларини унга тикиб.

– Ўзбекистонданмисиз? Қаеридан?

– Эдим, ота-онам асли фарғоналик, тақдир тақозоси билан Россияга келиб қолганмиз.

– Ота-онангиз иш билан кўчиб келдими?

Қиз жавоб бермади-ю, ўйга толди.

– Кечирасиз, – деди Нажот.

Икковлари ҳам бир зум сукутга чўмдилар. Нажотнинг юраги яна тез-тез ура бошлади.

Қизда ҳам бирдан номсиз бир илиқ, меҳрга ўхшаш ҳис уйғонди. “Маданиятли йигитга ўхшайди. Самолёт ичида Ницшени ўқиб келаётган эди, мени фаҳмламади. Сал олдинроқда эдик-да, мен психолог десам, философ экан, юртдош экан... Шароити кўтарганки, Москвага келган, яна МДУ, фалсафага, қизиқ, бир синаб кўрсаммикан-а?”

– Ҳа, исмингиз нима эди? – деди қиз, икки кафтини бир-бирига ишқалаб.

– Нажот...

– Нажот! Ўзи фалсафа нимани ўрганади? Бизлар ҳам сал қизиқамизу, лекин жуда мураккаб, мавҳумми-ей...

– Сиз нечинчи курсда ўқийсиз, Лола? (У Лола деганда чайқалиб кетди.)

– Иккига кўчдим...

– Менам, – деди Нажот.

– Э, зўр-ку, бирга тугатарканмиз-да!

Қизнинг бу қувноқ оҳангидан Нажотнинг кўнгли кўтарилди.

– Насиб, ҳа, фалсафа одам ва оламни ўрганади. Яна табиат, жамият тараққиёти ва таназзули сабаб, оқибатларини.

– Жуда умумий-да, – деди қиз оҳиста.

– Нима десам экан, табиий ва гуманитар фанлар фарқи анча, Форобий энг осони математика, энг қийини фалсафа деган, фанлар таснифида...

– Мен, Нажот, гуллар ва қушлар ҳаёти, фалсафасига қизиқаман.

– Э, зўр экан-ку, қайси гул, қайси қушни яхши кўрасиз?

– Менми, – деди қиз шаҳодат бармоғини лабига қўйиб, – мен оқ атиргулни, оқ кабутарни яхши кўраман.

– Ўзингиз қизил атиргул бўлгач, оқини яхши кўрасиз-да, – деб кулди Нажот.

Қиз ҳам икки кафтини бир-бирига қўйиб, ҳиндчасига кўксига қўйиб, "О, раҳмат", деди. Иккалалари ҳам беғубор кулдилар.

– Оқ ранг яхши, беғубор, кенглик, кўнгил тозалиги, босиқ, сокинлик, – деди Нажот, – сиз севган рангингизга моссиз!

– Ростанми? – деди қиз унга жоду кўзларини яна бир тикиб, Нажот яна тоб беролмади, – сизнинг энг яхши кўрган файласуфингиз ким?

– Мениме, э, кўп...

– Масалан?

– Конфуций, Аристотель, Плутарх... Румий, Франклин, Кант, Гегель, Шопенгауэр...

– Яна, яна?

– Ницше, Диоген, Нақшбанд, Гёте...

– Яна, яна? (самимий кулиб)

– Янами? Хай...Чаадаев, Рязанов, Вольтер...

– Яна? – (унга самимий қараб) Хўш, ...Декарт, Бэкон, ўзимиздан Кубро, Ғаззолий, Платон...

– Икки-учта адабиётчини ҳам шу қаторга санаб кетдингиз...

– Фалсафасиз адабиёт – қоғоз гул!

– Ростданми?

– Рост, Лола, рост!

– Сиз Гёте, Вольтер, Румийни ҳам файласуф дейсизми?

– Мен эмас, бутун дунё.

– Унда Шекспир, Толстой, Достоевский, Пушкин ҳам, сизнингча, файласуф экан-да?

– Ҳамма гап нарса, ҳодисага қайси томондан, қандай мақсад, нуқтаи назар билан қарашга боғлиқ.

– Сиз билан суҳбат қизиқ экан.

– Раҳмат, Лола. (Негадир унинг номини айтганда вужуди яна қалқиб кетди.)

Нажот жойига қайтиб бориб ўтирди-ю, ичида бир парча ўт авж олгандай, номсиз ҳислар хаёлларини самовий орзуларга олиб қочди.

Энди Лола ҳам китобга минг тикилмасин, ортидан янги бир руҳ уни таъқиб қилаётган, кўзларини узмай, ўтли тикилаётгандай эди. У Игорь Вольгеннинг "Достоевскийнинг сўнгги кунлари" китобини варақласа-да, бир сатри ҳам ёдида қолмади. Фақат Достоевскийнинг суратдаги кўзига анча узоқ тикилди... Ёзувчининг нигоҳлари ўткир, бир нуқтага қаттиқ важоҳат билан тикилган...

Нажот, фалсафа, Бухоро... Достоевский, мен, кутубхона... Бу йигит

кутубхонадан чиққанларидан кейин кузатиб қўйиши мумкинлигини ҳам айтди, рози бўлайми-а, яхши, самимий йигитга ўхшайди-ку ...исми қизиқ эканми? Нажот! Суҳбати қизиқ экан, майли, кузатиб қўйсин, қўполлик сезсам, бир оғиз гап-да. Қўполлик қилмас-э...

"...Одамнинг исми гапиради! – ўйларди ичида Нажот. – Лола, чин лоланинг ўзи, киприк, кўзлари лола ғунчасининг ўзи, юзи ҳам лола баргидек, фақат гул баргидек тез хазон бўлмасин-да... Қизиқ, дунёда энг тез ўсадиган ҳам лола гули экан... Энди лола ичимда, қалбимда ўсади! Балки, бу бир ўткинчи ҳавас, биринчи таассуротдир-а? Фалсафага ҳам қизиқар экан. Лаблари ҳам ғунча! Ота-онаси ким экан, нега ота-онасини сўрасам, сукут қилади. Ўзим ҳам дарров, нима анкета тўлдираманми? Аста-секинда, мусулмончилик..."

Нажот ичи ёниб, Лоланинг ортидан анча тикилиб қолди. Ўнг қўл кафти билан юзини сал силади, озроқ ўт бордай... ишқилиб, айнимасин-да. Эшикдан чиққач, ўзим кетаман деса-чи? Йўғ-э, айтмас-э, самимий, уялиб, майли, деди-ку.

Ўтаётган лаҳзалар Нажотга асрдай туюлди. Ниҳоят "Олов", бир чайқалиб ўрнидан турди... Аланга... тикка ёна бошлаган эди...

НИЦШЕ ЯХШИ КИТОБМИ?

Иккаласи ҳам китобларни топшириб, то эшикдан чиққунча, жим боришди. Эшикдан чиқиш билан Лола Нажотга деди:

– Сиз овора бўлманг, ўзим бораман.

– Мени хафа қилманг, самимий, кузатиб қўяман.

– Унда, майли, кетдик...

– Кетдик!

Озроқ бирга юришгач, Лоланинг ўзи гап бошлади:

– Нажот, ота-онам асли фарғоналик.

– Айтдингиз.

– Отам билан онам характерлари тўғри келмади... Охири ажрашдилар. Ҳаёт экан... Онам ёлғиз... Газпромда оддий котиба бўлиб ишлардилар... Бир йил ўтмай, ҳозирги дадамга тегдилар. Бу одам рус бўлса-да жуда яхши, ўша ташкилотда ишлаган экан. Уч йил бўлди кўчиб келдик. Мен мактабни шу ерда тугатдим. Отам ўгай бўлса ҳам, асло сездирмайди.

– Дунёда яхши одам кўп, фақат биз кам сезамиз...

– Онам сал инжиқ бўлсалар ҳам, анча тушунган, замонавий фикрлайдиган аёл.

– Э, Лола, замонавийлик билан инжиқлик тўғри келмайди-ку?

– Билмадим, менимча, ўзларининг айтишларича, бувим шундай бўлган экан.

– Мен билан сизни кўрсалар...

– Москва катта шаҳар, тушунадилар...

– Сиз жудаям самимий экансиз...

– Ҳамма йигитлардек, роса мақтаб, дарров муҳаббат изҳор қилмоқчимисиз?

Нажот тилсиз қолди, қизарди.

Икковлари ҳам ниманидир хаёли билан ўттиз қадамча жим юрдилар.

– Сиз шу замонда ақлли фикр, донишмандлик, ҳикмат қадр топади, деб ўйлайсизми? – деб сўради Лола.

– Технократ, шошқин, ким ўзар дунёни, иқтисодни назарда тутяпсизми?

– Балки, ҳаммасини...

– Ҳозирча сал қадри бор. Лола, одамлар ўзлари тушунмайдиган нарса, ғоя,

янгиликлардан қўрқади. Ақлли одам ёвузликлардан қочиши керак. Аммо бу дунёда ақллидан тентак, пулдор кўп...

– Сиз пулдорларни ёмон кўрасизми?

– Йўқ, пулдор бўлиш – ҳамманинг орзуси, усиз бирор ғоя амалга ошмайди.

– Бу фикр тўғри, америкаликлар айтаркан-ку: Ақлли бўлсанг, нимага камбағалсан, деб.

– Бизда энг ёмони бойдан қўрқадилар. Буни сизга бир тарихий воқеа билан тушунтираман. Бир декабрист, инқилобдан олдин ўлаётган экан. Ташқаридан шовқин-сурон, ғала-ғовур, отишма, қий-чув овози эшитилибди. У бечора ҳайрон бўлиб, хотинидан сўрабди:

– Қара-чи, кўчада тинчликми?

– Йўқ, инқилоб бошланди, – дебди хотини.

– Бу инқилобчилар нима қиларкан, ҳаммани қақшатиб, – сўрабди декабрист.

– Ҳамма бойларни қирар эмиш.

Декабрист шарт ўрнидан туриб кетиб, қўли билан пешонасига урибди:

– Биз камбағални йўқотмоқчи эдик, инқилобчилар бойларни йўқотар экан-да!

– Э, Нажот, ростдан ҳам зўр гап экан, – деди Лола, – ҳамма замонда ҳам бойларни унча севмаганлар-да...

– Бу, Лола, нотўғри психология, инқилобларнинг сунъий ғояси, бу табиатга хилоф, нимаики табиатга хилоф экан, ҳеч қандай жамиятга сингимайди.

– Барибир, файласуфсиз-да.

Бу пайтда метро поезди ҳам "Октябрский"га келгани эълон қилинди. Лола мана шу ерда хайрлашайлик, деса ҳам, Нажот кўнмай кузатиб чиқди. "Вавилон" катта магазинини Нажот дарҳол белги қилиб олди. Аста кўча номига эътибор қилди: "Улица Корнейчук".

– Бўлди, бу томонига ўзим, ана у уй бизники, 2-подъезд, 41-хонадон... Сизга раҳмат... Соғ бўлинг...

– Лола! Энди қачон кўришамиз?

– Ўқиш бошлангач.

– Унгача-чи? – шундай деди-да, хижолат тортди.

– Ҳа... ҳар жума куни кутубхонага бораман...

Қиз уйи томон уч-тўрт одим ташлади-ю, тўхтаб, ортига ўгирилди. Нажот ҳамон қотиб турарди. У йигит томон ортга бир қадам қўйди:

– Нажот! Олим бўлиш учун, домламиз уч нарса шарт дегандилар. Сизнингча, шу уч нарса нима?

– Бу ҳам мураккаб, ҳам содда... Менимча, биринчиси – фикр, иккинчиси – мантиқий, қиёсий тафаккур, учинчи – хотира... яратиш завқи...

– Бешта бўлди-ку? – деб самимий табассум ҳам ато этди қиз. Сўнг деди:

– Нажот, яна битта савол бераман, майлими? Жавобини эса... фақат яна кўришсак, эшитаман...

Нажотнинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Ницше яхши китобми?

Нажот "ялт" этиб унинг соҳир, жон ўртовчи кўзларига қаради-да, ҳайратда қолди. Қиз эса, "Майли, соғ бўлинг!" деди-ю, ортига ҳам қарамай кетди...

Бу олов фариштани Нажот то бўлмага бориб киргунча кузатиб, қотиб турди-да, бирдан ортига ўгирилиб, "Нега Ницшени сўради?" деб боши қотса ҳам, мажолсиз оёқларини аста судраб, шу савол гирдобига ғарқ бўлиб, Ёркин ака яшайдиган шаҳарчага жўнади. Минг ўй кўчасига кириб чиқса ҳам, асло жавоб тополмади.

“Нега энди у олов, аланга “кўришсак...” деди”.

Боши қотди. Нега “Ницше яхши китобми?” Хўп, бунинг ноёблигини ҳамма билади-ку? Бу саволда бир сир бор, топиш керак!

Яна тарихий дафтарчасини очди. “...Ф.В.Н. (1844–1900)” ёзувига узоқ қаради. Фридрих Вильгельм Ницше! Ё қисқартмасида бир сир борми, ФВН. Ҳеч бир маъни, рамз, ишора чиқара олмади. Яна дафтарчасига қаради. Китобни сал нарига суриб қўйди. Немис... Исога ўхшагани учун “Митти постор” деганлар. Балки сир шундадир. Қанча бош қотирмасин, жўяли жавоб тополмади.

Хўш, яна, Ф.В.Н. бош оғриғидан доимий азоб чеккан. Севги, муҳаббат бош оғриғи демоқчими, ё фалсафа билан кўп, бошингни оғритма, демоқчи бўлдими-а? Йўғ-э, яна Ф.В.Н... “Мени яхши ўқишни ўрганинг!” деган гапи машҳур. Ҳа, ҳа, топдим, топдим, Лола мени ҳам яхши ўқишни ўрганинг, деди-ёв... Яна нима, нима бўлиши мумкин? “Исён – қул учун шон-шараф!” У бизнинг муносабатимизга умуман тўғри келмайди. Ё у севги аслида исён, эҳтиёт бўл, демоқчими, йўғ-э, бунчалик чуқурлашмас... Ницшенинг китобини очиб, ўзи остига чизган бир жумлага кўзи тушди. “Ҳамдардлик дард чекишдан азоблироқ”. Ўзи бу ҳикмат ёнига ундов қўйган экан. Бу фикр ҳам унинг саволига яқин жавоб бўлиши мумкин.

Нажот анча вақт чўзилиб ётди, бироқ ухлай олмади. Ул чеҳра, ул қараш, қошлар, киприклар, қизариниш, самимий беғубор нигоҳ, бир бутун сарв – олов! Уни яна ёқар, олис хаёллар кўчаларига олиб кирар, ҳажр гирдобига ғарқ этиб, яна чуқур изтиробга чўктирарди. Уни тонгга яқингина уйқу элтди. Янаги жумагача бир ҳафта... Юраги орқа тортиб кетди. Етти, йўқ, олти кеча-кундуз, соат, дақиқа, сония билан ҳисоблади...

Улар жума куни яна кўришдилар. Нажот Лолани ичи ёниб кутубхона олдида кутар эди. Бу гал Лола ям-яшил барг ёзиб келди. Туфли, кофта, юбка, соч турмагигача яшил, қўлидаги соатининг тасмаси ҳам яшил, ...юз, лаб эса олов! Шаҳло кўзлар жонга ўт пурковчи... ҳар қадамда бу ўт алангаси Нажотни куйдиради. Лола Нажотга беш қадам қолгач, бирдан тўхтади-да, саломдан ҳам олдин:

– Топдингизми? – деди.

– Топдим! – деди Нажот.

– Хўш, – деди Лола, ўтли қараб, – Ницше яхши китоб эканми?

Нажот унинг кўзларига тик қаради, энди у кўзини олиб қочди. “Демак, – ичида ўйлади Нажот, – бунинг ҳам ичига учқун тушган...”

– Нега жимсиз, жавоб?

Нажот яна ҳайрат билан икки-уч сония қараб турди-да, жавобланди.:

– Мени яхши ўқишни ўрганинг!

– Бу нима деганингиз?

– Сизнинг... ўша сирли саволингизга Ницшедан жавоб!

Лола жуда беғубор кулди. Нажот, “Наҳот тополмаган бўлсам?” деб ҳайрон тикилди.

– Э, йўқ, тополмабсиз!

– Ёки... “Исён – қул учун – шон-шараф!”

– Бу мутлақо узоқ.

Нажот ҳайрон қолди.

– Яна бир ўйлаб кўринг-чи. Ницшени қаерларда, қачон, ким билан, қай кайфиятда, ердами, осмондами, қаерда ўқидингиз?

Нажот минг бош қотирмасин, топа олмади. Сонияларда бу китобни қаерда ўқиганлари, конспект қилганлари, домлалардан, Артур ака, Дмитрийдан эшитганларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Жавоб йўқ, йўқ, йўқ...

– Афсус, Лола, тополмадим!

– Жавоб тополмадизми ё лола? (кулдилар.)

– Бало экансиз, Лола сизни топдим! – У шу сўзни айта олганига ўзига қойил қолди. Ичида “Жасорат, ғалаба сеники” деди. Лола ҳамон унга сирли қараб турарди.

– Ўзим айтаймми, Нажот?

– Айтинг!

– Сиз ўтган ҳафта пайшанба келдингиз-а? Сизни бир эркак аэропортга кузатиб қўйди тўғрими? Самолётга чиққач... нима ўқидингиз?

– Э, сиз ҳам шу самолётда эдингизми, Лола?

– Сиз ўқиётган пайтда атрофга умуман қарамас экансиз... Мен қора кийимда, онам билан сиздан иккита орқа ўриндиқда ўтиргандик, – самимий кулиб юборди Лола. Сўнг яна деди: – Хўш, файласуф, Ницше... яхши китобми?

ЁЗУВДА ҚАЛБИНГНИ КЎРАМАН

Шу-шу бўлди-ю Нажот ва Лола ўқиш бошлангач, тез-тез учрашиб турадиган бўлишди. Янги йилгача муносабатлар анча чукурлашиб, Нажот ошкора севги изҳор қилди. Лола рад этмади. Янги йилдан сўнг Лола Нажотнинг ётоғига ҳам меҳмон бўлди. Александр хонадошига ҳам Нажотнинг диди маъқул тушди. Лола у билан Хитой фалсафаси ҳақида анча суҳбатлашди. Сўнг Александр унга ўзининг Хитой иерогрифлари асосида чизган ғалати, сирли ёзув-расмларини кўрсатди. Нажот Лолани кузатиб қайтгач, киришдаги қоровул онахон ҳам Нажотга сирли қараб, “Дидинг ёмон эмас”, деб кўз қисди.

Лола бир гал муносабатларини онасига айтгани, онаси эътироз қилмагани, фақат Москвада қолса... деб шарт қўйганини айтгач, Нажотнинг боши қотиб қолди. “Юраверайлик-чи, қани, вақт – одил ҳакам, бир йўл топилар”, деган умидда яшади. Лоланинг боши қотса-да, “Онамни эритамиз, отам яхши одам, демократ”, деган гапи анча далда бўлди. Секин-аста Лола Ольга, Влад, Артур, Дмитрий, Ёркин ака билан ҳам таништирди. Қиз Нажотнинг яқинларига ҳам маъқул бўлди. Иккинчи курс ярим бўлмай, Ёркин ака кетди.

Шу тариқа иккинчи, учинчи курс тугади. Учинчи курс сўнггида Лола Нажотни уйига таклиф қилди: “Онам, отам сиз билан танишмоқчи...”

У Лола билан ўша уйга минг андиша, ўй-хаёл билан кириб борди. Қизнинг ота-онаси уни жуда самимий кутиб олдилар. Бирга тамадди қилишди, Лоланинг отаси билан Нажот дунё сиёсати ҳақида анча гаплашиб, тил топишиб қолишди. Онаси ҳадеганда дастурхонга чорлаб, Нажотни зимдан анча кузатди.

Сўнг Лола Нажотга ўз кутубхонасини кўрсатди. Анча бой... танишганларига икки йилдан ошган бўлса ҳам Лоланинг фужердан коллекция тўплашини билмаган экан. Икковлари кружкаларни бирга санадилар... қирқ битта! Нажот ҳайрон қолди. ...қирқ биринчи уй, қирқ битта кружка, МДУга кирганида қирқ бир ўрин. Кулиб бу фикрни Лолага айтди. У ҳам ҳайрон қолди. Ва бу тасодиф эмас, хайрли, деб кулди. Лоланинг онаси Нажотга “Биз сизга ишонамиз...” деди. “Нега, биз” ўйлади Нажот. “Ҳа, мен, қизим, дадаси, демоқчи”.

Лола билан учинчи курс якунида келгуси йил режаларини ҳам, диплом иши мавзуси-ю, аспирантурани ҳам жиддий муҳокама қила бошлади. Негадир на Лола, на Нажот тўйдан гап очмас эди...

Бир куни Лола Нажотнинг ётоғига келиб, унинг севимли ён дафтарини ўқий бошлади. Нажот Лола учун бу дафтарча жуда қизиқ эканлигини билгани учун ҳам, ўқиётганида халал бермасди.

Бу гал ҳам одатича, Лолага халақит бермай, ўзи дарс билан машғул бўлди. Лола роса бир соатлар чамаси турли улуғ файласуфлар, сиёсатчи, давлат арбобларининг ҳикматларини қайта-қайта ўқиди.

– Нажот, Эмпедоклни фикри қизиқ экан-а? – деб қолди қиз.

– Ўқи-чи, қайси?

– Мана бу: “Муҳаббат ҳамма нарсани бирлаштиради, адоват ажратади”, зўр-а?

– Зўр, афсус, шу илоҳий муҳаббатнинг қудратини ҳамма билмайди-да.

– Нега, билганлар бахтли!

– Унинг яна бир фикри бор, ўқи.

– Ҳа, буми? “Ҳисларга ишонма, фикрла!”

– Фикр ҳам бахт, ҳам мусибат! Фикрласанг, ҳеч қаерга сиғмайсан, дакки, дашном, ҳасад, хусумат, ҳатто маломат!

– Худди сиз фикрингиз учун буюк жафо кўргандай, гапирасиз-а?

– Тўғри, кўрмадим, лекин фикрлайман-да, ҳамма улуғлар жафокаш!

– Ҳаммаси эмасдир-э?

– Кўпи!

– Масалан, фикри учун таъқиб этилганлар... Алексагор, Суқрот, Протагор, Сюн-Цзы фикрларини очиқ айтгани учун, Ван Шоужен – хитой, Жордано Бруно – итальян, Бальтасар Граксиан – испан, ўзимизнинг жадидлар-чи...

– Тўғри, – деди тушкунликка тушиб Лола, – барибир, фикрли одамлар энг бахтли-да, Нажот!

– Ҳақсан, Лола, тўғри! Сен ҳам бу ҳақиқатни англаганинг мен учун улуғ бахт остонаси!

– Нега бахтнинг ўзи эмас, остонаси?

– Биз фикрга муҳаббат ва ҳаракат жавҳаридан қўша олсак, сену мен орзу қилган чин бахт бўлади, Лола!

Лола ўрнидан чаққон турди-да, қўлида дафтарча билан Нажотни ортидан бориб, бўйнидан қучди ва эркаланиб унга деди:

– Нажот, сира ўз ҳуснихатингизга эътибор берганмисиз?

– Ҳа, нима? Унда бирор сир бормикан?

– Бор, бор!

– Топдингми?

– Топдим! Ёзувингиздан қалбингизни кўрдим!

МУСИБАТ КУТМАЙДИ

Нажот учинчи курсни ҳам тугатди. Ўтган илмий анжуманда Леонид Леонтьевич раҳбарлигида қилган маърузасидан кейин профессор-ўқитувчи, талабалар ҳам унга бошқача ҳурмат, умид билан қарайдиган бўлдилар. Энди битирув ишига тайёргарлик. Дмитрий-Диоген ва Татьянанинг кутубхонаси омон бўлса, у ҳам курс ишидай тез ёзилади. Курсдошлар ҳамма имтиҳонларни топширгач, университитет яқинидаги кафеда оддийгина бир ўтириш ташкил қилдилар. Ҳар ким ўз жуфти билан, ҳатто қизлар ҳам бошқа факультет, институт, техникумда ўқийдиган, ё ишлайдиган ҳамроҳи билан келди. Мусиқа, яхна ичимлик, шампан, ароқ, торт, мева, овқат йўқ...

Сўзсиз, Нажот ҳам олови – Лола билан борди. Ўтириш жуда узоқ давом этди. Танго, озарча, немисча, инглизча, русча, грузинча, тожик, украин, молдаванча куй ва қўшиқ, рақс, вальс... эҳ-ҳе, ҳамма яйради.

Вальс тушганда Лола бошини аста Нажотнинг елкасига қўйди. Улар ер билан осмон ўртасида эдилар...

Нажот Лолани уйигача кузатиб қўйганда "Энди эртага "қайдасан, Бухоро?" – да..." деди. Бунга жавобан Лола ҳам эркалик қилиб, "Бирга учсак-чи, ота-онангиз чиқариб ҳайдамас", деди кулиб. Хуллас, эртаси куни Лола Нажотни кузатишга чиқишига келишдилар. Нажот Лоланинг белидан маҳкам қучди-да, аста ўпди. Лола шаҳодат бармоғини лабига босди: одамлар... Нажот уни ерга қўйди. Шу он Лола ҳам унинг елкасига яна бошини қўйди-да:

– Негадир шу гал кетишингизга... юрагим нимагадир ғаш, – деди Лола.

– Бу айриликка чидай олмаслигингдан.

Кулдилар.

– Шу сўзни жиним суймайди, Нажот!

– Соғинчни-чи?

Лола яна бошини Нажотнинг ўнг елкасига қўйди, сўнг Нажотни аста ўпди-да, "Эртагача" деб зинадан бешта босиб, лифт олдида тўхтади ва лабини ғунча қилиб, ҳаводан бўса ҳадя қилди.

Эртаси куни Лола ва Нажот бирга тушлик қилдилар. Таътилда нима иш қилишлари, дам олиш, нималарни ўқиш, ёзиш, телефонлашиб туриш ва охирги курс бошланса тўй қилишни ҳам анча жиддий муҳокама қилдилар.

– Онамнинг шарти-чи? – сўради Лола.

– Отанг жуда зўр одам, Лола, илтимос қилсак, онангни кўндирар, ўзинг-чи?

– Мен, биласиз, сиз дунёнинг қайси четида бўлсангиз ҳам қанот чиқариб учаман...

– Раҳмат, Лола. Балки мен келгунча онангни отанг билан бирга кўндирарсан, бир ҳаракат қилиб кўр. Тошкент ё Бухорода илм қилиб, университетми, илмий текшириш институтидами ишлардик...

– Ваъда бермайман, яна бир ҳаракат қилиб кўраман. Нажот, хотиржам бўлинг, фақат тез қайтинг.

– Хўп, Лола, қирқ кунларда қайтарман.

– Бу бошқа гап, узоғи билан қирқ бир кун. Сиз "қирқ бир" ни яхши кўрасиз-ку!

– Келишдик!

Қўл ташлашдилар. Энди турамиз дейишганда Лоланинг қўли бехос кола ичган қадаҳга тегиб... тушиб синди. Лола чўчиб кетди.

Кафедан чиқиб, яна ётоқхонага келиб, Нажотнинг нарсаларини олдилар. Сўнг таксига ўтиришди. "Домодедова"га боришда аввал таксининг баллони тешилди, сўнг бир машина қувиб ўтаман деб, ҳайдовчи томон эшикдаги ойнани туртиб синдирди. Таксичи у билан йўл четида асабийлашиб, уришиб, пулини зўрға ундириб олди. Машина ичида Лола ва Нажот сал зериксалар-да, яна ўз режалари ҳақида чақчақлашдилар.

Лола Нажотни кузатишга атай илк учрашувдаги қизил кофта-юбка, қизил учли, баланд пошнали туфли билан ёниб чиққан эди. Аэропортга келишда Лоланинг пошнаси ёмғир суви учун мослашган бетон ариқча устига қўйилган, темир чамбаракка тиқилиб қолди. Икковлашиб чиқариб олдилар.

– Худо йўл бермаяпти, Нажот, кетманг, бир ҳафта... ўн кундан кейин кетарсиз, – деб юборди ахийри Лола.

– Билет-чи? Сен иримчи бўлма, Лола! Бахт, муҳаббат, улуғ мақсадларимиз ҳақида кўпроқ ўйла, агар бахтсизлик, омадсизлик ҳақида ўйласанг, изтироб келтиради, тушундинг.

– Тушундим, тушундим.

Шу пайт бир ярадор оқ кабутарни "тапп" этиб катта бароқ мушук босди...

– Вой ўлай, – деганча қотиб қолди Лола. Бу у севган рангдаги оқ кабутар эди.

Мушук оғзида кабутар бўғзидан... қон оқиб борарди.

– Начора, бу ўрмон қонуни, кучли яшайди, – деди Нажот. – Хавотир олма, қизил либосли оқ кабутарим!

Улар аэропортда ҳам анча суҳбатлашиб, тортишиб, кулишиб, бир-бирларига қўл ташлаб, елкаларидан туртиб ўтирдилар. Диктор самолётга чиқишга қайд бошлаганини русча, инглизча эълон қилди. Нажот чиптани қайддан ўтказиб, ортга қаради: тикка ўсган атиргул қўл-барг силкир эди.

Нажот яна Тошкентга келиб, эски таниш қадрдонлари Диля опаси ва Мадад акасига учраб, сўнг Бухоро поездига чиқмоқчи эди, улар Россия, Свердловскийда экан. Совға-саломни ўнг қўл қўшниларига қолдирди-да, қайтишда киришини айтиб, Тошкентни бир айланиб, ўзгаришлардан ҳайратланиб, вақт бўлгач поездга чиқди: 13-вагон, 41-жой, купе...

Эрталаб 6:40да Когон вокзалида тушиб, бир "Ваз–2101"ни кира қилиб, Жондор, Тороб тепа томон йўл олди. Қизиқ, таксининг давлат рақами ҳам 26-15, қўшсак қирқ бир... тавба.

Ота-онаси, қариндош, қўшнилар, устозлар билан кўришиб, сўрашиб, суҳбатлашиб уч кун ўтди. Талъат домланинг зиёратига бориб, устозу шогирд роппа-роса тўрт соат суҳбатлашдилар. Хайрлашиш олдидан Талъат домла сўради.

– Нажот! Бо... яна ўқиш, илм деб шахсий ҳаёт ёддан чиқмасин. Отанг билан икки ҳафта олдин гаплашгандим, онангни ҳам мазаси йўқ эмиш... Булар сени шу таътилда уйлантирмоқчи, икки-учта яхши номзод ҳам топганлар...

– Йўғ-э, устоз?

– Рост, менга ҳам отанг "Ўзингиз кўндириб берасиз", дедилар.

– Устоз... Сизга айтмасам энди бўлмайди... Мен... мен... бировни ишонтириб қўйганман...

– Э... оббо, русми?

– Йўқ, ўзбек, асли фарғоналик, ҳозир Россияда яшайди....

Нажот бор гапни батафсил ҳикоя қилиб берди. Улар бир соатлар чамаси устозу шогирд баҳс қилиб ўтирдилар.

– Бўлмаса, шошмайлик, Нажот, севги – кўнгил иши, сенинг қалбинг синишини истамайман. Одамнинг қалби синса – ўзи синади. Мен отангга тушунтираман.

– Устоз, сиз ҳозирча шошманг, отамга ҳам айтмай туринг, балки онаси кўнар, қизнинг онаси кўнса эллик фоиз енгил, биласиз, отам мард, кўнади. Отам рози бўлса, онам, сўзсиз, рози! Йил, охири, янги йилгача рози қилдим денг, илтимос...

– Келишдик! Бу ерда неча кун бўласан, Нажот!

– Икки ой... – сўнг бирдан Лоланинг шарти эсига тушиб, сал кулимсираб қўшиб қўйди: – балки қирқ бир кун!

Хайрлашдилар.

Хуллас, кунлар ҳам шамолдай тез ўтди. Ана мана, дегунча бир ой, қирқ кун ҳам... Отаси унга янги иморатга бироз ёрдам бериш учун ўн кунча қол деганди, кўнди. Нажот яна икки ҳафта янги ҳовли қурилишига ёрдамлашди. Яқин заҳкашдан қамиш ўриб келиб, акалари билан томни ёпдилар. Сўнг лой, андова, эшик-дераза,

пол деганидай, устодорлик... хуллас, асосий оғир ишлар камайди. Шу вақтгача Лола билан бир неча бор телефонлашди. Кейин яна Москвага икки бор телефон қилди, аммо Лола негадир олмади.

Учинчи бор қўнғироқ қилганда онаси олди-ю, Нажотнинг овозини эшитиб, дод деб йиғлаб юборди. Нажот ногаҳоний "дод"дан қўрқиб кетди.

– Лола соғми, Лола, Лола?

Телефондан онасининг ҳўнграб йиғлаганини эшитди.

– Гапиринг, она! (У илк бор Лоланинг ойисини шундай деди.)

Она гапиролмади. Яқинда ўтирган бўлса керак, гўшакни отаси олди.

– Алло, алло, Павел Васильевич! Лола қани, Лола?

– Нажот, Лола соғ...

– Ростданми, алло, ростини айтинг, илтимос, Павел Васильевич?

– Лола соғ, озгина муаммо бўлди, холос. Ҳозир... ҳозир онаси тушунтиради сенга.

– Алло, алло, Лола соғми?

– Соғ, Нажот, эшитинг! Ўн кун олдин...бир "земляг"ингиз уни олиб қочди...

Асли ўзимиздан, ўзбек, Россиядаги бир бойваччанинг ўғли... Ўтган жума куни... Кутубхонадан чиқиши билан машинага босиб, олиб қочган, уйимиз куйди, Нажот...

Нажот жавоб беролмади. Қўл-оёғи муздай бўлиб, қалтироқ тутди.

– Бўлиши мумкин эмас, она!

– Нима қилай, додимни кимга айтай, Нажот?

– Ким экан у, аблаҳ?

– Ўзбек, Плехановда ўқиркан... начора... кичкина "вечер" ҳам қилиб бердик.

Охирги жумлани асаб, карахтлигидан илғай олмади.

– Нима, нима дедингиз?

– Пешона-да, узатдик...

– Ўлдираман уни!

Важоҳат билан тишларини ғижирлатиб, муштини тугиб, титради Нажот.

– Ўлдираман!!!

Лоланинг бадбахт онаси "Нажот, Нажот" деганини эшитмай, телефонини ўчирди.

Нажот бошини чангаллаб, жойида ўтириб қолди. Кўзидан тирқираб ёш оқди. Баттар муштларини қисди. Муштини ерга зарб билан урди...

– Қайси гуноҳим учун, Парвардигор? Қайси гуноҳим учун, ўзинг айт, садо бер! У кўксига муштлади. Ўлдираман, ўша аблаҳ, палидни. Энди менга бу ҳаёт керакмас, ҳаммаси ёлғон, омонат, сароб, бу олам азалий шайтонлар қўлида, ҳа, билдим, билдим. Бу дунёда азалдан ёлғон, зулм, жабр, ситам мерос, мерос! Мен дунё моҳиятига етаман деб, нимага эришдим, эй Раббим! Олам жим, Парвардигор жим! Фақат шайтон, зулм, нафс, ҳирс, ўч уйғоқ!

Оҳ, Лолам, абадий нолам бўлиб қолдинг! Олов эдинг, дунёмга ўт қўйдинг, Лолам, нолам! Дод, фалакнинг зулми, бевафолигидан! Дод! У яна мушти билан ерни урди, ҳолдан тойгунча кўкрагига муштлайверди, сочини чангаллади.

Мен гўл, аҳмоқ, нодон дунё фалсафаси тараққиёт, комиллик деб эртак айтиб юрган эканман. Мана ҳаммаси тамом, тугади. Лола – бағрим йўқ, бу оламда менга бахт, севинч, нажот қолмади, умид ҳам, эй номард фалак!

...Кеча ҳа, ҳа, кеча саҳар тушимда Хизрдай бир чолнинг ботқоқни кўрсатиб "Мусибат кутмайди" дегани огоҳ, башорат экан-да. У кўзини чирт юмди... Ўша хайрлашув куни Лоланинг олов кийими, табассум, хавотири, кафедаги синган

қадаҳ, такси баллонининг тешилиши, ойна, авария, қизил пошнали туфли, унинг кетманг, дегани, қирқ бир кун... ичида ҳисоблади. Ўтган жума бўлса, июннинг охири эди. Лаънати қирқ биринчи кун фожиа бўлибди-да.... 13-вагон... бахтсиз, хосиятсиз рақам, 41-жой, такси: 26-15... уй рақами қирқ бир, МДУга кирган ўрин қирқ бир, ё Раббим, Лоланинг уй телефони... сўнгги рақами қирқ бир! Ҳамма хислатли, хосиятли дерди-ку? Ҳа, мендан бахт, тақдир юз ўгирди. Нега, қайси гуноҳим учун, Парвардигорим! Овоз бер, садо бер, зулм-жафо бердинг-ку! Бирдан нафаси ичига тушди. Илтижода, ҳар қандай илтижода, ҳа, ҳа шикоят бор, бор. Кимдан, ўзингданми, бировданми, Тангриданми, замонданми, тузумданми, аблаҳ-палид, манқурт, зўравонларданми?

КЎРИШМИ, КУЙИШМИ?

Нажот ўз ёғига ўзи қовурилиб, бир соатда тутаб тўкилиб қолгандай бўлди. Олам рангсиз, туссиз, маъносиз ҳувуллаб қолганди. Хаёл, хотира тезлиги нур, энергия, реактив тезликдан катта, – деди ўзига-ўзи. Яна ўша жон ўртар хотира, изтироблар бостириб кела бошлади. Ўтга ўт тушган онлар...

Уни савол бериб яна, яна деб қисташи, метро, “Вавилон” магазини, ётоқхона, дафтарча, ёзувлар, “Ёзувда қалбингизни кўрдим” деганлари, қишда чана учиб, Лолани бағрига босганлари, кутубхона олдида илк бор қўл чўзгандаги қалтироғи... қирқ битта коллекция – кружка... Ольга, Влад, Шопенгауэр, Диоген... Ёркин ака, туш ҳақидаги баҳс-мунозаралар.

Нажот Пифагор узугидаги ёзувни эслади: “Бир лаҳзалик омаддан кўра, бир лаҳзалик омадсизлик афзал!” Бу мен, мендайлар учун айтилган экан, узукка эмас, пешонамга ёзаман! Эй, зулумкор фалак! Лолам – эй, оҳ, мангу нолам! У яна Лоланинг “Нега биз театрга кам кирамиз?” деган саволига, кулиб, “Нима керак, театрга кирсак, сен томошада томоша, ҳамма сенга қарайди, ундан кўра сенга қараб томоша қилиб юрганим мингта театр, Лола!” деганида у “вой” деб, ҳаяжон, севинчдан кофесини тўкиб юборган эди. Бу дунёда нимани топдим? Лолани йўқотдим. У аблаҳ, иблисни ўлдиргандан нима фойда? У ярамас ким бўлди экан? Ё олдиндан танишмикан-а? Йўқ, бўлса, сезардим, айтарди. Йўқ, йўқ, Лола мени ҳеч вақт алдамаган. Э, воҳ, у қурбон бўлди. Отам тўғри айтган экан: қовуннинг яхшисини эшшак ейди, деб. Э, Эгам, э фалак, эшшак, палид, оғзи қон бўри, тулки, илонларингдан дод! Ҳеч қачон зўрлик билан муҳаббат бўлмайди. Лола у иблисни ичида қарғаб ўтади. Барибир, мен учун, ўзи учун, бир кунмас, бир кун қасд олади.

Мен... мен кимдан қасд олай, кимдан? Ичимда ёнаман, куяман, қовжирайман!

...Август охирласа ҳам негадир Нажот “Ҳашакало кетаман”, демагани уйдагиларига ғалати туюлди. Ахири Дониёр акаси, “Ўқишингга кетмайсанми?” дегач, озроқ хаёл суриб турди-да, “Бешинчи сентябрларда”, деди. Акаси ҳам “Нега кеч?” деб инжиқлик қилмай, “Ўзинг биласан, ука”, деб қўя қолди. Ота-онаси ҳам негадир уйланишдан гап очмадилар. Ё Талъат домла қишгача сабр, деб тушунтирдимикан? Фақат онаси бир гал “Болам, қишки таътилга келсанг, бошингни иккита қилармидик”, деди, холос. Нажот сукутланди. Онаси эшикдан чиқаркан, “Хай, яна отанг билади”, деб қўйди. Отаси эса бу мавзуда “чурқ” этмади. Нажот бу машъум дардини Талъат домладан бошқа ҳеч кимга айтмасликка ўзига сўз берди. Кечга яқин у устози уйига ўта руҳсиз, маҳзун ҳолда кириб борди. Лекин гапиролмай, йиғлар, ичида ёнар эди. Талъат домла ҳеч нарса тушунмаган бўлса-да, ичкари кириб, бир косада сув олиб чиқди.

– Ма, ич, енгил тортасан...

Сувни Нажот ичмоқчи эди, унда Лола кўрингандай бўлди, ичмади. Сўнг зўрға нафас ростлаб, бор фожиани ипидан игнасигача ҳикоя қилиб берди. Қаршисидаги Талъат Собиров тирик ҳайкалга айланди. Иккалалари ҳам совуқ сукутга ғарқ бўлдилар. Нажот ҳеч бошини кўтармас, Талъат домла сўз айтишга юраги бетламасди.

Охир Талъат домла ёрилди:

– Нажот, ўғлим! Мусибат пайғамбардан мерос, одамнинг боши тошдан, илоҳим, номарднинг уйи куйсин, уйида ўлмасин, жувонмарг бўлсин, тақдир, қисмат-да, чидаймиз, бошқа чора йўқ...

Нажот бир бош кўтариб, домлага қаради-да, яна чўкди.

– Ўзинг бир гал иккита айлани чизиб айтгандинг, одамзодда билим қанча кўп бўлса, номаълумлик ҳам шунча кўп бўлади. Қайсидир юноннинг ҳикмати.

Нажот бошини кўтармади. Шу он бу фикр эгасини ҳам эслай олмади. Лекин "Тўғри", деди аста.

– Сен ақлли, эс-ҳушли йигитсан, ўзингни куч билан қўлга ол. Шайтонга ҳай бер, Нажот, бу фожиага учраган дунёда ёлғиз сен эмас. Начора... Аюб алайҳиссалом баданларини қирқ йил қурт еса ҳам "оҳ" демаганлар...

– Бу бошқа масала, устоз!

– Ҳаммаси ҳам бир дард, азоб, синов, чидаш керак! Ақлни тўғри ишлатиш ҳам ҳикмат, Нажот! Дарёни тескари оқизиб бўлмайди. Нажот у қизда ҳам гуноҳ йўқ, сени айтишингча, хай, у иблисни йўқотдинг, ёқдинг ҳам дейлик. Шу билан ифлос, иблис камаядими-а? Лев Толстой айтган "Битта зулм, битта ёвузлик, иккита бўлади, урчийди", чуқурроқ ўйла! Банда бундан-да оғирига чидайди. Ўзингни қўлга ол. Мендан бошқага сир, дард очмаганинг маъқул. Вақт ҳамма нарсани даъволайди.

– Фақат синган дилни эмас, – деди Нажот ва ҳеч ўйламаган гапини айтди: – Мен энди уйланмайман!

– Ундай дема, тавба де, уйланиш суннат, эсингни йиғ, бола!

Нажот сукутланди. Талъат домла ҳам, жаҳл билан айтса-да, бечора ростдан капаси куйибди, деб ичида ўкинди.

Нажот Москвага келиши билан тўғри Лоланинг уйига ҳам бормоқчи бўлди. Лекин юраги чопмади. Тўғри ётоғига бориб, ҳеч қаерга чиқмай, ётиб олди. Деворда Лоланинг катта – ўша олов кийимдаги суврати. Унга жуда узоқ тикилди, юраги тўлиб кетди, кўзига ёш келди... ҳўпиқиб-ҳўпиқиб йиғлади...

Эртаси терга ботган ҳолда уйғониб кетди. Шу ҳолда азоб ичида, яна тиззасини қучиб ўтирди. Ичида, "Мен уни топишим, кўришим керак", деди. Душанба куни эрталаб рус филологияси эшигини узоқдан пойлаб турди. Қўнғироқ чалиниб, ҳамма кириб кетса ҳам, Лоладан дарак бўлмади... Сешанба, чоршанба ҳам шу кутиш, йўл пойлаш, нажот йўқ. Деканатга бориб ё курсини сўрасамми, деган хаёлга ҳам борди-ю, яна қайтди... Эртаям келаман, индинам, ҳафта охиригача, келмаса, деканат, ё курси.

Пайшанба куни... бино яқинида қора бир "Мерседес-бенц" келиб тўхтади. Унда қора либос, қизил сумкачада, учли туфлида бир қиз тушди-да, ҳайдовчига қараб нимадир деди. Эшикни ёпиб, уч қадам босган эди, Нажот таниди: "Бу ўша!" Оёғи қалтираб кетди. Бир қадам олдин қўйган эди, яна қандайдир куч тўхтатди. Куйганни куйдирмай! Бормайман! Лола аста-аста юриб, тунд ҳолда бинога кириб кетди. Нажот ўз ўрнида анча қотди-да, иккинчи жуфтликда

дарсга етиб борди. Йўлда бориб кўрмагани учун яна ўзини койиди, яна фикридан қайтди. Дарсда бу фикр унинг миясини қотирар эди. Бу ўша, ўшами? Бу кўришми, куйишми?

АЛВИДО, МОСКВА!

Нажот якшанба куни ётоқхонага сиғмай, ичи ёниб, Дмитрий-Диоген ва Артур акаси билан баҳс-мунозара қилиш учун улар билан бирга дала ҳовлига чиқди. Улар қозон-товоқ, ўтин ташкил қулгунча, Ольга билан Влад ҳам қўлида пакет кўтариб етиб келишди. Ҳаммалари қувноқ, фақат Нажот очилмас эди. Улар сўрай бошлагач, фожиа тарихини айтишга мажбур бўлди. Эшитиб, ҳамма ҳангу манг бўлиб қолди. Ҳаммалари унга ачиндилар. Артур, "Хиёнат – одамни ҳам зако, ҳам файласуф қилади, гарчанд руҳий зарб бўлса ҳам", деди. Ҳаммалари ҳайрон бўлиб унга қарадилар. У секин ўчоққа ўт қалаб, сигарет чекиб ўтирарди.

– Бунга ҳозир, ҳамдардлик эмас, нажот йўлини топишга ёрдам бериш керак, поезд... кетган...

Яна ҳамма жим қолди. Влад қўлига бир ароқни олди-да, бешта фужерга бўлиб, тенг тақсимлади. Ҳаммалари жим, уриштирмай қадаҳларни кўтардилар. Нажот ҳам, Ольга ҳам ўз қадаҳини учга бўлди: Влад, Артур, Дмитрийга..

Нажотнинг ичида Артурнинг ўчоғидан кўра минг чандон кучли аланга ёнарди. Уларга билдирмай аста сизган кўзёшини рўмолчаси билан артди ва туриб "Сентябрянка" деган бута гулнинг пушти рангига ҳайратда қолгандай, бориб қўли билан ушлаб кўрди. Япроқчаларини санади. Биттасида ўн еттита, кейингисида йигирма битта, гули ўртасидаги сап-сариқ уруғини ҳам ушлаб кўрди...

Барибир Демокрит, Артур ака ҳақ, Нажотга нажот керак!

Душанба куни Нажот дала ҳовлидан тўппа-тўғри МДУга дарсга етиб келди. Учинчи жуфтликдан сўнг ётоқхонага келса, Александр хонадоши унга бир хат тутди:

– Сенга, Лоладан бўлса керак! Қоровул-бабуля берди, – деди.

Нажот олди-да, бир нафас гангиб қолди. Хатжилдга кўз тикди. "Нажотга" имзо, бошқа сўз йўқ эди. Ичини очишга юраги бетламади... Лекин барибир очди.

"Ассалому алейкум, Нажот ака! (Илгари ака демасди, деб ўйлади.) Бу хат эмас, юрак қоним! Онамдан эшитганингиз рост. Мен бахтсизлик, зўравонлик қурбони бўлдим. Энди олов эмас, кул, атиргул эмас, қора гулман. Буларда ҳамма нарса бор, фақат қалб, раҳм-шафқат йўқ! Ҳар қадамим ҳисобда. Бу дунёда фақат сиз мени тушунишингиз мумкин. Жасорат тополсангиз, кечиринг. Мен ғазаб, қарғишингизга лойиқман! Жисм бошқа бўлса-да, руҳимиз бир, яна бир кун бирлашади. Нигоҳимда, фикримда фақат сиз пинҳон! Сизга сабр, бардош, чидам, омад сўрайман, улуғ ниятингиздан қайтманг. Мен барибир бир кунмас бир кун булардан ўч оламан. Унутманг, хўрланган ва ҳақоратланган Нолангиз!"

Александр бу хатнинг мазмунини тахмин қилгани учун, Нажотнинг ҳолига чидолмай, ташқари чиқди...

Нажот шу билан ўқиш тугагунча Лолани кўрмади. Ҳар кун, ҳар нафас ёдида бўлса-да, куч, ақл, ирода билан ўзини тийди. МДУда қолиб, аспрантурада ўқиш ниятидан қайтди. Давлат имтиҳонлари, диплом иши... у якуний хайрлашув кечасига ҳам бормади. Ҳамма ўз жуфти билан боради, у-чи? Фақат дипломини олгач Дмитрий-Диоген, Артур-Шопен, Ольга, Влад, илмий раҳбари Леонит Леонтович билан хайрлашди. Улар Нажотнинг қолиб, илм қилмаганидан ичдан норози

бўлсалар-да, юзига гапирмадилар. Фақат илмий раҳбари “Бу ишинг жиддий хато” дейиш билан чекланди.

Нажот олиши мумкин бўлган нарсаларни йиғиштириб, такси билан Домодедово аэропортига келди ва секин шивирлади: “Алвидо, Москва... ассалом, Бухоро!”

КЎНИКОЛМАСА, НИМА ҚИЛСИН...

Бу йил ёз ҳам анча иссиқ келди. Баҳорда ёғингарчилик кам бўлди ҳисоб, чўл ҳам яйрамади. Қўйларга озуқа ҳам кам, отаси сув муаммосидан анча ўксиниб гапирди. Бу ҳам етмагандай у қўй боқадиган ҳудудда қандайдир қазишма ишлари ҳам бошланиб, кўчишга тўғри келди. Отаси аста, “Ўзбек бўлсанг, кўчиб кўр”, деди. Нажот отасига Бенжамин Франклиннинг гапини айтди: “Икки кўчиш, бир ёнғинга тенг!”

– Э, онағар-э, зўр одам экан, ўша Жаминнинг ким?

– Юзталик доллардаги тепакал одам. Ўзи ўн олти фарзанддан бири, совунгар бўлган...

– Э, совунгарнинг расми пулда нима қилади, – ҳайрон қолди отаси.

– Дада, у ўз илми билан олим, ихтирочи, давлат арбоблигигача кўтарилган...

– А, ҳа, шунақами, қани, сен ҳам шундай бўлсанг эди. Бизнинг умримиз чўл, дала, қирда ўтди, болам....

– Насиб, фақат бизда, дада, илм, ақлнинг унча қадри йўқ-да...

– Борга бор, ўғлим, бир ишни бошладингми ажрикдай ёпиш, у қора асфальтни, бетонни тешиб, кўкариб чиқади... Ҳа, дегандай, Нажот, олдинлари Масковда қоламан дердинг, энди гапирмай қўйдинг...

Нажот сукутланди. Оғир, чуқур нафас олди.

– Ё иқтисоддан отам қийналади, дедингми? Отангни биласан, сен бола, ниятингдан қайтма. Чўпоннинг ўғлидан ҳам бир Жамин чиқсин...

Нажот нима деб жавобланишни билмади, боши қотди. Шу бир сония ичида мингта хаёл онгидан кечди. Москва, МДУ, Лола, Артур, Дмитрий, Ольга, Влад, Ёрқин ака, Леонид Леонтьевич танбеҳи, метролар, ётоқхона, кутубхона... машъум жума, сирли қирқ бир... ҳаммаси...

– Дада, бир-икки йил Бухородаги пединститутда ишлаб, кейин кетмоқчиман, онам ҳам бетоб, аҳволлари оғир, сизни олдингизда бўлсам дейман...

– Мен ва онагнинг ғамини ема! Бу тақдири азал, онангни энди... шу буйрак балоси олиб кетмаса эди. Орзуси сени уйлантириш... – чуқур уф тортди отаси.

Нажот жавоб бермади, бир зарур иш эсига тушгандай, туриб кетди.

Анув хаёллар, ҳажр, айрилиқ, машъум хотиралар уни яна эзарди. У отасига уйланмаслик қарорини айтишга юраги бетламади. Мабодо гап очса, тўпори отасидан етарли дакки эшитиши тайин эди.

Отаси яна чўлга кетди. Нажот Ёдгор билан бирга Ҳабибулла тоғасига учраб, ишга киришга ёрдам беришини сўрадилар. У киши ҳозир жўраси Тошкентда, малака оширишда экани, келгач ўн кундан сўнг, ўзи бошлаб бориб, сўзсиз ишини ҳал қилишга ваъда берди.

Ҳафта ўтмай Нажотнинг онаси қаттиқ оғриб қолди. Буйрагидаги тош яна безовта қилгач, аҳволи жуда оғирлашди. Туман касалхонасига, сўнг вилоятга ҳам этдилар. Афсус, паймонаси тўлган экан, акаси Дониёр отасини чўлдан олиб келди. Бахтиёр ва Нажот, муштипар синглиси онасининг ёнида қақшаб қолдилар. Отаси етиб келгач, уч-тўрт соатдан кейин бечора она омонатини топширди.

Онани Тароб тепага қўйдилар.

“Етти”ни ўтказиб, яна уч кун ўтгач, келиб-кетиш озгина камайгач, отасидан дуо олиб, Ёдгор, Ҳабибулла домла билан Бухорога, тўппа-тўғри пединститутга, Ҳайрат Алиевнинг кабинетига кириб бордилар. Ҳайрат Алиев тўрда, ўнг томонида яна иккита киши ўтирар, бирининг ёши олтмишларда, бошида каллапўш, мурти бор, ёнидаги ўғлими, укасими, ёш, талабага ҳам ўхшаб кетади, у ҳам дўппида. Улар кириши билан Ҳайрат Алиев ҳам, ҳалиги икки одам ҳам ўринларидан турдилар. Ёш йигитнинг икки қўли кўксида. Ҳайрат Алиев узоқдан саломлашиб яна ўтирди, Ҳабибулла домлага қараб:

– Тоға, озгина кутасиз-да, – деб Нажот билан Ёдгорга қўли билан ўтиришга ишора қилди. – Узр-да, тоға, булар меҳмон, ўн дақиқа...

– Бемалол, – деди Ҳабибулла ака.

Ҳайрат Алиев уларга қараб, ором курсисида ўтирди-да:

– Ҳа, узр Азизжон, сиз “Айн-Шамс”ни тугатгансиз-а?

– Худди шундай домла...

– Имтиёзли диплом билан, – деди ёнидаги ёши улуғ одам. Ҳалиги йигит хижолат бўлгандай, яна икки қўлини кўксига қўйди.

– Домлажон, – деди ёши улуғ киши, – ўғлим сиздан илмий иш олмоқчи, Бухорий устозингиз тавсия қилиб, дуо қилиб бизларни сизга юбордилар...

– Устознинг гаплари бизга қонун, тақсир, – деди Ҳайрат Алиев, – лекин тақсир, бу киши бизга шогирд бўлолмайди...

Ота-ўғил ҳайрон бўлиб қолдилар, биргаликда “Нега?” дедилар. Улар руҳи тушиб кетгани сезиларди. Ҳайрат Алиев кулди.

– Тақсир... менга устоз бўлишлари мумкин.

Йигит ва отаси баробар ўриндан турдилар.

– Йўғ-э, тақсиржон, – деди отаси, – сиз катта домла, профессор, бу ҳали ёш...

– Калом ва ҳадисни билган биздан ҳамиша улуғ, тақсир, – жавоб қилди Алиев ва чап ёнидаги рақамсиз телефон гўшагини кўтарди. – Тез, кадрни чақириб келинг!

Кўп вақт ўтмай, паст бўйли, тилла тиш, сочлари каре қилинган, кўзлари сал ўйноқи, тўладан келган опача қўлида қандайдир бир дафтар билан эшикни тақиллатиб кирди. Маълум бўлдики, Азизнинг дипломи ҳали Вазирлар Маҳкамасида настрофикация қилинмаган экан.

Алиев руҳи тушиб кетган ота-болани тинчлантириб, бу муаммони Вазирлар Маҳкамасидаги Кабиров деган яхши акаси билан маслаҳатлашиб, ҳал қилишга ҳаракат қилишини айтди. Шу тариқа уларни ташқаригача кузатиб қўйган Алиев кириши билан столидаги оқ қоғозни олди-да, Нажотнинг олдига қўйди.

– Нажотжон, сиз дарров ариза ёзинг, мен ҳаммасини гаплашиб қўйибман, фалсафа кафедрасига, ректор номига, тез...

Ҳабибулла ака туриб жўрасини қучди.

– Раҳмат, бу ҳам менинг обрўйим, жўра.

Эртаси куни ҳамма ҳужжатлар топширилгач, уч кун ўтиб, буйруқ чиқди. Нажот кафедра лаборантига учраб, (у ҳайрон қолди, ҳамма ишни асосан лаборант бажарди) тақсимотни ҳам олди. Рус филологиясида маъруза, рус гуруҳларида, чизмачилик ва бадиий графикада амалий ва ҳоказо.

Сентябрда ҳали бир соат дарс ҳам ўтишга улгурмай, ўша ҳафтада пахта бошланди. Икки ярим ой давом этган пахта терими Нажотни жуда зериктирди. Мутлақо бошқа муҳит, бошқа психология, муносабатлар, терим, кило, кеч, барвақт ўлчаш, автобус, машина бўлмаса, уч-беш чақирим пиёда юриш, эгат

талашиш, килодан уриш, прицеп кечикса пахтани ерда ўлчаш, қайнатилган сув муаммоси, ота-оналар можароси, эркатойларнинг умуман пахта йиғим-теримига бормаслиги, штаб, кам терганларни кечқурун пиёз, картошка тозалаш билан жазолаш, ҳайдайман, йўқотаман, деб қўрқитиш, ёмғир, нам, шудринг, қор, саҳарлаб туриш, ойда ҳам ҳаммом кўрмаслик, қочишлар, касаллик, ВКК муаммоси, э-ҳе... Нажот бошқа оламга тушиб қолгандай бўлди. Айниқса, ҳар гал "Лола" деган исмни эшитиш унга ҳадсиз азоб, мусибат, ярасига туз эди. Боши қотди... Кўниколмаса нима қилсин?

Дедим:

"Ғичирлатма уларни, эй куз..."
Йўқ энди у шаҳар,
Йўқ энди у ишқ.
Ҳаёт бор, умр бор ва йўл бор сўнгсиз,
Ҳар не-да сотилган қора фурсат бор,
Ва ютаман деган қоронғи денгиз...[6]

Нажот ўлимнинг аслида қўрқинчлиги эмаслиги, инсон бир шаклдан бошқа бир шаклга кўчишини билар, инсон шунчаки йўқолиб кетадиган мавжудот эмаслигини ичдан ҳис қиларди. Агар ҳаммаси ўлим билан тугаганида тирикликнинг қизиғи қолмасди, деб ўйларди у. Унда яхшилик ва ёмонлик, бахт ва бахтсизлик, топиш ва йўқотиш ўртасида заррача фарқ қолмайди. Ҳа, олам илоҳий қонуният асосида яратилган, шунга мувофиқ ҳаракатланади. Уни ҳеч ким ўзгартира олмайди, ўзгартира олмоқчи бўлганларнинг ўзи хорланиб ажал шарбатини тотишдан ўзга чора тополмай қолади.

Нажот ҳали ўз бошига тушиши муқаррар фожиаларни хаёлига келтира олмас, агар шундай бўлганида ҳам ақлига сиғдиролмасди. Йигитнинг ўз қисматидаги йўқотишлар билан юзма-юз қолишига ҳали вақт бор... Ҳаёт инсонни йўқотишларга аста-секинлик билан тайёрлаб боради.

У энди онасининг ҳаққига дуолар ўқийди, кийимларида қолган хушбўй исини ҳидлайди, суратларда қадалган маъюс кўзларига термилади, кечалари болишларни сув қилиб юборгудек кўзёш тўкади...

Ҳа, у Лола борлигида, онаизори ҳаётлик чоғларида улар билан бой-бадавлат эди, вақт ўтган сайин ғарибга айланиб бормоқда. Яқинлари билан бирга унинг ичидаги орзулари, умидлари ўлаётгандек... Нажот онаси билан, севгилиси билан бирга чоғларида осмон эди, энди эса тобора тупроққа яқинлашиб бораётгандек, тупроқ сингари чўкаётгандек...

БЕЛКА, СТРЕЛКА...

"Нега ҳамма нарса, воқеадан қоралик излайман, кўраман... Нега? Ё ҳаётдан адолатсизлик, шафқатсизлик, жафо кўрганлар... Мендай бўладими? Йўқ, ҳаётдан эзгулик, яхшилик, фазилат, ҳикмат излашим шарт", деган хаёллар Нажотнинг миясидан сира кетмасди.

У шу хаёллар билан совуқ ҳавода эти жунжикиб, институт бош биносидан чиқиб, "Варахша" меҳмонхонаси, "Халқ банки" олдидан ўтиб, Ҳамза кўчасида жойлашган, тўрт қаватли ғиштин, эскироқ бинонинг учинчи қаватига кўтарилди.

[6] Нодира Афоқ шеъри.

Илк қадамни қўйиши билан пол “ғижир” этди, киргандан ўн қадам юрмай, чапга, зина орқали кўтариларкан, нақшинкор деворлардаги чанг, доғ, ёзувларга кўзи тушиб ҳайрон бўлди. Зина ҳам қоронғироқ, қизиқ.... учинчи қаватдаги дарс жадвалига тикилди.”Фалсафа, семинар, қирқ бир аудитория, Эркинов Н.О”, яна машъум “41” ми? “Уфф” тортиб декан ўринбосарига бориб, алмаштираман деб ўйлади-ю, бирдан тўхтади. “Нимага? Иримчимисиз? – деса, нима дейман?” Яна фикридан қайтди. Ўн беш дақиқа олдин борган экан, зал четига чиқиб талабаларни томоша қилди. Ўз талабалиги билан қиёслади, лекин ҳеч қайси қиз Лоладай гўзал эмас!

Қўнғироқ чалинди. Шу пайт унинг олдидан ёши улуғроқ, кўзойнакли, салобатли бир одам унга ғалати қараб, саломига димоғида алик олиб ўтди. Нажот қирқ биринчи хонага... семинар дарсига кирди. Йўқлама қилса, тўрт киши йўқ. Сардор: “Биттаси ёш болали, биттаси касал, яна биттаси ректоратда ишда, тўртинчисини билмайман”, деди беҳафсала. Дарс бошланди.

– Хўп, ҳамма ёзиб келган бўлса керак-а?

Икки қиз бирваракайига қўл кўтарди, йигитлар ҳам.... Кетма-кет учта савол муҳокама қилингач, навбат тўртинчи саволга келди. Афсус, уни ҳеч ким ёзмабди, адабиёт йўқ, кимдир орқаворатдан секингина “Домла маърузада ўтмаганлар” деб луқма ташлади. Нажотни демократ, файласуфлиги тутиб, фанни ўта қизиқ, фойдали, назарий ва амалий, ҳаёт ҳикмати, ҳикматшунослик, донишмандлик эканлигидан гапирди. Улуғ файласуфларнинг фикрларидан ҳам мисоллар келтирди. Аммо гуруҳ анча карахт, бўш эканми, деярли учқун чиқмади.

Бир йигит Нажотдан иқтисод билан фалсафанинг нима боғлиқлиги бор, деб сўраганда, у батафсил, содда, рақамлар билан тушунтирди. Шунда бир бола анча шўх эканми, “Мен ҳам гапирсам майлими, домла?” деб қолди. Нажот хурсанд:

– Қани, мана бор экан-ку, юрагида ўти борлар, гапир, – дейиши билан гуруҳдагилар бир-бирига қараб кула бошлади.

Нажот ҳайрон бўлди.

– Хўп, фикри балки хатодир, нега куласизлар, аввал тинглайлик-чи, қани, йигит, гапиринг!

Йигит аста ўрнидан туриб, доскага чиқди. Ҳамма жим, йигитча енги билан бурнини артиб олди.

– Гапиринг, тортинманг, майли, хато бўлсаям, ўз фикрингиз, қани?

– Домла... Тўғрисини айтайми?

– Айтинг...

– Домла, ман китоб кам ўқийман, лекин ўз фикримни айтаман! Шу домла, (ҳамма кулди) кулманглар-э, урушдан кейин... 1941-1945 йилдан кейин... шу домла... иқтисодни текшириш учун космосга Белка, Стерелка деган итлар учирилган. Шу домла, Белка ўша Стрелка билан осмондан қараса, ҳа... қараса ерда иқтисод, фалсафа вайрон... Ҳа, улар ерга қўнгач, ҳеч ким тилини тушунмагани учун, кейин Гагарин учган...

Ҳамма “ҳо-ҳо”лаб кулиб юборди. Нажотнинг ҳам кўзидан ёш чиқиб кулди.

– Сен театральнийга кирганинг яхши эди, сендан яхши масхарабоз чиқаркан...

Шу вақт қўнғироқ чалинди. Ҳали журнал, китобларини йиғиштирмасидан пошнабаланд туфли кийган, нозиккина бир қиз – котиба келиб, уни деканга учрашиб кетиши кераклигини айтди.

Нажот эшикни тақиллатиб кирса, бу ўша, эрталаб зўрға алик олган одам.

– Ассалому алайкум, домла...

– Ҳа, янги домла, салом, салом... Қани, келинг, ўтиринг... бир танишайлик.

– Раҳмат!

– О, янги одам, аввал, деканга учрайди, ука... кейин...

– Узр, домла, узр-да...

– Ҳа, сиз қаердансиз, ука?

– Жондордан! Тароб тепа яқинидан...

– Э, у ёқдан ҳам кўпини ўқитганман, танийсизми, Эркин-раис, Тўра, Ҳалим – читтак... Ман... – кўзойнагини олиб, стол четига қўйди, қўли билан кўзини ишқалади: – 17 йилдан буён деканман. Ўзим Ромитандан, отам раис ўтганлар, раҳматли кўп бир чапани, прямой одам эдилар-да... Хай, шукур. Бу факультетни ўзим ташкил этганман. Кўп ўқитувчилар ўз шогирдим. Икки-учтаси келгинди, қасанғисини айтмасак... хай жўра, гап бундай... Бу ер плацдарм, ўзбекча қўналға... Ҳамма катталар одами, жияни, келини, аммавачча, холавачча, шу ерда... Тошкентча айтсак, теги нозик! Сиз дарсингизни как паложни ўтасиз, фақат якунлаш, баҳо қўйиш, йиқитиш, ўтказишга келганда манга ё зам деканга кирасиз-да...

Нажот жавобланмади. Декан ҳам ичида, “Турқи сал бошқачами, сал-пал кибру ҳавоси борга ўхшайди”, деб ўйлади...

– Хай, жўра, омад, келишдик-а? – қўл чўзди домла.

Нажот истар-истамас қўл узатди.

– Келишдик...

Хайрлашдилар. Нажот эшикдан чиқаман деган маҳалда декан яна тўхтатди:

– Ука, яна битта-яримта староста пул йиғиб бераман деса, эҳтиёт бўлинг...

– Мен бундай қилмайман, домла! – деди-да, эшикни ёпиб, чиқиб кетди.

Сессияни якунлаш арафасида Нажот баҳолар қайдномасини олиб, атай тўғри декан олдига келди. У касал бўлиб кетган экан, сўнг декан ўринбосарига кирди. У Нажотнинг дафтарига қараб, ҳар бир талаба кимга тегишлилигини айтди. Бирорта “эгасиз”и йўқ. Бешта деканники, иккитадан икки ўринбосарники, учта ректорат, бешта проректорлардан. Қолган ўнтаси ҳам ўқитувчилардан. Шулар ичида дарсга энг кам келадиган келин эса, бир домланинг қизи эмиш. Декан ўринбосари ҳатто баҳоларни ҳам айтди. Нажот бундай муҳит, муносабат, ўқув жараёнини умуман тасаввур қилмагани учун, бир оғиз ҳам эътироз қилмади. Айтилган баҳони қўйиб, ярим кўнгли яна баттар эзилди: Биз бу кетишда қаерга борамиз, миллат? – деди ўзига-ўзи. Ўша кечаси билан ётоғида тўлғониб чиқди. Икки ўт ораси, бир ёнда – Лола, иккинчи томонда маъни-мақсадсиз, ёлғон, сунъий, отига диплом учун вақтни ёқиб, самарасиз дарс ўтиш.

– Хўш, нима қилиш керак, – деди ўзига-ўзи. – Дмитрий-Диоген ҳар қандай инқилоблардан тўғри нафратланган, хўп, биз бу тарзда қаергача ҳам борамиз, Империя қулаш арафасида...

Шу он яна бирдан ўтган дарси эсига тушиб, беихтиёр кулиб юборди. Белка, Стрелка!

ЧЕКИНИШМИ, ТОПИНИШ?

Шу зайлда Нажот назарида куну тунлар маъно-мантиқсиз, ичи бўш, ғовак, мақсад ва самарасиз, минг бир тўлғоқ, азоб билан ўтмоқда эди.

Одам мияси, ичини бунча тафтишлаш шартмикан, деб ўйлаб қоларди гоҳида Нажот. Тўғри, мия ҳамма фикрни дастурлайди, синтез қилади, лекин фан уни то охиригача ўрганишга қодир эмас. Одамнинг анатомиясига қараб, сўнг хулоса,

ҳукм чиқариш мантиқсиз. Масалан, Тургенов, Маяковскийнинг мияси жуда катта бўлган, Ньютоннинг мияси анча кичик. Бу билан истеъдод даражасини қиёслаш мумкинми? Табиийки йўқ! Қобилият ҳам, мия ҳам, туш ҳам илоҳий ҳодиса. ... Қизиқ яратилган одамзод. Ўзга оламлар, ер, сув, ажойиботларга қизиқади-ю, ўзининг асли ким эканини, нимага қодирлиги, шамолга соврилаётган умри ҳақида кам, гоҳо мутлақо ўйламайди. Гоҳ ўз машъум хотираларини кўп санайди-ю, бахтли онлари эсидан чиқади. Фикрсизлик, аслида, одамзод ёви! Ёвузлик ҳам оқибатни кўра олмасликдан урчийди, феъли тор, қизғанчиқлик эса ҳасаднинг ибтидоси, аламзадалик ҳасаднинг ядроси, истеъдодсизлик эса унга қувват берувчи.

Истеъдод ҳам ҳасаддай зотий бўлади. Меҳр-муҳаббат, оқибат, андиша, бахт, хотиржамлик қаноат ва шукроналикни тилаб олиб бўлмайди.

“Мен истеъдод, илм, ҳаракат ва куч-қудратим, вақтимни ўтин ёришга, самарасиз маъруза, таҳқиромуз семинару амалийга, шанбалигу ягонага сарфлашим керак эмас. Бу дунёда ҳар ким ўз ишини қилсагина, чин тараққиёт, бахт-саодат бўлиши мумкин. Моҳият тубсиз бир уммон, унга етишиш, қаърига тушиш, илм, олам ва одам сирру гавҳарини топиш азоб...”

Лекин оҳки XX аср сўнгги! Технократ, ҳисларни қақшатган, вабодек нафс аждаҳоларига қурол-яроқ, тузалмас касаллик, одам савдоларини касб қилиб берган, абадий мувозанат, қонуният тизимини мафкура полигонлари билан қақшатаётган юз йиллик!

Одамзод Оллоҳ яратган азалу абад қоидаларидан юзсизларча чиқмоқда! Ҳа, унга амал қилишдан, чиқиш минг карра, миллион карра осон-да!

Нима қилиб бўлса-да, биз ўз наслимиз, муҳит, жамият, келажагимизга ёвузликдан сақланиш инстиктини шакллантиришимиз керак, шарт, фарз!

У ўзини жойига отди ва юзтубан анча, болишни тишлаб, қўлини муштлаб ётди. Яна бирдан Лолани эслади... Беғубор табассум, олов нигоҳлар, уни сочига кўмишлар, кўксига бош қўйиб эркаланиш, орзу-умидлар бир-бир тизилиб ўтдилар, эздилар...

Нажот ўйлади: “Ҳайрат аканинг танқиди тўғри, мен Шарқ фалсафаси, буюк шахслар қисмати, шахсий таълимоти, бахт ва кулфатини, айниқса, яхши билмайман. Кеча Боязид ва Мансуру Ҳаллож ҳақида ўқидим. Дунёда бетакрор шахс, қисмат, фожиа! Лекин мен Радий Фишга ўхшаб, тарихий, фалсафий, психологик роман ёзаман. Қарорим қатъий!”

Нажот ўқув йилини якунлаб, ўз ихтиёри билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб институтдан кетди. Ҳамма китобларини олиб, отасининг ёнига, одамлардан йироққа, чўлда чўпонликни ихтиёр этди. Кенг саҳро, поёнсиз осмон, ёввойи табиат, одмигина кулба, қора қумғон, еркозонда пишган ризқ, ожизгина милтиллаб ёнадиган шамчироқ...

Поёнсиз, саратон офтоби тафтида ловуллаб ётган саҳрога илк қадами теккан кунда у ўпкаси тўлиб-тўлиб нафас олди-ю, дийдаси тўлиб, кўзига қайноқ ёш келди.

У бошланиши ва охири йўқдек туюладиган осмонга қаради, бир бургут қанотларини кенг ёзганча баланд парвоз қилаётганини кўрди. Бургут бамайлихотир, виқор билан қанот қоқар, гўё заминдаги барча нарсаларга беписанд боқарди...

2015 йил, хазонрезги, Зангиота



Некбинлик мавжида тошар ҳисларим

Сирожиддин РАУФ

АДОЛАТ

Алмисоқдан бери ўтди не замон,
Одам болалари адолат дейди.
Мукаррам бўлибдир қай замон инсон,
Айтинг ва кўрсатинг далолат дейди.

Билганим, минг шукр, охир пайғамбар
Дастур деб келтирган муқаддас китоб –
Итоат айласанг, на дард, на ғам бор,
Йўлдан адашманг деб янграган хитоб.

Аламки, рост-ёлғон қилгай овора,
Иблис хуружидан чарчаган олам.
Булутдек ёприлиб нафси аммора,
Ҳайҳот, бандаликдан тонади одам.

Сирожиддин РАУФ – *“Шуҳрат” медали соҳиби. 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини ва Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтини (ҳозирги Тошкент давлат ҳуқуқшунослик университети) тугатган. Унинг “Йиғлаётган ой”, “Кўк гумбаз”, “Сиз менга кераксиз”, “Ташриф”, “Муаллақ чексизлик”, “Нилий нақшлар” каби шеъри тўпламлари ва болаларга бағишланган “Ғалати мусобақа” китоби нашр этилган. Шоир таржимон сифатида таниқли рус шоирларидан Иван Бунин, Евгений Евтушенко, украин адабиёти вакилларидан Иван Франко, Леся Украинка ва бошқа қардош халқлар ижодкорлари асарларини ўзбек тилига ўгирган.*

Алҳазар, ўзини Худодек сезиб,
Ҳақсиз ҳукм сурса мустабид хонлар,
Замин қабоҳатдан кетганда безиб,
Дунёга келади соҳибқиронлар.

Изланиб юради инсон тобакай,
Боқмасми, Яздийнинг буюк хатига,
Бир табоқ олтинни тутиб болакай
Кезолган Темурнинг салтанатида.

Чироқ кўтарганни олқишлар жаҳон,
Мазлумлар умидвор, золимлар пурғам.
Эзгулик кўшкида тургай бегумон,
Ҳазрат Амир Темур адолати ҳам.

* * *

Елдирим йилларим баландга етди,
Ҳадди аъломикин – нарёғи нишаб.
Шу маҳзун ҳолимда бир умид битди:
Шояд оқ тонгларга элтса қора шаб!..

Менда на молу мулк, на шон ташвиши,
Ҳою ҳаваслардан кўнглим инжиган.
Узлатин йўқотган замон дарвиши –
Бош урдим денгизнинг хилват пинжига.

Бир лаҳза тинармн тошу тарозу,
Қумда ҳам, сувда ҳам бозор қизиган.
Ўзимча ўйладим: энг улуғ орзу
Бир умр тушмоқлик қуёш изига.

Фақат адаштириб қўймасин Ўзи,
Ҳақлик даъвоси-да кибрга восил.
Сабоқ-ку Фиръавн саждаси, бўзи –
Ягона ва сўнгги бесамар ҳосил.

Биламан, Ғарбу Шарқ битта оламдир,
Битта одам эрур шоҳу гадо ҳам.
Лек инкор авжида, бу не аламдир,
Олис манзилларда тентийди қадам.

Хавотир ғимирлар қоним кўп қуюқ,
Тўкмадим томчисин, бу жонми ширин?
Тириклик айрилиқ захмидан ўйиқ,
Фанода ўлимнинг сири яширин.

Сайру саргардонлик боиси недир,
Яхши, ёмон ўтар ўнгу сўлимдан.
Бу ғаддор дунёга бўлмасдим асир,
Ўлимдан қўрқаман, афсус, ўлимдан...

* * *

Қора кўрсанг,
кўнглинг тўқ.

Ота сўзи

Дур эдим, тушибман тошлоққа,
Урилиб-сурилмоқ офатдир.
Ҳожат йўқ, инчунин, оҳ-воққа,
Танаси бошқалар беқадр.

Бўлса эди менда ихтиёр,
Юрмас эдим бунда чорасиз.
Оқ қилинган кундан, миқти ёр,
Кўнглимга бир таскин, қорасиз.

Олисдасиз, билмам, неча тош,
Бош урмадим тошдаги изга.
Ё, Оллоҳ деб, энди олиб бош,
Қора тортиб борурман Сизга!..

ЁЛҒОН ДУНЁ

Суюкли бўлмагай ҳеч ким,
ҳеч нарса
фақат бу дунёда борлиги учун!
Қаҳри қаҳратонда қуёш суюкли
муздай ёноқларни сийпаган кезда.
Баҳор ташрифига қўнғироқ ёмғир
кўлмаклар юзида чопиб юриши
кўкламга ичиккан дилларга ҳузур.
Кўкраклари тоғдай, елкаси яйлов
оталар қўрғондир болаларига –
диконглаб чопишар қўзичоқлардай.
Аксини ўйлашдан қўрқаман ҳатто...
Фараз қилинг,
ёзда, айни саратон,
саҳройи Кабирда юрибсиз чанқаб,
қуруқшаб қолган тил танглайни чўғдай
куйдириб турганда,
хўш, нима дейсиз,
қуёш нурларини сочса ҳовучлаб?
Баҳорнинг аввали, уруғ қадалиб,
дарахтлар бурканган чоғда гулларга
жами тирикликнинг сарвари ёмғир
ҳафталаб бетиним сепалаб турса,
миришкор боғбону деҳқон не қилсин?..
Тишлари тўкилиб, қадди букилиб,
чайнаб ютолмаса бурда нонини
қария хор бўлар охир-оқибат
фарзандлар қўрқмаса агар Худодан!
Севгилим, суй, гулим,
мен-да суяман,
йўлингга жонимни қиламан нисор.
Сезаман, тайёрсан сен ҳам шу лаҳза
Аждаҳо комидай ўтга кирмоққа...
Лекин жасоратга мезон ишқимиз
яшнаб турармикан неча ўн йиллар

жўшқин руҳ бағишлаб афсоналарга,
ажалга чап бериб юрса жонимиз?
Заминнинг бир тусли бекатларида
безиб қолмасмикан
бахт ҳам мунғайиб,
гулдай нозик ниҳол елкаларига
оғир ботмасмикан вақтнинг қадоғи?
Менга туюлади
инсон ҳаёти
сиртдан
чўққидаги гулу лоладек,
атрофида қуёш кулгуси.
Мусаффо ҳаволар,
сокин наволар
ичра мактуб битар манглайга ажин.
Ёзмишни ўқиган англар шубҳасиз
нималар яширин ҳаёт қўйнида,
бошларга эланган оқ қорлар қайдан?..
Йўқ, керакмас, балки керакмас,
сескантирар икир-чикири –
кўплик қилар битта умрга.
Манфаатлар минтақасида
шундай кечар ҳаёт, бошқаси – ҳа, ёт,
ёлғон дунё чинга айлангунича!..

ОДАМ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Жаннат, дўзах ёнма-ён эди,
Жойлашганди кўз ила қошдай.
Айриликли бир замон эди,
Одам тушди заминга тошдай.

Йўл босади энди тинимсиз,
Қоришсаям тупроққа тана.
Бу сафари бўлмас унумсиз –
Аён бўлар мангу бошпана.

Йўлчи деган номини оқлар,
Ҳар довондан ошаркан шахдам,
Туғилган кун дея ардоқлар
Ва белини боғлайди маҳкам.

Билмас олдда неча довон бор,
Бир маромда лекин ошади.
Забт этганин қайд этиб такрор,
Довон сари тағин шошади.

Омад кулиб кенгликлар аро
Баъзан боғу роғлардан ўтар.
Гоҳ дуч келар биёбон, саҳро...
Чангалзору тоғлардан ўтар.

Ҳаёт мисли жаннат ва дўзах! –
Билиб-билмай айтади одам.
Икки макон агарчи илҳақ,
Биттасига қайтади одам!

ДУНЁНИНГ КАМИ

Начора, гумроҳ деб кимдир кулсаям,
Шукронам беҳисоб, кўнгил малҳами.
Гарчанд битта номи “Биркам” бўлсаям,
Бир куни тўлади дунёнинг ками.

Тарози шайини оғар ҳар лаҳза...
Мудом ёр бўларми масрурлик тахти?
Ҳасратлар юракка солганда ларза,
Бахтиёр айлади қизимнинг бахти!

Аро йўлда қолиб ногоҳ узатдим –
Орзулар мўл эди туғилганимдан,
Чапдаст йўл олишди – мамнун кузатдим,
Энди умидворман ўғилларимдан.

Умр-ку ўткинчи, қилмасман парво,
Некбинлик мавжида тошар ҳисларим.
Сен-да мардона бўл,ториқма, дунё,
Камингни тўлдирар ўғил-қизларим!

ОЛИЙ ЖАЗО

Ёзилажак гуноҳ ва савоб,
Озор кўрмас бесабаб бадан.
Қилмишига беради жавоб
Охиратда банда, жумладан.

Гарчи пинҳон, лекин мунтазам,
Синовдадир авом ҳам, олим.
Гўзал суврат ортидан баъзан
Юз кўрсатар ашаддий золим –

Ақл боис борлиқда устун,
Нафс туфайли шайтондан баттар.
Шундан руҳи бўлолмас бутун,
Билиб туриб боргани – хатар!

Осийлар қутулмас сазодан,
Ҳар бирига тегади улуш.
Лойиқ бўлар олий жазога
Сўзни эрмак қилган сўзфуруш!

* * *

“Миср, эҳромларинг қадим, муҳташам,
Мени ҳам хуррам эт, сафарим оний,
Ғаюр ният билан келган чоғда ҳам
Ишқ ила сийланган Цезар, Антоний...”

Марҳабо, дегандай мавжланар денгиз,
Соҳил йўқ Шарм[1]нинг соҳилларидай.
Тўлқинлар танимни чулғайди шу кез
Гўзал Клёпатра кокилларидай!..

[1] Шарм эл Шайх.

* * *

Гоҳида келади дилдан сирлашгим,
Кўнглимнинг бисоти – эзгу дардимни
Сенга инонмоқдан қўрқаман лекин.

Гар бир кун ишонсам, ёлғиз ўтинчим:
Сен мени ўзингдан ортиқроқ севма,
Ўзимдан ортиқроқ мени тушингин!

* * *

Энди ортиқ инонмоқ қийин,
Қалбни унсиз фарёд ўртади.
Сен борсан қайдадир... не дейин,
Оҳ, ғариб кўнглимнинг эртаги?
Энди ортиқ инонмоқ қийин.

Қалбни унсиз фарёд ўртади,
Топмай туриб йўқотмоқ оғир.
Орзуларни армон бутади,
Шуни раво кўрдими тақдир?!
Қалбни унсиз фарёд ўртади.

Сен борсан қайдадир... не дейин?
Ҳислар тошар бамисоли сел.
Сипқораман таҳайюл майин,
Хаёлимга ҳаялламай, кел!
Сен борсан қайдадир... не дейин?

Оҳ, ғариб кўнглимнинг эртаги,
Ёдинг ёдин ёдда тутурман.
Кўринса-да умрим этаги,
Мен барибир сенга етурман,
Оҳ, ғариб кўнглимнинг эртаги...

РИСОЛАДАГИ ОДАМ

Ҳаётини солган қолипга
Чиқмайди режадан ташқари
Безовта ўй қилмас безовта

Маромида юриш-туриши
Олиб кетмас саркаш хаёллар
Тушмайди орзунинг измига

Кун ва туннинг қадамига мос
Етиб борар умр карвони
Ўз вақтида видо даштига

Ҳувуллатмас бирорта қалбни
Ўтиб кетар йўқликка қараб
Бу дунёга келмаган каби

АНГЛАШ

Битталаб тергандек товуқ донини,
Битта-битта овлар дўстларни ажал.
Айрилиқ оқизиб дилим қонини,
Бағримга ўт пуркар бамисли аждар.

Уяси бузилган қалдирғочлардай
Мотам осмонида чирпирар фарёд.
Кўкламни бой берган ҳув оғочлардай
Тобора тусини йўқотар ҳаёт.

Биллур идиш эмас одамнинг умри –
Қалтис зарб еганда, сочилар чил-чил.
Кемтилган сопол у – Яратган амри,
Урилар тақдирнинг тошлари зил-зил.

Олтиндай жимирлар хотирот занги –
Рутубатли кунда кўз ёрган қуёш.
Соғинч яра каби ёрилар янги,
Яна малҳам бўлиб куйманар бардош.

Дунёга келгандик дунё ахтариб,
Йўқотишлар ичра Ҳақни танидик.
Тақдир ҳовучида зормиз музтариб,
Ҳижронда қоврилган буғдой донидек...

* * *

Зоминтоғ
Заминнинг қозиғи,
Безаги арчалар – яшил дур.
Шу боис, минг йиллик ёзуғи
Ўзгармас: ҳамиша яшилдур.

Чўққидан баландда кун ва ой –
Ярақлар фалакнинг қўш тиғи.
Шарақлар бетиним кумуш сой,
Мардона тириклик қўшиғи.

Қаноти ёйилган булутлар
Тилинмас қайроқи тошларга.
Нигоҳи олмосдай бургутлар
Шайланган шиддату шаштларга...

Ютаман ютоқиб ҳаволар,
Бурқсиган ҳаваслар ўчади.
Орзулар дафъатан ҳаволар,
О, кенглик бағримга кўчади...

Зоминтоғ
Кўнгиллар озиғи!



ФЕРУЗШОҲ

Алаҳ

Достон

У инсонни алақдан яратди.
“Алақ”(сураси), 2 оят

...оҳиста қўнади кузги хазонлар
Улкан, салобатли тобут бағрига.
Кас борки томоқни тирнар азондан –
Ўтмишин хотирлаб қалби оғриган.
Йиғиндан қолмагай тарқаган бу тур
Тўсса-да йўлини иблис найрангги.
Найрангга йўлиққан ушбу тур кутар
Қотилнинг маъруза этмоғин гангиб.
Бир буйруқ етарлик тартибга чорлар,
Бир буйруқ гуноҳдан ўтар баъзида.
Муҳаббат истаган муҳаббат порлар
Интиқ одамларнинг тизилмасида.
Маъруза қилинар, тобут атрофи
Ўраб олингандир, одамлар жимжит,
Олий сукунатни севмаган кофир,
Олий маърузани тингламаган ит.
Итлар қатор эди, кўзлари бўм-бўш,
Сўзлари йўталга айланиб кетган.
Ёмғирга қўшилиб томчилаган туш

ФЕРУЗШОҲ *– 1999 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети биринчи босқич талабаси. Унинг “Кабиса” номли тўплами нашр қилинган. Марк Левининг “Еру осмон оралиғида” номли романини; Пушкин, Цветаева, Есенин, Платонов ва Висоцкий каби рус шоирларини ўзбек тилига ўгирган.*

Заҳарханда каби санчилар бетга.
Савол ташланади ўртага бир дам:
“Яхши одам эдими?”, “Ҳа, яхши одам!”
Мен жавоб айладим эргашиб итдай
Ул жонсиз жасадни танимасам ҳам.
Савол такрор эди, жавоби такрор,
Сўқир кўзлар ила майитга боқдим.
Ўзимча ўйлайман нима фарқи бор
Кафан баданига ёқмади, ёқди?!
Воҳ, жон қайта кирди ёки кўзларим
Очилди иккинчи дунё сатҳида.
Кўр эдим, атрофдан одам изладим,
Кўрарман, одамлар кўримсиз жуда.
Тирил, эй кўзлари кўзимга дўнган,
Сенга саволларим бордир бергали.
Оёғинг остига бесўроқ қўнган
Хазонларнинг жони бормиди ҳали?
– “Уйғоқман, уйқуга кетганимча йўқ,
Сукунат нақадар ширин, тинглаб кўр.
Ҳаво қанчалар нам, ер қандай қуруқ,
Басирсан, атрофинг тўла минглаб кўр.
Ҳа, ҳа, тинглаганинг сукунат найи,
Ўзига чорлайди тирикларни ҳам.
Қулоғинг пардасин йиртгани сайин
Ўлимга талпина бошлайди одам.
Бироқ, осон эмас қўл силкиб кетмоқ,
Топган-топмаганинг, бари-барига.
Шул сабаб тириклар тутмайди қулоқ
Улуғ сукунатнинг қулоқларига.
Ул қулоқлар тилдир, тилдир сўзлаган
Мендан сенга қадар ором этган бахш.
Билдимки, ўлимга қадар кўзлаган
Кўзларим кўргани ҳою-ҳавас, фаҳш.
Билдим, манзил бўлмас яқин, йироққа,
Билдим, ишлатилган буюмдир танинг.
Айланиб қолади ўлим қулоққа,
Қулоққа айланар бутун баданинг.
Шундан жим қоласан бутун умрлик,
Ишқ торин чаласан жимлик торида.
Менку бироздан сўнг ерга кўмилгум,
Сен эса тинглаб қол вақтинг борида”.
– “Шошма, наҳот бизга сўзлашган ёлғон,

Наҳотки, тилларда сўз йўқ аслида.
Наҳот, сукунатга айланар хазон
Куртак очаётган баҳор фаслидан.
Демакки, табиат шундан доим жим,
Демак, қуёш жимдир шунинг учун ҳам.
Демак, сен ҳозир ҳам ўлмаган эдинг,
Демак, сен туғилиб туғилган одам?!
Сўзла, тағин сўзла, баён эт бир-бир,
Менинг билганларим – билмаганимни,
Бизни яратгувчи аслида кимдир,
Сукут сақламаган унга ғанимми?”
Энди у жим эди – сўзларди олий,
Ахир, олий сўздир жим қола билмоқ.
Ахир, ўтар-ўтмас ҳаммаси оний,
Бир манзилга элтар туғилмоқ, ўлмоқ.
Маъруза тугади, кўтарилди даст,
Елкаларга қўнди ўлмаган одам.
Шунда англадимки, осмон ердан паст,
Манзилга элтмайди ҳар қандай қадам.
Суҳбат ёдда қолгай ўлгунимча то,
Йўқ, йўқ, туғилгунча туғилгандан сўнг.
Билганим билмаган билимдир, ҳатто,
Ўнг сўлга боради, сўлга эса ўнг.
Э воҳ, шундан буён тилим тилсиздир,
Э воҳ, шундан буён қулоқларим тил.
Атрофимни ўраб одамлар сизди,
Маъруза айлади бошимда қотил.
Саволга тутмади ҳеч кимса, ё Раб!
Ҳеч кимса билмади ҳаёт сирини.
Оёғин узатган жимларга қараб
Санадим сукунат қулоқларини.
Кўрсаткич бармоғим бошлар солланиб,
Лабларим шивирлаш шаштидан пастда,
Лаззатли туюлган аччиқ онларим
Тўқнаш келаверди кетма-кет дастлаб.
Якуни етилди, келди салтанат,
Нақадар юксаклик аталмиш ўра.
Саноққа киришган неча мингта лаб
Мингталаб садосиз сасни туш кўрар.
Юқори аталмиш қум қатламида
Дарахтлар илдизи тошларга туташ
Қумурса сўриган намчил таъмидан

Ўргатар юксакда нелигин яшаш.
Тошлар тизгин қатор терилган, тупроқ
Уларни қучаркан туяди лаззат.
Ҳар ким қулоғига илдирган чироқ,
Ҳар ким қулоғига тутмоқда аза.
Сас чиқмас, қадамим синдирар хасни,
На ингроқ, на нола тутмас бир фурсат.
Ахир жимлик олий садо эмасми,
Қани, эй, олий сас, сукутни кўрсат!
Ҳаракат сезаман, кўрқув босар, гир
Айланиб ўтади қора шарпалар.
Қулоққа айланиб келади тақдир
Тилсиз қулоғимга тилини қадаб.
Кўрганим бир инсон, ё инсон, ёхуд
Марҳумга дўнгану шаклида қолган.
Бу тирик марҳумлар тизилган ҳудуд
Жасадлар устидан бошпана олган.
Сатҳи бор ҳар ернинг қуми сачралиб
Титилиб тушаркан осмон пойига.
Кимни ўлим кутар, кимга жой олиб,
Кимни дафн қилдик кимнинг жойига...(?)
Дод дегим келару, сўзлаб нетаман,
Туйганим лаззатнинг тотидан тотли.
Тилдан урчиётган сўзсиз ҳаётни
Қулоқларизмига ташлаб кетаман...(!)
Ўқувчим, ўзимдек девона кетмас,
Сўзга туташ умри ёниқ қуёшим,
Ҳикоя этилмиш ҳеч ёлғон эмас,
У менинг кўзимда порлаган ёшим.
Шундан, дард тимсоли одамдек қадли,
Шундан, жавобини кутар санолар.
Шундан, бўлса ҳамки кимнингдир қатли,
Ўтган дам ўтгинчи бўлиб саналар.
Саналар улуғвор ўтмаган дамлар,
Ўтган кетаверар биздан нарига...
Жон ато қилади ўлиб одамлар
Улуғ сукунатнинг қулоқларига!



Таржимадан мурод нима?

Таниқли олим Абдумурод Тилавовнинг атоқли шоир Йўлдош Эшбек билан суҳбати

Абдумурод ТИЛАВОВ: – *Оҳанг ва услуби, фикрий кашфиётлари, ифодадаги беғуборлиги билан ўзбек шеъриятида ўзига хос ўринга эга, жаҳон адабиётининг юздан ошиқ энг сара намуналарини она тилимизга маҳорат билан таржима қилган, узоқ йиллик машаққатли меҳнатлари самараси натижасида сўз саррофи мартабасига эришган устозларнинг адабиёт, маънавият, таржима сирлари ҳақидаги қарашлари ёш ижодкорлар учун яхши мактаб вазифасини ўташи шубҳасиз. Бинобарин, ушбу мунозарани "суҳбат-тадқиқот" рукни остида беришимиз бежиз эмас. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти (Тошкент – 2005) томонидан собиқ иттифоқнинг энг машҳур шоирларидан ўн икки нафарининг мўъжаз китобчалари Мирпўлат Мирзо таржимасида босмадан чиққанди. Шунга кўра шоирлар ва поэзия, ҳаётдаги, ижоддаги миллийлик ҳақида баъзи фикрларингизни билмоқчи эдим.*

Йўлдош ЭШБЕК: – Мирпўлат Мирзо сал олдинроқ ҳам бу шоирлар ижодидан йирикроқ китоб чоп эттирган ва ўша тўпламни ўқувчилар яхши кутиб олгандилар. Яхши шоир бўлиш билан бирга таниқли таржимон Мирпўлат Мирзони тенгқурларимиз ичида энг фаоли десак, адашмаймиз. Чунки шоир ушбу машаққатли мураккаб ва оғир фаолият билан эртароқ изчил машғул бўлди. Айниқса, талабалик йилларидаёқ у ўзининг Ўлжас Сулаймон ва Евгений Евтушенкодан қилган таржималарини бетакрор оҳангларда ўқир, тингловчилар кўнглига ҳаяжонлар соларди. Шубҳасиз, шеър – улуғ Белинский айтганидек, санъатнинг олий тури. Шеър адабиётни, адабиёт эса миллатни ривожлантиради, давлатни тараққийга олиб киради. Адабиёт ҳамма соҳага таъсир этади, илмга, олимга ҳам, бу унинг бир хусусияти бўлса, иккинчи хусусияти унинг ўзи ҳам жаҳонга чиқади, жаҳон халқларига меҳр боғи бўлиб хизмат қила олади.

Мирпўлат Мирзо ўз таржималари орқали халқлар дўстлиги, маданиятлар ва шеъриятни бирлаштирувчи ижодий ташкилотчи ҳамдир. Бундай дўстлик шуълаларини Мирпўлат Мирзо таржима этган барча шоирларда кўриш мумкин.

– Тўғри айтдингиз, Мирпўлат Мирзо асарларини таржима қилган ижодкорларнинг деярли барчасининг Ўзбекистонга меҳру муҳаббати бўлакча эди. Лекин шоирнинг таржималаридаги асосий муҳим хусусият нимада деб ўйлайсиз?

Абдумурод ТИЛАВОВ *– филология фанлари номзоди, доцент. 1970 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Имом Аъзамнинг "Муснад", Султон Валаднинг "Маърифатнома" асарини ўзбек тилига ўгирган.*



– Энг аввало, таржимоннинг матнга, яъни аслиятга эркинроқ ёндашишида.

– Бундай эркинликда хавф йўқ эмасми?

– Албатта, бор. Шунга яраша таржимонда жасорат ҳам бўлиши керак. Мирпўлат Мирзода эса бу етарли. Ҳар бир аслиятнинг бир очқичи, калити бўлади. Таржимон шуни қўлга киритишга ҳаракат қилади. Масалан, Эркин Воҳидов Сергей Есенин шеърларини шундай қуйма таржима қилганки, бундан зиёдасини тасаввур қилиш мушкул. Рус шоирининг ўзбекчага ўгрилган шеърларини ўқиб, буларни ўзбек ёзганми дейсиз. Бу ҳақиқий миллий шеър-асарларнинг умуминсоний бўлишига ҳам мисолдир. Уста таржимон ортиқча эркинликка ҳам, тутқунликка ҳам берилиб кетмайди. Жоиз бўлса, таржимон аслиятда яширинган фикрни ўқувчига ёрдам сифатида чиройли ҳолда бир сўз билан очиб ҳам кетади. Баъзан шеърдаги яширин маъно тилсимлигича, гўзал сирлигича қолади, ўқувчининг ўзи ҳалиги калитни топишга ҳаракат қилади. Бу сирнинг очилиб-очилмаслиги ҳар кимнинг калити (даражаси)га кўрадир. Масалан, Мирпўлат Мирзо таржимасидан Андрей Вознесенскийнинг бир шеърини ўқийлик:

ТУШ

Биз қайта кўришдик. Киприкда намлар,
Ҳижрон изимизга терилди зор-зор
Ва биз ишқ-севгидан ичдик қасамлар,
Бироқ танимадинг сен мени зинҳор.

Остонангга таклиф этдинг беҳадик
Пойимда айланиб-ўргилдинг минг бор.
Бизлар бирга-бирга узоқ яшадик,
Бироқ танимадинг сен мени зинҳор!

СОН

Мы снова встретились,
и нас везла машина грузовая.
Влюбились мы – в который раз.
Но ты меня не узнавала.

Ты привезла меня домой.
Любила и любовь давала.

Йўлдош ЭШБЕК *– 1950 йилда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Шоирнинг "Соғиниб яшайман", "Мовий турналар", "Ҳаёт чечаги", "Дарахтлар эртаги", "Мангу масофа", "Йиғлаётган қиз" каби қатор шеърий китоблари нашр этилган.*

Мы годы прожили с тобой,
но ты меня не узнавала!

Бу шеърни ўқиб, ғаройиб бир оламга тушиб қоласиз. Воқеликнинг гўзал боғларига кирмоқ бўлиб, очқичлар ахтарасиз, топасиз ёки топгандай бўласиз. Модерн ижоддаги очқич эса руҳдаги эврилишдир. Ўзгача ҳис этиш, фикрлаш, янгича лаззат бахш этади. Таржимон сўз ҳажмидан, сатрлардан ўзи кашф этган маъно қирраси ва жиҳатини муолажа этади.

– *Вознесенскийнинг 1971 йил ёзилган "Сага" – кўпроқ "Я тебя никогда не забуду" номи билан машҳур шеъри охирида шундай сатрлар бор:*

...Даже если на землю вернемся
мы вторично, согласно Гафизу,
мы, конечно, с тобой разминемся.
Я тебя никогда не увижу.

И окажется так минимальным
наше непониманье с тобою
перед будущим непониманьем
двух живых с пустотой неживою.

И качнется бессмысленной высью
пара фраз, залетевших отсюда:
"Я тебя никогда не забуду.
Я тебя никогда не увижу".

Ушбу шеър таржимасига назар ташласак:

..."Қайта яшамоқлик насиб этса гар,
Таъкид айлагандек Ҳофизнинг байти –
Бизни кутгай яна фироқ муқаррар
Мен сени ҳеч қачон кўрмаймен қайтиб.
Айро дилларимиз низоси мубҳам,
Қиёс айлаганда бамисли учқун –
Ҳажр оташи-ла кўринган уфқда
Фано даштидаги икки қалб учун.
Юксак фалакларга бир вола билан
Ўрлар гирён юрак видоси – қайда:
"Мен сени ҳеч қачон унутолмайман
Мен сени ҳеч қачон кўрмайман қайтиб".

дея қилинган таржимада ўзбекчалаштириш сал меъёрдан ошмаганми?

– Йўқ. Бу шеър ҳам аввалги шеърнинг гўзал бошланиши ё охиридай ёки қай маъно буржларида топишиб оладигандай туюлади, яъни бир-бирига яқин.

Замонавий ижодкорлар шоир ва шеърнинг инсон ва жамият ҳаётидаги беқиёс ўрни ҳақида фикр билдиргани каби ўтмишда ҳам салтанатлар шоирлар ижодидан қувват олганини очиқ ишораларда акс эттирадилар. Жумладан, А.Вознесенский "Звезда над Михайловским – Михайловск осмонидаги юлдуз" шеърининг сўнгги тўртлигида шундай таъкидлайди:

"Важны не хула или слава,

А есть в нем музыка иль нет.
Опальны земные державы,
Когда отвернется поэт”.

Яъни:

Муҳим эмас на кулфат, на бахт
Юксак руҳ ҳеч кўрмайди зарар.
Аммо завол топгусидир тахт
Шоир ундан юз бурса агар.

Умуман, Мирпўлат Мирзо қалами таржимада сайраб, равон йўрғалаб кетади. Серқирра метафора ва ташбеҳлар орқали фикр чуқурлиги ва гўзаллигини намоён этган Андрей Вознесенскийдан қилинган таржималаридан бир тўртлигига эътибор қаратсак:

Унутаман сенинг қошингда ғамни
Ҳар бир ҳаракатда зуккосан чунон.
Бармоғингга туфлаб ўчирдинг шамни
Худди капалакни тутганингсимон.

(Загляжусь на тебя, без уми
От ежедневных твоих сокровищ.
Плюнишь на пальцы. Или двумя
Гасишь свечу, словно бабочку ловишь).

Ёки:

Шоир бўлмагин сен, бироқ бу шуур
Қўзғайди қалбингда исён муқаррар,
Тушун, қандоқ чидаш мумкин даста нур
Эшикка қисилиб ингранса агар!

(Можно и не быт поэтом,
Но нельзя терпеть, пойми,
Как кричит полоска света,
Прищемленная дверьми).

– *Лекин бу ерда “полоска света” – нур оқими... ёки бўлаги маъносида келган-ку?*

– Борингки, шуъла ҳам бўлсин... Фақат уни Мирпўлат Мирзо “даста нур ёки нур бўлаги” деб кўз олдингизда “даста гул”га (ёки даста нурдан даста гулга) айлантириб юборяпти. Жуда гўзал! Жуда гўзал интим изтиробга айланмоқда ижтимоий дард! Яъни сўз рамзга, рамзлар фикрларга дўнмоқда. Таржимон сирли калитни (ёки сирлар калитини) қўлга киритмоқда. Шеър ҳам, таржимаси ҳам ўқувчиларга англаш, ҳис этиш, завқланиш майдонини кенгайтмоқда. Бунда таржимоннинг хизмати алоҳида.

– *Энди эътиборингизни А.Вознесенскийнинг мана бу шеърига қаратмоқчиман:*

Ҳар бир тирик вужудда
Тўқсон фоиз сув қоим,

Паганинига худди
Ишқ ўти ёрдек доим.
Тангрининг офиятин
Кўп кўрса ҳам шум қисмат,
Инсоннинг моҳиятин –
Тўқсон фоизи ҳиммат.
Тўқсон фоиз оҳанг, чин –
Мунгли у ва энг шаън,
Менда қусур кўп, лекин
Тўқсон фоизим сенсан.

(В человеческом организме
Девяносто процентов воды,
Как, наверное, в Паганини
Девяносто процентов любви.
Даже если – как исключенье –
Вас растаптывает толпа,
В человеческом назначение
Девяносто процентов добра.
Девяносто процентов музыки
Даже если она беда,
Так во мне, несмотря на мусор,
Девяносто процентов тебя).

– Ғаройиб шеър ва ажойиб таржима.

– *Охиридан олдинги қаторда "қусур кўп"лик қилмоқда.*

– Менимча, таржимон атайдан охиридан олдинги қаторни олдинга чиқариб юборган; – ўқувчи ўйлаб кўрсин. Бу ҳолат, сизнингча, лирик қаҳрамон "у"нинг (у – мавҳумроқ) қусурини ошириб қўймоқда. Балки бу ҳам тўғридир. Лекин бу "тўғрилик" таржимада ҳосил бўляпти. Аслият эса ижобий йўналиш олган.

– *Аслиятда эса, "... Қусримга қарамай 90 фоизим сенсан" дейилмоқда...*

– "Кўп"ни "бор" деб қўя қолинса олам гулистон эди – "менинг қусрим бор", лекин "кўп" сўзи лирик қаҳрамонда камтарлик касб этмоқда. Ноўрин камтарликка ўхшаяпти. Мирпўлат Мирзонинг таржимонликдаги хос хусусиятларидан яна бири, балки асосийси – шеърни миллатимиз табиатига мослаштиришга қаттиқ ҳаракат қилишидир. А.Вознесенский инсон сифатида ҳам диёримизга хуш муносабатда бўлар, юртимиздан дўстлари кўп эди. "Самбит" шеърининг хотимасини келтирамиз:

Самбит куртаклари ёққан туғён бу!
Учинчи қисмда ушалар орзу,
Фильм икки қисмли бўлса, нетгаймиз?
Тошкент настаринин харид этгаймиз.

(Да это же вербное воскресение!
Обещано счастье в конце третьей серии,
И нас не слущает, что фильм двух серийный…
Ну, нет – так накупим ташкентской сирени.)

"Нега" шеърида эса у (инсон ва шоир сифатида) улкан қалб эгаси эканини намоён этади.

Нега икки давлат – икки улуғ халқ
Бир-бирин йўқ қилмоқ қасдида ногоҳ –
Нуқул ўйлар сурар бадниятли талх?
Одамлар дўстлашар, давлатлар... эвоҳ!
Икки улуғ давлат – икки улкан кафт
Бир-бирин алқамоқ ўрнига, қаранг,
Дилгир Сайёрамиз бошин чангаллаб,
Кулфат ёқасида жон сақлар аранг!

(Почему два великих народа
Холодеют на грани войны,
Под непрочным шатром кислорода?
Люди дружат, а страны – увы…
Две страны, две ладоны тяжелые,
Предназначенные любви,
Охватившие в ужел голову
Черт-те что натворившей Земли!)

Бу шеър инсон нафси ҳақида; баднафс чегара билмаслигига ишора ва у давлатни тамсил этмоқда. Баднафс дунёга ҳоким бўлишни истаган(даража)чалик – (истаган даражада кўп) бир одамни қул қилишни истамайди, яъни кўпроқ жаҳонга ҳукмрон бўлишни истайди. Баднафснинг "камтарини" – бировдан ўзини баланд тутишидир (Шеър бошида бу ҳол ижодкорлар орасида учраб туриши урғуланган).

– *Расул Ҳамзатовнинг бир тўртлиги менга жуда ёқади:*

Совсем не тем, что снег пошел, я возмущен…
Но как твоих волос посмел коснуться он!
Я ветер не виню, что дует он, трубя, –
Но как обидно мне, что обняя от тебя!..

(Майли, кучайсин қор, ёғсин бетиним,
Лек шартли сочингга қўниши унинг!
Шамол ҳам гувласин – ишим йўқ, бироқ
О, нега у сени қучар бесўроқ!..)

– Таржимаси ҳам яхши чиққан, бироқ "бесўроқ" кириб қолибди. Зарарсиз. Бу шеър иши ва рашкни куйлайди. Мусулмон ва турк халқлари фақат маҳбубасини эмас, умуман аҳли аёлини қаттиқ рашк қилади; беор шамоллар, қорлар орамизни очмасин, хор айламасин! Рашк бу номусимизни, азизларимизни, азизлигимизни сақлаш, бекитиш-тўсиш, қизғанишдир. Бу эса орият, ҳайсият, ҳамиятдир. Бизнинг адабиётда ҳазрати Навоий ва Эркин Воҳидовлар ҳам севганларини "кўзидан, ўзидан рашк қилиш"ларини маромига етказиб куйлаганлар. Расул Ҳамзатов ҳам бу туйғуга "қор" ёғмаслигини истаб, ўзига хос янгилашни, қисқа бир ҳолда удда этган.

– *Шоир Иосиф Бродскийнинг бир шеъри шундай бошланади:*

Қайтаяпсан ватанга. Нима бўпти, хўш!
Боққин атрофингга – кимга кераксан?

Ким сени ёрлақар бамисоли дўст,
Ким йиғлар ҳажрингни туйиб юракдан?

(Воротишься на родину. Ну что ж.
Глядя вокруг, кому еще ты нужен,
Кому теперь в друзья ты попадаешь?
Воротишься, купи себе на ужин.)

Бу ерда, майли, таржима ёмон эмас. Лекин лирик қаҳрамоннинг ватанга қайтаётгани хушланмаётгандек?

– Тўғри, биз олдимизга шеър ва таржимасини сўзма-сўз чоғиштириб кўришни мақсад қилиб қўймаганмиз. Рости, бу оғир ишни тадқиқотчиларга қолдирамиз. Бу гапни суҳбатимиз аввалиданоқ айтишимиз керак эди. Биз таржималар савиясига умумийроқ назар ташламоқчимиз.

Мирпўлат Мирзо Андрей Вознесенский ва Иосиф Бродскийларнинг мураккаб шеъриятига чуқурроқ киришга ҳаракат қилибгина қолмай, бу ишни уддаламоқда ҳам. Иосиф Бродский шеъриятда нақадар оғир бўлган интим дардни миллат дарди билан туташтирди ёки интим дардни ватан дардига айлантира олди. Юқоридаги тўртликда ҳам бу ҳол сезилади. Очиқроқ айтадиган бўлсак, Бродский дарди ўша даврда миллатларнинг ҳам оғриғи эди. Зиёлилар аллақачон эркин нафас олмай қўйган, етуклари эркни янчиб, фаровонликка эришмоқчи бўлаётган сиёсат машинасининг бешафқат тирноқларидан амаллаб қутулганча ватанни бағрига босиб, мамлакатни, давлатни тарк этиб борар, қолганлари қатағон қуролларининг оғзига рўбарў келар, зиндонларга ташланарди. Иосиф Бродскийнинг ўзи ҳам ҳам бу зулмдан қуруқ қолмаган – 1940 йил туғилганига, ҳали ёш бўлишига қарамай беш йилга шимолга сургун қилинади. Кейин умри сўнгигача Америкада яшайди. “Был черный небосвод” – “Осмон қора эди...” деб бошланувчи бетакрор шеъридаги “Нега нафас олар қора ҳаводан?” (Зачем он черным воздухом дышал?) мисраси ҳам, албатта мустабид муҳитига ишора эди. Шундоқ бўлса-да, Иосиф Бродскийнинг лирик қаҳрамони юқоридаги сиз келтирган шеърий парча давомида бағрикенглик кўрсатади, олижаноб инсонлиги билиниб туради.

Яхшики даъвоинг ўзгадан эмас.
Ўзинг гуноҳкорсан, бундан кўнглинг тўқ,
Яхшики, ғурбатда то сўнгги нафас.
Сени севмоқликка бурчли кимса йўқ.

(Как хорошо, что некого винить
Как хорошо, что ты никем не связан,
Как хорошо, что до смерти любить
Тебя никто на свете не обязан.)

Мирпўлат Мирзо эркинликка интилиши, сўзма-сўз таржимадан қочишига юқорида ҳам ишора этиб ўтдим. Яхшими-ёмонми ҳали тубигача ўйлаб кўрмадим (таржимашунослар тузук билишади), баъзан у шеърдан ёки сатр тагидан чиқадиган хулосанинг ўзиниёқ таржима қилишга журъат этади (Бу ҳам ўрнига қараб бўлса керак). Марина Цветаеванинг “О, скромный мой кров! Нищий дым! – Кулбанг қарши олар сени кеч кириб” дея бошланувчи шеърининг хотимаси:

В упорстве души и костей

Работать во имя детей.
О, знать, что и в пору снегов
Не будет мой холм без цветов…

Отсин ҳар не кўйга, майли шум тақдир
Қўлингга гўдаклар термилар, ахир.
Фақир кунларингда бахт шу-да бутун –
Чиқиб турибди-ку мўрингдан тутун...

Ёки:

“Нур ялтиллар зангор ҳавода” – “Пахнет свежим воздухом навоз”.
(“Март” шеъридан)

– Негадир Борис Пастернак ижоди таржимасига бизда кейинроқ мурожаат этилди? Мураккаб дейишади, балки сабаб шудир?

– Йўқ. Масалан, Иосиф Бродский ва Борис Пастернакнинг шогирди Андрей Вознесенский ижоди хийла мураккаб. Фақат бизлар эмас, бошқа халқлар ҳам нисбатан кейинроқ таржима эта бошлади. Сабабини қисқача айтсак, мамлакатда ҳамма эркин эмас, Пастернак эса кўпроқ эркин эмасди, ҳатто унга мувофиқ кўрилган Нобель мукофотини олишга изн бўлмаган. У шеъриятида гоҳ Россиянинг димиқ қишидаги ғариб, гоҳ эса гўзал манзараларини тасвир этади, лекин бу фақат манзара тасвири учунгина ёзилмай улар воситасида ўткир фикрларини жуда чуқур, ўша манзара рангларига ўраб ифода этган. Шеърларида метафора тиғиз.

Лекин шу билан бирга Пастернакнинг ўз туйғуларини, нафратини баралла айтган очиқ, содда шеърлари ҳам кўп. У ўз шахсий туйғуларини ижтимоий даражага кўтара олишга қодир буюк шоир эди. Шоир қандай яшаса, унинг ҳаёти шеърларига кўчмай қолмайди ва бу ҳолда ҳам халқи ҳаёти билан уйғунлик, умумийлик касб этади. Унинг “Нобель мукофоти” шеърини келтирсак:

Куним битди – йўлин йўқотган
Йиртқич каби ёзғирдим нолон,
Тинмай урҳо солиб ҳар ёқдан
Мени ўраб келар оломон.

Бир томон – кул, бир томон эса
Қарағайлар йиқилган ўрмон.
Нажот йўлим қолмади бунда,
Нима бўлса бўлсин, нетурман!

Не қабиҳлик қилдим, айтингиз,
Не иш қилдим мен разил, тубан?
Ё дунёни йиғлатганимми –
Туққан ерим нафосатидан?

Лекин тобут ёнида ҳатто
Ишонгум мен, шундай кун келар,
Завол топмас эзгулик асло,
Қабиҳ кучлар ундан енгилар.

(Я пропал, как зверь в загоне

Где-то люди, воля, свет,
А за мною шум погони
Мне наружу ходу нет.

Темный лес и берег пруда,
Ели сваленной бревно.
Путь отрезен отовеюду,
Будь что будет, все равно.

Что же сделал я за пакость,
Я, убийца и злодей?
Я вес мир заставил плакать
Над Край земле моей.

Но и тем, почти у гроба,
Верю я, придет пора,
Силу подлости и злобы
Одолеет дух добра.)

Шундай бўлди. Борис Пастернак жаҳонда шон топди. Нобель мукофотига (1958) сазовор бўлди. Унинг ва бошқа Россия шоирлари шеърларини таржима қилгани учун таниқли шоиримиз Мирпўлат Мирзо Пастернак мукофотига сазовор бўлди – "Эзгулик завол топмади".

Одам бошига не кунлар тушмайди, меҳрга зор бўлиши, ночор ҳолларга тушиб қолиши мумкин. Бунга дўстлик ва қардошлик малҳамдир. Белла Аҳмадулина бир шеърида:

Неча бор ҳаёт-ла мен видолашдим
Неча бор ўйладим – ҳаммаси тамом.
Бироқ ҳар гал мени Гуржи диёри
Бошимни силади, бағрига олди.

Тифлис, билмай қолдим, англолмам сира
Қай бағритош ота, қай сангдил она –
Мени қолдиришди остонанг узра
Кераксиз фарзанддек – худди бегона.

Тифлис, менга зинҳор қилмадинг аён,
Мен ҳам сўрамадим – нечун ҳимматлар.
Мени совғаларга кўмдингу тамом,
Яна боз устига айтдинг "раҳмат"лар!

(Я столько раз была мертва
Иль думала, что умираю.
Но Грузия меня всегда
Звала к себе и выручала.
Тифлис, не знаю, невдомёк –
Каким родителем суровым
Я брошена на твой порог
Подкидышем большеголовым?

Тифлис, ты мне не объясняя
И я ни разу не спросила:
За что дарами осыпал
И мне же говорил “спасибо”?)

Кўриб турганингиздек, Мирпўлат Мирзо Белла Аҳмадулина шеърларини ҳам ўз маромида ёки ўз маромига етказиб таржима қилган.

– *Ва ниҳоят сизга устоз мақомида бўлган (мен буни у зот ҳақидаги яхши сўзларингиздан сезаман) Ўлжас Сулаймон ижоди ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчимиз.*

– Устоз Ўлмас Сулаймон ижодининг барча қирралари ҳақдаги сўз, албатта, бир суҳбатга сиғмайди. Қисқа тўхталамиз. Унинг баъзи шеърларини талабалик пайтимизда кўпчилик тенгқурларим, ҳатто баъзи носир дўстларим ҳам таржима қилардик, лекин улоқни Мирпўлат Мирзо суғуриб кетди ва шеъриятимиз ривожига, хилма-хиллигига таъсир этди. Шу билан бирга Мирзо Кенжабек, Сирожиддин Саййид ҳам баъзи шеърларини таржима қилдилар.

– *Сиз ҳам устознинг “Сопол Китоб” номли йирик достони ёки шеърий рўмонини таржима қилганингиздан ва у жуда кўп – ўттиз йиллар муқаддам “Сирли олам” журналида босилиб чиққанидан, ундан кейин “Аз и Я”га қўл урганингиздан хабаримиз бор. Китоб ҳолида нашр этилмади чоғи?*

– Йўқ ва бундан хижолатман. Бу асарлар кўп тилларга таржима бўлган. Мана энди таржима асарларга аввалгидан ҳам кўра кенг йўллар очилмоқда. Умидимиз бор...

– Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Одил Ёқубов, Тимур Пўлатов, Рауф Парфи, Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг чет тилларига таржимасидан хабарингиз борми?

– Мазкур ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарлари қай тилда, қай услубда таржима қилинишидан қатъи назар миллий ва умуминсонийдир. Лекин уларнинг ҳар бири қандай таржима этилганидан хабардор бўлишга имконим йўқ. Вақт ва тил жиҳатидан бу бир киши имкони ва ихтиёридан ташқари иш. Бизда жаҳон миқёсидаги асарлар оз эмас. Албатта, қийин таржима этиладиганлари ҳам бор ва улар ўзига мос ва муносиб таржимонларини кутиб турибди, бу ишлар ҳам йўлга тушмоқда. Мирпўлат Мирзо таржима қилган шоирлар шахсий дардни ижтимоий дардга айлантирадими ёки аксинчами, уларнинг дарди халқ ва унинг дарди, шахс, инсон ва унинг кўнглидир.

– *Мирпўлат Мирзога тилакларингиз.*

– Ғайрат тилайман, куч-қувват унда етарли. Тютчев, Фет, Бунин ва бошқа буюк жаҳон шоирлари таржимасига ҳам қўл урса дейман. (Ушбу суҳбат Мирпўлат Мирзо вафотидан олдин ўтказилган эди. Аллоҳ истеъдодли шоир ва таржимонимизни раҳмат айласин. – А.Т.)

– *Бунинни сиз ҳам таржима қилаётган эдингиз, ё кейин насрий таржималарга берилиб кетганингиз халал бердими?*

– Йўқ. Мирпўлат Мирзо маҳорати халал берди... Бошқатдан кўраман, бошқатдан бошлайман. Буниндан қилган таржималарим қоғозларим орасида бўлса керак, тополмадим, камбағал бўлсанг кўчиб кўр дейдилар-ку – баъзан ўзимизни бойроқ ҳис этиш учун кўчиб турамиз. Лекин бу кўчишга кўрадир. Зотан, таржима ҳам... том маъноси билан – кўчишдир.



Меҳринисо ҚУРБОНОВА

Бир кўрсайдим сенгинани

Ҳикоя

– Оҳ, болам-а, шу йиллар ичида газета-ю журналларда ишлаб қанчадан-қанча ҳикоялар ёздинг, юзлаб одамлар билан суҳбатлар қилдинг, аммо амманг ҳақида ҳеч нарса ёзмагансан, эсламадинг ҳам – деб қолдилар энам кунларнинг бирида.

– Қайси аммамни айтаяпсиз, энажон?

– Қумри аммангни айтаман-да, айланай.

– Қумри аммамними? Ёзишга арзийдиган бирон воқеаларни бошидан кечирган бўлса... айтинг? Нега аммажонимни эсламайин? Бир ширинтилли аммам бор эди. Шаҳрисабздан ҳар хил ҳолвалар, патирлар кўтариб келарди. Келганида уйимизда нақ байрам бўларди. Ўчоқда ош қилардингиз, чучваралар қовурардингиз. Қўни-қўшнилар келишарди. Раҳматли бўлиб кетганми?

– Вой, болам-а, аммангнинг вафоти ҳақида бир неча марта айтганман сенга, у қулоғингдан кириб, бунисидан чиқиб кетибди-да! Аммангнинг ўтиб кетганига олти йил бўлди. Болалари ўла-ўлгунича ҳурмат-иззатини жойига қўйишди, барака топишсин!

– Асранди болалари-я?

– Ундай дема. Болаларни ҳеч қаердан асраб олишмаган. Кундоши туғиб берган. Лекин ўзи катта қилди. Қумри аммам поччамиз билан кўп йиллар яшашди, фарзанд кўришмади, ажрашишга кўзи қиймасдан эрини ўзи уйлантириб қўйди. Кундоши бирин-кетин туғиб бераверди, у катта қилаверди.

– Кундошини эридан рашк қилмадими?

– Энди... ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади, болам. Илгари аёллар кундоши билан бир ҳовлида яшайверишган. Борадиган жойлари бўлмаган. Бугун аёллар ўзига хон, ўзига бек, чин-да... Ёлғон бўлса айт?

– Шўрлик аммам... почча ёш аёлини бағрига босиб ётаверди, аммам болаларни ўзи олиб ётди, кечалари турди, уларни тўсди, иштонини тозалади, кирларини ювди, кечалари алла айтиб ухлатди. Эслашнинг ўзи даҳшат!

***Меҳринисо ҚУРБОНОВА** – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг "Яшаш осон эмас", "Муҳаббат мавсуми" номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.*

– Амманг ғайратли, сабрли, бақувват, эркакшода аёл бўлса ҳам кўнгли жуда кенг эди. Кундоши қурмағур нозиккина, чиройли эди. Поччамиз иккинчи хотинининг олдидан чиқмай қўйгани рост. Лекин амманг ҳаммасини ичига ютди, болалар жону-дили эди, улар билан ўзини овутди. Кундоши ҳам болаларини ундан қизғанмади, эринмай туғиб бераверди. Икки кундош кўпроқ она-болага ўхшашарди. Амманг бор умрини уларга бағишлади. Лекин кўз тегдими, нима бўлди билмайман, кундоши тузалмас дардга чалинди ва ёшгина ўлиб кетди. Поччанг бор-будини уни сақлаб қолиш учун сарфлади. Аммо... пешонасига сиғмади. Саратонга йўлиққан экан. Олтита бола, олтита бола-я... Аммангнинг икки томонида, икки бешикда эгизаклар қолиб кетаверди. Амманг коса кўтариб, сут излаб чор-атрофга югурди. Олти ойлик эгизаклар Поти- Зуҳраларга сигирнинг сути зўрлик қилди. Бирин-кетин оламдан ўтишди, аммангнинг эси оғиб қолаёзди, уларни ўзи катта қилган, қаттиқ меҳр қўйган эди-да.

Хотинига ва эгизакларига қаттиқ куйган поччамиз ҳам кўп яшамади. Ўтинхонага ўтин майдалагани кирганда юраги хуруж қилиб бир йиқилишда ўлди-қолди. Яхши одам эди, борганимизда ҳеч қачон қовоқ уймасди. “Ие, жиянжонлар келишибди-да”, деб хурсанд бўлганича бозорга бориб қийиғини ҳар хил егуликларга тўлдириб келарди. Тўрт болани оёққа турғазгунича аммангнинг бўлари-бўлган. Ҳаммасини катта қилди, мактабларга етаклаб борди, ёмонлардан ҳимоя қилди, ўқитди, уйли-жойли қилди. Фақат бир қизининг бахти яхши бўлмади. Нобакор эри сен етимчасан, онанг ўгай, деб сочидан тортиб урар экан. Амманг шу қизининг бахти учун қаттиқ куйди. “Қизимнинг ҳимоячиси йўқ эканми?” деб бир неча марта куйинган, бироқ шайтонга ҳай берган. Борганида урарди ҳам, полвон келбатли аёл эди.

– Энди эсладим. Аммам оғирлашиб қолганида сизни чақиртирган эди.

– Ўғиллари қўнғироқ қилиб, онаси оғирлашиб қолганини, мени сўраётганини айтишганида, дарҳол йўлга отландим. Кечаси билан ухламадик. Сира ухламайди, мизғийди, уйғониб, “Ойдинжон, айланай, шу ердамисан?” деб сўрайди ва кўп саволлар беради. Сени ҳам кўп сўраган, “Бир кўрсайдим шугинани, кап-катта аёл бўлиб қолгандир, радиоларда овозини эшитиб тураман, телевизорда кўриб тураман. Қани эди бир кўргани келса, энди кўрмасам керак, умрим охирлашиб қолди”, дерди. “Ундай деманг аммажон, ҳали кўп яшайсиз”, десам, “Азроил эшик тақиллатиб турибди-ку, энди чин уйимга кетаман”, деган...

– Аммамнинг мени кўргиси келганини айтмаган экансиз-да, эна? Бирам йиғлагиларим келаяптики... Меҳр-оқибатсиз жиян бўлганимга ўкинаяпман, қаранг-а, мени шунчалик эслабдики, мен бўлсам... Одам бўлмай мен ўлай!

– Сенда ҳам айб йўқ, болам. Ҳамиша шошилиб келасан, ёнғинни ёлғиз ўзинг бориб ўчирадигандек бола-чақангнинг олдига чопасан. Биз одамлар мангу турадиган, ҳаммасига улгурамиз, деб ўйлаймиз. Аслида эса ҳадемайгина ўзимиз ҳам ўтиб кетамиз. Мана, вақтинг бўлса, Ҳидоят холангни кўриб кет. Кўзлари кўрмай қолган, Меҳрижон билан бир гаплашсам, овозгинасини бир эшитсам эди, дейди нуқул...

– Вой, энажоним-ей, янаги келганимда бораман. Бу гал ишларим жуда тиғиз. Эрталаб тонг азонда йўлга чиқаман!

– Ана, айтмадимми, шу билан бир йилдан кейин келасан. Унгача холанг борми-йўқми?

– Ундай деманг, энажон, умрлари узоқ бўлсин! Қумри аммам ҳақида нима деб ҳикоя ёзсам экан?

– Борини ёз! – деди энам. – Амманг касал бўлиб ётган кунлари ҳожатга чиққиси келганида ўғли ҳар гал оғринмасдан онасини боладек қўлларида кўтариб, тоғорага тўсарди. Битта чақалоқни катта қилгунча қанча кўкайларимиз кесилган-ку. Мана, ўзинг ҳам уч болани катта қилаяпсан, уларни деб авоб-кавоб бўлаяпсан. Амманг тўрт болани худди ўзи туққандек қаради, қанча азобларни кўрди, одамлардан ҳар хил гаплар эшитди, уларни ёмонлардан ҳимоя қилди. Амманг мени чақирганидан кейин уч кун тепасида дуоларни ўқиб ўтирдим. Бироз аҳволи яхшилангандек эди, уйга кетдим. Эртаси куни ўғли "Амма, онам оламдан ўтди, тез етиб келинг!" деб сим қоқди. Борсам, қизи Феруза йиғлаб ўтирибди.

– Онажоним кечадан бери сизни тилдан қўймадилар. Тонг азонда жон бердилар. Тонг ёришар чоғи кўзим кетган экан, остонада қоп-қора кийинган бир шарпа кўринди. Сесканиб кетдим ва дағ-дағ титрадим. Онам менга, "Қўрқма, болам, мени олиб кетгани келишди, негадир ўлимдан қўрқмаяпман, анча енгилман", деди ва бир "пуф" деди-ю, кўзларини ҳолсизгина юмиб жон берди. Онамдан айрилиб қолдим, аммажон, энди кимга суянамиз деди. Тўрт бола онасининг маъракаларини ўтказишаётганида ҳамма ҳавас қилди, бир-бирларига бўлган меҳрини кўриб, гапирмаган одамнинг ўзи қолмади. Болалари аммангни сўнгги йўлга ҳурмат-иззат билан кузатишди.

Туни билан ухламадим. Аммамни ўлимидан олдин бориб кўрмаганимга, оқибатсиз одамлар қаторига қўшилиб қолганим учун ўзимни кечира олмасдим. Эртага икки соат вақт топиб кўзлари кўрмай қолган холамни бориб кўриб келаман, яна армон бўлиб қолмасин...

Эртаси куни чумчуқ чирқилламасдан туриб менга қўнғироқ қилишади.

– Тез уйга етиб келмасангиз бўлмайди! Набирангизнинг мазаси қочди!

Дастак ортидан катта ўғлимнинг ташвишли овози эшитилади. Кўз ўнгимда эса бу ёруғ оламни кўрмай қолган, кўзлари йўлга термилган холам, мени бир мартагина кўргиси келган Ҳидоят холам...

Уч кундан сўнг онамдан хабар олай деб сим қоқсам, синглим хабар қилади:

– Ҳидоят холамиз оламдан ўтибдилар. Энам таъзияга кетдилар!

Жўнатилмаган мактуб

Ҳикоя



Лобархон РУСТАМОВА

Янгигина сув сепилиб, супурилган ҳовли четидаги ўрик остида ўтирган қиз хат ёзмоққа иккиланарди. Ёзмай деса, Моҳиржон уйидан – онасидан хат кутади. Маҳпират холанинг вафотигаям бир ойдан ошиб қолди... Ёзай деса, нима деб ёзсин?!

“Ассалому алайкум, Моҳиржон ака! Яхшимисиз?.. Ушбу хатим онажонингиз ҳар оқшом менга айтиб ёздирадиган, ҳар бир сатрига туганмас соғинч, фақат оналаргагина хос беқиёс меҳр қўшиб битилган хат эмас. Бу хатим...

Моҳиржон ака, аслида ёзмоқчи ҳам эмасдим. Лекин юрагимни сиқиб келаётган, сўз билан ифодалаб бўлмас ғалат бир туйғу, алам тинчлик бермади. Куни кеча сизга меҳрибонингиз номидан хат жўнатдим. Кошки бу осон бўлса, у кишининг гапларига ўхшатиб ёзаяпману, дувуллаб кўзимдан ёш тўкилади...

Ўша куни оқшом, Чеҳра қизим, кечқурун борарсан-а, деб тайинлаб чиқиб кетдилар. Ўринларимизни ташқарига солдик. Юлдуз тўла осмонга тикилиб ётибмиз. Аввалари бунақа бўлмасди: юлдузлар орасида сизни кўргандай бўлдим. Сизнинг кўзларингиз чарақлаб, жилмайиб менга қараётгандай туюлаверди... Бирдан бошимни кўрпага буркаб олдим. Кейин ухлаб қолибман. Бир маҳал:

“– Чеҳра, биз иссиққина кўрпада ётибмизу, Моҳиржоним ҳозир ухламай, чегарада юргандир. Иложи бўлса эди, уни ухлашига қўйиб бериб, ўрнига ўзим турардим. Ахир менга бало урармиди?” деб қолдилар ойингиз.

– Сизни барибир қўйишмайди. Кейин, Моҳиржон акам чегарада турмайдилар, у киши сержант, янги келган аскарларни машқ қилдирадилар, – дедим мен.

Шу тун мижжа қоқмадилар. Тонг отиши билан менга айтиб, хат ёздирдилар. Эрталаб мактабга отланаётганимда ранглари тиниққина эди. Қайтсам, эшик олдида одамлар... Юрагим “шув!” этди. Нохуш фикр ўтди хаёлимдан. Ойимнинг кўзлари қизарган... Шошиб чиқдилар-да, сени чақиряптилар, бўлақол, дедилар. Борганимда Маҳпират холам даҳлизда, ранглари оқарган ҳолда кўзларини юмиб ётарди. Келганимни сезиб: “Чеҳра, қизим, – дея пичирладилар зўрға. – Ҳаммага тайинладим. Илтимос сендан, менинг номимдан ўғилгинамга хат ёзиб тургин, хўпми? Тўрт ойгина қолди, биратўла битириб келгани маъқул. Хаёли бўлиниб, бир корҳол бўлмасин, дейман. Жон қизим... Аввалгидай ёзавер... Кел, қўлингни бер...”

Ҳаммаси тушга ўхшайди. Додлаб юбордим... Ҳали ҳам ишонолмайман: ҳаммаҳаммаси ёлғондай гўё. Ҳаммаси... Холамнинг қирқлари ўтаётган куни кўзёшларимни

***Лобархон РУСТАМОВА** – 1971 йилда туғилган. Наманган давлат педагогика институтини тамомлаган. Ўнга яқин қисса ва ҳикоялар тўплами муаллифи.*

тўкиб, онангиз номларидан яна хат битдим. Гарчанд сизни алдаётган бўлсам ҳам, ҳар қалай онажонингиз руҳлари шод бўлади-ку?..

Келишингиз фурсати яқинлашаётган сайин юрагим баттар эзилмоқда. Онажонингиз бағрига отилмоқ истагида, соғинч билан шошиб, кўчалардан юриб келасизу, қулф солинган эшикни кўрасиз... Кўзларингизга ишонгингиз келмайди! Ахир келишингиздан бир кунгина аввал ҳам хат олгансиз! Қалбингиздан фарёд отилиб чиқади. “Онажон, меҳрибоним, қаердасиз?!” Кейин сизни жимжит қабристонга бошлашади...

Аммо биламан, одам бир умр ғам билан яшолмайди. Энди сиз Малика ҳақида ўйлай бошлайсиз. Бир лаҳзагина бўлса-да уни кўриш, мусибатингизни бўлишмоқни истайсиз. Бироқ...

Балки Малика ўз сўзида қаттиқ туриши, онасини кўндириши керакмиди?.. Ҳар ҳолда онангиздан ажралиб, ёлғиз қолганингиз уни аҳдида маҳкамроқ туришига ундаши лозиммиди, сизнинг ғамингизни бирга тортганда, шу оғир дамда елкадош бўлганда яхшимиди, деб ўйлайман. Афсуски... тўй бўлиб ўтганига икки ойча бўлди. У йигит синфдошингиз – Акрам.

Айни пайт бу мактубни ёзяпману, тезроқ хизматдан қайтишингизни истаяпман. Аммо ёлғон мактубларим учун мени ёмон кўриб қоларсиз, эҳтимол, деган хавотирим бор. Майли... нима бўлса ҳам, ихтиёр сизда... Лекин сиз ўзингизни ҳеч қачон ёлғизман, деб ўйламаслигингизни истардим...

Салом ва интизорлик билан Гулчеҳра”.

Гулчеҳра хатни титрабгина юзига босди. Сўнг тезроқ яширмаса худди биров кўриб қоладигандек, уни уч-тўрт буклади. Шошиб камзулининг чўнтагига соларкан, одатдагидай бошқа мактуб ёза бошлади:

“Азиз ўғилгинам. Кўзимнинг оқу қораси, қариганимда суянчим Моҳиржоним. Мен соғ-саломат юрибман. Ҳеч ерим оғримаяпти. Бу йил бошим айланмай қўйди. Жуда яхшиман. Келин ҳам топиб қўйдим. Келишинг билан тўй қиламиз, деган ниятим бор...

Хатни ўзинг билган қўшнимиз Саодат холанинг қизи Чеҳрага ёздираяпман...”

Орадан ярим ойча вақт ўтгач, Моҳиржондан хат келди:

“Ойижон, ёмон бир туш кўриб, кўнглим безовта эди. Хатингиздан соғ-саломатлигингизни билиб, бошим осмонга етди. Сизнинг борлигингиз, соғлигингиз мен учун қандай катта бахт эканини билсангиз эди...”

...Моҳиржон очиқ дарвозадан ҳовлига бўйлади. Саодат хола уни қучоқ очиб кутиб олди. Моҳиржонни бағридан қўйиб юбормай, негадир ҳўнграб йиғлаб юборди. Ҳовлига бир зумда қўни-қўшни йиғилди. Бири йиғлади, бири далда берди...

Кечки пайт Моҳиржон қўшниси Толиб ака билан қабристондан қайтар экан:

– Унда хатни ким ёзди? – деб сўради, бўғилган, ажабланган овозда.

– Бизни кечир, – деди Толиб ака. – Онангнинг тилаги шу эди. Ўғлимнинг кўнгли бўлинади. Эсон-омон қайтсин десанглар зинҳор билдирманглар, деб бизга тайинлади... Хатни Чеҳрамиз ёзиб турди...

Қоронғи чўкди. Толиб ака идиш-товоқларни йиғиштириб бўлган қизига қаради:

– Сен энди уйга чиқақол. Мен бугун Моҳиржон билан қола қоламан.

– Шошма, ҳозир кузатиб қўяман, – ўрнидан турди Моҳиржон.

Улар биргалашиб дарвозага қараб юришди.

– Ака, мендан хафа эмасмисиз?.. – ботинмайгина сўради Гулчеҳра.

– Сендан хафа бўлиш гуноҳ. Сен онамнинг сўнгги нафасларида ҳам ёнларида бўлгансан....

Гулчеҳра “ялт!” этиб унга қаради. Сўнг Моҳиржоннинг ҳаяжон тўла нигоҳидан уялиб, шитоб билан ўз ҳовлиси томонга отилди. Бироқ у шу биргина қараш билан хатларнинг юз биринчисини – ўша жўнатилмаган мактубини ташлаб кетганди...

“Шеър келяпти пўшт-пўшт”

ёхуд Фарида Афрўз шеърияти ҳақида



Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА

“Афрўз” адабий тахаллуси билан ижод қилиб келаётган истеъдодли ва жонсарак аёл шоираларимиздан бири Фарида Афрўздир. Шоира устози Рауф Парфи маслаҳати билан “Афрўз” адабий тахаллуси билан шеърлар, тасбеҳлар, тарихий достон ёзди. Аслида “Афрўз” сўзининг маъноси “ёритувчи, куйдирувчи, нур берувчи, порланувчи”дир. Сўзнинг маъносидан келиб чиқиб, фикр билдирадиган бўлсак, Фарида Афрўз шеърияти қалбларга нур берувчи, қалбларни эзгулик нури билан порлатувчи, маънавият йўлларимизни ёритувчи чироқдир.

Академик Бахтиёр Назаров шоира шеъриятининг муҳим бадиий хусусиятлари ҳақида тўхталиб шундай ёзади: “Фариданинг ўз табиатига хос муштарак жиҳатлари нималардан иборат деб сўрасангиз, мен тўрт хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатган бўлар эдим. Булар: кечиримлилик, андиша, ёлғизлик ва туғён...

...Кечиримлилик эса унинг шеърларида, қарашларида, беқиёс ҳикматпарварлик, шарқона оқилалик, ҳаёт ўчоғидаги оловни сўндирмаслик ва ўчирмаслик маъноларини англатади ва исломий улуғ фалсафа томирларидаги нуқталар билан туташиб кетади. Шунинг учун ҳам кечиримлилик Фарида Афрўз шеърларидаги лирик қаҳрамон аёл табиати гўзаллигининг энг сўнмас ва нурли қирраларидан бири сифатида зуҳур топади”[1]. Дарҳақиқат, Фарида Афрўз шеъриятида аёл образи, аёл руҳияти, лирик қаҳрамони фитратида шарқона кечиримлилик каби гўзал фазилатлар, шоиранинг хушахлоқ руҳи уфуриб туради.

---

[1] Дил Афрўз шоира Фарида Афрўз ижоди ҳақида суҳбат. Академик Бахтиёр Назаров билан суҳбат. / Томчисини қизғанмайди уммони борлар. Фарида Афрўз шеъриятига талқинлар... тақризлар... суҳбатлар... – Тошкент: Право пресс, 2019. – Б. 12.

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА *– филология фанлари доктори. 1976 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. "Бадиий сўз ва руҳият манзаралари", "Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида" номли илмий монографиялар муаллифи.*

Адабиётшунос Нурбой Жабборов шоира шеъриятига хос “миллий руҳ”, “миллийлик”ни алоҳида таъкидлаб кўрсатади: “Фарида Афрўз шеърияти ана шундай тимсол ва ташбеҳларни миллий образлиликка йўргаклаган адабиётдир!”[2] Ҳақиқатан ҳам Фарида Афрўз шеърларига юзлансак, унинг ижодида халқона оҳанг, исломий ўгит, шарқ адабиётининг минг йиллик бадиий фалсафаси ажиб тарзда қоришиб кетганини кузатиш мумкин. Жумладан:

Ҳе-е-й,
Жонини жабборга бераётган зот,
Қумлоққа иморат қураётган зот,
Музга гул уруғин сепаётган, зот,
Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

Ҳе-е-й,
Шамолга сирини айтганлар, айтинг,
Ёмғирга ҳовучин тутганлар, айтинг,
Қиморга дунёни ютганлар, айтинг,
Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

Мазкур шеър жами олти банддан иборат. Ҳар бир банд “Ҳе-е-й” деган мурожаат билан бошланади. Шоира шеърда жонини жабборга бериб, қумлоққа иморат қураётган, музликларга гул уруғин сепаётган, шамолларга сирини сўйлаётган, ёмғир сувига ҳовучини тутаётган, қиморга ютқазаётган ва ҳоказо. Инсонга қарата монолог ўқийди. Шоира шеърнинг охирги бандини аслида бу дунёда ҳамма нарса омонатлиги, Ҳазрати Инсон бўлиб туғилганинг энг катта бахт эканини шарқона ва исломий фалсафа билан якунлайди. Фарида Афрўзнинг Инсониятга қарата айтган мазкур монолог шеърида қадим шарқ адабиётининг бедилона фалсафаси ёхуд халқ оғзаки ижоди адабиётидаги ёмби минг қаватли ҳикматли бадиий тафаккури бўй кўрсатади. Фарида Афрўз шеърлари шаклий жиҳатдан ҳам ранг-баранг. Зинали шеър, эркин шеър, учликлар, ғазаллар, тўртлик шеърлар, бир мисрали тасбеҳлар, фикралар учрайди.

Шоиранинг баъзи бир шеърларида яссавиёна руҳни ҳам илғаш мумкин. Жумладан, “Кечирмоқни билсанг, агар”, “Аё, дўстлар” шеърларида бу оҳанг ёрқин сезилади.

Аё, дўстлар,
Чала қолди оҳ, суҳбати жононимиз,
Аммо дилда ўша аҳду паймонимиз,
Эски йилда қолди гина, гумонимиз,
Янги йилда, янгилардан гаплашайлик![3] –

[2] Жабборов Н. Шеъриятимизнинг хайрли тамойиллари / Томчисини қизғанмайди уммони борлар. Фарида Афрўз шеъриятига талқинлар... тақризлар... суҳбатлар... – Тошкент: Право пресс, 2019. – Б. 47.

[3] Фарида Афрўз. Аё дўстлар / Кузган аразладим. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2017. – Б. 26.

деб ёзса, кейинги шеърида шундай ёзади:

Кечирмоқни билсанг, агар,
Сен ғамлардан қутулгайсан,
Умринг хазон этган ўшал
Ситамлардан қутулгайсан[4].

Фарида Афрўз шеъриятида мумтоз адабиёт анъаналари, жумладан, ғазал, рубоий, қитъа, маснавий, мусаллас жанри унсурлари ҳам кузатилади. Қуйидаги шеърга эътибор қаратсак:

Шаҳаншоҳим, давлатли Султоним,
Амирим, Хоним, Хоқоним,
Фуқорангман,
Ҳимоят эт... Ҳимоят эт...
Адолатингга арзимасманму?!.

Эрам боғи ўзимдирман,
Ҳавзи Кавсар ўзимдирман,
Чашмаи Айюб ўзимдирман,
Кел, эй, сипқор,
Ҳаловат эт... Ҳаловат эт...
Фароғатингга арзимасманму?!.

Бу шеърни ўқирканмиз, Фарида Афрўз шеъриятида мумтоз адабиёт анъаналари ва оҳанглари модернча услубда бадиий талқин этилганини ҳис этамиз. Шеър Шоиранинг Оллоҳга мурожаати, қалбини Ишққа тўлдиришини Оллоҳдан ўтиниб сўраш каби илтижо билан якунланади. Демак, шаклан янги, мазмунан эски ИШҚ мотивини Фарида Афрўз бугунги XXI аср одамига ана шу тарзда тақдим этади. Умуман олганда, шоира шеъриятида Ишқ, муҳаббат, тун, Илҳом, сўз илинжи, имон, эътиқод бутунлиги, тавба-тазарру, ёлғизлик, соғинч, ота-онани йўқотиш қайғуси, умр каби кўплаб мотивлар етакчилик қилади. Жумладан, қуйидаги шеърга қулоқ соламиз:

Бир ишқ бўлса,
Кўксингни тилсанг,
Юрагинг кафтингда тутолсанг унга.
Олиб кетаолсанг жон чиқар қадар,
Ойга ўйиб берсанг исмини тунга.
Бир ишқ бўлса,
Кўксингни тилсанг...[5]

[4] Фарида Афрўз. Куздан аразладим. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2017. – Б. 33.

[5] Фарида Афрўз. Бир ишқ бўлса / Куздан аразладим. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2017. – Б. 40.

Шеърнинг шаклий томонига эътибор қаратадиган бўлсак, Фарида Афрўз янги ўзбек шеъриятида нақадар катта бадиий-услубий янгиланишлар қила олганини англаш мумкин.

Фарида Афрўзнинг “Ёлғиз аёл”, “Йўқликнинг гули”, “Товонимдан сирғалиб”, “Баҳорги қор”, “Бу кунлар ҳам ғанимат”, “Шошма умр”, “Чорласайдинг, келмасмидим, ёр”, “Кўнгил доғи ўчиб кетади”, “Жуда ярашяпти сизга ошиқлик”, “Мен шунчалар бахтлиман” каби шеърлари эркин, сарбаст шаклда ёзилган. Мисралар жойлашиши, бандлар кетма-кетлиги биз кўниккан оддий, тартибли шаклда эмас. Фарида Афрўзнинг бу типдаги шеърларида мисралар ва бандлар жойлашуви қатъий қоидаларга бўйсунмайди. Назаримизда, шеърга, бандларга, мисралар жойлашувига ижодкорнинг бу тахлит ёндашувини анъаналарни синдириш ҳисобига янгилик қила олганлигининг ёрқин исботи деб баҳолаш керак. Шоиранинг “Эртак” гирясида эса халқ оғзаки ижоди жанри саналмиш эртак стилизацияси нақадар муваффақиятли синтез қилинганини қайд этмоқ лозим:

Бир бормиди, йўқмиди,
Отам менинг бормиди?
Бир бормиди, йўқмиди,
Онам менинг бормиди?!.

Бўри баковулмиди,
Тулки ясавулмиди,
Кўрганларим наҳот, туш,
Балки тасаввурмиди?

Қирғовул қизил, экан,
Қуйруғи узуун экан.
Мен бир эртак бошладим,
Демангиз, маҳзун экан[6].

Маҳоратли ижодкор Фарида Афрўз “Эртак” гиряда халқ эртакларининг занчинини шеърга солади. Аммо шоира эртак бошланмаларида доимий равишда қўлланиладиган бошланма (занчин)ни яъни, “Бир бор экан, бир йўқ экан”ни “Бир бормиди, йўқмиди” деб ўзгартириш қилади. Гиря одатда, яқин одамларинг вафот этганида куйланадиган йиғи-йўқлов маросимида айтиладиган қўшиқ бўлиб, халқ оғзаки жанридир. Демак, Фарида Афрўз гиря жанрига эртак мотивларини стилизация қилиш орқали, икки жанрни чатиштириб, янгилик яратган.

Шоира лирикасида “Ватан” образи, “Ватан” тушунчаси “Ватан” мавзуси Фарида Афрўз оҳангига хос ўзгача бир ракурсда бадиий талқин этилади:

[6] Фарида Афрўз. Эртак (Гиря) / Кўздан аразладим. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2017. – Б. 66.

Даланинг қоқ ўртасида,
Саратон мавжида,
Тут соясида,
Гўдагини бағрига босган жувон –

Менинг Ватаним!
Пахтасининг гулларин ўпиб,
Эгатларга жон терин тўкиб,
Кўсагининг кулганин кўриб,
Кўзларига ёш олган деҳқон –
менинг Ватаним!
Ёз чилласи дошқозонида,
Қовурдоқдек қовуриб,
Гармселда совуриб,
Шимолга шафтоли тутган боғбон –
менинг Ватаним!

Шоира “Ватан” деганда, бу тушунчани бадиий ифодалаш учун қандайдир, ҳавойи, кўпиртирилган ташбеҳлар, сифатлашлар, муболағали гапларни изламайди. Шоира оддий ва содда тилда ўқувчига “Ватан” деганда, даланинг ўртасида, саратон маҳалида, тут соясида боласини бағрига босиб ўтирган қиёфада, пахтасининг гулларини ўпиб, эгатларига сув эмас, терини тўкиб, кўсагининг очилганини кўриб, кўзларига қувонч ёшларини олган деҳқон қиёфасида ва ҳоказолар таърифлар фонида “ВАТАН”ни поэтик образини чизиб беради. Ватан ҳақида кимлар ёзмади, боғларини, тоғларини, далаларини, нуроний чолларини, момоларини, аёлларини ёзмади, дейсиз. Аммо Фарида Афрўз ана шу юзйиллик замонавий ўзбек шоирлари қаторида туриб, ўзининг сўзини, ўзининг бадиий дунёсини намойиш эта олган шоирадир.

Шоира “Илҳом” деб аталган оний лаҳза ҳақида ҳам ажабтовур шеър ёзган. Аслида Фарида Афрўз Санобар Меҳмонованинг “Шеър келяпти, ПЎШТ-ПЎШТ!”идан таъсирланиб, шу тариқа Илҳом руҳий ҳолатини поэтиклаштириб беради. Шу кунгача ўзбек шеъриятида ҳеч бир шоир илҳом келишини, арава судраб, “Пўшт-Пўшт” деб кетаётган аравакаш қиёфасида тасаввур қилмаган эди. Бунақа хаёлга келмаган ҳолатни фақат ягона шоир Фарида Афрўз ёзди, ёза олди:

Ичимдан...
ичимдан...
ичимдан бир товуш келмоқда...
бир товуш келмоқда, гулдурак мисол.
Сел олиш хавфи бор,
Тоғу тошларни...
Йиғлагим келяпти...
Ҳа, демак,
Ҳа, демак,
Шеър келяпти, ПЎШТ-ПЎШТ!
Йўлдан қочинг, ПЎШТ-ПЎШТ![7]

[7] Фарида Афрўз. Ичимдан... / Ўша кун – бугундир. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 12.

Ижодкор “Илҳом” келиши ҳолатини сел келиши, вулқон отилиши, ёнғин чиқиши, тошқин бўлиши каби табиий офатларга менгзайди. Чунки, “Илҳом” ҳам худди табиий офатлар сингари “Илоҳий”дан келади. Худди шунингдек, муаллифнинг “Ҳолат” шеъри ҳам Илҳом образини поэтиклаштирган.

Шоира шеъриятида фольклоризмлар ниҳоятда мўл-кўл қўлланилади. Масалан, “Мақолнамо шеър”да “Етти ўлчаб бир кес”, “Эл оғзига элак тутиб бўлмас”, “Қош қўяман еб, кўз чиқарар” мақолларини олти мисрали шеърида қўллаб, оддий фольклоризм унсурларини шеърга маҳорат билан сингдириб юборганига гувоҳ бўламиз. Ҳатто шоира ижодида ўзбек халқ мақолларига татаббуълар ҳам учрайди. Умуман олганда, шоира ижодида назира боғлаш, татаббуъ ёзиш ижодий анъанаси алоҳида йўналиш сифатида шаклланган. Унинг “Ул кеча” радифли назира шеъри шоир Тўра Сулаймон ижодий турткиси билан ёзилган. Бу ҳақда Фарида Афрўз шеър дебочасида маълумот берган. Қуйида шу шеърдан бир парча ўқиймиз:

Ногаҳон қўлдин тушиб, оқди дуторим солланиб,
Оғ уриб, ухлолмади, куйлади сой ул кеча.
Бек эмас, ҳаттоки Тўрам, кетди саҳаролар кечиб,
Учратиб йўлида Қайс демади “Ҳой” ул кеча.
Икки мажнун, икки телба, икки оҳу ишқида,
Қилгали ўзни шаҳид топмади ёй ул кеча[8].

Мазкур шеър ижодкорларнинг ўзаро дўстона ижодий алоқалари ва шеърий баҳс лаҳзалари ҳақида озми-кўпми тасаввур беради. Фарида Афрўз шеъриятида Фариддидин Аттор, Жалолиддин Румий, Бедил, Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Увайсий, Нодира каби мумтоз шоирлар, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Тўра Сулаймон, Турсуной Содиқова каби замонавий шоирларимизнинг ижобий маънодаги таъсири ва анъаналари сезилади.

Шоира ижодида “7 тасбеҳ ёхуд 1001 кеча” китоби навбатдаги янги бурилиш палласи бўлди. Китобга сўзбоши ёзган Хуршид Дўстмуҳаммад шундай дейди: “Фарида Афрўздек дилбар шоирадан мухлислар ҳамиша – ҳар доим янги ташбеҳ, янги тимсолларга бой янги шеър кутадилар. Ҳар бир янги шеър эса янги ҳолат – янги кайфият демакдир. Қўлимиздаги “7 тасбеҳ” эса янаям янги – бор-йўғи уч мисрадан ташкил топган шеърлар... Тўхтанг, сиз ва биз кутган анъанавий шеър эмас, насрдаги назм деймизми, шоирона ҳикматлар десакмикан? Кайфият ато этувчи руҳий ҳолатлармикан, ёки?.. Яхшиси ва маъқули, жанрни аниқлаш ихтиёрини китобхонларга берайлик”[9]. Бизнингча, ҳам Фарида Афрўзнинг “Тасбеҳ” деб аталган ижодий изланишларини насрдаги назмлар деб аташ керак. “Назмий сочмалар” деса ҳам бўлади. Қуйидаги бир мисол келтирсак:

[8] Фарида Афрўз. Ул кеча / Ўша кун – бугундир. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 98.

[9] Фарида Афрўз. 7 тасбеҳ ёхуд 1001 кеча. – Тошкент: Право-пресс, 2020. – Б. 3.

Кечамиз – армон,
Эртамиз – гумон,
Бугунимиз – қурбон[10].

Бир сўз билан айтсак, Фарида Афрўз тасбеҳларида шарқона ҳикмат, донолик, ҳаётий тажрибалар ва кузатувларнинг фалсафий-рамзий мушоҳадалари зуҳурланган. Шу ўринда шоиранинг “Фиқра” жанри борасида қилган ижодий янгиланишларини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Мисол:

Руҳ – Оллоҳники, тан эса тупроқники.
Шундай экан, улардан қай бирини унутсанг,
Эгалари олиб кетиб қоладилар[11].

Фарида Афрўзнинг тасбеҳ ва фиқраларида метафорали, образли фалсафий мушоҳадакорлик, афористик бадиий талқин етакчилигини кузатиш мумкин. Бир пайтлари Умарали Норматов домла шоир Омон Матжонни “жаҳонгашта шоир” деб таърифлаган эди. Фарида Афрўз Омон Матжонни жаҳонгашталикда ортда қолдириб кетди. Чунки, ижодкор дунёнинг ўттиз еттита мамлакатларида, шаҳарларида халқаро анжуманлар, тақдимотлар ва ижодий учрашувларда фаол иштирок қилган. Шунинг учун шоира шеъриятида унинг қадами етган, нигоҳи тушган мамлакатлар, миллатлар ҳаёти ҳақида ёзилган “О, Европа”, “Энкайиб бормоқда, оҳ қаддинг”, “Ҳайрат”, “Колизей”, “Тинчгина ухлайди Тинч океани”, “Ердан гар узилса қадаминг”, “Саёҳат илҳомлари” каби ўнлаб шеърлари яратилган.

Фарида Афрўз ижодининг катта тадқиқотчиларидан бири Нўъмонжон Раҳимжонов шоира ижодини “янги тўлқин” деб баҳолаб, шундай ёзади: ...Абдулла Орипов ва айниқса, Рауф Парфининг ижодий тажрибаси XX асрнинг 70-йилларидан адабиётга кириб келган бир неча шоирлар зумрасининг шаклланишига, ўзликни намоён этишига замин яратди. Ва бу нарса ёруғ ижодий индивидуаллик эгаларигина санъатда мактаблар яратади, бадииятнинг умрзоқлигини белгилайди, демакдир. Фарида Афрўз шеърияти ана шу мактабнинг янги тўлқини”[12]. Дарҳақиқат, Фарида Афрўз ўтган асрнинг 70-йилларида кириб келган кучли авлод этагида катта бўлди. Ўзи билан тенгдош бўлган, елкама-елкама кириб келган 80-йиллар адабий авлодининг улкан шоираларидан бирига айланди. Фарида Афрўз лирикаси ўта ранг-баранг, минг бир гулларнинг ҳиди бор.

[10] Фарида Афрўз. 7 тасбеҳ ёхуд 1001 кеча. – Тошкент: Право-пресс, 2020. – Б. 40.

[11] Фарида Афрўз. 7 тасбеҳ ёхуд 1001 кеча. – Тошкент: Право-пресс, 2020. – Б. 322.

[12] Раҳимжонов Н. “Бахтим ўпай десам...” / Шамолда шам кўтариб... Фарида Афрўз шеърияти: талқинлар... тақризлар... суҳбатлар... Тошкент: Давр пресс, 2010. – Б. 8.



Чарақларди осмон – заргилам

Рухсора САПАРБОЕВА

* * *

Майин севалади баҳор ёмғири...
Олис шаҳарларда бормисан ҳануз?
Иккимиз сира ҳам учрашмайдиган
Баҳор келаверар менга юзма-юз.

Қуюқ туман чўккан тонгли ўлкада
Равонми йўлларинг, бошинг омонми?
Яхши бўлолмадик, недир яхшилик?
Ёмон кўролмадим сендек ёмонни.

На-да бир хабар бор менда ўзингли
Ва ёки на-да бир хаёлингсиз кун.
Фақат булутларим бордир, бошингдан
Ўргилиб-ўргилиб қайтган мен учун.

Мукаррам ҳисларни келтириб ёмғир
Соғинч гулларига ёғар майдалаб.
Навосидан қолмай, дея бенасиб
Хиргойи қиламан қайта-қайталаб.

Майин севалади баҳор ёмғири,
Олис шаҳарларда бормисан ҳануз?..

* * *

Сен ёмғирни севасан
ва адоқсиз кўчани.
Соябонинг йўқ, аммо
Ёмғир ёғар кучаниб...
Қутқарувчи автолар

Рухсора САПАРБОЕВА *– 1993 йилда туғилган. Урганч давлат университетининг физика-математика факультетини тугатган. "Зомин – 2020" семинари иштирокчиси.*

Қўл силтайсан барига
Ёмғир заминга ёғмас
Ёғар кўнглинг қаърига.
Хиргойига минг йиллик
Ёр-ёр келар тилингга.
Интиқ эмас ҳеч кимса
Келар дея йўлингга.
Ишқ ичинда сўрасанг
Дийдор маҳтал этмайди.
Булутлар – бемуҳташам
Кўчалардан ўтмайди.
“Муштоқликнинг яраси
Маҳшаргача битмайди”.
О, ёмғирли кўчада
Сени ҳеч ким кутмайди.
Ҳеч ким сени кутмайди.
Сен ёмғирни севасан
Ҳам адоқсиз кўчани....

* * *

Ҳовлинг тўла атиргул эди...
Тош ҳовлининг эрка гуллари,
Ноябрнинг салқин оқшоми
Ва Тошкентнинг ёруғ йўллари.
Чарақларди осмон – заргилам
Орзуларим каби бесарҳад.
Поезд бизни етказиб келган
Ўша кунни эслайсанми, айт?
Ҳовлинг тўла атиргул эди...
Паға-паға қор улашди қиш
Суҳбат қурдик ойдин кечалар,
Тақдир дедик шундай топишиш.
Ҳовлинг тўла атиргул эди...
Баҳор келди серёмғир, сербахт.
Борлиқ бизни кузатарди жим,
Ер юзида биз бордек фақат!
Ҳовлинг тўла атиргул эди...
Муштларини туширди турмуш.
Рўёларга дўнди биз кўрган,
Умримизни яшаб ўтган туш.
Ҳовлинг тўла атиргул эди...
Бўзлаб-бўзлаб бағримга босдим.
Кетар чоғи кўзим ёшида
Баргларига исмимни ёздим.
Ҳовлинг тўла атиргил эди...

* * *

Келсанг-чи...
Бир сафар дийдор тараф бўл,
Ҳижрон аламидан ичини олсин.

Пандини есин шу айрилиқ деган,
У ҳам бирор марта ўксиниб қолсин.

Келсанг-чи...
Соғинчни қолдириб доғда,
Қақшасин-ай, кўзни тўрт қилган тўртлар.
Биииииир ичини ёққин, шу йўллар куйсин,
Бизли юртга дўнсин бизсиз бу юртлар...

Келсанг-чи...
Баҳридан ўт шу ғурурнинг,
Бармоқларин тишлаб, мум бўлсин фироқ.
Висолга ён босиб, учрашайлик-ай,
Уятдан ер тишлаб, гум бўлсин фироқ.

Келсанг-чи,
Бир сафар дийдор тараф бўл,
Ҳижрон аламидан ичини олсин.
Пандини есин шу айрилиқ деган,
У ҳам бирор марта ўксиниб қолсин...

Келсанг-чи, азизим...

* * *

Чанг кўчанинг яқоси
Янтоқ кета-кетгунча,
Сано ўқиб борурман
Ҳар чоғ кета-кетгунча.
Дийдамдаги ёшимга
Ҳандон отасанми, дун?
Сенинг кўзларинг бенам,
Қақроқ кета-кетгунча.

Кузга қоришиқ ўйлар
Бағрим ўйиб бородур,
Йўлга ошиққан руҳим
Ишққа тўйиб бородур.
Гувоҳларим елкамда
Қайдлар қўйиб бородур,
Савоб-гуноҳим маним
Тарқоқ кета-кетгунча.

Товоним шу тупроқнинг
Оҳин тинглагай ўксиб,
Бу йўлдан ўтган мазлум
Дардини сезар кўксим.
Истарим шу – қонимга
Аланга тўкса-тўксин,
Босмасин мени ҳаргиз
Мудроқ кета-кетгунча!

Чанг кўчанинг яқоси
Янтоқ кета-кетгунча....

Лирикада Навоий образи тасвирлари



Гулбаҳор АШУРОВА

Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида Алишер Навоий тимсолининг бадиий талқини ҳақида сўз кетар экан, у XX аср шеърияти – Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода сингари забардаст ижодкорлар мактабидан ўсиб чиққанини таъкидлаш керак. Шу боис бу давр лирикасига хос асосий талқинларни билмай туриб мустақиллик даври шеъриятида шаклланган тенденсияларни тушунтириш қийин.

XX аср шеъриятида Навоий образи талқинлари ҳақида фикр юритилганда Ғафур Ғуломнинг “Алишер” номли шеъри айниқса характерли. Бу шеър 1968 йилда ёзилган. Ғафур Ғулом кашф этган бу шеърий оҳангни ҳеч бир ижодкор такрорлай олмади. Айнан ўтмиш мавзуси орқали шеърхонга замона дардларини айтиш мазкур шеърий асарга хос хусусият. Шеърда Навоий образи Ватан ва Халқ билан доимо бир тану жон бўлганлиги акс эттирилади, эрку бахт тимсоли сифатида тасвирланади. Навоийнинг темурийлар даври маданияти ва адабиётининг энг ёрқин сиймоси эканлиги “саркашу барҳаёт, бўйсунмас шуур” сифатида тасвирланади, “гранит ҳайкалдай буюк шахсияти эса улуғланади:

Тўфон, қуюнларда якка-ю ёлғиз,
Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур,
Темурбек давлатин сўнгги чоғида
Саркашу барҳаёт, бўйсунмас шуур[1].

[1] Ғафур Ғулом. Алишер. – // Ҳазрат Навоийга эҳтиром. Шеърлар, достонлар, мухаммаслар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Р.Мусурмон, Г.Ашурова. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 7.

Гулбаҳор АШУРОВА *– филология фанлар номзоди, доцент. 1973 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Унинг “Ўзбек адабиёти”, “Алишер Навоий” ва “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”, “Таълим босқичларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш” ўқув қўлланмалари, “Мустақиллик даври ўзбек адабиётида Навоий образининг бадиий талқини” номли монография, “Тимсол – сўз ва маъно асоси”, “Абдулла Ориповнинг поэтик маҳорати” (Биринчи ва иккинчи китоблар) ўқув-услубий қўлланмалари, “Ҳайратул аброр ҳикоятлари талқини” каби рисолалари чоп этилган.*

Фазилатлар соҳиби бўлган Навоий сиймосининг тасвири кейинги мисраларда яна ҳам кучлироқ янграйди.

Дарахшон юлдузлар сари ўкирган,
Бўйнида занжиру, қалби озод шер,
Инсоний муҳаббат меҳр ила вафо,
Эрку бахт тимсоли улуғ Алишер[2].

Ўқувчи кўз ўнгида яхлит манзара гавдаланади: осмонда мунаввар юлдузларнинг чақнаб порлаши, қизариб турган чексиз осмон ва унга туташган уфқ. Бепоён кенглик қўйнида ўкириб турган бақувват ва кучли шер тасвирланади. Аммо унинг жисму жони занжирбанд. Шер занжирбанд бўлса-да, юрагида озодлик, эрк туйғуси ҳукмрон. Навоийнинг ўзи чизган суратда занжирбанд шер акси борлигини биламиз. Ғ.Ғулом айни детал орқали Навоий руҳияти, унинг қалб кечинмаларини тасвирлайди, шунингдек, шоир шахсиятидаги инсоний жасорат, муҳаббат, меҳр ва вафони мужассамлаштиради.

Адиб Алишернинг ўлмас ижоди бугун ҳам эъзоз ва ардоқдалигини "Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг наърасига тенгдир акси садоси" мисраларида бадиий ифодалаган:

Юксак тоғ оралаб ўкирган шернинг
Наърасига тенгдир акси садоси,
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда
Улуғ Алишернинг асрий нидоси[3].

Ғафур Ғулом Алишер Навоийга хос буюк феномен моҳиятини англаш ва англатишга астойдил ҳаракат қилади. Устод ижодкор асарлари моҳиятини чуқур идрок этгани туфайли уни қадрлашга чақиради. Бу мотив тасвири "Алишер Навоий қабри устида" шеърида ҳам давом этади.

Замонавий ўзбек лирикасини тушунишда Ғафур Ғулом ёзган мисраларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Ғафур Ғулом ўзига хос қамров ва тафаккур тарзи билан Алишер Навоийнинг миллат тарихидаги, адабиёт ва санъат тарихидаги ўрнини жуда аниқ тасаввур қилади, шу боис ифодада ҳам масъулият билан юксак бадиият намуналарини яратади. Навоийнинг тарихий хизматлари ва шахсий фазилатлари тасвирига устуворлик беради. Бу борада Ғафур Ғулом эришган ютуқлар анча салмоқлилиги ва кейинги давр шеъриятига таъсир қилганини эътироф этиш жоиз.

Ўзбек адабиётида Навоий образини яратишда Ойбекнинг ўрни беқиёс. "Навоий" романи нафақат Алишер Навоий, балки Ойбек домланинг ўзига ҳам ўрнатилган маънавий ҳайкал дейиш мумкин. Ойбек лирикада Алишер Навоий образини яратишга ҳам катта ҳисса қўшган. Навоийнинг хизматлари шеърий мисраларда ("Ҳайкал олдида") Ойбекка хос лўндалик ва залвор билан акс этади:

Куйлаганди беш аср бурун
Халқни, ҳақни, ишқни бу инсон.
Юраги ҳам эркин, ёруғ кун –
Дарди билан тепарди ҳар он[4].

2 Ўша ерда.

3 Ўша нашр. – Б. 9.

4 Ойбек. Ҳайкал олдида. – // Ҳазрат Навоийга эҳтиром. Шеърлар, достонлар, мухаммаслар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Р.Мусурмон, Г.Ашурова. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 13.

Шоир биргина мисра билан буюк мутафаккир қаламига мансуб мавзулар қамрови (халқ, ҳақ, ишқ)ни кўрсатишга эришган. Бу мисралар, айни пайтда, Навоий шахсиятига хос бўлган яна бир хислат – “юрагининг халқ дарди билан тепишини” содда ва самимий тарзда акс эттирган. Навоийга хос бўлган портрет унсурлари ундаги салобатни ҳам, сурат гўзаллиги-ю сийрат бойлигини ҳам мужассам этгани билан эътиборни тортади:

Улуғ Ватан кўксида шоир
Бугун қаддин кўтарди баланд:
Абадий тош либосидадир,
Қўлда китоб, кўзлари ўйчан[5].

Ойбек ёш авлоднинг Навоий асарларига ошуфта бўлиб бораётганини қайд этади. Бунда у шу авлод вакилларининг ўзига “сўз бериш” усулидан фойдаланади. Айни пайтда, бевосита мутафаккир адибнинг ўзига ҳам мурожаат шаклини қўллайди:

– Ассалом, Навоий! – дейди ёш авлод,
Олқишлайди халқни бахтиёр.
– Шоир, арзир қилсанг ифтихор,
Сўзинг янграр, кўнгилларда ёд[6].

Ойбек Навоийни грузин, форс-тожик, рус, украин тилларида ижод этган буюк сўз усталари ёнида халқлар эътирофида эканидан ифтихор қилади. Ойбекнинг бу шеъри 1949 йилда ёзилганига қарамай, ҳис-туйғулар, кечинмалар залвори билан кишига худди бугун айтилгандек таъсир этади. Навоий сиймоси унда Ватанга қиёсланади. Шоир Навоий сиймосини Она Ўзбекистон – Ватан ва ўзбек миллати тимсоли сифатида гавдалантиради.

1937 йилда ёзилган “Навоий” достони эса “Шеър аҳлига бўлди байроқдор” мисралари билан тугайди. Достонда Ҳусайн Бойқаро образи давр мафкураси таъсирида талқин этилган бўлса-да, Навоий образи ҳақида бундай деб бўлмайди:

Султон ботган ишратга мудом,
Бузуқилар бошида имом,
Бу мажлисга бегона шоир
Туйғуларин қилолмас зоҳир[7].

Ойбек лирикада ҳам Навоий билан ҳамнафас бўла олди. Навоий асарлари қатидаги моҳиятни чуқур идрок этди, шу туфайли у ёзган сатрлар ишончли, ҳаёт ҳақиқтларига мос ва юксак бадиият билан ажралиб туради.

Мустақиллик бизга ўтмиш тарихимизни ҳаққоний ёритиш имконини берди. Тилимиз, динимиз, қадриятларимиз, тарихимиз, ҳаққониятни тўғри айта олиш имкони рўёбга чиқди. Бугун ўзбек халқи йигирма биринчи аср шароитида Навоийни янгидан таниди, кашф этди. Бу жараён лирикада ҳам мунтазам тус олиб бормоқда.

5 Ўша ерда.

6 Ўша нашр. – Б. 13.

7 Ойбек. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 49.

Бу даврга хос энг характерли хусусият шуки, Навоий асарларини мустабид тузум қолиплари асосидагина эмас, ўз ҳолида, ҳар қандай мафкурадан холи, чинакам санъат асари сифатида ўқиб-ўрганиш ва бадиий идрок этиш даври бошланди. Энди лирика Навоийнинг қалб кечинмалари, асарларида акс этган маърифий ғояларни тадқиқ этиш ва қайта бадиий инкишоф этиш билан кўпроқ шуғуллана бошлади. Профессор Қ.Қаҳрамонов Алишер Навоий сиймосининг замонавий адабиётдаги талқинларини ўрганиб шундай хулоса қилади: "Шоирга (Алишер Навоийга – Г.А.) атаб битилган шеърий намуналарда ҳар икки йўналиш – ҳам шоир образи яратилган, ҳам унинг боқийлигини улуғловчи асарлар кўплаб яратилмоқда"[8]. Дарҳақиқат, мустақиллик даври шеъриятида Навоий сиймосига муносабат, асосан, мазкур икки йўсинда намоён бўлди. Уларнинг бир гуруҳида Навоий образи яратилган бўлса, қолганларида буюк шоир кўпроқ кўкка кўтарилган, мақталган, таърифу тавсиф этилган. Кези келганда қайд этиш жоизки, бу даврда иккинчи йўналишдаги шеърлар нисбатан кўпроқ яратилган. Лекин уларда ҳам Навоий мисолида ўтмишимиз, қадриятларимизни англаш, буюк шоир ҳақидаги тиниқ тасаввурлар ифодасини учратиш мумкин".

Алишер Навоий сиймосини устоз сифатида тасаввур қилиш кўплаб ижодкорларга хос. Бу борада мумтоз адабиётимизда ҳам, замонавий адабиётимизда ҳам мисоллар оз эмас. Аммо шуниси аниқки, уларнинг бирортасида Сирожиддин Саййид топган ифода учрамайди:

Ўзим тупроқман-у пирим – самовий,
Менинг дорулфунунимдир Навоий[9].

Тўғри, Навоийни пир деб аташ бор, аммо пирнинг "самовий", яъни илоҳий фазилатлар эгаси эканлигини алоҳида таъкидлаш ва Навоийни дорулфунунга ўхшатиш мутлақо янги.

Шоирнинг "Мутолаа" шеърига Навоий ёш авлод учун ҳамма нарсани бера олиши мумкин деган ақида сингдирилган. Муҳими, бу фикр чинакам бадиий талқин этилган[10]. Сирожиддин Саййид талқинида Ватан тушунчаси буюк бобокалонларнинг номи билан чамбарчас боғланиб кетган. Худди шунинг учун ҳам ўз шеърларидан бирини "Ватан надир" деган сўроқ билан бошлар экан, унинг жавоби учун буюк аждодларнинг иккита вакилини келтиради:

Ватан надир –
Шоҳ шоирини
Соғинчда йиғлатган бир қовунидир.
Шоир кимдир –
Мир Алишер бобонинг
Биринчи ва мангу муовинидир[11].

[8] Қаҳрамонов Қ. Замонавий шеъриятда Навоий образининг поэтик талқини. – // ТДПУ Илмий ахборотлари. Илмий-назарий журнал. 2017, № 1 (10). – Б. 83.

[9] Саййид Сирожиддин. Сўз йўли. Икки жилдлик танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 8.

[10] Ўша нашр. – Б. 47.

[11] Ўша нашр. – Б. 120.

Шундан кейин бадиий асарнинг, шу ўринда шеърий мисраларнинг инсон ҳаётидаги, хусусан, унинг руҳиятидаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги шеърий мулоҳазаларини баён этиб, “Шеърият – гул эмас, чечакмас асли / Руҳ ва кўнгилларнинг кир совунидир”[12], дейди. Яъни, Навоий ва Бобур мисолида айтилаётган асосий фикр шуки, улар қолдирган мерос, инсон тафаккурини бойитади, унинг руҳиятидаги айрим нотугал ва кемтикликларни бартараф этади, “кир” ўринларни тозалайди. Бир сўз билан айтганда, бадиий адабиёт инсон руҳининг покланиши учун муҳим омил вазифасини адо этади. Шеърдаги “кирсовун” детали шу маънода ўзига хос поэтик кашфиёт вазифасини бажарган.

Сирожиддин Саййид учун Алишер Навоий ижоди поэтик далил ва тасдиқларнинг битмас манбаси. Айтиш мумкинки, Сирожиддин Саййид шоирликнинг андозасини ҳам Навоийдан олади. Ҳақиқий шоир қандай бўлмоғи керак? Биринчи талаб шундан иборатки, у ҳар доим нурли ва тафтли бўлиши шарт. Яна бир мезон шуки, улуғ бобо уни бир набира шогирд сифатида кўрса-ю, бир имо билан қараб қўйса кифоя:

На бўлғай менга ҳам имлаб, мени ҳам бир набирам деб,
Қиёмат тонгида бобо Навоий бир қараб қўйса.

Сирожиддин Саййиднинг бугунги авлодга – замонамиз ёшларига ҳазрат Алишер Навоий ҳақида айтадиган гаплари кўп. Қуйидаги шеър – ғазал ҳам шу силсилага мансуб:

Улуғ бобонг Навоийнинг ётар жойи Ҳирот бўлгай,
Ва лекин билмасанг ул зотни сен, оғир уёт бўлгай.

Ёшлар олдидаги энг муҳим вазифа, унингча, ҳазрат Навоийни билиш, ўрганишдир. Байтда “улуғ бобонг”, “бу зот” сингари ифодалар Навоий ҳақидаги тушунчалар мазмунини ташкил этади. Буюк бобомизнинг Ҳиротда мангу қўним топгани, унинг ўзи ва бутун меросини том маънода ўрганиш зарурлиги уқтирилади. Болалар учун “уят бўлади” сингари халқона таъсирчан ибора билан мурожаат этиш шеърда ифодаланган мазмун таъсирчанлиги ортишини таъминлаган. Кейинги байтда ҳам шу услуб сақланади. Яна оғзаки нутққа хос унсурларга асосий ўрин ажратилади. “Сенга муҳтож эмас”, “дил кўзларин оч”, “ҳаётинг ҳам ҳаёт бўлгай” каби ифодалар содда, самимий ва тушунарлилиги билан диққатга сазовор. Энг муҳими, у яланғоч панд-ўгитларнинг йиғиндиси эмас, балки катта кишининг ўзидан кичикка нисбатан самимий истак ва маслаҳатлари ўлароқ жаранглайди.

Шеър давомида она юрт учун, унинг ривожи, камоли учун камарбаста бўлиш, ўзида юксак маънавий фазилатларни эгаллашга куч ва рағбат топиш, ўзаро аҳил ва ҳамжиҳатликка ундаш, Ватан муҳаббати билан яшашга, муҳими, ўзидан яхши ва муносиб ном қолдиришга даъват оҳанглари намоён бўлади. Буларнинг барчасини эгаллаш учун эса Навоийнинг шеърияти кифоя қилади. Шоир таърифида “Навоий назми – иймондир”, демак, ҳар бир киши унга содиқ бўлиши, сўзни сотмаслиги керак. Бу сатрларнинг ҳаммаси Навоий шахсини, шахсиятини улуғлашга, у буюк аждодимиз билан ифтихор қилишга ундаб туради. Нурбой Жабборов қайд

[12] Саййид Сирожиддин. Сўз йўли. Икки жилдлик танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 10.

этганидай: “Сирожиддин Саййид шеърларидаги яна бир фазилат – уларда улуғ салафларга бўлган эҳтиромнинг ёрқин ифодаланишидир. Аҳмад Яссавий, Навоий, Махтумқули, Бобур, Машраб, Фурқат каби ижодкорларга бағишланган шеърлар, улар ғазалларига боғланган мухаммаслар ҳам буни тасдиқлайди”[13].

Сирожиддин Саййид “Мир Алишер” шеърида Алишер Навоий даҳосига кенгроқ нуқтаи назар билан ёндашади. У тирикликнинг мазмун ва моҳиятини, буюкликнинг белги ва аломатини Навоий тимсолида кўради, Навоий билан боғлиқликда деб билади:

Тирикликнинг бонги Навоий,
Буюкликнинг ранги Навоий.

Навоий бутун туркий халқлар учун байроқ, уларнинг қоронғи кечасини ёритгувчи беқиёс манбадир. Навоий сароб билан ҳақиқатнинг айирғичи ҳамдир: “*Беш асрлик рўёдир дунё, Беш асрлик ўнги Навоий”*. Навоийни бошқалар кўз олдида аниқроқ, яққолроқ тасвирлаб бериш ишитиёқи Сирожиддин Саййидни янги-янги ўхшатиш ва сифатлашлар, эпитет ва қиёсларни излашга ундайди. “Ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам бўлмаган уммон” мана шу изланиш натижаларидан биридир.

Шу силсилада яна бир янги ташбиҳ пайдо бўлади, яъни Навоий – Ватан тимсоли, деган қиёс ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди:

Ватан каби поёни йўқдир,
Ватан каби мангу Навоий.

Чинакам шеърда бадииятнинг барча унсурлари мужассам бўлади. Мазкур шеърда қўлланган бадиий тасвир воситалари, шеър санъатлари ҳам ўзига мос ва муносиб бўлган.

Сирожиддин Саййиднинг Навоий образи яратилган “Навоийни ўқиш” шеъри ҳам китобхонлар орасида анча машҳур. Шоир Навоий асарлари ҳар қандай хурофот ва жаҳолатга қарши куч беришига ишонади. Шунинг учун ҳам уни “ҳар бир калла, ҳар бир бош” ўқиши керак, дейди. Шоир бир синонимик қатордаги икки сўзни (*калла, бош*) қўллаш билан англатиши лозим бўлган қамров доирасини ниҳоятда кенгайтириб юборган. Натижада, худди жуфт сўзларга ўхшаб, улар ҳам шу ҳолатда *ҳамма, барча* деган маъноларга яқинлашиб қолади:

Ҳар бир калла,
Ҳар бир бош
Жаҳолатдан қўрқиши керак.
Ҳар бир бола,
Ҳар бир ёш Навоийни ўқиши керак.

Навоийни ўқиш жараёнига ҳамма дахлдор бўлиши лозим. Бу жараёнда оталар ва боболарнинг ҳам иштирок этиши талаб этилади. Улар ҳаётий ҳикматни эгаллаганлари каби нафс арқонларини қирқишни уддаласалар, яъники, Навоий ўгитларига амал қилсалар, фарзандлари ва набираларига Навоий асарларини ўқиб бериш билан ўз зиммаларидаги ваифаларни адо этишлари мумкин.

[13] Абдулҳаким Нурбой. “Руҳим харитаси”дан “Дил фасли”гача. – // Сирожиддин Саййид. Сўз йўли, Икки жилдлик танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 361. (мақола 356-371-бетларда).

Катталарнинг назарида болаларнинг ҳаёт йўлакларидаги тутумлари бошқачароқ бўлгани яхшидир. Аммо асл ҳақиқат шундан иборатки, ёшларимиз Навоийни ўқимасликнинг ору номуссизлик эканлигини англашлари лозим. Навбатдаги бандда Ўзбекистонинг қадимий ва йирик шаҳарлари саноғи келтирилади. Улар "биз ўзбекмиз" деган ҳақиқатни тасдиқлаш учун хизмат қилади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун эса Навоийни ўқиш зарурати эслатилади.

Навбат буюк мутафаккирларга келади. Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Бобур Мирзо номлари кўплик қўшимчасини олган ҳолда қўлланган. Бу ҳам онгли равишда қилинган. Шунда уларнинг қамров доираси кенгаяди, улар минглаб ва ўн минглаб ўзларига ўхшаганларни ҳам ифодалайди. Мақсад "ёш кўнгиллар"ни қалқитишдан, шу асосда Навоийни ўқишга рағбат уйғотишдан иборат:

Берунийлар, ибн Синолар,
Улуғбеклар, Бобур Мирзолар
Қуриб кетмиш қандай бинолар!
Ёш кўнгиллар қалқиши керак,
Навоийни ўқиши керак!

Ватан ва унинг равнақи юртнинг ҳар бир фарзандига боғлиқ. Агар у бир чаман бўлса, бу чаман ҳеч қачон сўлмаслиги керак. Демакки, бугундан, яъни "бола чоғлардан", "лола чоғлардан" бошлаб Навоийни ўқиши, токи уларнинг кўнгилларига нимадир юқиши керак.

Профессор Боқижон Тўхлиев бу шеър ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Бадиий адабиётнинг инсон руҳияти, ҳатто, шахсиятининг шаклланиши ва ривожидаги ўрни беқиёсдир. Агар Сирожиддин Саййид айтганидек, бола "дилига недир юқтирса", адабиёт муаллими ўз вазифасини адо этган, адабиёт дарсларининг самараси таъминланган бўлади. Кўплаб буюк шахсларнинг машҳур бўлишларида, ўзлари эришган ва етишган олий даражаларда бадиий адабиётнинг ўрни ва аҳамиятини эътироф этишади. Масалан, Алишер Навоий юз мингдан ортиқроқ мисрани ёд билган. Бу байтларнинг энг сара, энг нодир бадиий дурдоналар бўлганлигига шубҳа йўқ"[14]. Ҳар бир шахс, ҳар бир ўзбек Навоийга етмоқ учун ҳеч бўлмаса, Навоийни билиш, англаш даражасига етиш учун уриниши зарур. Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг шеърида бу ҳақиқат теран очиб берилган. Унинг талқинича, Навоийдан одамийликни ўрганамиз. Ундан кўнгиллар таскин, туйғулар эса ҳаловат топади, чеҳраларга нур таралади.

[14] Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Баёз, 2008. – Б. 147.



Чоршанба учун кўйлак

Ҳикоя

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Аёл сочларини тараб, бинафша исли атирдан бўйнига пуркади-да, одмироқ бўлса ҳам сариқ гулли кўйлагини кийиб бекатга чиқди. Баҳор келгач адир ям-яшил тусга кирган, уйи ёнидаги якка дарахт қийғос гуллаганди. Тиниқ осмонда сузиб юрган булутлар, қушларнинг чуғур-чуғури аёлнинг кайфиятини янада кўтарди. Бугун унинг севимли куни – чоршанба. Чоршанба ҳар етти кунда бир маротаба келади, қолган олти кун жуда зерикарли ўтса-да, аммо чоршанбанинг муқаррар келиши уни яшашга ундарди. Аёл учун содир бўлиши одат тусига кирган воқеликни инқитиб кутишдан бошқа завқли юмуш йўқ эди.

У ҳар чоршанба соат ўнда бекатга чиқади ва поездни кута бошлайди. Бу адирликда фақат битта хонадон бор – унинг мўъжазгина кулбаси. Аёл шу ерда туғилган, улғайган, поездга ўтириб бир бекат наридаги мактабга қатнаган, у ерни битиргач эса ота-онаси уни шаҳарга ўқишга юборишмаган (чунки шаҳарга кетганлар ҳеч қачон қайтмаган; қачонлардир адирликда хонадонлар кўп эди, одамлар бирма-бир шаҳарга жўнаб кетишди ва уларнинг бирортаям қўшниси қолмади). Ота-онаси вафот этгач, қиз ёлғиз қолди. Шаҳарга боришга оёғи тортмади, тирикчилик ўтказиш учун бекат ёнида ичимлик сота бошлади – ёзда яхна шарбат, қишда эса иссиқ қаҳва. Поезд бекатда беш дақиқа тўхтаб турар, йўловчиларнинг аксарияти тушиб чанқоғини босарди. Аслида уларни бу адирнинг гўзаллиги, кимсасизлиги ўзига тортар, ичимлик баҳонасида бироз сайр қилишарди. Лекин аёл чоршанба кунлари ичимлик сотмайди. У бекат ўриндиғида ўтирганча бир одамни кутарди. Қанча чоршанбалар ўтди орадан, аммо одат ўзгармади: аёл кутади, эркак келади, улар биргалашиб адирда сайр қилишади, майсага ёнбошлаганча осмонни томоша қилиб суҳбат қуришади, аёл тайёрлаган мазали таом танаввулидан кейин улар дунёни унутганча ишқ лаззатидан баҳраманд бўладилар. Чошгоҳдан сўнг яна поезд келади. Эркак унинг пешонасидан ўпиб қўйганча, “Келаси чоршанбагача, азизим”, деб жилмаяди ва жўнаб кетади.

Эркак биринчи марта бу бекатга ичимлик ичиш учун тўхтаганди. Олма шарбатини сипқорганча аёлни гапга тутди. Шаҳар шовқинидан жуда толиққанини, мана шундай кенгликларда яшашни орзу қилишини, бугун таваккалига поездга ўтириб адирликларни томоша қилгани чиққанини айтди. Шу пайт поезд сигналини эшитгач,

---

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА *– 1989 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. “Ёнингдаги бахт”, “Жодугар ёхуд минг йиллик ҳаёт”, “Зулм ва муҳаббат”, “Дунёдаги энг бахтли одам”, “Тўй совғаси”, “Ҳаётнинг беш тортиғи” номли ҳикоя ва таржима китоблари чоп этилган.*

эркак ортига қаради, аммо вагонга ўтирмади. Аёл жилмайганча, уни адир бўйлаб сайрга таклиф қилди. Шундан сўнг ҳар чоршанба эркак уни кўргани келишни одатга айлантирди.

Бироқ бугун – севимли чоршанбада поезддан ҳеч ким тушмади. Аёл вагонларнинг очиқ деразаларига кўзларини тикаркан, таниш чеҳрани излади. Лекин учратмади. Бир болакай унга қўл силкиди. Аёл ҳайрат ва ҳаяжон билан ўриндиққа ўзини ташлади. Балки бугун чоршанба эмасдир, адашгандир. Дарҳол уйига қайтди: тақвимда охирги марта қизил қаламда бўяб қўйилган кун – сешанба эди. Йўқ, адашмапти. Бугун чоршанба. Соат эса ўн. Аммо у нега келмади? Аёл яна бекатга қайтди. Фавқулотда бирор ҳодиса юз берган. Йўқса, у келмаслиги мумкин эмасди. Балки бетоб бўлиб қолгандир. Ёки поездга кечиккан. Шундай бўлиши мумкин. Ҳойнаҳой кейинги поезд билан келса керак. У олти соат шу ерда миқ этмай ўтирди. Қорни очганини ҳам, чанқоқни ҳам сезмади.

Иккинчи поезддан ҳам ҳеч ким тушмагач юзини қўллари билан ёпганча йиғлаб юборди. Уйга кириб, чинни гулдонга солиб қўйилган мойчечакка қаради. Уни ўтган чоршанбада эркак олиб келганди. Сўлиб улгурибди. Аёл яна бекатга қайтди. Эртасига тонгда у гулларни ахлат қутисига ташлади. Сўнг доимгидек олча шарбатини бекат ёнига олиб чиқиб тирикчилигини бошлади. Келаси чоршанбагача камида олти кун бор, ўйлади у, кўпи билан ҳам олти кун. Бугун-эртани ўтказиб олса, шанба-якшанба кунлари вақт тез ўтади. Аёл икки бекат наридаги бозорчага бориб, ўзига, уйига керакли харажатларни қилиб келарди. У бу гал ўзи учун чиройли бир кўйлак сотиб олишга қарор қилди. Чоршанба учун янги кўйлак. Балки ҳар куни бир хил кўйлак кийиши эркакни зериктиргандир. Ахир неча замонлардан бери у фақат сариқ гулли кўйлак кияди. Ўйлаганидек, дам олиш кунлари тез ўтди. У тўқ қизил рангдаги ипак кўйлак танлади. Душанба-сешанба эса доимий ишига шўнғиди – йўловчилар шарбат ичишга тўхташар, тоза ҳаводан симириб яна диққинафас вагонларга ўтирганча шаҳарга жўнаб кетишарди. Аёл уларнинг тунд юзларига қараркан, шаҳар инсонни бахтли қила олмайди, деб ҳисобларди: “Мен ҳеч қачон шаҳарга қадам босмайман”.

Чоршанба куни соат ўнда аёл янги кўйлагини эгнига илиб, сочларини ҳам бошқача турмаклаб поезд бекатига чиқди. Лаблари табассум қилганча қўшиқ ҳиргойи қила бошлади. Эркакка икки ҳафталик ҳаётини сўзлаб беришни хаёл қилди. Ичингдагиларни айтишга бирор одам бўлгани яхши барибир. Кейин у вагондан тушиши билан елкасига осилганча қанчалик соғинганини айтишга қарор қилди. Майли, йўловчилар кўрса кўрар, кулишсин, бош чайқатишсин, аҳамиятсиз. Поезд келиши билан аёлнинг юраги қинидан чиққудек ура бошлади. У эркак тушадиган доимий вагон эшиклари қаршисида кўзларини катта-катта очганча кутарди. Вагондан тушиб келаётган эркакка қараб отилди, аммо унинг бегона эканини кўриб қизариб кетди ва ортга тисланди. Нотаниш одам бугун шарбат йўқми, деб сўради. Аёл рад этди. Бироздан сўнг поезд жўнаб кетди.

Аёл шалвираб уйга қайтди ва тушлик учун тайёрлаб қўйган паштетларни оғзига тўлдириб тиққанча юта бошлади. Таом шўр эди – кўзёшлари унга қўшилиб кетарди. Аёл ўзини ётоққа ташлади ва қунишганча ётиб олди. Унинг ишончи комил – эркак билан бахтсиз фалокат содир бўлган. Юра олмас балки. Ахир бир вақтлар қўли синган пайтида у ҳам чоршанбани ўтказиб юбормай етиб келган эди. Эҳтимол, вафот этган бўлса-чи? Аёл бу хаёлдан даҳшатга тушди. Унинг ҳеч қачон чоршанба кунлари келмаслигини ўйлаб танасидан совуқ тер чиқиб кетди. Дарҳол ўрнидан туриб жомадонга керакли нарсаларини солди, бор пулини ҳамёнга жойлади. Кейин стулда ўтирганча тонг отишини кута бошлади. Баъзи инсонлар учун азалий қоидаларни бузишга тўғри келаркан: аёл шаҳарга боришга аҳд қилди.

У поездга ўтирди. Бундан ортиқча ваҳимага тушмади – даҳшатли кутишдан кўра уни ўзи излаб топгани осонроқ кўринарди. Эркак шаҳарда яшашини билади, аммо аёл ундан на уй, на иш манзилини сўраган. Шаҳардаги барча хонадонларга, ишхоналарга бир-бир кириб чиқса бўлади, уни кечгача топиб олиши тайин. Аёл ўзини тинчлантириб ўн иккита бекатдан сўнг охиргисида – шаҳарда тушди. Ташқарига чиқиши билан уни ҳайрат эгаллади, у шаҳарни сираям бунчалар катта, сершовқин деб тасаввур қилмаганди. Кўп қаватли уйлар, ғиж-ғиж машиналар, шошиб кетаётган оломон – бу манзарадан кўзлари тиниб ўтириб қолди. Бироз ўзига келиш учун холироқ жой излади, аммо оёқ қўйишга бир қарич жой йўқ, ҳатто нафас олиш мушкул эди. У бир-бирини туртиб ўтаётган одамларга ўзини топширди – оломон уни суриб-нетиб бир қаҳвахона қаршисига келтириб қўйди. Аёл очиққанини ҳис қилиб, кулча иси таралаётган тамаддихонага бош суқди. Бўш стол топиб ўтирди ва бироз хотиржам тортди. Зум ўтмай ундан буюртма олишди. Қаршисида катта ёшли бир аёл ҳам тамадди қиларди. Дарҳол уни саволга тутди ва эркакнинг исмини айтиб қаерда яшашини сўради. Аммо суҳбатдоши афтини бужмайтирди ва жавоб бермади.

Аёл тамаддихонадан чиқиб йўлида учраган одамдан эркакни суриштира бошлади. Одамлар елка қисар, унга тентакдек қарашар, кулишар ёки жаҳл билан силтаб ўтишарди. Аёл шаҳар одамлари нафақат тунд, балки ўта қўпол ва асабий эканини кашф қилди. Бир пайт басавлат бир киши уни диққатлик билан тинглаётганини кўрган аёл жонланди. Унга эркакни тасвирлаб ҳам берди. Билгани – фақат исми эди. Эркак бош ирғаганча шунақа таниши бор эканини айтди ва ортидан боришга ундади. Аёл ортга қолмаслик учун шошиб унга эргашди, эркак баъзан ортга ўгринча қараб қўярди. Улар кўп қаватли уйларнинг бири ёнида тўхташди. Эркак уни лифт сари бошлади ва таниши бешинчи қаватда туришини айтди. Аёл қувонганча унга миннатдорлик билдирди. Қўнғироқни чалишганида эшикни қотмадан келган соқолли бир киши очди. У аёл таърифлаган эркакка сира ўхшамас эди. Басавлат эркак ҳиринглади, иккиси кўз уриштиришди. Аёл эса ҳафсаласи пир бўлиб ортга қадам ташлади, аммо улгурмади, тўртта қўл уни ичкарига тортиб кетди.

Жума тонгида кўзларини очганида у номаълум жойда, катта ахлат қутиси ёнида ётарди. Бадбўй ҳиддан кўнгли ағдарилди. Кейин янги қўйлагининг абгорлигини кўриб йиғлаб юборди. У ўрнидан туриб сочини, ўзини тартибга келтирди. Бир зум ўтириб кечаги воқеаларни кўз олдига келтирди. Лабларини қаттиқ тишлади. Танидаги оғриқларга бўйсунмай шахдам юрганча яна оломон ичига кирди. У одамлардан суриштириш бефойда эканини англаганди. Минглаб уйларни текшириб чиқиш, юзлаб ишхоналарга бош суқиш ҳам натижа бермайди. У чорасиз ҳолда атрофга аланглади – мўъжиза содир бўлиб уни учратиб қолишдан умид қилди. Бироқ шанба ҳам, якшанба ҳам кўчада дайдир экан, эркакни тополмади. Ҳамёнидаги пуллар тугагач, у ишлаши кераклигини, бўлмаса оч қолишини, уйига қайтолмаслигини англади. Душанба куни вақтини эркакни эмас, иш излашга сарф қилди ва якунда музқаймоқ дўконига шарбат тайёрловчи бўлиб ишга кирди. Ундан фақат иш тажрибасини сўрашарди – аёл эса йиллаб шарбат сотган. У ўзига таниш ва мос иш топилганидан хурсанд бўлди. Шаҳарга келганидан бери илк марта хотиржам тортди.

Сешанба куни тинимсиз ишлади. Қўли қўлига тегмади, ҳатто эркакни қаердан қидириш кераклигини ҳам тахмин қилишга вақт бўлмади. Кечқурун қотиб ухлаб қолди, аммо эрталаб уйғониши билан бугун чоршанба эканини эслади-ю кўнгли алланечук ёқимли ҳисларга тўлди. У адирни, уйини, гўзал чоршанбаларни, мазали тушликни ва эркакнинг илиқ бўсаларини энтикиб хотирлади. У негадир умрим ҳамиша шундай ўтади деб ўйлаганди ўшанда. Ахир чоршанба бор экан – у ҳам бор – унинг севгиси бор – демак, бу бахтиёр онлар тугамайди деб ҳисобларди. Ҳозир эса сассиқ увада кўрпада, олтита хотин аранг сиққан тор ижара хонада ётар экан, бу

ерда осмон хира экани, гуллар йўқлиги, қушлар учмаслигини ўйлаб чуқур хўрсинди. Бироқ эркакни топмаса бўлмайди. Уни топмай уйга қайтишдан маъни йўқ эди. Ўлигими, тиригими – дарагини топиши шарт.

Аёл одатига кўра, чоршанба ишламади. Тўғри вокзал томонга юрди. Балки у бирор вагондан тушиб қолар деб куни билан келган-кетган поездларни кузатди, йўловчиларни кўздан қочирмасликка тиришди. Лекин қадрдон қиёфа учрамади. У тунда умидсиз ижара уйига қайтди. Яна иш билан овунди. Ўз уйидан кўра бу ерда вақт оқар сувдек ўтиб кетарди, кўз очиб юмгунича яна чоршанбалар келарди. Вокзалда мажбуран ўтирар ва уни одамлар орасидан ҳорғин нигоҳлари билан изларди. У ҳафталар давомида жуда толиққан, елкалари оғрир, кўзлари юмилиб кетарди. Тушдан сўнг вокзал ўриндиғида чўзилганча донг қотарди. Шундай кунларнинг бирида чўнтагини ҳам шилиб кетишди. Арзимаган пулидан айрилган аёл бунга ачинмади ҳам.

Кейинчалик у вокзалга келмай қўйди. Одамлар орасидан эркакни қидиришни тўхтатди. У тақдирга тан берганча шарбат сотар, чарчар ва ухларди. Негадир барча умидлари соб бўлса-да, уйига қайтиш ҳақида ўйламасди. Ва нима учун қишлоқдан шаҳарга кетган одамлар ортга қайтмаслигини ҳам тушунди – уларнинг Ватанини соғинишга, болалигини эслашга вақтлари бўлмас экан. Аёл эркак билан боғлиқ ширин хотиралари ёдидан ўчиб кетаётганини, талотўп ичида оломоннинг бир қисмига айланаётганини, арзон ишчи кучи сифатида катта усканинг миттидан-митти мурватига айланганини сезмасди. Фақат тушлари ҳамон адирликдан узилмаган эди: у доим ёқимли чоршанбалар шукуҳида ўзини эркакнинг иссиқ қучоғида кўрар, қулоғига сени севаман, фақат сени, деб пичирлагани эшитилар, аёл энтикиб уйғониб кетаркан, вужудини яна зах ва дим хонада кўриб, Худога ёлворганча ўша чоршанбаларни қайтаришини сўрарди.

Бир куни – чоршанба эди, аёл тонгда ишга кетаркан, вокзал ёнидаги катта кўчада бир эркак таксидан тушганини кўрди. Дарҳол сергакланди, юзига қон югурди. Эркакка узоқдан разм солди – бу ўша экани аён бўлди. Ҳа, у излаган эркак! Аёл машиналарга қарамай кўчани кесиб ўтди, эркакнинг ортидан чопди. Вокзалга киргач, унинг поездга ўтирганини кўрди, ўзи ҳам ўша вагон сари отилди. Аммо чиптаси йўқлиги учун қўйишмади. Аёл шошиб кассахонага югурди, чипта сотиб олди ва вагонга қайтди. Поезд юра бошлади. У чиптада кўрсатилган ўриндиққа жойлашди ва нигоҳлари билан эркакни излай бошлади. Ундан анча олдинги қатордаги ўриндиқда экан. Эркакнинг юзини кўрмаса-да, таниди. Ўша сочлар. Ўша елка. Ўша костюм. Аёл кўзларини юмганча бошини ўриндиққа ташлади. Тин олди. Жилмайди. Шаҳарда кечган азобли кунлари кўз олдидан ўтди. Энди алвидо. Бу ерга сираям қайтмайди. Уни топди. У билан бир вагонда ўтириб кетяпти…

Аёл хотиржамлик билан сумкасидан ойнак чиқариб ўзига қаради. Аҳволи хароб эди. Эркакка бу аҳволда кўриниб бўлмайди. У аста ўрнидан туриб ҳожатхонага кирди. Кўзгуга қараб ўзини тартибга келтирди, сумкасида ётган эски лаб бўёғининг юқидан суриб олди. Сочларини бармоқлари билан таради. Янги кўйлагининг ёқасига шарбат юқи теккан экан, ювиб ташлади. Аммо энди буни янги кўйлак деб ҳам бўлмасди: ғижимланиб хира тортганди. Ўзидан кўнгли тўлмай, яна жойига қайтди. Эркак газета варақлаб кетарди. Поезд кулранг шаҳарни тарк этиб яшил адирларга туташди. Энди ҳеч қачон уни шаҳарга қўйиб юбормайди. Ҳафтанинг етти куни чоршанба бўлади.

Поезд ўн иккинчи бекатга келганида эркак ўрнидан турди. Аёл ҳам энтикиб унга эргашди. Бироқ эркакни бекатда бир жувон қарши олгани-ю иккиси бир-бирини бағрига босганча уй томон кетишганини кўрган аёл вагондан тушишга жазм қилолмай қотиб қолди. Узоқлашиб бораётган жувоннинг одми, сариқ гулли кўйлаги эса шабадада енгил ҳилпирарди.



“Аланқуво” ҳақидаги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили

Марғуба АБДУЛЛАЕВА

“Аланқуво” афсонаси ўзининг анъанавийлиги, тарихий воқеаларни ўзида акс эттириши ҳамда бадиийлик кўлами билан тарихий асарларда муҳим ўринга эга. Тарихий асарларда, жумладан, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асаридаги “Аланқувонинг ажойиб-ғаройиб ҳикояти” мана шу мавзуни тадқиқ этишимизга туртки бўлди.

“Шажарайи турк”да Аланқуво ҳақида иккита кичик ҳикоят мавжуд. Биринчиси “Аланқувонинг ажойиб-ғаройиб ҳикояти”, иккинчиси “Аланқуво ўғлонларининг зикри” деб номланади. Биринчи ҳикоятда Абулғози Юлдузхоннинг икки ўғлидан қолган Дубунбаён ва Аланқуво исмли набираларини унаштириб катта тўй қилиб бергани айтилади. Ўз ўрнига набираси Дубунбаённи тахтга ўтқазади. Бироқ Дубунбаён 30 ёшга етмай вафот этади. Ундан икки ўғил қолади. Бирининг оти Билгидай (7 ёш), иккинчисининг оти Бекчидай (Билганут – баъзи китобларда шундай ёзилган – А.М.) (6 ёш). Шундан сўнг Аланқуво ҳақида ҳикоя қилиб, Дубунбаён ўлгандан кейин Юлдузхоннинг ака ва инилари, ўғиллари, подшоҳлар ва навкарлар уни тилаганини айтади. Бироқ Аланқуво бунга розилик бермайди. “Мен жоним тирида эрга борман. Ўғлонларим йигит бўлгунча ўзим элга бош бўлиб турарман. Андин сўнг ўғлонларимга топшурурман” – (“Шажарайи турк”, 44-бет) деди.

Аланқуво тахтни ўзи бошқаради. Бир неча йиллар ўтгандан кейин бир воқеа содир бўлади. Бир кеча Аланқуво ётиб, саҳар уйғонса, туйнукдан бир ёруғ нур келиб киради. Бу нур ичида бир одамнинг қиёфаси кўринади. Оқ-сариқ, кўзлари шаҳло эди. Шунда Аланқуво заифаларини (хизматидаги аёллар назарда тутилган – М.А.) уйғотмоқчи бўлиб қичқиради. Лекин овози чиқмайди, тили тутилади. Ўрнидан турмоқчи бўлса, қўл ва оёқлари жонсиздек эди. Аммо ақлу ҳуши жойида. Ёруғлик ичидаги киши оҳиста келиб у билан жуфт бўлади. Яна туйнукдан чиқиб кетади. Аланқуво бу воқеани айтсам, ҳеч ким ишонмайди деб, бирон-бир кишига оғиз очмади. Беш-олти кун ўтгандан кейин у яна келади. Бу ҳолат яна давом этади. Аланқуво ҳомиладор бўлади. Ҳомила 4-5 ойлик бўлгандан кейин қариндошлари ундан қандай ҳомиладор бўлганлигини сўрайди. Аланқуво барчасини айтиб беради. “Менга эр керак бўлса, бормасму эрдим. Тақи ул ким заифа ҳам бўлсам, кўп халқ мени подшоҳ қилиб турурлар. Ўзумни, мунча

Марғуба АБДУЛЛАЕВА *– филология фанлари доктори, доцент. 1978 йилда туғилган. Кўплаб рисолалар, илмий, ўқув-методик ишлар муаллифи.*

элни ва халқни ва икки ўғлимни шарманда қилиб, мундай номаъқул ишни ҳаргиз қилурманму? (“Шажарайи турк”, 44-бет). Агар менга ишонмасангиз, уйимнинг олдида кечқурун ётинг. Худо мени шарманда қилишни хоҳламаса, сизларга ҳам уни кўрсатади. Қорнимдаги бола туғилса, кўрарсиз, у бирон-бир таниш кишига ўхшамайди. Бунда Аллоҳ таолонинг бир ҳикмати борга ўхшайди. Бундан сўнг барчалари Аланқувонинг сўзларига ишондилар. Шундай бўлса-да, кўпчилик унинг уйи атрофида ётдилар. Навбат билан уйғоқ турдилар. Бир неча кундан сўнг саҳар вақтида юқоридан уйнинг ичига тушгандай нур пайдо бўлади. Буни кўрган киши ёнидагиларни уйғотди. Ёруғлик туйнукдан Аланқувонинг уйига кирди. Бир қанча вақтдан кейин қайтиб чиқиб кетди. Ётган халқнинг озроғи келганини кўрди. Кетганини эса ҳамма кўрди. Лекин ёруғлик ичидаги суратни кўра олмадилар. Шундан кейин Аланқувонинг сўзларига ҳамма ишонди ва чинлигини билди. Аланқуво ҳақидаги биринчи ҳикоя ана шундай тугайди.

Иккинчи ҳикояда эса Аланқувонинг ўғиллари ҳақида маълумот берилади. Аланқувонинг уч ўғли бор эди. “Аввалғининг оти Букун Қатаған. Барча қатаған эли анинг насли турурлар. Иккинчисининг оти Бусқун Чалчи. Чалчут эли анинг насли турур. Учланчисининг оти Буданжир Мунқақ. Ани хон кўтардилар. Чингизхон ва мўғулнинг кўп уруқлари анинг насли турур. Бу уч ўғлондин бўлған элларга барчасина Нирун дерлар... Нечук ким мўғулнинг зўъмина (ҳомила) нурдин бўлди дей турурлар” (“Шажарайи турк”, 45-бет). Асардаги маълумотлар тарихий-бадиий наср намуналарида кўп учрайдиган “Аланқуво” образини чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Маълумки, Абулғози “Шажарайи турк”ни ёзишда кўплаб тарихий китоблардан (18та тарихий манбадан – А.М.) фойдаланган. Абулғози келтирган Аланқуво ҳикояти яна қайси асарларда учрайди?

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бу мавзудаги ҳикоялар Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих”[1], Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”[2], муаллифи номаълум “Таворихи гузида” – “Нусратнома”[3], Ҳофиз Бухорийнинг “Абдулланома”[4] асарларида учрайди. Рашидиддиннинг ёзишича[5], Аланқуво оқила аёл бўлиб, Қуралас қабиласидан бўлган. Барча мўғул қабилалари Дубунбаён ва унинг хотини Аланқуводан тарқаган. Баъзи манбаларга кўра, Аланқуво Хурилартой мерганнинг қизи бўлган. Абулғози маълумотига асослансак, мўғул хони Юлдузхоннинг набираси бўлган.

“Таворихи гузида” – “Нусратнома” асарида ҳам Аланқуво ҳақида қисса мавжуд. Бу қиссада Аланқуво қуралардан чиққан бева аёл эканлиги, афсонага кўра у ёруғ нур туфайли фарзанд кўрганлиги, уч ўғли борлиги ва уларнинг авлоди Нурунлар деб аталиши ҳақида маълумотлар берилган. Академик Азиз Қаюмов “Таворихи гузида” – “Нусратнома” асарини тадқиқ этиб, ўзбек халқи тарихига алоқадор бўлган ҳикоялар борлигини таъкидлайди. Жумладан, Ўғузхон ва Аланқуво тўғрисидаги бадиий лавҳаларни таҳлил этади[6].

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарида ҳам “Аланқувонинг ажойиб-ғаройиб ҳикояти” бор. Анъанага кўра, Ҳофиз Бухорий “Абдулланома” асарини умумтарихга оид Нуҳ ҳикояси, Ёфас ва Ўғузхон ҳикоялари билан бошлаган. Шулар қаторида Аланқувога оид ҳикояни ҳам баён этади. Ҳофиз Бухорий “Абдулланома”да

[1] Қаранг: Фазлуллах Рашид-ад-дин. Джами-ат-таварих. Нагыл Еви. Баку: 2011. –540 с.

[2] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон. 1994. – 352 б. (Бўрибой Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида).

[3] “Таворихи гузида” – “Нусратнома.” Азиз Қаюмов. Асарлар. 6-жилд. – Т.: Mumtoz so‘z. 2010. – Б. 102–114.

[4] Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. – Т.: Фан. 1999. – 413 б.

[5] Қаранг: Фазлуллах Рашид-ад-дин. Джами-ат-таварих. Нагыл Еви. – Баку: 2011. – 540 с.

[6] Қаранг: Азиз Қаюмов. Асарлар. 6-жилд. – Т.: Mumtoz so‘z. 2010. – Б. 102–114.

Аланқуво ҳақидаги ҳикоятни бадиий-ижодий ишлайди ва бир неча тарих китоблари асосида турли маълумотларни келтиради. Гўзал ташбеҳ ва бадиий лавҳаларда муаллифнинг ҳикоянавислик маҳорати кўзга ташланиб туради. Асарда даставвал, уруғ ва қавмларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ҳақида гапирилиб, “Иккинчи фирқа – Қиёндан тарқалган қавмлар тўғрисида бўлиб, уларни Нирунлар деб атайдилар”, деб, Аланқуво тўғрисидаги фикрларини баён қилади:

“Улар Аланқувонинг эри Дибун Боён вафот қилгандан кейин отасиз туғилган уч ўғлининг фарзандлари ва наслидандирлар. Мўғулларнинг фикрича, улар вужудининг моддаси нур бўлиб, (Аланқуво) у (нур)дан ҳомиладор бўлган. Чунончи, (Биби) Марям ҳазратлари (ҳам) эрсиз ҳазрат Исо алайҳиссаломга (унга Тангрининг раҳмати бўлсин) ҳомиладор бўлган ва у кишини Нирун, яъни мустаҳкам деб атайдилар ва (Нирун) тозалиқ, мустаҳкамликка ишоратдир. Бу қавмлар уч қисмдан иборатдир. Нируннинг биринчи қисми Аланқуво наслидан бўлиб, то Кобулхоннинг олтинчи уруғигача бўлган қисмдир. Улар ўн олти қабиладирлар...” (“Абдулланома”, 47-бет). Шундан сўнг Ҳофиз Таниш Бухорий Аланқувонинг олтинчи авлоди бўлган Кобулхон наслининг уч тармоғи ҳақида маълумот беради. Бу иккинчи қисм бўлиб, Нирун ва Қиёт тоифалари деб номланади. “Учинчи қисм: Нирун Қиён бурчқин. “Бурчқин” деб, шаҳло кўзни айтадилар. Бу қавм Чингизхон тармоғининг боши бўлиб, унинг исми Есуго баҳодирдир” (“Абдулланома”, 47-бет). Ҳофиз Бухорийнинг ёзишича, Аланқуво ва унинг насабини келтиришдан асосий мақсади – Аланқувонинг қайси тармоққа уланиши ва унинг насаби мўғул қавмларига қандай тарзда боғланишини маълум қилиш бўлган. Қолаверса, Чингизхон ва унинг авлоди силсиласини ҳамда “ғиёсуддавла ва-л-хулофот” (яъни давлат ва ҳалифаликнинг фарёдига етувчи) Абдуллахоннинг насл-насабини баён этиш эди. Асарда “Аланқуво достони ва унинг фарзандларидан тарқалган тармоқлар” номли сарлавҳа остидаги Аланқуво қиссаси муаллиф томонидан ниҳоятда қизиқарли, бадиий-эстетик ифодаларда бериб ўтилади: “Аланқуво достони қиссаларнинг ажойиблари ва хабарларнинг ғаройибларидандир. Агар киши шундай воқеа ва ҳикояларга диққат билан, теран қараса, худди шунга ўхшаш ҳикоятлар тарихда бўлганлиги ақл (ҳақиқат)дан йироқ эмас. Кузатиб турувчи, Яратувчи (Тангри) бирор нарсани хоҳласа, унинг иши бўлсин деса, сўзсиз амалга ошади. Шулардан бири Одам алайҳиссалом каби ота ва онасиз ўғилни кашф қилишдир”. Шундан сўнг муаллиф “Қуръон” оятларидан келтириб, “Тангри истаган нарсани қилади”, дея, Исо алайҳин-набийино ва алайҳиссаломни инсон қўли тегмасдан бунёд қилганини таъкидлайди. Тангрининг иродаси билан икки элчи пайғамбар (Одам Алайҳиссалом ва Исо алайҳиссалом) ота-онасиз ва иккинчиси отасиз яратилган.

Инсоннинг отасиз дунёга келишида бир ҳикмат бор. Ҳукамоларнинг айтишларича, “муаддилуннаҳор доираси мунтақат I ул-буруж доирасига тўғри келса ва бу тўғри келиш бир унсурга мансуб мусалласага тушиб, у унсур ғолиб ва қолган унсурлар мағлуб бўлсалар, бу тўғри келиш вақтида туғилишлар мумкин эмас, экан. Тарихларнинг сатрлари хабар беришича, Шарқ мамлакатларининг энг четида бир орол бўлиб, унда фақат хотин (аёллар) яшар экан. Уларнинг ҳомиладор бўлишларига сабаб бўладиган нарса фақат ўша оролнинг суви экан. Чунки, барча хотинлар ўша оролнинг сувига тушадилар. Шу унсурда (мавжуд) бўлган хосият билан уларнинг зотлари ва нафсларида кучли шаҳват ғолиб бўлади. Эркак нутфаси бунга қўшилмаганидан ҳамма фарзандлари қиз бўлади. Бу маънини тақиқловчи ва даъвони тасдиқловчи Аланқувонинг ажиб ҳодисаси ва ғариб воқеасининг пайдо бўлишидир. Мўғуллар даъвосига тўғри, бўлиш-бўлмаслиги масъулияти эса ривоят қилувчининг зиммасида. Унинг пок қорнида, жуфт бўлмасдан уч нафар бахтли фарзанд вужудга келган. Бу воқеа ажойиб ва ғаройиб ҳикоялардандир” (“Абдулланома”, 48-бет).

Ҳофиз Бухорий Аланқувони ўзига хос тасвирлайди. “У ҳусн ва гўзаллик осмонида бир ой эдики, жаҳонни ёритувчи офтоб унинг юзининг шами равшанлигидан нур оларди; латофат ва маҳбублик чаманида озод сарв унинг санубархиром қоматига банда бўларди; оғзининг ғоятда танглигидан ҳеч қандай нозик маъноли сўз мўй учига ҳам нишон беролмас эди ва (унинг) бели шу қадар ингичка эдики, ҳар қандай қилни қоқ ёрадиган дақиқшунос киши ҳам унинг (боисини) ечолмас эди” (“Абдулланома”, 48-бет). Мумтоз ташбеҳларга бой тасвир, Аланқуво портретини ўқувчи кўз ўнгида намоён қилади. Муаллиф Аланқувонинг ташқи кўринишини муболаға санъати орқали таъриф ва тавсиф қилади.

Мазкур ҳикоят Абулғозидан фарқли уларок Ҳофиз Танишнинг ўзига хос бадиий услуби, насрий ва назмий ифодаларида тасвирланади. Икки асардаги ҳикояни қиёслаганда, мазмун-моҳиятида жиддий фарқлар кузатилмайди. Ҳофиз Таниш ўз ҳикоясида Аланқувонинг уч ўғли ҳам илоҳий нурдан пайдо бўлганлигини айтади. Абулғози эса Аланқувонинг фақат учинчи ўғли илоҳий нурдан туғилганини таъкидлайди. Шундай қилиб, “Абдулланома”да келтирилган Аланқуво ҳақидаги воқеалар бадиий услуб жиҳатидан бошқа ҳикоятлардан ажралиб туради. Тарихий воқеликнинг ижодкор томонидан бадиий талқин этилиши, мазмуннинг пишиқлиги, эстетик таъсирчанлиги ўқувчини зериктирмайди. Айниқса, қиссадаги Аланқувонинг ташқи кўриниши (портрети) тасвирланган лавҳалар мумтоз бадиий сўз сеҳрининг ғоятда нафислигини ифодалаб турибди. Нафис ўхшатиш ва сифатлашлар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ўзига хос бадиий маҳоратини кўрсатади. Қисса ихчам бўлишига қарамай, муаллиф ҳикоя тафсилоти жараёнида ҳукамолар (олимлар) фикрларини, ўрни келганда, мазкур ҳикоятга ўхшаш воқеаларни келтириш билан Аланқуво қиссасининг ҳақиқатга яқин томонларини кўрсатишга эришади. Ҳофиз Таниш Бухорий гарчи тарихий мавзудаги асар ёзишни мақсад қилса-да, бетакрор бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланиб, асарининг бадиий қимматини янада оширади.

“Ўғузнома” асарининг Насимхон Раҳмон томонидан таржима қилинган журнал вариантида[7] Ўғузхон ҳақидаги ҳикоятларда илоҳий нур (кўк нур) билан боғлиқ иккита воқеа баёни борлигини аниқланди. Ҳикояларнинг биринчиси Ўғузхон ҳақидадир. “Кунлардан бир кун Ўғуз хоқон бир ерда Тангрига ёлворар эди. Қоронғи тушди. Кўкдан бир кўк нур тушди. Қуёшдан ёруғ, ойдан ёркинроқ эди. Ўғуз хоқон у томонга юрди, кўрдики, ўша нурнинг орасида бир қиз бор эди. Унинг бошида оташга ўхшаш ёруғ бир холи бор эди, худди Олтин қозиқ юлдузига ўхшар эди. У қиз шундай чиройли эдики, кулса, кўм-кўк осмон кулади, йиғласа, кўм-кўк осмон йиғлайди. Ўғуз хоқон уни кўриб ўзидан кетди, севиб қолди, олди, у билан ётди, тилагини қондирди...” (“Ўғузнома”, 168-бет). Мана шу ҳикояни ўқиб, Аланқуво афсонасининг тарихий илдизлари узоқ даврларга бориб тақалишини англаш қийин эмас. “Ўғузнома” асаридаги *“кўк нур” ва “кўк бўри”* тўғрисидаги тарихий воқеаларнинг бадиий тасвир илдизи жуда чуқур бўлиб, мўғулларнинг афсонавий аждодига бориб тақалиши айни ҳақиқатдир.

Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамова таржима қилган Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий”[8] асарида ҳам Аланқуво воқеаси мавжуд. Мазкур асар Туғлуқ Темурхонга бағишланиб, унда кўплаб тарихий-бадиий ҳикоялар ўрин эгаллайди. Муаллиф асарнинг биринчи фаслида Туғлуқ Темурхоннинг шажарасини келтириб, Аланқувога бориб тақалишини айтади. Жумладан, асарда шундай ёзилади: “Туғлуқ Темурхон Эсан Бўғахоннинг ўғлидир. Мана Эсан Бўғахоннинг шажараси, Эсан Бўғахон ибн Дувожихон ибн Бароқхон ибн Қаро Ису ибн Мотукан ибн Чиғатой ибн Чингизхон ибн Ясукой ибн Биртон ибн Кобил ибн Тумана ибн Бойсунғар ибн Қайду ибн Думанин

[7] Ўғизнома. Насимхон Раҳмон таржимаси. // Шарқ юлдузи. 1989. №-4. – Б. 167.

[8] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Шарқ. 2007.

ибн Буқо ибн Бузанжирхон, у Аланқуво Кўрклукхоннинг ўғли эди. Аланқуво жуда пок аёл бўлган. У ҳақда "Зафарнома"да шундай ҳикоя қилинади: "Туйнукдан унинг уйига бир ёруғлик нури тушди ва у нур Аланқувонинг оғзига кирди, шундан сўнг у ўзининг ҳомиладор эканлигини сезди, бу худди Жаброил алайҳиссаломнинг нафасидан Имроннинг қизи Марямда эркак дахлисиз ҳомила пайдо бўлганига ўхшайди".

Фард:

Марям қиссасини эшитсанг тилдан,
Аланқуво ҳолин англайсан дилдан.

Ушбу китобнинг бу ҳикоялардан мақсади шуки, Бузанжирхон онадан отасиз туғилди. Онаси Аланқуво Кўрклукка келсак, унинг номи барча тарихий битикларда қайд этилган ва у Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Ёфас (уларнинг руҳлари шод бўлсин) га бориб тақалади. Аланқуво Кўрклукнинг боболарининг ҳар бири тарихларда зикр этилган, улар ҳақида ҳикоямиз чўзилиб кетмаслиги учун бу ерда тўхтаб ўтирмаймиз"[9], деб ёзади муаллиф. Ҳайдар Мирзонинг Аланқуво тўғрисидаги маълумотлари қисқа ва ихчам тарзда берилган. Муаллиф Аланқуво ҳикоясининг асосий сюжет нуқтасини "Зафарнома"даги маълумот билан тўлдиради. Икки мисрали фард келтиради. Аланқуво ҳикоясининг Марям қиссасига ўхшашлигини, барча манбаларда бу ҳақида қайд қилинганини айтиб ўтган.

Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарининг иккинчи бобида турк-мўғул халқларининг афсонавий онаси Аланқуво ва ундан тарқалган авлод, яъни подшоҳлар (Бузунжор қоон, Буқохон, Дутуминхон, Қобулхон, Бойсунғурхон, Бортон баҳодир, Ясугай баҳодир) тарихи баёнини ўз ичига олган. Бу бобда ҳам илм-фан учун муҳим маълумотлар учрайди. Турк-мўғул қавмларининг биргаликда, аралашиб яшаб келгани Турк диёри ва унинг бошқа қавмлари орасида тутган мавқеи ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир (қаранг: "Тўрт улус тарихи", 61–67-бетлар).

"Тўрт улус тарихи" асарида Аланқуво ҳақидаги воқеалар яхлит мукаммал қисса жанрига хос хусусиятларни ўзида мужассам этади. Бузанжархон зикрида, унинг насл-насаби ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилади. "Зикр"да келтирилган маълумот, ахборот ва хабарлар муаллиф томонидан бадиий тасвир воситалари орқали ифода этилади. Бузанжархон Аланқувонинг ўғлидир. Аланқуво Чуйманахон ибн Юлдузхоннинг қизидир. Курлос эли ва Қиёт қавмидан. Юлдузхондан икки ўғил қолди. Булар Уйманахон ва Чуйманахон. Уйманахондан Дибун Баён, Чуйманахондан Аланқуво исмли фарзандлар туғилди. Мирзо Улуғбек шу ўринда Аланқувонинг таърифини келтиради: "Чуйманахондан бир қиз адам мулкудан қадам юзига етишдики, ҳусни ҳасани камоли аҳсаниятига, ҳусн аҳсанга ҳавохоҳ чеҳраларига ва рухсори партавидан офтоб нурёб ой монанд ва у чеҳраларига ва рухсори партавидан офтоб нурёб ой монанд ва у ҳам хуршид ичидаги билан, осмон манзари тизи Аланқувога", ("Тўрт улус тарихи", 61–62- бет.) деб, назм келтиради.

Назм мазмуни шундай: "Аланқуво ҳусни бехтарлигини у замон Парвинию Ойи кўрмаган. Келиб чиқиши Қурлос қавмидан, чеҳраси ойдек, турар жойи баландда. Гўзаллиги шу даражада эдики, кўрганлар ҳайрат бармоғини тишларди. Лаблари сўзга келганда сўзлаётган жонга, юзи сафоликда кўз ўнгингиздаги руҳга айланарди. Икки ҳиндуси бир-бирига ноошно, икки чашми фитна, сеҳру уйқуга тўла. Гули сунбулдан тароват олган. Сумбули гулдан зийнат топган. Юзини кўрган ҳар киши, илоҳий вужуд деярди уни. Қомати олдида сарв қотиб қоларди. Исмат (покизалик, бокиралик)да дунё навбаҳор айёмидаги ғунча рангига ўхшарди. Бошлиқлар Аланқуво оёғи тупроғи бўлардилар. Ундан илҳом олиб наво қилардилар. Етти осмоннинг яратувчиси Тангри тақдири Аланқувони Дибун Баённинг жуфти ҳалоли этди. Чуймана гулшанидаги гул

[9] Тарихи Рашидий. В.Раҳмонов, Я.Эгамова. Шарқ зиёкори. – Т.: 2007. – Б. 12.

эди, Уймана жўжаси унинг булбули бўлди” (“Тўрт улус тарихи”, 62-бет). Мазкур таърифу тавсифлардан англаш мумкинки, Аланқуво мадҳ этилган бу назм ғазал жанрига хосдир. Мумтоз поэтик хусусиятларни ўзида жамлаган ғазалда Аланқувонинг ташқи қиёфаси маҳорат билан чизилади. Мирзо Улуғбек томонидан Аланқувонинг адабий портрети яратилади. Халқ оғзаки ижодига хос айтимлар ва мумтоз лирик ўхшатишларга уйғун тасвирланган охирги байтда унинг Дуюн Баёнга турмушга чиққанлиги таъкидланади. Аланқуво гулшандаги *гул*га, Дуюн Баён эса боғдаги *булбул*га қиёсланади. Бу ўринда Мирзо Улуғбек халқона ўхшатишларни шеър мазмунига сингдириб юборади.

Муаррих Аланқувонинг таърифини насрий усулда баён этиб, ёши ўн тўртга етганда, ўн тўрт кунлик ой мисоли ҳусну жамолга эга бўлганини таърифлайди. Гули сурий варақлари барглари унинг покиза юзидан сув ичиши юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган ва бир байт келтирилган:

Байт мазмуни: Сардорлар боши унинг висоли ҳавосининг барбоди, Шаҳриёрлар думоғ пардаси унинг хаёли нақшидан тўла (мусаввар) (“Тўрт улус тарихи”, 62-бет).

Кўринадики, Аланқуво ҳақидаги воқеалар ақду ҳалл санъати орқали ифода этилган. Наср ва назмдаги бадиий сифатлашлар эмоционалликни ошириш баробарида, тарихий воқеаларнинг реал жиҳатларини таъкидлайди. Аланқуво Дибун Баёндан икки ўғил кўради. Бирининг исми – Билкадо, иккинчисининг исми – Билжадо. Никоҳидан уч йил ўтгандан кейин Дибун Баён вафот этади. Аланқуво сийба (бева – М.А.) қолади. Тунлари ёлғизликдан ҳижрон чекиб, ўт-оташ бўлиб ёнади. Ва шу тарзда анъанавий нур билан боғлиқ воқеа тасвири баён этилади. Бошқа тарихий асарлардан фарқли жиҳати шуки, мазкур воқеада нурли мусаввир йигит бедана суратида кириб, туйнукдан эмас, хона эшигидан чиқиб кетади (қаранг: “Тўрт улус тарихи”, 63-бет).

Таҳлилга тортилган манбаларда Аланқувонинг хиргоҳида кузатиб турган одамлар ёруғ нурга тиғ билан ҳужум қилганлиги айтилмайди. “Тўрт улус тарихи” асарида одамлар бу нурга тиғ билан ҳужум қилганларида ўзлари зарар топганлиги, ёруғ нур эса *бедана суратида* қочиб кетгани айтилади. Аланқувонинг ҳомиласи муддати етгач, уч эгизак ўғиллар дунёга келган. Биринчи ўғилга Бурқун, иккинчи ўғилга Бусунғур, учинсига Бузанжар деб ном бердилар. Дейдиларки, бу уч авлоднинг туғилиши ҳижратдан кейинги 115-санада эди. Аланқуводан тарқаган бу авлодни нуроний пуштидан туғилгани учун “Найирун” деб атадилар.

Арухан Утамбетованинг таъкидлашича[10], Бердақнинг “Шажара” асари ва Абулғозининг “Шажарайи турк” асарларида умумий ўхшашликлар мавжуд. “Абулғози “Шажара”сининг Бердақ асарига таъсирини кўпгина мотивларнинг айнан ўхшашлигида кўриш мумкин. Ҳар иккала шажарада ҳам илоҳий нурдан ҳомила орттириш мотиви учрайди. Мўғулларнинг “Яширин шажара” китоби ва Абулғозида Чингизхоннинг онаси Аланқу[11] тақдири билан Бердақ “Шажара”сидаги Чингизхоннинг онаси Алмали Қориқли тақдирларидаги мотивлар бир хил”[12].

Ўзбек миллатининг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Шулардан бири “Аланқуво” ҳақидаги ривоят билан боғланади. Аланқуво эри ўлгандан кейин унинг ўрнига подшоҳ бўлади. Унинг хонасига туйнугидан нур ёруғлик шаклидаги оқ юзли, бодом қовоқ, қисиқ кўзли бўлган бир одам келиб у билан қовушади ва Аланқуво

[10] Утамбетова Арухан Жамғырбаевна. Бердақнинг “Шажара” достонида фольклористик ва реалистик тасвирлаш усулларининг қўлланиш хусусиятлари. Ф.ф.н. дисс. автореф. – Нукус: 2011. – Б. 14.

[11] Абулғози “Шажарайи турк”да Чингизхоннинг онасини отини Ўлун деб келтиради. (“Шажарайи турк”, 49-бет).

[12] Ҳамидий Х. Шығыс тиллеринде жазба дәреклер ҳәм XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары. – Нөкис: Билим, 1991. – Б.73.

ҳомиладор бўлади. Аланқуво милодий 718 йилда “Нур одам”дан уч ўғил кўради (баъзи китобларда учинчи ўғлини туғади дейилса, баъзиларида уч ўғил кўради, дейилади. Учинчи ўғли Буданжир Мунқақ тахтга ўтиради. Унинг бешинчи авлоди – Туманахон (Тумнахон – “Шажарайи турк”да шундай ёзилган). Туманахон Чингизхоннинг тўртинчи бобоси, Амир Темурнинг эса тўққизинчи бобосидир.

Амир Темур мақбараси ҳақидаги мақолада[13] Темур қабри ва унга қўйилган қабр тоши ҳақида айтиб ўтилган. Айтишларича, Улуғбек 1425 йилда мўғулларга қарши жангда Хитойдан иккита нефрит тоши олиб келган. Тош ниҳоятда оғир ва қимматбаҳо бўлган. Нефрит тошини илоҳий қудратга эга деб, таъкидлашади. 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро хонлигини босиб олади ва хонлик таркибида бўлган Самарқанддан Темурнинг қабр тоши (яъни нефрит)ни Машҳадга олиб кетади. Эрондаги муқаддас биноларни таъмирлашда фойдаланмоқчи бўлади. Нодиршоҳ саройидаги тарихчиларнинг ёзишича, Нодиршоҳнинг тушига Амир Темурнинг пири Сайид Барака кириб, тошни ўз жойига қайтаришини айтади. Бундан қўрққан Нодиршоҳ нефрит тошини Самарқандга қайтаришга ҳукм беради. Олиб келинаётган пайтда дарёга тушиб кетади ва иккига бўлинади. Бироқ Самарқандга келгач, уни усталар маҳорат билан аввалги ҳолатига қайтаради. Шундан сўнг 1941 йил июнь ойида Михаил Герасимов бошчилигидаги махсус комиссия томонидан Амир Темур қабри яна очилади.

Амир Темурнинг қабр тоши устида Темур генеологияси, Чингизхон генеологиясидан Бузанжир (Аланқувонинг ўғли)гача ва унинг ёруғлик нуридан қандай ҳомиладор бўлгани тўғрисидаги ҳикоя ҳамда Амир Темур вафот этган сана ёзилганлиги ҳақида маълумот берилган. Мақоладан кўчирма келтирамиз: “Это гробница великого султана, милостивого хакана Амира Темура Курагана, сына эмира Тарагая, сына эмира Баркала, сына эмира Илонгира, сына эмира Ийджала, сына Карачар нойона, сына эмира Суку Сичана, сына эмира Ирумчи барласа, сына эмира Качули, сына Туманай-хана. Это девятое поколение. Чингизхан происходит из того же рода, от которого происходят предки достохвального султана, погребённого в этой священной и прекрасной гробнице. Хакан Чингиз – сын эмира Есугай бахадура, сына эмира Бартан бахадура, сына Кабул-хана, сына упомянутого Туманай-хана, сына эмира Байсункара, сына Хайду-хана, сына эмира Дутама, сына эмира Буки, сына эмира Бузанджира. Кто желает знать дальше, да будет тому известно: мать последнего звали Аланкува, которая отличалась честностью и своей безукоризненной правдивостью. Она однажды понесла от луча света, который явился к ней в отверстие жилища и приняв образ человека, объявил, что он потомок повелителя правоверных Али, сына Абу Талиба. Это показание, данное ею, принято за истину. Достохвальные потомки её будут владеть миром веками”[14].

Истаган одам билсинки, сўнгги (амирнинг) онасини Аланқуво дер эдилар. Бу аёл номусли, соф, ҳақгўйлиги билан ажралиб турар эди. Бир тунда уйнинг тешиги орқали кириб, сўнг одам шаклига кирган ёруғ шуъладан фарзандли бўлди. У ўзини Абу Талиб ўғли Али деб таништирган эди. У айтган гапни чин ҳақиқат деб билганлар. Аланқувонинг мақтовга сазовор авлоди асрлар давомида дунёни эгаллаганлар.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Аланқуво ҳақидаги ҳикоят мавжуд. Бироқ Муҳаммад Али “Зафарнома”нинг форсча матнидаги турк-мўғул халқларининг келиб чиқиши ҳақидаги 82 варақ муқаддимани тушириб қолдиргани учун бу ҳикоят билан танишиш имкони бўлмади. Низомиддин Шомий қаламига мансуб “Зафарнома” асарида ҳам шу ҳолат кузатилади[15].

[13] Мавзолей Гур-и Эмир. http://e-samarkand.narod.ru/Guri-i-Emir.htm

[14] Мавзолей Гур-и Эмир. http://e-samarkand.narod.ru/Guri-i-Emir.htm

[15] Қаранг: Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ. 1997. – 384 б. // Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – 527 б.

Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанати тарихини ёзишни мақсад қилган. Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Ҳусайн Бойқаро тарихига бағишлаб, “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар сараси”) асарини ёзишни ният қилганини айтади[16]. Академик Азиз Қаюмовнинг таъкидлашича, Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” асарлари “Зубдат ут-таворих” асарининг бошланғич қисмлари бўлиши мумкин[17]. Бу қарашдан келиб чиқадиган бўлсак, Навоийнинг “Зубдат ут-таворих” Ҳусайн Бойқаро тарихига бағишланган асари анъанавий тарихнавислик қоидаларига амал қилинган ҳолда яратилганлигини тасаввур этиш қийин эмас. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари Одам алайҳиссаломдан бошланиб, пайғамбар (анбиё)лар ҳақида ва ҳакимлар тўғрисида маълумот беради. “Тарихи мулуки Ажам”да Эрон подшоҳларининг тўрт табоқоти (Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар) ҳақида тарихий маълумотлар келтирилади. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари анъанага мувофиқ Одам Атодан бошланган. Навоийнинг тарихий мавзуда ёзилган “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам”[18] асарларида Аланқуво ҳикоятини учратмадик. Қизиқ, ўнлаб подшоҳлар ва сулолалар тарихи битилган тарихий китобларда баён этилган Аланқуво ҳақидаги ҳикоят, наҳотки, Навоий асарларида учрамаса? Балки, “Зубдат ут-таворих” асарининг тугалланмай қолган қисмларида Навоий бу ҳақида ёзгандир?! Бироқ, Навоий “Хамса”сида Аланқуво ҳақидаги маълумотларга дуч келдик. Бу ҳақда Абдуқодир Ҳайитметов ҳам “Навоий ва Аланқуво афсонаси” номли мақоласида махсус тўхталади. “Хамса”нинг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр”да Навоий “Салтанат баҳрининг дурри ноби ва хилофат маъданининг лаъли сероби, офариниш тожиға жавҳари зоти зеб ила зайн муиззус-салтанати вад-дунё вад-дин Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳаллада мулкаҳу ва султонаҳу мидҳати кўсин ўрмақ ва бу баҳона била заррани қуёшқа соғиндурмоқ”[19], – сарлавҳаси остида Султон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этади. Жумладан, шундай ёзади:

Шоҳ Султон, Ҳусайн бин Мансур,
Ким бериб нусрати жаҳонға сурур.
Хонлар узра етиб атаси анинг,
Хон бин хон ата атаси анинг.
Ҳам ата хону ҳам анга ана хон,
Йўқ жаҳонда анинг киби яна хон.
Анга Чингиз улуғ ата келган,
Анаси худ[20] Аланқуво келган.
Фаҳр йўқ анга салтанат оти,
Ул бўлуб салтанат мубоҳоти.

(“Сабъаи сайёр” 696-бет)

Навоий Ҳусайн Бойқарони мадҳ этиб, унинг зафарлари бутун оламга хурсандчилик бахш этишини, буюк саховат эгаси эканлигини, унинг отаси ҳам, онаси ҳам хон

[16] Алишер Навоий. Асарлар. XV том. – Т.: – 120 б. Тузувчи: П.Шамсиев, Муҳаррир: С.Ғаниева.

[17] Қаранг: А.Қаюмов. Асарлар. 4-том. – Б. 46.

[18] Алишер Навоий. Асарлар. XIV XV – том. – Т.: Ғ.Ғулом. 1967 – 68. Тузувчи: П.Шамсиев, муҳаррир С.Ғаниева. // Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Sakkizinchi jild. Tarixi anbiyo va hukamo. – T.: 2013. B.704.

[19] Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Yettinchi jild. Xamsa. Sab’ai sayyor.– T.: 2013. B. 696.

[20] “Худ” сўзи форсча. Навоий асарлари луғатида 2 хил маънода қўлланиши тўғрисида маълумот мавжуд. 1. Худ – албатта, ҳақиқатан. 2. Ёлғиз, биргина, каби маъноларни билдиради. Мазкур ўринда ҳақиқатан маъносини ифодалаб келган.

бўлганлигини, ота томондан Чингизхонга, она томондан Аланқувога боғланишини, у салтанат фахри эканлигини чуқур самимият билан таъкидлайди.

Абдуқодир Ҳайитметов мақоласида Алишер Навоийнинг ижодий тараққиётида, хусусан, “Хамса”нинг юзага келишида қадимги туркий адабиётнинг муҳим таъсири борлигини аниқлайди. Абдуқодир Ҳайитметов Навоийнинг қадимги туркий асотир ва ривоятларга муносабати муҳим аҳамиятга эгалигини айтиб, мўғуллар орасида қадимда машҳур бўлган Аланқуво номи билан боғлиқ афсоналарни эслайди. Олим мақола якунида: “Равзат ус-сафо”нинг асл форсча нусхасида “Аланқуво” ўрнида “Қуво” дейилган жойи ҳам бор. “Қуво” хитой мўғул тилларида “гул” деган маънони билдиради”[21], деб таъкидлайди. Ёқутларнинг “Олонхў” номли машҳур ва қаҳрамонлик эпосида “қуво” аффикси қўшилган бир неча аёл персонажларнинг номларини учратиш мумкинлигини айтиб ўтади. “Олонхў” достонининг тадқиқотчиси И.В.Пухов бу асардаги асосий қаҳрамонларнинг кўп ўринда илоҳий пайдо бўлиши ҳақида ёзиб, буни шундай изоҳлайди: “Қаҳрамон ва у мансуб бўлган қабиланинг илоҳий келиб чиқиши, уларнинг башар наслини бошлаб берувчиликдек алоҳида вазифаси билан боғлиқ. Олонхўда келиб чиқиши илоҳий бўлган одамгина ҳақиқий одам саналади. У тақдир томондан хос, “юксак” аъмоллар учун яратилган”. Муаллиф таҳлилларини шундай хулосалайди: “Аланқуво афсонаси ҳақида бизга қимматли маълумот берган “Равзат ус-сафо” асари Навоий раҳбарлигида яратилган... Афсонадаги бош қаҳрамоннинг илоҳий қудрат билан ҳомиладор бўлиши “Олонхў”даги қаҳрамонлар ҳаётини эслатади. “Олонхў” билан “Аланқуво” афсонаси ўртасидаги бошқа ўхшаш аломатлар ҳам кўп. Бундай далиллар Навоийнинг Олтой, Мўғулистон регионларидаги қадим туркий эпослар анъаналарига суянганини, улардан асарларига, хусусан “Хамса” достонларига бадиий ранг ва маънолар олганини кўрсатади”[22].

И.В.Пуховнинг билдирган фикрлари илмий асосга эга. Аланқуво сўзининг этимологиясига назар соладиган бўлсак, “Алан” “Илон” маъносини билдиради. Қадимда “Илон” деганда осмондан тушадиган “нур”га нисбат берилган. Ҳазрат Хизрнинг синонимларидан бири Оқ Илон. Шомирза Турдимовнинг айтишича, Ҳазрати Хизр, қадимги туркий халқлар эпосларида Оқ илон тимсолида ҳам намоён бўлади. Бу масалада Хизрни нур эканлиги тўғри, шу билан бирга Нур осмондан тушишини эътиборга олиб, унинг қиёфасини бошқаларга тушунарлироқ ифода этиш учун бахшилар Оқ илон сўз бирикмасини қўллаганлигини айтиш мумкин. Шунинг учун осмондан тушаётган “узунчоқ нур” шакли ерда юрган “Оқ илон”га ўхшатиб бахшилар томонидан куйланганлиги мантиқан асосли кўринади[23]. Ёқут тилида “Илан” – нурафшон кун маъносини англатган[24]. Кейинчалик “Оқ илон” сўзи “Аглан”, “Алан” “Ал” шаклда қисқаришларга учраган. “Қува” сўзи ҳам нурни билдиради[25]. Демак, Аланқуво сўзининг этимологияси илоҳий ёруғ нур билан боғлиқ тушунчалардан келиб чиққан.

[21] А. Ҳайитметов. Навоий ва Аланқуво афсонаси. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1984 йил 10 февраль сони.

[22] Ўша манба.

[23] Ш.Турдимов. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: 2011. Фан. – Б. 12.

[24] Э.К.Пекарский .Словарьякутскагоязыка .3-том .–Петроград :1917.–С.79.

[25] Қува – Хива сўзлари ҳам аслида нур маъносини ифодалайди.

Алишер Навоий ва Очилди Мурод Мирий



Сирдарёхон ЎТАНОВА

Самарқанд (Каттақўрғон) адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларидан бири, XIX асрда яшаб ўтган лирик шоир, сермаҳсул достоннавис Очилди Мурод Мирий, шубҳасиз, ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Қўлёзма ва тошбосма манбаларга таяниб айтиш мумкинки, шоирнинг ўзбекча-форсча шеърлардан иборат девони ҳамда тўрт йирик ҳажмли достон ёзгани маълум. Шунингдек, у яшаган даврга тегишли турли баёзлардан унинг бир қанча шеърлари ўрин олган. Афсуски, бугунги кунгача унинг аниқланган ва манбаларда мавжуд асарлари табдил қилиниб, китобхонлар қўлига яхлит шаклда етиб борган эмас.

Мирий қаламига оид асарлар билан танишиш шуни кўрсатадики, у ижод жараёнида янги йўллар ахтарган, жанрлар такомили ва образлар яратишда ўзига хосликка интилган, айниқса, назира ва тахмиснависликда тамомила оҳорли шакл ва нафис санъатларни кашф этишга жидду жаҳд кўрсатган қалам соҳибидир. Албатта, шоирнинг муваффақиятлари илк навбатда бадиий ижод қонунларини пухта эгаллаганида, қалбидаги серзавқ шоирлик маҳоратида, анъаналарга ижодий ёндашгани билан алоқадор. Айниқса, унинг “Хамса” ёзишга уриниб, бу йўлда тўрт достон битгани туркий ва Шарқ халқлари адабиёти билан яхши таниш бўлганининг очиқ исботидир.

Очилди Мурод Мирийнинг лирик мероси ўтган аср бошларидаёқ Абдулҳамид Мажидий, Садриддин Айний, Олим Шарафиддинов, М.Маҳмудов, М.Салоҳиддинов, С.Сирожиддинов, Б.Валихўжаев сингари устоз адабиётшунос олимлар томонидан у ёки бу жиҳатдан ўрганилган, М.Маҳмудов ва Г.Холиқуловалар номзодлик иши ёқлаганлар.

Сирдарё ЎТАНОВА *– 1979 йилда туғилган. Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек филология факультетини тамомлаган. Унинг “Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси”, “Шоҳбайтлар”, “Шекспир”, “Ижод иқлими”, “Навоийга қайтиш – 2”, “Уштурнома”, “Сўздаги ўзлик”, “Гулшани роз” каби китоблари, элликка яқин илмий, илмий-оммабоп мақола, битта монографияси чоп этилган.*

Маълумки, 1965 йилда адабиётшунос Муҳаммаджон Маҳмудов томонидан Мирийнинг “Танланган асарлар”и нашрга тайёрланган. [8:312] Биз “Ўзбек адабиёти дурдоналари” юз жилдлигини тайёрлаш лойиҳаси доирасида Мирий девонига қайтадан мурожаат қилдик. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик кўлёзмалар институтидаги №1408 рақамли форс-тожикча ва ўзбекча шеърларидан иборат девонида мавжуд, аммо юқорида кўрсатилган нашрга кирмай қолган жами 43 ғазал, 1 тазмин ғазал, 8 мухаммас, 1 мусаддас, 1 қитъа ва 3 рубоийни аниқлаб, уни жорий алифбога табдил қилдик ҳамда нашрга тайёрладик.

Юқорида таъкидланганидек, Мирий поэзиясининг ўзига хослиги, бадиий баркамоллиги, услубан рангдорлиги қатор омилларга бориб тақалади. Ана шундай муҳим манбалардан бири шоирнинг ҳазрат Алишер Навоийни ўзига маънавий пир ва устоз деб билгани, руҳан ниҳоятда қаттиқ боғлангани, издошликда астойдил бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Аввало, Мирийнинг мутафаккир Алишер Навоий анъаналарини давом эттиришини тўртта асосий жиҳатларда кузатиш мумкин бўлади;

биринчидан, шоир ғазалнавислик доирасида ўзига хос услуб, янгилик қилишга уринган, қофия ва радифларда бевосита эргашган ўринлар талайгина.

иккинчидан, “Хамса”га қўл урди. “Қиссаи Салим Жавҳарий”, “Мажидиддин ва Фахриннисо”, “Рустам ва Суҳроб” ва тожикча “Раъно ва Зебо” достонлари орқали бешлик намунасини яратишга уринган;

учинчидан, Мирий ўз “Соқийнома”си билан бу жанрнинг яна бир ажиб, сероҳанг ва бадиий жиҳатдан пишиқ бир кўринишини ижод қилди;

тўртинчидан, Навоий ғазалларига боғланган назира ва мухаммаслари шоир ижодининг эътиборли қиррасини ташкил этади.

Демак, аввало, Мирий салафларидан, хусусан, ҳазрат Навоий назмидан чексиз илҳом олароқ кўплаб гўзал ғазаллар битган. Масалан, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган “Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа” деб бошланувчи ғазалдаги қофиялар Мирийнинг “Телба бўлмай найлай, ул гул ўзни раъно айласа” сатрлари билан воқеланган ғазалида деярли такрорланади:

Навоийда:

Келтурунг дафъи жунунумға парихон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа [3:26].[1]

Мирийда:

Тари-тарини очиб, ҳар ён тақиб туморлар,
Ҳусн туморин тақиб, кўнглумни шайдо айласа [9:17].[2]

1 Бундан кейинги мисоллар ҳам МАТдан олинганда, китобнинг саҳифаси ва ғазал рақами кўрсатилади. – С.Ў.

2 Бундан кейинги мисоллар ҳам мазкур асардан олинганда, китобнинг саҳифаси ва ғазал рақами кўрсатилади. – С.Ў.

Навоийда:

Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Мирийда:

Эй хирад аҳли, оғиз таънимға очманглар мени,
Ким, пари кўрмиш, ажаб йўқ, ўзни расво айласа.

Кўринадики, ҳар икки ғазалда “тумор”, “парихон”, “муғ”, “харобот”, “қадаҳ”, “жунун” сингари сўзлар мазмунан уйғунлик ҳосил қилган. Гарчи келтирилган лафзлар айнан келмаса-да, жафокор ёрнинг нозу итобларини турли томондан акс эттирган. Улуғ шоир Навоийнинг машҳур матлаъли ғазалига:

Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож,
Ким гадойингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж, – (3–93)

Мирий қуйидаги тарзда жавоб битган:

Эй гадойи даргаҳинг гар бенаводур аҳли тож
Ким, гадойингдур анга йўқ тож истар эҳтиёж. (Ўша китоб, 49-б.)

Мутафаккир Навоийнинг мазкур ғазалида мурожаат қилинаётган объект бир қадар мавҳумроқдек таассурот уйғотгани учун ҳам навоийшунос О.Давлатов унинг “Султон Ҳусайн Бойқаро, севикли маҳбуба ёхуд Аллоҳ таоло эканлигини англаш қийинлигини ёзади”. [5:240–246] Аммо Мирийнинг ғазали билан танишиш лирик қаҳрамон диққати Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га қаратилаётгани ёрқин ифода қилинган. Инчунин, 3–4 байтларда Пайғамбаримизга берилган хос мўъжизалар: “шаққи садр” ҳамда “Меърож” воқеасига очиқ ишоралар англашилади.

Бир ишорат бирла илкинг қилдию аншоқ ал-қамар,
Бир қадам бирла фалак аҳлиға бердинг ибтиҳож.

Жаброил айлаб уруж оқшоми сенга ҳамраҳлиғ,
Зоҳир айлаб ажз қолди пўядин очиб қулоч. (Ўша китоб, 49-б.)

Мирийнинг устозининг ушбу ғазали мавзусини пайғамбарга наът кўринишида давом эттириши шоирнинг муайян асарга ёндашувда ижодий мезонга таянганини кўрсатса, бошқа томондан, Навоий девонидан ўрин олган ҳар бир асар нечоғли серқатлам маъно товланишларига эгалигини яна бир бор таниқлик этади.

Мирий шеърларининг мутолаасида унинг Навоий назмига бениҳоя ошуфта бўлгани, ич-ичдан кўнгилдошлик ҳис қилгани, шунингдек, бадиий маҳорат бобида устозига эргашиш асносида ўз шеърий салоҳиятини янада оширишга интилгани кўзга ташланади:

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил. (3–371)

Навоийнинг мазкур “Қилғил” радифли ғазалига Мирий ниҳоятда ажиб назира боғлаган.

Қаро кўзум, келу кўз мардумида айла ватан,
Кўзумни мардумисен, мардумак сенга маскан. (Ўша асар, 176)

У вазнда муштаракликни сақлаб қолишга ҳамда мазмунан янги асар яратишга эришган.

Навоий ижодида алоҳида ўрин тутувчи жанрлардан бири соқийнома бўлиб, унгача бўлган туркий адабиётда бирор намунаси учрамайди. Шунингдек, мазкур жанрда Навоийда кейин ҳам у қадар кўп соқийномалар битилмагани маълум[3] Мирий қаламига мансуб 3 бандли соқийнома ҳам у ёки бу қадар уйғунлик, бирликни ташкил қилади. Адабиётшунос М.Асадовга кўра, Мирий соқийномаси қофияланиш тарзига кўра, арабча-форсча сўзларнинг ишлатилиш салмоғи, ҳасби ҳол руҳининг устуворлиги ҳамда маъно, оҳанг, тасвир усулига кўра яққол ўхшашлигини таъкидлайди.

Навоий соқийномаси:

Соқиё, бодаи мастона кетур,
Дайрдин бодапарастона кетур.

Мирий соқийномаси:

Кетур, соқиё, майли табъим – шароб,
Хумор этгудек хаста кўнглум хароб.

Кўринадики, Мирий ижодида Навоий анъаналарини давом эттиришга интилиш кучли бўлган, айниқса, соқийномалар тадқиқида бу мақсади бир қадар ҳосил бўлгани равшаналашади.

Боз устига, Навоий сингари “Хамса” ёзишга киришгани унинг эътирофга лойиқ журъатли қалб соҳиби эканлигини кўрсатади. Профессор А.Абдуғафуров Алишер Навоийнинг улкан адабий мероси кейинги беш аср давомида барча туркий халқлар миллий адабиётларининг умумий йўналиши ва тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлгани, уларнинг ривожи ва ғоявий-бадиий камолотига бевосита ва баракали таъсир кўрсатиб келгани ҳақида ёзар экан, “Навоий ижодининг илҳомбахш анъаналари мавзуси ниҳоятда кенг ва сирқирра бўлиб, ҳар бир қалам аҳли фаолиятида ўзига хос кўриниш ва даражаларда юзага чиқадики, бу ҳол аниқ ва далилли таҳлилни талаб қилади” [1:154], дейди. Навоий эпик шеъриятининг Мирий ижодига бевосита ва билвосита таъсирини тадқиқ этиш

3 Ф.ф.доктори М.Асадов соқийномаларга доир монографиясида ушбу жанр Алишер Навоийдан кейин Мажзуб Намангоний, Нодим Намангоний, Табибий, Мирий, Аваз ижодида учрашини қайд этади.

эса устоз адабиётшуноснинг мулоҳазаларини тўла қувватлайди. Зеро, Мирийнинг ўзи "Эй саодат чархининг авжида меҳросо юзинг" деб бошланувчи ғазалининг бешинчи байтида "Хамса" ёзиш орзусини ошкор этиб, шундай ёзганди:

Беш жузвим ахтарурда истадим олти жиҳат,
Назми "Раъно"ни тиларда айладим туғро юзинг.
Беш жузвимга мадад еткурса беш оли або,
"Хамса" услубида беш тарҳ айлайин иншо юзинг. (1380/148)

Мисраларда зикр этилаётган ва умуман, яхлит ғазалда учрайдиган "саодат чархи", "хотиринг аблағ", "тилинг афсаҳ", "сўзинг акмал", "комиллиғ", "беш оли або", олти жиҳат сингари калималардан ҳам англашилиб турибдики, Мирий ўз салафларига эргашган ҳолда "Хамса" ёзишга киришар экан, у орқали Расулуллоҳ с.а.в. руҳи покларига эзгу ҳурматини билдирмоқчи бўлган ҳамда чин мухлис, солиҳ уммат бўлишни тилаган ҳолда ёзишга киришган.

Тўғри, Мирий "Хамса"ни якунига етказа олмаган, бироқ адабиётшунос олимлар В.Абдуллаев ва Б.Валихўжаевларнинг тадқиқотларидан аён бўлишича, "Қиссаи Салим Жавҳарий", "Мажидиддин ва Фахриннисо", "Рустам ва Суҳроб" ва тожикча "Раъно ва Зебо" поэмалари орқали эпик поэзиянинг бадиий маҳорат, кўламдорлик, оригиналлик нуқтаи назаридан салмоқли намуналарини яратишга муваффақ бўлган. [2:132]

Мирий ижодининг характерли хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, унинг мумтоз адабий анъаналар доирасида янгича йўл ахтариб, бир қатор оригинал маънавий мерос қолдириш шарафини қўлга киритганидан хабардор бўламиз. Илк навбатда, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-ҳудо" деб бошланган ғазалига ёзган назираси жуда муҳимдир. Девонда шоирнинг ўзи унга "тазмини Мирий ғазали ҳазрат Навоий" тарзида ном қўйган [8:117 а варақ]. "Мирий тазмин санъатининг деярли учрамайдиган усулидан фойдаланиб, маънавий устози ғазалининг барча байтларига ўз мисралари билан эргашиб боради:

Токи қилмиш масканат майхонаси файз иқтизо, – М.
"Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-ҳудо". – Н.

Бода мавжи қулқули соғарни хуш пайғоми бор, – М.
"Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо". – Н.

"Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам", – Н.
Соғари ваҳдатдин ул зангор орит бергил жило. – М.

Албатта, Навоий ижодида юксак мавқе эгаллаган бундай ғазалга тазмин боғлаш ҳар қандай ижодкордан катта масъулият, баланд иқтидор, нафис дид талаб қилади.

Яна шуни қайд этиш керакки, Очилди Мурод Мирийнинг шу асрдаги замондоши Дилшоди Барно адабий меросида ҳам Навоийни ўзига устоз билиб, унинг айни шу ғазалига издошлик қилишга уриниш кузатилади:

Бу муҳаббат жомидур, деб даҳрдин чиқди нидо,
“Ёр аксин майда кўр” деб жомдин чиқди садо [12:12].

Бундан мулоҳаза қилиш мумкинки, Амирийнинг “Қошунгга тегузмагил қаламни” ғазалига пайров сифатида тахмис боғлаш муайян анъанага айлангани сингари, Навоийнинг тасаввуфий-ирфоний бадииятига кўра мукаммал саналган маълум шеърларидан илҳомланиб, шеър битиш ҳам Мовароуннаҳр ҳудудида ўзига хос ворисийлик кўринишини олган экан.

Мирий лирик меросида мухаммаслар алоҳида ўрин тутади. Унинг қўлёзма ва тошбосма манбалардан ҳозиргача аниқланган тахмислари 29та бўлиб, шундан 16таси Навоий ғазалига боғланган.

XVI асрдан кейинги ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги мухаммаснавислик анъаналари кўздан кечирилиб, хулоса қилинса, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Мирийнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган тахмислари бир жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. У аксарият ўринларда салафининг ҳамд ва наът ғазалларига шеър боғлаш йўлини тутган. Умуман олганда, Мирий қатор ғазал ва достонларида устози, пири Алишер Навоийни кўп маротаба зикр этади.

Ҳазин Мирий наво истар Навоий мисраъидин кўп,
Ул ойни ишқида, ё Раб, мени мундин батар зор эт.

Уларнинг барида шогирдлик эҳтироми, Навоий ҳазратларига нисбатан чуқур ҳурмати, илҳом манбаи эканлиги кўриниб туради.

Мумтоз адабиётимиз намуналари орасида баъзан шундай байтлар, мисралар борки, уларни мутолаа қилган инсон қалби ва руҳиятида ажиб бир ўзгариш, покланиш содир бўлганини ҳис этади. Бу ғазаллар оддий илҳом маҳзаларида эмас, илоҳий илҳом тўлқинларидан туғилган бўлса ажабмас.

Эркин ВОҲИДОВ

Мен учиб кетаман қушга айланиб



Жўрабек
РАМАЗОН

Онамга

Гоҳида жилмайиб эслайди онам:
“Қарийб тўрт ёшгача тилинг чиқмаган.
Бир нима билолмай ҳалак фолбин ҳам,
Дўхтир томоғингга нелар тиқмаган.

Рад қилиб бўларми Худо берганни;
Соқовлигингга ҳам кўникдим охир.
Сен эса гапирган, гапирмаганни
Жимгина кузатиб қўярдинг бир-бир.

Гоҳи томоғимга тиқилиб йиғи,
Гоҳи томоғимни куйдирди нолам.
Худога шукрки, тилларинг чиқди,
Худога шукрки, гапирдинг, болам!”

Аслида ҳали ҳам жимман, соқовман,
Аслида бир сизга керак бўлганман.
На битта даҳрийнинг йўлига ғовман,
На битта мўминга тиргак бўлганман.

Гарчи ҳакамликни қилмадим ҳавас,
Улуғ бир шоирнинг тушлари чиндир:
Аслида айби бор айбдор эмас,
Аслида айбдор томошабиндир!

Жўрабек РАМАЗОН *– (1983 – 2014). Унинг “Тавалло”, “Бугун”, “Юр, қочиб кетамиз”, “Умр”, “Мен шу ёмон қизни яхши кўраман” номли шеърий тўпламлари ва “Шайтондара” номли мистик ҳикоялар тўплами чоп қилинган.*

Жим турдим қўл чўзсам етса-да қўлим,
Жим турдим ўрнимга ўлганида ор...
Бир куни сўнгги бор чиқади тилим,
Онажон, яна бир гапиришим бор!

Барча мени эсдан чиқарган бир кун
Ичимдан инади интиққан исён.
Ахир, бу дунёда жим яшаш мумкин,
Ахир, бу дунёдан жим кетиш ёмон!

Уруш

Қўшнимиз бор эди – бардамгина чол,
Фақат бир қулоғин милтиқ чўқиган.
Қизиқиб, урушдан берамиз савол,
Дейди: “Ўлмаганман танклар ўқидан.

Қўлтиқтаёққа ҳам суянганим йўқ,
Ҳув ана, милтиғим айвон қошида.
Ҳозир ҳам шу Ватан учун жанг қилмоқ
Лозим бўлса, боргум сафнинг бошида!”

Тўғри, мен урушни кўрган эмасман,
Хийла эшитганман чолдан ҳар қалай.
Аммо оловланган юрагим билан
Ҳаёт майдонига кирибман билмай.

Кўрдим – курашларга ярамайди бир,
Лекин кўкрагини кергани-керган.
Англадим: бундайлар ортидан кимдир
Телефон гўшагин кўтариб турган.

Баъзида мендан юз бурганда омад,
Шунчаки дард билан чўкканда кўксим,
Аямасдан сочар турли маломат
Қандайдир “…вич”ларга ишонган дўстим.

Кўрдим – фалончининг эрка боласи
Имтиҳон маҳали сурганмиш “танка”.
Пистончи мансабнинг зиналаридан
Суяниб чиққанмиш қўлтиқтаёққа.

Майдонга қуролсиз, ўқсиз кирганман,
Фақат юрагимни бўядим оққа.
Танкларнинг зарбидан ҳануз омонман,
Суянганим ҳам йўқ қўлтиқтаёққа!

* * *

Кетдим…
Соғинсангиз, стол устида
Шеърларим ёзилган дафтар туради.
Қайтсангиз, варақлаб кўринг оҳиста,
Сатрлар сиз билан суҳбат қуради.

Истасангиз отинг уни оловга,
Гулхан мавжларидан боқиб турар кўз…
Мен раво кўрмадим бошқа бировга,
Бор шеърим “СЕВАМАН” деган битта сўз.

* * *

Сен бир ғалатисан, сен бир турфасан,
Сен менга тескари яшайсан нечун:
Юр десам, ўрнингдан жилмай турасан,
Кел десам, индамай кетасан беун.

Кўксим аламлардан парчаланган кун
Мен тайёр эмасман бундай урушга.
Сен менга тескари яшайсан нечун,
Қўрқаяпман “ташлаб кетма” дейишга...

Севги

Севги – оёғимга сиғмаган ковуш,
Ҳаёт ўзи менга нолойиқ йўнган.
Юрак – озодликни орзу қилган қуш,
Қисмати қанотин қайириб қўйган.

Яшаш қийин экан доим пиёда,
Товонларим вужуд юкидан толди.
Ҳар балони кўриб бўлдим дунёда,
Фақат оёқяланг юришим қолди.

Ёмон қиз

Қорайиб йўқолар шафақнинг юзи,
Туннинг қучоғида бедор юраман.
Бир қиз бор – дунёнинг энг ёмон қизи,
Мен шу ёмон қизни яхши кўраман.

Ёнига бораман, юриб бораман,
Дунёни чеккага суриб бораман,
Ёмонлигин билиб туриб бораман,
Мен шу ёмон қизни яхши кўраман.

Ўзи ҳам қаршимда қотади ҳар кун,
Мендан кечиб, менга қайтади ҳар кун,
Ҳатто ёмонлигин айтади ҳар кун,
Мен шу ёмон қизни яхши кўраман.

Эртага биз айри кетамиз, дейди,
Сўнг эрта бўлмаса нетамиз, дейди,
Бугуннинг тугашин кутамиз, дейди,
Мен шу ёмон қизни яхши кўраман.

Овоза қилай деб бахшилар билсин,
Тиш-тирноғи билан қаршилар билсин,
Менга нима, ҳамма яхшилар билсин,
Мен шу ёмон қизни яхши кўраман.

* * *

Мен эртадан кутаман нажот,
Мен бугуннинг жабрдийдаси.
Иккимизни қийнади ҳаёт,
Узрнинг ҳам йўқдир фойдаси.

Мен эртадан умид қиламан,
Сиз эртага аниқ келасиз.
Сиз ҳаммадан яхши, биламан,
Мен ҳаммадан ёмон, биласиз.

Ўртанаман, юрагим хира,
Нима қилай соғинган бўлсам?
Оғринмасми кўнглингиз сира,
Эртагача бехосдан ўлсам.

Билмам қанча асрлар керак
Яна бир бор қуёш чиққунча.
Кўргилигин қўймайди фалак
Биримизни ерга тиққунча.

Мен ўлимдан қўрқмайман, ахир
Ҳар қадамим таҳлика, уруш.
Бироқ мингта ўлимдан оғир
Сизни бошқа бировга бериш.

* * *

Метро.
Қолдик ернинг остида,
Йиғлатади қадам товушинг.
Атроф шовқин,
Атроф осуда,
Сўзлашмоққа йўқмиди ҳушинг.

Кетаяпсан...
Бош ҳамон эгик,
Кетаяпсан севги қасдида.
Ер устида бахтиёр эдик,
Бахт йўқ экан ернинг остида.

Атайин

Мен атайин илдам кетаман –
Сен ортимдан етоласанми?
Атайин кеч қоламан баъзан –
Тоқат билан кутоласанми?

Гоҳ ўзимча куламан мамнун,
Гоҳо ғазаб қилиб озгина.
Атай жаҳлинг чиқармоқ учун
Ёлғондакам қиламан гина.

Мен атайин ўламан бир кун
Йиғлайсанми – синамоқ учун...

Қизимга

Ярим тун уйғониб кетасан, қизим,
Ачинасан билиб бедорлигимни.
Кечир, мен сенга кўп ёлғон гапирдим,
Айтолмадим ахир беморлигимни.

Табассуминг кўриб бардам бўламан,
Мен ҳали энг соғлом одам бўламан!
Эзилма кўрганда нигоҳларимни,
Сен кулсанг – менинг ҳам кулганим шудир.

Бўйнимдан тушириб гуноҳларимни,
Ўрнимдан турмасам – ўлганим шудир.
Сен кулсанг, сен билан хуррам бўламан,
Мен ҳали энг хуррам одам бўламан!

Танам оқ рангдаги зулмат қасрда,
Томирга санчилган тиғдан задаман.
Ҳамма ўзин даҳо билган асрда
Яхши шоирману, ёмон дадаман.

Меҳр сўраганга ҳотам бўламан,
Мен ҳали энг яхши одам бўламан!
Қайси дил воз кечиб улгурди мендан,
Қайсидир юракда иссиқ изим бор.

Шу ожиз ҳолимга мени ҳаммадан
Зўр деб ўйлаётган битта қизим бор.
Бировдан ё зиёд, ё кам бўламан,
Қизим, мен энг кучли одам бўламан!

* * *

Кун кечириб юрсам.
Бир куни
Одамларга бўлсам овоза,
Соғинади бир қизча мени –
Кўйлаги кир, юраги тоза.

Ўшанда шарт юзимни буриб,
Гўзаллигин олмасам ҳам тан,
Суюнади камолим кўриб,
Куюнади бахтсизлигимдан.

Қучоғимга олиб самони,
Булутларнинг бағрида сузсам...
У кўзёшга кўмар дунёни
Кипригимдан бир томчи узсам.

Лекин узоқ кетмайман сира,
Кўксим эзиб юрса ҳам фироқ.
Ахир, менга осмондан кўра
Тиззангга бош қўйиш афзалроқ.

Тушунсанг-чи, қисматимиз шу,
Қара, ҳаёт севги қасдида.
Сен бекорга яшамайсан-ку
Қовурғамнинг шундоқ остида!..

Мен ўлсам...

Мен ўлсам...
Одамдек ўлмайман:
Мен учиб кетаман қушга айланиб,
Дунёнинг энг гўзал, оппоқ қушига!..

Мен ўлсам...
Одамдек ўлмайман:
Охирги япроғи бўламан кузнинг,
Ҳеч ким пайқамайди узилганимни.

Мен ўлсам...
Одамдек ўлмайман:
Яшайман энг ширин тушга айланиб.
Хунук қизлар йиғлар...
Онамдан кейин...

Эстетик тарбияда доира санъатининг ўрни



Шерзод НАЗАРОВ

Ўзбек доирачилик мактаби XX асрнинг 20-30-йилларидан бошлаб, янгича ривожланиш даврига юз тутди. Бунга замонасининг моҳир санъаткори Уста Олим Комилов бош бўлди ва асос солди. Дарҳақиқат, доира сози ҳақида сўз борганда, кўз ўнгимизда "афсонавий созанда" номи билан машҳур бўлган Уста Олим Комилов намоён бўлади. Ҳассос созанда ўзбекча мусиқа усулларини доира чолғусида ижро этишни ривожлантирди ҳамда уни жўрнавоз чолғудан якканавоз даражасигача кўтара олди. Айнан шу даврдаги доира ижрочилигининг жонланиши нафақат унинг ижровий ривожланишига, балки ижодий камолотини ҳам янгитдан бошлаб берди, десак муболаға бўлмас. Ўша даврда доира ижрочилари учун ижодий муҳит пайдо бўлди. Айтиш жоизки, 70-80-йиллар орасида ўзбек доира ижрочилигида катта ўзгаришлар рўй берди. Буни биз доиранинг шаклу шамойилидаги ўзгаришида эмас, балки усуллар жилваларида ва амалиётида ҳам кўришимиз мумкин. Уста Олим Комилов томонидан халқ ижодиётидан олинган усуллар қайта ишланиб янги-янги кўринишда халққа тақдим этилган. Қайта ишланган усулларни Уста Олим Комилов "халқ терма усуллари" деб номлаган. Халқ терма усулларининг мураккаб кўринишлари, Фарғона водийсида азалдан расм бўлган "чақириқ" маросимлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Халқ усулларини рамзий маънода уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Асл халқ ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юзага келган ва миллий қадриятлар билан суғорилган ҳақиқий усуллар;
2. Мумтоз усуллар;
3. Ижод этилган усуллар.

Асл халқ усуллари деб, ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда юзага келган усулларга айтилади. Яъни бизнинг "ёр-ёр" усулимиз, "ноғора баёт" кабилар. Мумтоз усуллар туркумига кирадиган усуллар мураккаб ҳамда мукаммал усулларни ташкил этади. Мақом санъатида қўлланиладиган усулларнинг барчаси муайян ғояларга таянган усуллар, ўзининг таркибий жиҳатидан мукаммал бўлган усуллар мумтоз усуллар деб юритилади. Ижод этилган усуллар деб рамзий номланган усуллар халқ ижодкорлари томонидан яратилган. Бундай усуллар энг оддий кўринишдан мукаммал даражадаги усуллар кўринишида бўлиши мумкин. Чунки

***Шерзод НАЗАРОВ** – 1992 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий чолғу ижрочилик факультетини тамомлаган. Умумтаълим мактаблари учун "Анъанавий доира дарслиги" ўқув қўлланмаси муаллифи.*

ижод бу ҳар бир ижодкорнинг истеъдодидан, ҳам ақлий фаолиятидан вужудга келади.

Оддий халқ усулларининг турланиши асосан, рақс санъати билан боғлиқдир. Уста Олим Комилов ўз даврида машҳур бўлган рақс санъатининг йирик намояндалари Тамарахоним, Мукаррамахоним, Гавҳархонимлар билан бирга ижодий ҳамкорликда бўлган. Усулларни рақс орқали жонлантиришда янги образларга мослаб ранг-баранг усуллар яратган. Санъаткор қирқ еттита усул яратиб, келуси авлод учун ўзидан бебаҳо хазина қолдирган. Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров созанда ҳақида бундай ёзади: "Уста Олим шунчаки созанда эмас, балки бу санъатни пухта эгаллаган баркамол ижодкор, ҳақиқий устоз, олижаноб инсон эди. У неча авлод санъаткори асрлар давомида яратган усуллар ва рақс ҳаракатлари хазинасини оча олган, ундан халқни баҳраманд этишга аҳд этиб, ниятига етган мўътабар одам эди".

Уста Олимнинг маҳорати ҳақида гап кетганда, у кишининг Англияга гастролдаги бир тарихий воқеани кўпчилик эслайди. Ўшанда созанда "Пилла" куйини ижро этади. Тамарахоним бу куйга рақс тушиб томошабинларни лол қолдиради. Куй куйга, рақс рақсга уланади. Томошабинлар оёққа қалқиб иккала санъаткорни узоқ олқишлаб туради. Лондонликлар бутун томошагоҳни ларзага келтирган, гумбурлаган чилдирмани биринчи бор кўриши ва овозини илк марта тинглаши эди.

Уста Олимнинг маҳоратидан ҳайратланган Буюк Британия қироличаси Мария Ложалон саҳнага чиқади. Уста Олимнинг чилдирмасини қўлига олиб кўради. Бу доира созидан юракни тўлқинлантирувчи садо чиқарган панжаларни "мўъжиза" деб атайди. Ушбу мўъжизакор панжалардан гипсда нусха олиб, Лондон музейига қўйишга фармон беради. Уста Олим ва Тамарахонимга фестивалнинг олий нишони – олтин медални ўз қўллари билан тақиб қўяди. Уста Олимнинг панжасидан олинган нусха ҳозир ҳам Лондондаги тарих музейида сақланмоқда. Созанданинг буюк хизмати шундаки, асрлар давомида шаклланган доира санъатини улуғ устозлар яратган меросни – анвойи усулларни йиғиб-териб жамлади, тартибга келтирди, янги усуллар ижод этиб, бойитди ва бу ноёб хазинани шогирдларига тутқазди, кўнглига жо қилди. Уста бу хизмати билан кўплаб усулларни унутилиб, йўқолиб кетишдан асраб қолди.

Созанда тўплаган хазинанинг асосий қисми у 1928 йил Тамарахоним билан бирга яратган "Доира дарси" деган услубий қўлланмага жо бўлган. У "Гул ўйини", "Пахта", "Пилла", "Шоҳида" каби янги рақслар ижод этди. Шунингдек, "Гуландом", "Оқ билак", "Балерина" сингари биринчи ўзбек миллий балетлари, "Фарҳод ва Ширин", "Гулсара" мусиқали драмалари, "Бўрон", "Буюк канал" опералари ҳам Уста Олим иштирокида яралган. Ўзбек миллий мусиқа санъати, хусусан, доирачилик санъати Уста Олим яратган мактаб таъсирида кенг қулоч ёйди. Бирин-кетин унинг ўнлаб шогирдлари етишиб чиқди. Таниқли доирачилар Тўйчи Иноғомов, Раҳим Исохўжаев, Ғафур Азимов, Ғафур Солиҳов, Дадахўжа Соттихўжаев, Убай Хўжаев, Ғафур Иноғомов, Жалил Мирхолиқов, Болта Шарипов Уста Олимнинг садоқатли шогирдлари, ўзбек доирачилик санъатига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлардир. Кейинчалик бу авлод сафини янги авлод тўлдирди ва доирачилик анъаналарини давом эттирди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек мусиқа санъатида доира созининг қадри ва аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Ёшлар ўртасида ҳам бу созга қизиқиш тобора кучаймоқда. Доира санъатида ижро йўллари турли бўлгани ҳолда Уста Олимдан қолган куйларни барча доирачилар ўзига хос талқинда ижро этиб келаётир.

Келгусида ҳам бу анъаналар давом этаверади, албатта. Бу борада доира созида миллий оҳангларни сақлаб қолиш баробарида замон руҳига мос янги куйлар яратиш, доира оҳангини нотага солишда илмий-амалий изланишлар олиб бориш долзарб масаладир. Негаки, ёшларнинг эстетик тарбиясида, дидини шакллантиришда миллий созларимизнинг кучи ва таъсири бениҳоя катталиги шубҳасиз.

Ilmu hikmat sir shevasidir



Dilshod RAJAB

Kitob

Kitob – aql, qalb mevasidir,
Ilmu hikmat sir shevasidir,
Najot – ilmda demishlar, demak,
U biz uchun Nuh kemasidir.

Kitob bor uyga nur, fayz yog‘ar desam,
Balki bu kitobiy gapga o‘xshaydi.
O‘qishga ochilgan kitobni ko‘ring –
Duoga ochilgan kaftga o‘xshaydi.

Bozor-ozor

Boshim og‘rib ketadi
G‘ala-g‘ovur bozorda.
Bunda har kun kelsa kim
Unga azob, ozor-da.

Turfa molu mato deb,
Mayda-chuyda ashyo deb,
Essiz, pulu savdo deb,
Umr o‘tsa, bekorga.

Vaqtingni boy berasan,
Naqdingni boy berasan.
Yutdim, degan kuning ham
O‘xshaysan naq qarzdorga.

***Dilshod RAJAB** – 1964 yilda tug’ilgan. Ijodkor “Otamning bog’i”, “Jilvon o’g’loni”, “Alifbo”, “Sanoq”, “Tanish tovushlar”, “Yo’lim quyosh tomondir” kabi kitoblar muallifi.*

Ey, tengdosh-qadrdonim,
Ayni sening zamoning.
To bugun bor imkoning,
O‘qi, o‘rgan takrorla!

O‘rgimchak (odam)ga

Xo‘b mehribonga o‘xshab
Aylanasan o‘rgulib.
To‘ringga tushar o‘lja,
Mehring – tuzoq, ko‘rgulik.

Ayyorliging ko‘p ko‘rdim,
Bari ishing yolg‘ondan.
E, bor, men ham o‘rgildim
Sendaqa mehribondan!

Qora ko‘zoynak
Hazil

Chiqib olib burunga
“Hunar”ingni boshlaysan:
Chor atrofni ko‘zimga
“Qora” qilib tashlaysan.

Qoralashdan nima naf,
Kuya surkab bariga?
Yaxshiyam, boramiz zap
Oq-qoraning farqiga.

Oynaksan. Shu fe’l bilan
Odam bo‘lsang, (o‘ksima)
Qorasini ko‘rsatmay
Qochar edi do‘sting ham.

Nohaq kesilgan daraxt

Shoximdan qushlar uchdi,
Boshimdan hushlar uchdi,
Tanimga bolta tushdi,
Qalqib tushdim zarbidan.

Yerdan oyoq uzgan ko‘p,
Lekin menda xohish yo‘q,
Bo‘lar quruq yog‘och-cho‘p,
Kim uzilsa bag‘ridan.

Ey, soyamda yotgan zot,
Mevalarim totgan zot,

O‘tin qilib sotgan zot,
O‘tib mening bahrimdan,

Javobdan ne tonasan?
O‘tinimda yonasan –
Bir kun, beshak topasan,
Qilgan jafo-jabringdan.

Achchiq choy haqida achchiq gap

Hindu Xitoy tinmay ekib sotarlar,
O‘zbeklar yonboshlab ichib yotarlar.
Anvar OBIDJON

Yaxshi udum, yaxshi kalom:
“Choyga keling, choyga keling!”
Lekin faqat dasturxonmas,
Zo‘r dasturlar tuzing, bo‘ling.

Shaxd-shiddatda ilmu fan ham,
Tezkor, shoshqin zamon bu kun,
Kimlar uchun oltin – har dam,
Va bir qadam osmon bu kun!

Chorlar ular ko‘k to‘ridan:
“Oyga keling! Oyga keling!”
O‘tirmaylik biz so‘rida:
“Choyga keling! Choyga keling!”

...Beg‘am choyxo‘r ortda borar,
Sudralar, naq toshbaqa-da.
So‘ng dunyodan nolib yurar,
Kuni qolib choychaqaga!

Burgutga

O‘zing mag‘rur qushsanu
(Hukmdorday osmonda),
Goho bitta sichqon deb
Pastlaganing yomon-da.

Futbol o‘yinchisi

O‘zi qanday bola bu,
Niyati sal “ola”mi?
Ne hunarni tanlagan,
Aldagani-aldagan.
Boshqalarga berib pand,
Aldaganidan xursand.
Kimlar uni olqishlar,

Kimlar unga yopishar.
Chap deb o‘ngga o‘tar u,
O‘ng deb chapga tepar u.
Qarshi turgan qolar lol,
Birdan baqirishar: “Goll!”
Kim bu, Asadbek, top-chi?
– Bumi, mohir futbolchi!

Ibrat

Bolalardan ibrat ol, dunyo,
Xo‘b uqib ol mehr darsini.
Qo‘lingdagi bu qurol – balo
Yo‘q etar bor inson naslini.

Saboq ol, ey urushqoq dunyo,
(Tingla, o‘ynab so‘ylasalar ham)
O‘yinidan o‘q chiqmas, hatto
“Urush-urush” o‘ynasalar ham.
Ibrat ol, ey, urushqoq dunyo!

Dil shodligim

Ismim mening – manglayga
Bosilgan zar tamg‘am-a,
Mayli, baland sahnayu
Minbarlarda yangrama.

Mayli, qay bir ro‘yxatu
To‘yxatlarda bo‘lmasang.
Zahmatlarda bo‘lsangu
“Rahmat”larda bo‘lmasang.

Dilim shoddir, eng oliy
Farmon xatidadirsan:
Onajonim duosi –
Aziz kaftidadirsan!

Dorbozning hazili

Bu simdorda yurmoqlik
Xavfli emas uncha ham.
Mashq qilsa, yursa bo‘lar
Hatto ko‘zni yumsa ham.

Teng tut o‘ngu so‘lingni,
Yo‘q bunda baland-pastlar.
To‘smaydilar yo‘lingni,
Va... oyoqdan chalmaslar.

Рўйхатларда йўқ

Ҳаётий ҳангомалар



Муҳиддин МАДАМИНОВ

Соқивойни иши ҳеч юришмади, юришмади-да. Бўлмаса ундан кейин корхонага келган, мактабни ҳам институтни ҳам зўрға битирганлар кўтарилиб кетиб, у ҳамон оддий ходим бўлиб юрармиди. Асли шунга ҳам ўзи, қолаверса тили айбдор. Қандай йиғилиш бўлмасин хамкасабаларининг гиж-гижлашига учади-да идоранинг ва ундаги раҳбарларнинг камчиликларини (ахир энг катта бошлиқнинг ўзи ҳар сўзида бир неча бор, “Агар мени камчилигим бўлса айтинглар”, деб турса) шоша-пиша айтади-кўяди. Ундан кейин ана қарсаклар, ҳамду санолар... Ҳатто бошлиқни ўзи ҳам, “Соқивойдан ўрнак олинглар”, дейди-ю, лекин нимагадир мана уч йилдирки ҳеч ким ўрнак олмайди. Эҳ, энди билса уни гупиртирганлар ҳаммаси “кунгабоқарлар” экан. Бирдан-бир унинг ҳамдарди, бир вақтлар ўзи камгаплигида айблаб мазах қилган қоровул Матқовул бува экан. Ўша айтганди-я, “Ҳов ака, тилга зўр бераверманг, бундай атрофга қараб иш тутинг”, деб. Уни ўшанда ҳам жеркиб ташлаганди. Мана энди дўппини қўлга олиб бундай қараса четга чиқиб қолибди. Ойлик, кварталлик, йиллик мукофотланганлар орасида исму шарифи йўқ, квартира олувчилар рўйхатида йўқ, чет элга тажриба ошириш учун борадиганлар рўйхатида йўқ... Бу раҳбарнинг қоғозбозлигини қарангки, жамоадаги биронтасини тўйига, юбилейига, ҳатто таъзияга ҳам рўйхат қиладиган бўлибди. Ҳатто шахсан ўзи назорат қилиб, “оқ”ларни қолдириб, “қора”ларни учирадиган бўлибди. Ҳаммаси бир бўлди-ю, сўнггиси ҳам бир бўлди. Одатдагидек шошилиб ишга келса, хонадоши – бир вақтлар бир мактабда, бир институтда таҳсил олган ўртоғи Носиржон таклифнома тарқатиб юрибди. Соқивойни очиқ юз билан, “Ҳа, дака-думбанг тўй экан-да?” деган гапига, истамайгина жавоб берган бўлди-да, яна нимадир дея мижғовланди:

– Ҳалиги, биласанми?.. Энди сени...

– Тинчликми ўзи, гапиравер, – деди Соқивой ғашланиб.

– Хафа бўлма-ю сен. Жамоа тўйга борганида, ҳалиги каттанинг кўзига ташланмасанг, чунки... Чунки...

Муҳитдин МАДАМИНОВ *– 1958 йилда туғилган. Фарғона политехника институтини битирган. Шеър, ҳикоя ва ҳажвиялари республикамизнинг турли нашрларида чоп этилган.*

– Гапиравер очиғини! – деди баттар тутақиб Соқивой.

– Чунки сени рўйхатдан ўчиришибди.

– Ким?

– Бил... Билмадим, Соқи. Ўзинг биласан-ку, мен катталар ишига аралашмайман. Истасанг тўйдан кейин ўзим сенга бир яшик...

– Қўрқма, ўзимам ўлиб ётганим йўқ ўша тўйингга. Мени бошқа нарса қизиқтиради. Нима учун доимо рўйхатларда йўқман? – дея шахд билан бошлиқ томон чопиб кетди.

Котибанинг ҳай-ҳайлашига қарамай эшикни шарт очди-да бошлиққа юзланди:

– Ўртоқ Ўлмасов, қани бир эркакчасига гаплашиб олайлик!..

– Ўзингизни босинг, бу ер энангизни уйи эмас. Иккинчидан, эркакчасига гаплашиш учун бу ер ноқулайроқмасмикан?

– Сизни ҳам, энангизниям, отангизниям уйи эмас, хоҳлаган қандни еб ўтирадиган.

– Нима? Нима гап ўзи? Мундай очиқ тушинтирсангиз-чи. Отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмас экансиз-да, Соқивой, – деди бошлиқ сал юмшаб раҳбарона муғамбирлик йўлига ўтиб.

– Нима учун мени яккалайсиз?

– Нима қилибман яккалаб?

– Ахир ҳамма нарсага рўйхат туздирасиз... Ўзи ҳожатхонага бориш рўйхати қолди холос, тузилмаган. Лекин мен доимо рўйхатларда йўқман. Нима, мени бирон кам ерим ёки ортиқ жойим борми, сизга халақит қиладиган?

– Шуми? Шу, холосми? – деди бошлиқ ва тугмачани босиб, котибани чақирди. – Ҳалиги рўйхатга Соқи акангизни ҳам киритинг. Иложи бўлса биринчилар қаторида, – деди-да "Ана бўлди" дегандек қўлларини икки томонга ёйди.

Соқивой у қандай рўйхат ўзи деб қизиқиб ҳам қўймади-ю, лекин хонасига анча хотиржам қайтди, чунки у айтганини қилдирган эди-да. Эртасига ишга келса ҳамма мўри-малахдек "Эълонлар тахта"сини ўраб олибди. "Кечаги рўйхатни осишибди-да", деган ўй билан одамлар орасини хотиржам (чунки ўзи борлигига ишончи комил эди-да) ёриб ўтиб, биринчи ўринда фамилиясини кўрди. Ҳатто рўпарасига "старший" деган сўзни ҳам қўшишибди. Фақат, фақат бир ҳафтага чўлга ҳашак ўримига борадиганлар рўйхати эди у. Бажонидил ҳашак ўримига отланадиган бўлди. Чунки келгусида штат қисқариши сабабли ишдан бўшатилганлар рўйхати бўлиши мумкин-да!

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

– Дадаси, турақолинг энди, бозордан кеч қолмайлик, – дея хотини Раҳматалининг устидаги кўрпани тортиб олганда ғира-шира тонг қоронғиси эди.

– Намунча энди тонг саҳарлаб... Ахир бугун дам олиш куни бўлса... Ҳеч йўқ шу куни бемалол уйқуга тўйишга қўймайсан-а! – деди норози оҳангда.

– Ахир эртага байрам-ку. Қизингизни уйига – қудаларга байрам совғалари юборишимиз керак-ку, эсингиздан чиқдими бирпасда.

– Шу шартми энди... Ўтган байрамда оборган эдигу, – деди эснаган ҳолда Рахматали.

– Ҳа энди бу бошқа байрам. У ёғини сўрасангиз, аёл қудамизнинг ўзи қизингиздан рўйхат бериб юборибди. Қанча кетсаям қизимиз учун қиламиз-да...

Нонушта ҳам қилмасдан бозорга чиқишиб, тушга яқин ҳориб-чарчаб қайтишди. Кечга томон қатор-қатор тоғораларда ширинликлар, пишириқлар, мева-чевалару байрам совағалари билан қудаларникига боришди. Байрам зиёфатида зўрға ўтиришиб, чарчаб, уйга қайтдилар.

Орадан уч кун ўтиб яна анчагина совға-салом билан эркак қудани туғилган куни билан табриклагани боришди. Ўн беш кун ўтиб эса, Янги йил эшик қоқиб... Бунга ҳам байрам совғаси юборилиб, ўзлари уйда байрам кутишди. Январь ойи ўртасида эса куёвнинг ҳарбийда ишлайдиган акасининг байрамига совға юборишди. Фасллар келинчаги баҳор кириб келгач, қизи томондан табрикнома билан бирга совғалар рўйхати келди. Ахир 8 март бир йилда бир марта келади-да. Қуда томонда бу байрамга мансуб ўн тўрт жонни ҳисобга олинса, совға ҳам шунга яраша бўлиши керак-да. Рўйхат сўнггида ўзларинг ҳам келинглар деган таклиф ҳам бор эди. Совға-саломлар билан ташриф буюришиб, байрам дастурхони аторофида ўтиришар экан, келгуси ой бошида куёвнинг укасини туғилган куни, май ойида эса уруш қатнашчиси – катта қуданинг қадрлаш байрами, ойнинг охирида эса куёв синглисининг мактабни битирув кечаси эканлигини билиб олишди.

Математиклар ибораси билан айтганда байрам сонига тескари пропорционал равишда оғилхонадаги қўй-моллар сони камайиб борар эди. Июнь ойида жажжи қариндошчаларга Болалар байрамига совғалар тайёрлашаётганда ҳисобдан адашиб кетмаслик учун йил тақвими орқали йил давомида еттита байрам ва иккита ҳайит бўлишини аниқлаб, ён дафтарига қайд этиб қўйди. Лекин барибир қўшимча байрамлар янада кўпайиб борарди. Эркак қуданинг ҳамда аёл қуданинг касб байрамлари ҳам “кўтаранки руҳ ва катта қувонч” билан нишонлашди.

“Энди қутулдик, шекилли”, дея эр-хотин хотиржамдек кўринишарди-ю, лекин кўча эшикка ва телефонга хавотирлик билан назар ташлаб туришарди. Аммо орадан икки ҳафта ўтиб қизлари эшикдан йиғлаб кириб келганда эр-хотиннинг мияларида бир хил савол ҳукмрон эди: “Қайси байрам эсдан чиқди экан?..” Қизининг айтишича, куёвнинг эрдан чиқиб келган опаси туман электр корхонасида ишлар экан. Қуда томоннинг эътиборсизлигини юзига солиб, қайнонаси келинига, “Кўнгли ярим қизимга оқибат қилишмади”, деб ачитма гап қилибди. Эссизгина, кеча свет ўчмаганда ушбу байрам тўғрисида телевизор орқали хабар топиб, кўнгли ярим қариндошларини ҳам қарз-хавола қилиб бўлса-да совға-салом тайёрлаб байрам билан табриклаб келишарди. Демак, Раҳматали янаги йил бошидан ўзи учун алоҳида байрамлар тақвимини ва шунга яраша харажатлар сметасини тузиб олиши керак. Акс ҳолда, қудалар олдида уялиб қолиши ва тарбиялаб, дипломли қилиб чиқарган қизларини “арзимас” совға – тоғоралар туфайли бугунгидек кўзёш тўкишига сабабчи бўлиб қолишлари мумкин. Шу режаларни миясида пишитар экан, дастурхондаги бир коса макарон шўрвага суви қочганроқ буханка нон тўғрамини бўктириб, иштаҳа билан танаввул қила бошлади.



Юлдузлар чиқмаган кеча

Ҳажвий ҳикоя

Ҳалим КАРИМ

“Бошлиқ – бошлиқ-да, йўқ деёлмади. Йўқ деб бўлармиди! Ўзиям эриб кетди-да. Шундай катта одамнинг ўзи, “Нозимжон ука, сизга ишонаман”, деса, бунинг устига елкасига қоқиб қўйса-ю янаям эримасинми. Мана энди уч кундан бери қоғозга кўмилиб ўтирибди. Узоғи билан яна икки кунда тугатиши керак. Акром Муродович тайёр материалларни текшириб чиққач, Тошкентга жўнайди. Нақ министрнинг ўзига ҳисоб беради-я! Шундай ишни унга ишониб топширди. Ихлоси бор-да, бўлмаса, қачон қарасанг бошлиқнинг кетидан “лўккиллаб” юрадиганлар озми. Ҳаммаси ҳам яхши кўринсам дейди. Мана Нозимжоннинг ўзи ҳам қанчалик иззатталаб бўлишига қарамай бошлиқларни кўрди дегунча ипакдай мулойим бўлиб қолади. Қайси бири нимаики иш буюрса, ғурури эзилганини ҳам, малол келганини ҳам сездирмай бажаради. Бошқармага дастлаб ишга келган кунлари, пойтахтнинг хийлагина жангари муҳитига кўникиб улгургани учун бўлса керак, бу ердаги ҳодимларнинг ҳушомадгўйлиги, ўзидан катталарга бутунлай тобелиги унга ёқмаган, ҳатто ғазабини келтирган эди. Кейинчалик эса баъзан билиб, баъзан билмай ўзи ҳам улар қаторидан жой олди. Аввалига қийналиб, эзилиб юрди. Лекин ўксиган ғурурининг кифтига қоқишдан бўлак илож тополмади. Мана энди кўникиб ҳам кетди. Тўғрида, бошлиғингни кўрганда хоҳласанг-хоҳламасанг ишшайиб салом бермай ёки айтган ишини кўнгилдагидан зиёда қилиб бажармай кўр-чи, ёқармикансан?!

***Ҳалим КАРИМ** – 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозиргиЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Унинг “Мана, мен борман”, “Юрак билан сўзлашув”, “Кўнгил ҳаловат истайди”, “Боғбон бола”, “Меҳрим” номли шеърлар, “Туйғулар талқини”, “Андижондан эсган саболар” номли адабий-танқидий мақолалар тўпламлари, “Янги ўзбек адабиётидан маърузалар”, “Тарихий шахс ва бадиий образ” номли монографияси, элликдан ортиқ илмий, адабий танқидий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалари нашр этилган.*

Минг машаққат билан бошқармага ишга жойлашган, тўрт-беш йилдан бери бирорта бошлиқнинг назарига тушиб, дурустроқ лавозимга кўтарилиш орзусида юрган Нозимжон тўртинчи қаватнинг бир чеккасидаги торгина хонада ўтириб, тартибсиз уюлган қоғозларга тикилганича, хаёлга чўмди.

Касби бўйича алоқаси йўқ одамга мутлақо тушунарсиз кўрсаткичлар туширилган рақамлар билан тўла бўлса ҳам аллақандай файзсиз кўринадиган бу хонада уч кишига мўлжалланган стол-стул бўлиб, пойгакдагисини Нозимжон эгаллаган эди. Якка-ю ягона дераза токчасида сарғайган газета парчасига ўралган гултувак бўлиб, унда ҳали қуришга улгурмаган, номи ҳам нотайин ўсимлик тумшайган хонани яна ҳам мунғайтириб турар, ҳеч қандай рамкасиз деворга қоқилган Дарвиннинг каттакон сурати бу диққинафас хонада уззукун ўтирадиган одамларнинг “юксак диди” ва ҳафсаласидан дарак берди. Фақатгина пойгакдаги столга ёнбош деворга кнопка билан қадалган “Барселона” футболчиларининг журналдан қирқиб олинган расми хонага ҳартугул илиқлик бағишлаган.

Хонанинг пешонасига битган эски, лекин пухта ишлайдиган девор соат сукунатни “ағдар-тўнтар” қилиб, кеч соат саккизга занг урди. Нозимжон қўлидаги соатининг тўғрилигини беихтиёр текшириб, яна ниманидир ёзмоқчи бўлиб турган эди, қорни очиққанини маълум қилаётгандай, ичаклари “қулдираб” овоз берди. Овқатланиш ёдига тушиб, ютиниб қўйди. Ўрнидан туриб, узоқ керишди. Дераза олдига келиб, ташқарига қаради. Вақт кеч бўлиб, борлиқ аллақачон қоронғиллик қўйнига сингган, шаҳар чироқлари зулмат бағрида хира порлар, ўтаётган машина чироқларининг нури институтнинг бетон йўлкаларини бир зум ёритиб ғойиб бўларди. Ҳайбатли бинода ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигини эндигина ҳис қилган Нозимжоннинг юраги уюшди. Шошапиша столининг устини йиғиштирган бўлди. Галстугининг тугунини тортиб, костюмини кийди. Зинапоялардан деярли югуриб пастга тушди. Йўлакдаги тўшакча солинган диванда бир оёғини Афғонистонга кўмиб келган Мамасоли чинни косада ош еб ўтирар эди. У бу қадар кеч қолиб кетган ҳодимни кўриб аввалига ҳайрон бўлди, баъзида айрим ходимларнинг алламаҳалгача ишлаб ўтиришларига кўникиб кетганлиги учун кейин юзи ёришиб:

– Ия, ҳа, домла бола, кеч қолиб кетибсиз?.. – деб сўрашди.

Нозимжон чолга бепарвогина қараб:

– Ҳа, ишлар кўпайиб кетди, – деб мужмалланиб қўя қолди.

Суҳбатдошга зориқиб ўтирган Мамасоли тоғанинг:

– Э-э, домла бола, бу дунёда иш тугармиди, борасиз-да ўша томи қийшиқ уйингизга, келинг яхшиси бир отамлашайлик, – деб ошга қиставшига қарамай, хонасининг калитини қоровулнинг столига қўйиб, эшикка қараб юрди.

Баланд ойнаванд эшикни “ғийқ” эткизиб очаркан тоғанинг ўзича ғудранган овози эшитилди: “Тавба, кўнгил учун бир ошам олиб қўйишни ҳам биламайди бу ёшлар. Ҳа-а, етказганингга шукр…”

Эрта баҳорнинг кечки салқин ҳавоси Нозимжоннинг димоғига урилиб, диққинафас бўлиб кетган юрагини ёзгандай бўлди. Чўнтагини ковлаб, сигарет туташтирди-да, автобус бекатига қараб тез-тез юриб кетди.

Кўчада одам сийрак, онда-сонда одимини тезлаб кетаётган йўловчи учрайди. Баланд симёғочдаги чироқлар кўча юзини зўр-базўр ёритади. Кўкда ой ҳам, юлдузлар ҳам кўринмайди. Шаҳар кўчаларининг зим-зиёлиги Нозимжонга ғайритабиий кўринди. Беихтиёр "уфф" тортганча қоп-қора осмонга қаради.

"Шундай катта осмонда, наҳотки битта ҳам "милт" этган юлдуз кўринмаса?! Қизиқ, аввал сира эътибор бермагандайман. Юлдузсиз осмон ҳам бўларканда. Мана, ҳозир тепамда осмон бутунлай йўққа ўхшайди. Аслида ҳам мавҳум хаёлотдай ёйилган сўнгсиз бу зулматнинг ниҳояси бормикин? Мана шу қора булутлар ортида ой, қуёш… яна минг-минг юлдузлар... Кейин-чи? Йўқ, хаёлнинг қуввати етмайди… Бўшлиқ… Бўшлиқ… Бўшлиқ".

Йигит ва қизнинг шармсиз кулгиси Нозимжоннинг хаёлини бўлди. Қўлларини бир-бирининг белидан ўтказиб олган икки шарпа унга тескари қараб кетишди. Хотини ва унинг, "Қаерларда юрибсиз?" деб берадиган дашномини эслади. Юраги сиқилиб хўрсинди. Тўйимизга ҳам беш йил бўлиб қолибди. Вақт ҳам орқа-олдига қарамай ўтаверар экан. Баъзан кунлар, ойлар узоқ чўзилганга ўхшайди-ю бундай ўйлаб қарасанг, ўтиб кетган воқеалар кечагина бўлгандай кўринади.

Университетнинг охирги курсида ўқиб юрган кезлари ота-онаси, "Ўртоқларингдан қолиб кетма", деб тўйдан гап очишди. Қўшни маҳаллалик кўҳликкина Манзурани кўрсатишганида ишқ-муҳаббатда омади юришмаган Нозимжон қаршилик қилмади. Манзура эсликкина экан. У кутгандан кўра ҳам тотув яшашди. Фақат ота-онасининг бешта емакхўри аввал биттага, кейин иккитага кўпайди. Аста-секин тирикчилик юки, турмуш ташвишлари номи билан унинг ҳам елкаларини эза бошлади.

Хотинига ҳам қийин бўлди. "Ишга кириб олсангиз турмушимиз яхши бўлиб кетади. Сиз тез кўтарилиб кетасиз. Машина оламиз. Мен ҳам фалончининг хотиниман, деб мақтаниб юраман", деб кўп гапирар эди. Мана энди гапирмай ҳам қўйди. Дурустроқ бирор нарса совға қилиш у ёқда турсин, йилда бир марта у ёқ-бу ёққа ҳам олиб бормайди. "Ана-мана" деб орқага суради. Ҳайрият, хотини ёмон эмас. Баъзан эрини тергаб турса ҳам турмушидан нолийвермайди. Эрининг иши юришмаётганини, қилаётган ишидан кўнгли тўлмаётганини билади. Шунинг учун ҳам боласи ёш бўлишига қарамасдан ишга кириб кетди. Ота-онаси-чи?! Улар ҳам, "Ўғлимиз ўқишни битириб келса, ёнимизга кириб қолади", деб ўйлашарди. Уларнинг оғирини енгил қилиш қаёқда, ҳали ҳам дадаси баъзан сездирмай ўғлининг чўнтагига пул солиб қўяди. "Бор-э" деб, шу диққинафас, каммаош ишини ташлаб, мактабда ўқитувчилик қилса ҳам бўлади-ю болачаларнинг ичида ўралашиб юришни ўзига эп кўрмайди. Савдогарлик эса, қўлидан келмаслиги аниқ. Ҳамма ўзини савдога урган,

“Тирикчиликнинг уяти йўқ”, деган гаплар тез-тез айтиладиган бўлиб қолган ҳозирги пайтда олиб-сотарлик қилишдан уялади. Ёки ўзининг ношудлигини бир замонлардан қолган, эндиликда эса йўқолиб бораётган ана шу ҳиссиёт билан яширгандай бўлади. Иложсизликдан боши қотган дам эса синфдош ўртоқлари ишлаётган комбинатга ишга кириб кетсаммикан, деб ўйлаб ҳам қолади. Ахир, ўртоқлари туппа-тузук ишлаб юришибди-ку. Ишдан ҳам, турмушдан ҳам нолишмайди. Қора иш бўлса ҳам, қайтанга бировдан ҳайиқмасдан, кимларгадир юкинмасдан эркин юрасан. Ойлиги ҳам яхши… Бундай деса, таниш-билишлари, қўни-қўшни, қариндош-уруғлари, “Ана, шунча йил ўқиб нима бўлди?” деб кулишмайдими. Ҳее, ёшинг улғайган сари ташвишинг ҳам кўпаяверар экан.

Йигит бир дам ишлари юришиб кетмаётганининг сабабини англагандай бўлди. Ҳаётдан кўнгли тўлмайдиган бўлиб қолганини ҳис қилди. Лекин кўнгли бундай кўникмаган ўйлардан толиқди ва чуқур бир ҳўрсиниш ҳом хаёлларининг хулосаси бўлган, бу қимтилган лаблар кўп бор пичирлаган эски гапни унинг оғзидан юлиб олди: “Қани энди каттароқ ишга кўтарилиб кетса, зап иш бўларди-да…”

Кечки совуқ таъсир қилди шекилли, Нозимжоннинг эти жунжикди. Автобус келмаяптимикан, деб орқасига қаради. Чаккасидаги кичкина яшил чироғини ёқиб олган такси тезлигини камайтириб, унинг ёнидан ўта бошлади. У тескари қаради. Такси ҳайдовчиси орқасига аланглаб, шошиб кетаётган йўловчининг қурумсоқлигини билди шекилли, жаҳл билан газни босди... Бир вақт ёнгинасидан яшил “Isuzi” ғизиллаганича ўтиб кетди-да, нарироқдаги кимсасиз бекатга бориб тўхтади. Оёқлар беихтиёр автобус кетидан чопди. У ҳансираганча орқа эшикдан кўтарилди. Машина салонида беш-олтита йўловчи ўтирар, негадир уларнинг ҳаммаси Нозимжонга тикилиб, тургандай эди. У ўзини ноқулай сезиб, ўртароқдаги бўш жойга бориб ўтирди. Тез югурганидан ҳали ҳам юраги гурсиллаб уриб тургани учун икки марта чуқур-чуқур нафас олди. Автобус ойнасидаги ўзининг хира аксига тикилиб яна армон тўла хаёлларига берилди. Ишда узоқ қолиб кетганидан, бировларнинг ҳам ишини ўзи бажараётганидан оғриниб, оч қорнига тасалли бераётган бир пайтда “тап” этган товуш келди. Нозимжон беихтиёр овозга ўгирилди. Упа-эликка сахийлиги билиниб турган, тор ва калта қизил юбка кийган ранги зоҳил олифта қиз негадир унга аччиқ билан қараб турарди. Нозимжон бир зум ҳеч нарсани тушунмай дам қизга, дам қизнинг полга тушиб оғзи очилиб қолган сумкачасига қаради. Қиз Нозимжонни ҳайрон қолдириб, “Олиб бермайсизми?” деди жаҳл билан. Нозимжон беихтиёр сумкача томон энгашаётиб қизнинг гапириш оҳангидан энсаси қотди ва дабдурустдан, “Ўзингиз олинг!” деди-ю тескари қаради. Оқ юзлар бир зум қизарди. Юлинган ингичка қошлар алланечук чимирилди. Қип-қизил лаблар нимадир деб ғудранди. Қиз юзини буриштирганча калта ва тор юбканинг шарофатидан заҳматланиб, сумкачасига дўнқайди.

Нозимжон ўзининг қилмишидан энди ҳижолат бўла бошлаган эдики, “Олиб берсанг ўласанми, ўвв, сўтак!” деган овоз эшитилди... Муқаррар жанжални кўз олдига келтирган Нозимжоннинг миясига нина санчилгандай бўлди.

Автобуснинг ўнг биқинидаги жойда сочининг ўртасидан ёрма очиб, ингичка сариқ мўйловини пастки лабигача туширган, қора чарм курткали алп қомат йигит унга тикилиб турарди. Бор аламини ичига ютиб:

– Ўзингиз олиб бера қолинг бўлмаса, – деди-ю қўрқоқлик қилаётганини тушуниб қолди. Ичида аввал ўзини сўкди, кейин дабдурустдан деди: – Ўзингсан сўтак!

Йигитнинг олайган кўзлари бир зумда қаҳрли тус олди. Кўз очиб юмгунча, ўрнидан туриб, бир қўли билан Нозимжоннинг галстуги аралаш бўйнидан олди:

– Ўвв, тилингни узиб оламан, билдингми?! Қиз болага шунақа “обрашшасса” қиласанми, сўтак! Бўйинтуриғинг билан манави жойга осиб қўяймн ҳозир?! – деб автобуснинг тик турган йўловчилар ушлаб кетадиган тутқичига ишора қилди.

Нозимжон иккала қўли билан йигитнинг билагидан ушлаб, ўзини ажратмоқчи бўлар, ранги оқариб:

– Оғзингга қараб гапир.. Қўйвор деяпман, – дея уни беҳуда силкитмоққа уринарди. Автобусдаги йўловчилар ҳам анча жонланиб қолишди. Бири, “Ҳой, кап-катта йигитлар уялмайсизларми, қўйинглар-е”, деса, яна бири, “Муштлашсанглар, машинадан тушиб муштлашинглар”, дерди.

Ҳайдовчига яқинроқ жойда ўтирган сочини баланд турмаклаган аёл ўрнидан туриб, уларга яқинлашди. Курткали йигитнинг енгидан аста тортиб:

– Қани, ука, қўйиб юборинг-чи, – деди хотиржамлик билан.

Йигит аёлга бошдан-оёқ ўқрайиб қараб чиқди. Аёл эса бошини тасдиқ маъносида қимирлатиб, яна ўша босиқлик билан такрорлади:

– Қўйиб юборинг! Нега мошхўрдага қатиқ бўласиз… Олиб берадими, йўқми, бу ўзининг иши. Сиз нима қиласиз аралашиб?..

Аввалига йигитнинг авзойи ўзгарди. Лабларини ғалати қилиб қимтиди. Чамаси, ўзининг “авра-астарли” сўкишларидан бир-иккитасини тахламоқчи ҳам бўлди. Лекин унга тикилиб турган нигоҳларнинг ўта хотиржамлиги таъсир қилди шекилли, истамайгина қўлини бўшатди:

– Ҳов, опа, нега бу сўтакни тарапини оласиз? Ўлиб қоладими олиб берса?! Сиз ҳам онасиз, опа, тўғрими?! Қиз болага ҳам шунақа обрашшасса қиладими?! – деди ва зўр гап айтдимми, дегандай атрофдагиларга қараб қўйди.

Аёл бу сўзамол йигитнинг сўзларига муносиб жавоб тополмадими ёки унинг мутлақо қовушмаган гапларини яхши тушунолмадими, ҳар ҳолда унга бошқа гап қайтармади. Аёл бошини сарак-сарак қилганча, Нозимжоннинг ёнига ўтириб олди. Нозимжон титраётган қўллари билан ёқаларини тузатаркан, ёнида ўтирган ҳалоскорига миннатдор кўзлари билан қараб қўйди.

Ҳайдовчи ҳеч нарса бўлмагандай машинани елдириб борар, текин томоша кўриб бироз ҳордиқ чиқарган йўловчилар эса, унинг шошқалоқлигидан ичларида хурсанд бўлиб, бугун жуда файзсиз кўринаётган шаҳар кўчаларига бемаъно тикилиб ўтиришарди.

Автобус навбатдаги бекатга яқинлашганда жанжалнинг сабабчиси бўлган бояги қиз ўрнидан туриб, тушишга ҳозирланди. Чарм курткали йигит ҳам ўрнидан турди. Кейин бир ҳалиги аёлга, бир Нозимжонга тикилиб:

– "Элга хизмат – олий ҳиммат", билдингми?! – деди тўсатдан ва яна, "Қойил қилдимми?!" дегандай атрофга аланглади. Нозимжон, "Битта эл сенми?" деб жавобга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, автобус эшиклари "вишиллаб" очилди. Қиз автобусдан тушди. Йигит эса ўқрайганча – "Ҳе, сени ўша… сўтак!" деди-ю бекатга сакради. Машина бир тебраниб олдинга интилди...

Автобусдан тушган Нозимжон чекмоқчи бўлиб чўнтагини ковлади. Сигарети қолмагани ёдига тушиб сўкинди. Чуқур хўрсиниб, уйи томон юриб кетди.

Қалам сўзнинг соясини чизади.

Аскад МУХТОР

Адабий ҳаёт

* * *

1 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари халқимизни байрам билан табриклади.

* * *

4 сентябрь. Тошкент шаҳридаги Ойбек уй-музейида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романининг турк тилига ўгирилган нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

Россия Федерацияси Кемерово вилоятининг Мариинск шаҳрида ўзбек халқининг оташин шоири Усмон Носирга ҳайкал ўрнатилди ва ёдгорликнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

* * *

6 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаоллар залида уюшма қошидаги Тожик адабиёти кенгаши аъзолари иштирокида ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда бу йилги Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарида тожик тилида ижод қилувчи ёшлар ҳам иштирок этгани алоҳида эътироф этилди. Тожик тилли ёш ижодкорларнинг асарларини "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этиш, тожикзабон ёшлар ўртасида адабий танловлар ташкил этиш, ушбу тилда ёзувчи аъзолар сафини кенгайтириш, ўзбек адиблари асарларини тожик тилига таржима қилиш ва чоп этиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

* * *

9 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Хиёбон оқшомлари" лойиҳасининг янги босқичи – ёш ижодкорларнинг "Ижодий баҳс" мусобақаси бўлиб ўтди. Биринчи марта ташкил этилган ушбу танловда Фарғона ва Тошкент вилояти ижодкорлари иштирок этишди.

* * *

12 сентябрь. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, атоқли таржимон ва адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг "Адабиёт дунёси" деб номланган саккиз жилдли "Асарлар"и тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

13 сентябрь. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг "Боқий дарбадар" асари "Tilsim Nashr" томонидан қайта нашр қилинди.

* * *

14 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер таваллудининг 80 йиллигига бағишланган “Жоним каби севдим Ватанни!” номли маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

* * *

15 сентябрь. Тарихий ва фантастик асарлар устаси, уюшма аъзоси, ёзувчи Озод Мўъмин Хўжанинг “Ажал чақириғи” номли китоби нашрдан чиқди.

* * *

20 сентябрь. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-маърифий анжуман ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоирнинг “Танланган асарлар” китоби тақдимоти ўтказилди.

* * *

Турк тили жамияти (TDK) ва Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорликда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Шимолий Кипр Турк Республикасидан бир нафардан шоирга “шеърият” йўналишида халқаро мукофот берилди. Ўзбекистондан ушбу мукофотга Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг XX аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор Улуғбек Ҳамдам “Тилда, фикрда ва ишда бирлик учун Туркий дунё адабиёти (шеърият)” халқаро мукофотига лойиқ деб топилди.

* * *

22 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабиётшунос олим, таржимон Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг “Танланган асарлар”и, “Таржима санъати” мақолалар тўпламининг 7-китоби ҳамда “Ғайбуллоҳ ас-Салом замондошлар хотирасида” тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

25 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фольклоршунос олим Музайяна Алавиянинг “Танланган асарлар” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

27 сентябрь.Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жамоат арбоблари, таниқли ижодкорлар, санъаткорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА

НАЗМ

Йўлдош ЭШБЕК. Бу дунё – аслида йиғлаётган қиз. 4
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ. Ёлғизлик, мен сени севаман чоғи. 15
Акмал ИКРОМ. Қайтгим келмаётир кечаги кунга. 20
Сирожиддин РАУФ . Некбинлик мавжида тошар ҳисларим. 88
ФЕРУЗШОҲ . Алаҳ. *Достон.* 98

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Жўрабек РАМАЗОН. Мен учиб кетаман қушга айланиб. 153

НАСР

Шаҳодат УЛУҒ. *Икки ҳикоя*. Ҳар ким ҳаётини яшасин.....9
Буюк ёлғизлик. 11
Илҳом ҒАНИЕВ. Дарвеш. *Роман*. 23
Меҳринисо ҚУРБОНОВА. Бир кўрсайдим сенгинани. *Ҳикоя.* 112
Лобархон РУСТАМОВА. Жўнатилмаган мактуб.
Ҳикоя. 115
Нодирабегим ИБРОҲИМОВА. Чоршанба учун кўйлак.
Ҳикоя. 134

СУҲБАТ-ТАДҚИҚОТ

Абдумурод ТИЛАВОВ, Йўлдош ЭШБЕК.
Таржимадан мурод нима?.....102

САНЪАТШУНОСЛИК

Шерзод НАЗАРОВ . Эстетик тарбияда доира
санъатининг ўрни.....159

ЁШЛАР ИЖОДИ

Рухсора САПАРБОЕВА. Чарақларди осмон – заргилам.....124

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА. “Шеър келяпти пўшт-пўшт”
ёхуд Фарида Афрўз шеърияти ҳақида. 117

ТАДҚИҚОТ

Гулбаҳор АШУРОВА. Лирикада Навоий образи
тасвирлари 127
Марғуба АБДУЛЛАЕВА. “Аланқуво” ҳақидаги ҳикоятларнинг
қиёсий таҳлили 138
Сирдарёхон ЎТАНОВА. Алишер Навоий ва
Очилди Мурод Мирий. 147

ГУЛҚАЙЧИ

Муҳиддин МАДАМИНОВ. Рўйхатларда йўқ.
Ҳаётий ҳангомалар 165
Ҳалим КАРИМ. Юлдузлар чиқмаган кеча.
Ҳажвий ҳикоя. 168

BOLALAR DUNYOSI

Dilshod RAJAB. Ilmu hikmat sir shevadir. 161
Адабий ҳаёт. 174

Шарқ юлдузи
2023
9-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шохкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:
71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
03.10.2023
Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 6800 нусха.
Буюртма №11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси 35-уй
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Муҳаррир:
Дилфуза Маҳмудова
Мусаҳҳиҳ:
Моҳира Ҳусанова
Веб-сайт муҳаррири:
Дилноза Камол
Саҳифаловчи-дизайнер:
Аҳрор Маликов

Copyright © “Шарқ юлдузи”

ЁДНОМА
Наим КАРИМОВ.
Давлат ва маданият арбоби. 133
ТАЛҚИН
Шаръий ЖУЗЖОНИЙ.
“Икки дил достони” таржимаси. 142

7450

“HAKIMA NASHR GROUP” МЧЖ матбаа
корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, Ифтихор
кўчаси 117-уй 19-хонадон.
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.